

323

Х.Х.


Мадиёр Худойберганов

# ӘГІЛГАН ХАҚИҚАТ,

сұннадан  
үшін

МАДИЁР ХУДОЙБЕРГАНОВ

ЭГИЛГАН  
ХАҚИҚАТ,  
СҮНМАГАН  
УМИД



Faafur Fулом номидаги  
Адабиёт ва санъат нашриёти  
ТОШКЕНТ · 2000

**66.5(55У)**

**Худойберганов Мадиёр.**

Эгилган ҳақиқат, сўнмаган умид. Т.: Ф. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашр., 2000 - 184б.

Тарик фақат ҳаётдаги буюк ўзгаришлар, курашлар, янгиланишлар силсиласидангина иборат эмас. У миллионлаб инсонларнинг тақдири, орзу-умидлари, интишлари, тўйгулари ифодаси сифатида ҳам намоён бўлади. Шунинг учун ҳар бир инсон қисматини тарихнинг бир бўлаги деб қараш мумкин. Мадиёр Худойбергановнинг 75 йиллик ҳаёти ҳам юртимиз, ҳалқимиз тақдири билан чамбарчас боғланаб кетган. Унинг аввал нашр этилган "Синовларда кечган умр" китобида бу тарихнинг бир бўлаги билан танишган эдингиз. Қўлингиздаги китоб эса унинг тақдирининг, чигал қисматининг яна бир бўлаги. Унда 80-йилларда "пахта иши" "ўзбеклар иши" деб ном олган, қатагон туфайли муаллиф бошига тушган оғир кунлар, ҳалқимизнинг истиқололгача бўлган оғир ҳаёти ҳикоя қилинади.

**ББК 66.5 (5У)**

X 4702620201-90  
M 352(04) - 2000 қатъий буюртма 2000

**ISBN 5-635-01933-1**

## М У Қ А Д Д И М А

Ровийлар шундоқ ривоят қиласылар: мушруклардан бири Оллоҳнинг ягоналиги, куч-қудратига шак келтирди. "Оллоҳ ҳар нарсага қодир бўлса, қойил қолдирадиган мўъжизасини кўрсатсан", деди. Оллоҳ субҳонка таоло уни тубсиз деңгизнинг қаърига олиб тушди ва ҳаракатсиз ётган бир парча тошни олишни буюрди. Мушрук олди. Уни иккига ёриб кўришни буюрди. Ёрди. Қарасаки, бус-бутун тош орасида бир жонзот ҳаёт кечирмоқда. "Хўш, бунинг мўъжизаси қайда?", ишонқирамади худосиз мушрук. "Мана, шу жонзотни икки тош орасида мен яратдим ва шу ерда ҳам унинг ризқини етказиб бераяшман!" деди Оллоҳ.

Мушрук тавба қилди ва мусулмон бўлди...

Ҳаётимнинг аччиғига кўп ачинмадим, ширинига беҳад севинмадим. Борига шукур қилдим, йўғига қаноат. Шу ҳақ йўлни тутган, бу йўлда адашмаган бандасининг охирати ободлиги, уни Яратганинг ўзи паноҳида ҳар доим омон сақлашига ишонаман. Иймон келтираман.

Мусаффо болаликнинг шўх-шодон кунларида ёпирилиб келган очлик, муҳтоҷлик, қаҳатчилик, ёшлиқнинг сўнгсиз орзу-умидларидан баҳра олмасдан туриб даҳшатли урушнинг бошланиши, жанг майдонидаги азоб-уқубат, ногирон ҳолда издиҳомдан қайтгач оғир меҳнат, йўқдан бор қилиш, оила кўриш, фарзанд кўрган қувончли дамлар, ҳаётнинг лаззатли онлари, умрни эл-юрт хизматига багишлаб, хизмат пиллапояларидан аста-секин кўтарилиб, юқори мартаబаларга эришган ва турмушдан мамнун яшаган чоғлар, бутун онгли умримни халқ хизматига сарфлаб, ниҳоят, баҳтли кексалик гаштини суриш насиб этгасида бошшинга тушган кулфат, тұқмат ва балоларга гирифттор бўлиш, қора зулматдан сўнг ёруғ тонг балқиб, озодлик нафасидан севинганим, муборак Ҳаж зиёратига бориб, Пайғамбарымиз поин қадамлари теккан тупроқни тавоғ этганим, шукроналар келтирганим, неваралар даврасида умримни энди қайтадан бошлаганим - Яратганинг менинг пешонамга ёзган тақдирни, синовлари эди. Бу - менинг умрим. Оллоҳнинг менга кўрсатган меҳри, муруввати.

Нима дейин? Бу тақдирдан сўнг Оллоҳнинг қудратига, карамига, ҳар доим иймонли бандаларини ўз паноҳида сақлашига ишонмай бўладими!?

Саксонинчى йилларда лаънати бир ибора пайдо бўлди - "пахта иши". Аслида пахта-оқ ва покиза табиатнинг Оллоҳ томонидан бандаларига берилган инъоми-икки дунё хизматини адo этадиган улуғ

нельмат. Янги түғилган чақалоқни ҳам, ҳаётдан кўз юмган бандани ҳам пахта ва пахтадан тайёрланган матога ўрайдилар. Бизни инсон қиёфа қиласидиган, ҳайвондан фарқлаб турадиган мато ҳам шу нельматдан яралган кийим-кечак.

Табиатда пахтадан оқ нарсаинг ўзи йўқ. У - бетимсол. Шунинг учунки, у ҳиёнатни, алдовни кечирмайди. Қайсиdir нобакорнинг қалтис хунари ўлароқ қайсиdir вақтда муқаддас чизиқни ҳатлаб ўтиб, ҳиёнат рўй бергани ростдир. Бунга пахтанинг ҳақиқий эгаси, жонкуяри, энагаси бўлминш дэхқоннинг алоқаси йўқ. Бу ҳиёнатнинг бошлианишини узокдан - Москвадан излаш тўғрироқ бўлади. Манфур шўро тузумининг ноинсоний сиёсати тизгинларини узди, чегараларни бузди, оқ пахта юзига дод солди.

Издиҳомда қон тўқканни учун қилич айбдор эмас. Уни ушлаган, силаган қўл-буйруқчи айбдор. Буйруқчи адолатли бўлганида қилич рисқ-насиба яратмоғи, ион кесмоғи мумкин эди.

Лекин фалак терс айланди, буйруқчи эмас, ижрочи балога қолди. Шўро амалдорлари "пахта иши"ни кўз-кўз қилиб, унга миллий тўн кийғизишибди - "Ўзбеклар иши" дунёга келди. Бутун бир ҳалқ бошида қатагон бошлианди. Дунёнинг ярмини кийинтириб, тўйинтириб келган ҳалқ бир кунда "ўтири"га айланди, тұхматта учради, маломатта қолди.

Аввал-азалдан ризқини ўзи яратган, рўзгори, мамлакати учун барча нельматларни меъёрига қараб, истеъмолни ҳисоб-китоб қилиб, умргузаронлик қилиб келган боболаримизга нимани, қачон, қаерга қанча экишини буюрувчилар топилди. Оғзи ола элбошилар туфайли бошимизга қуллик тушгач, Чор қўшинлари юртимизни ишғол қилгач, шу кулфатлар ёғилиб келди.

...Чор ҳукуматининг Туркистонни босиб олишидан мақсад бойликларни талаш эди. У ўз ниятига етди. Заминимиздаги кўплаб бойликлар талаб кетилди. Шу билан бирга еримизда бойлик келтирувчи экинларни кўпроқ экиш, ҳалқимизни қул қилиб ишлатиш ва олинадиган бойликлардан ўз эҳтиёжини қондириш эди. Қимматбахо хом-ашё бўлган пахтани кўпайтириш, пахтачиликни кучайтириш ўша йиллардан мерос бўлиб ўтди. Мустамлакачилар бу билан икки мақсадга эришганди: арzon хом-ашёга эга бўлганди ва ҳалқни қуллика асрарнинг воситаси топилганди. Ўзбек дэхқонларининг ерлари тортиб олиниб, улар кўпроқ унумсиз ерларга ҳайдалиши, натижада ҳалқ кўзғолонларининг келиб чиқиши шундан далолат эди.

...Шўро давлати дунёга қорни очлар, нафс бандалари мамлакат тепасига келганлигини яна бир бор исботлади. Туркистонда Чор ҳукуматидан қолган бойликларни улар аёвсиз таладилар. Сталин Ўзбекистонни Шўролар давлатининг "пахта база" сига айлантириш ҳаракатини бошлиди. У гўё пахтани, пахтакорни улуғлагандай кўринса

ҳам, яслида мақсади бўлак эди. Ҳалқни қуллик асоратида туғиб туриш эди. Шу мақсад йўлида Усмон Юсуповни мақтаб, елкасига қоқишидан ҳам тоймади. Никита Хрушчевнинг эса пахтакор билан иши бўлмади. Бошқа соҳаларда бўлгани каби пахтачиликда ҳам Американи қувиб ўтиш режасини қўйди. Шу режа учун ишлади. Ҳаммаёқ пахтазорга айлантирилди. Боглар йиқитилиб, пахтазорлар барпо этилди. Ҳамма пахтакор бўлди. Бу билан ҳам қаноатланмай, пахта ўрнига кимёвий тола ишлаб чиқариш масаласини кун тартибиغا қўйди. Ҳаёт эса унинг барча режаларини рад қўлди.

Брежнев Хрушчевдан айёр чиқди. У ўзбекнинг елкасига қоқди, пахта ҳақида "оқ олтин", "оқ олтинни олтин қўллар яратади" дебаландпарвоз сўзлар айтиб ҳалқни алдади. Миллион-миллионлаб тонна пахта сув текин Россияга олиб кетилди. Ҳалқимиз меҳнатдан бошқа нарсани кўрмади. Миллионлаб тонна пахта топшириб ҳам кафандик бўзга зор бўлди. Республика пахта қулига айланди, табиат ифлосланди. Орол денгизи қурди.

Андропов, Горбачев даврига келиб қадди букилган пахтакор ўргига чиқарилди. Асл деҳқонлар қамоқларга ташланди, юрт таланди. "Ўзбек иши" деган сохта атама пайдо бўлди. Пахтакор қўлга айлангани етмагандай ҳақоратланди. Лекин Ўзбекистон пахтаси бир граммигача марказга ташиб кетилди. 22 мингдан ортиқ пахтакор қамоқ азобларини тортди, юзлаб одамлар қамоқ даҳшатлари туфайли вафот этди.

Бугун истиқбол замонасига етиб, муборак кунларда яшаб, бор ҳақиқатни англаб етаяпмиз. Ислом Каримовнинг доно сиёсати туфайли ўзбек пахтаси - ҳалқнинг ёруғ юзига, дадил сўзига, ор-номусига айланди.

Шўро тузуми кўпчиликни худбин кимсаларга айлантирди. Ватан, юрт тушунчалари қадрини йўқотди. Қандай яшашимиз эмас, қандай қилиб яшашимиз мақсадга айланди. Жаҳондан панжаралар билан ўралган, тўсиқлар билан ажратилган қадим турғонимиз кимларинингдири манфаатлари майдони вазифасини ўтади.

Инсон ношукур бўлмаслиги, яхши умид билан яшамоги керак. Ҳар қандай қийинчиликлар ортидан роҳатбахш кунлар келишини тиламоги, дунё тарисхи тадрижийлиги, сабр-тоқатли бандаларни Оллоҳ охир-оқибатда алқашини англамоги лозим. Йёкин бўлганни инсон мўмин-қобил қулга айланшиб қолиши керак деган сўз эмас. У яратувчи ҳам бўлмоғи керак.

Мен кекса одамман. Ёруғ оламда Оллоҳнинг карами ила етмиш беш йилки яшаяпман. Бу бошим неларни кўрмади? Менинг умрим Шўро тузумининг парвози ва ҳалокатига уйқаш. Умри тирноққа зор бўлиб, Султон Увайс бободан сўраб олгани - мен ёруғ оламга келишим билан вафот топган онаизорим дийдорини кўриш насиб қўлмади. Кўзи ожиз кампир менинг борлиғимга айланди. Шўро тузуми, "колхоз тузумининг

"галабаси" деб дунёга жар солаётган кезларда, 1932 йилда отам бир бурда нонга зор, очликдан раҳматли бўлди. Унинг кунжара ейишидан шишиб кетган гавдаси ҳамон кўз ўнгимда. Ҳали суяги қотмаган болакай далага чиқиб ишладим, вақт топиб ўқидим, ҳарф танидим. Ўзимнинг тақдиримни ўзим яратдим.

Оддий қашлоқ ўқитувчисининг урушолди, уруш ва урушдан сўнтийиллардаги мashaққатли ҳаёти, ўсиб-улғайиши, ишбилармоналиги, одамлар қалбига йўл топа олиши, муомала маданияти, инсоний фазилатлари туфайли ўн беш йил ичida бутун бир вилоят миқёсидағи улкан вазифаларга лойик кўрилиши, бутун умрини эл-юрт равнақи йўлигг бахш этишининг тафсилотларини "Синовларда кечган умр" хотира китобимда имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдим. Китобдан хабардор ўқувчи месинг кимлигимни бир қадар билган бўлса керак.

Аммо бугунги мактаб паргасида ўқиётган ёки кечагина ҳаётта йўл олган ёшлар учун эса бизнинг давримиз, ҳаётимиз мавҳум. Улар фақат бугунги куни, эрганти умидлари билан яшаяптилар. Кечаги кун одамлари кимлар, орзу-умидлари нима эди, ташвишлари ишмадан иборат бўлган - уларга қоронги.

Ўтмишни унугишга ҳаққимиз йўқ. Гарчи, у бошқа бир тузум, бошқа бир мағкура исказнажасида кечган бўлсада.

Яна қўлимга қалам олдим. Истиқлол менга қувват берди, хотираларимни хаёлимда жонлантирди, эсдаликларимининг давоми-иккингич қисми-энг манфур, азобли даврини қораламоққа жазм қилдим.

Мақсадим нима? Мақсадим: Шўро тузуми нега ҳалокатга юз тутди? Юртимизга гдлянчилар қиёфасида келган манфур кимсаларнинг қора ниятлари нималардан иборат эди? Ўзбекнинг бошига қамоқ, қийниалишлар, жаҳаннам азоблари яна нимага тушди? Улар ўша даҳшатли кунларда нималарни ўйладилар?.. Нималарга ишониши?.. ...Ўзларини қандай тутиши?.. Синовларда ким ким эди? Ана шулар ҳақда сўзламоқ, ҳақни айтмоқ!

Ёшларни қуллик даври кирдикорларида огоҳ этмоқ!

Қамоқда доимий тарзда кундаликлар юргиздим. Уларда имкон қадар ҳақиқатни айтишга ўзимда куч-қудрат топдим. Гарчи, кузатувчиларнинг ўтқир нигоҳлари ҳар доим таъқиб қиласа ҳам уни доимо ёзиб бордим.

Энди фурсати етиб, ана шу кунларда бошимдан ўтганларини ҳикоя қилиш, кундаликларимдаги ёзувлардан сизларни баҳраманд этиш ниятидаман.

Мен ёзувчи эмасман. Ўзимни оқлаш, фаришта қиёфасида кўрсатиш ниятим ҳам йўқ. Бандасининг бу ёғончи дунёдаги барча яхшилик ва ёмошликларига якупий ҳукмни Яратганинг ўзи чиқаради. Мен барчасини худога солган одамман.

"Кундалик"ларим аслида фарзандларимга - оғир күнларда менга тиргак бўлган, яшашга ундан ўғил-қизларим учун битган хотираларимдир. Улар буларни ўқиб, ўзлари бир фикрга келишар, оталари кимлигини англашар деган умид билан ёзган эдим. Шу боиским, кундаликларимда шахсий ҳаётимга тегишли ўринлар ҳам бор. Ўқувчим мени тушунар.

...Одам бўлган билан инсон бўлиш қийин. Фойда билан зарарни, гуноҳ билан савобни тарозига солганданда ҳам холоса чиқариш қийин, мушкул иш. Айниқса, баъзи қонупни ҳимоя қилувчилар инсон ҳуқуқларини унтутиб қўйсалар.

Тонг отади, кун ботади, умр ўтади.

Вақтни тутиб ҳам, тўхтатиб ҳам, бошқариб ҳам бўлмайди.

Ёшликда тошқин кўнгил сал нарсага ҳапқириб, қувониншвинг чегараси бўлмайди. Кексайгаңда эса қайгу, гам, армон кўпаяди, одам сал нарсага ранжийдиган, инжик ва ожиз бўлниб қолади.

"Сувга солсанг, сув кўтармас мисқол темирни, Олтин билан олиб бўлмас қолган кўнгилни!", деган матал бор. Машойинхларнинг бу сўзи кишини бироннинг диалини оғритмасликка, хафа қилмасликка ўргатади. Илм ўрганишга, одоб ўрганишга чақиради. Илмиппиг эса чегараси йўқ.

Инсон умри эса чегараланган.

Ҳаётда кўп нарсаларни бошдан кечириш, кўриш мумкин. Уларнинг кўпчилиги, ҳатто энг қувонган күнларнинг ҳам вақт тўфонларида унут бўлиши мумкин. Аммо бошдан кечирган азоблар унут бўлмайди.

Виждоним олдида қийналадиган иш қилганим йўқ. Оллоҳининг омонатидан бошқа ҳеч бир бандасидан қарзим йўқ.

Виждон азобидан худонинг ўзи сақласин! Одам учун ундан оғир жазо бўлмайди. Жаҳлим чиққанида ҳам биронгэ (гуноҳи бўлмаса) озор берган эмасман. Қўйимдан келгунича одамларга яхшилик қилдим.

"Олдинга қўйганини эмоқ ҳайвонининг иши, оғзига келганини демоқ нодоннинг иши", деган мақолни яхши кўраман. Узоқ йиллик раҳбарлик давримда, ҳатто бошимизда қилич ўйнаб турганида ҳам қўл остимдагиларга ҳақорат сўзлари айтишдан, уларнинг шахсига тегишидан ўзимни тийдим. Бирор ёмон айб қилиб ўйтан раҳбар ходим билан яккама-якка қолиб, ўйтан масалани мұхокама қилиб, нинг айборлнигига ишонган пайтимда ҳам сұхбатдошимга айтган энг ёмон сўзим "нотўри қилибсиз"дан нарига ўтмасди...

Манфур тузум бизни қул ўрнида кўрди, қул ўрнида ишлатди. Диннимиз ва тилемизни камситди, таҳқирлади. Тарихимизни, маданий меросимизни, аждодларимиз айъаналарини оёқ ости қилди. Бу тузум миллатининг илғор, онгли, жасур кишиларини турли йўллар билан маҳв этди, қамоқларда чиритди, ўққа дучор қилди. Мехнаткаш эл камситилди.

"галабаси" деб дунёга жар солаётган кезларда, 1932 йилда отам бир бурда нонга зор, очликдан раҳматли бўлди. Унинг кунжара ейишидан шишиб кетган гавдаси ҳамон кўз ўнгимда. Ҳали суяги қотмаган болакай далага чиқиб ишладим, вақт топиб ўқидим, ҳарф танидим. Ўзимнинг тақдиримни ўзим яратдим.

Оддий қашлоқ ўқитувчисининг урушолди, уруш ва урушдан сўнтий ийлардаги мashaққатли ҳаёти, ўсиб-улғайиши, ишбилармонлиги, одамлар қалбига йўл топа олиши, муомала маданияти, инсоний фазилатлари туфайли ўн беш йил ичida бутун бир вилоят миқёсидаги улкан вазифаларга лойиқ кўрилиши, бутун умрини эл-юрт равнақи йўлигг бахш этишининг тафсилотларини "Синовларда кечган умр" хотира китобимда имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдим. Китобдан хабардор ўқувчи менинг кимлигимни бир қадар билган бўлса керак.

Аммо бугунги мактаб партасида ўқиётган ёки кечагина ҳаётта йўл олган ёшлар учун эса бизнинг давримиз, ҳаётимиз мавҳум. Улар фақат бугунги куни, эртаги умидлари билан яшаяптилар. Кечаги кун одамлари кимлар, орзу-умидлари нима эди, ташвишлари нимадан иборат бўлган - уларга қоронги.

Ўтмишни унугишга ҳаққимиз йўқ. Гарчи, у бошқа бир тузум, бошқа бир мафкура исканжасида кечган бўлсада.

Яна қўлимга қалам олдим. Истиқлол менга қувват берди, хотираларимни хәёлимда жонлантирди, эсдаликларимининг давоми-иккингчи қисми-энг манфур, азобли даврини қораламоққа жазм қилдим.

Мақсадим нима? Мақсадим: Шўро тузуми нега ҳалокатга юз тутди? Юртимизга гдлянчишлар қиёфасида келган манфур кимсаларнинг қора ниятлари нималардан иборат эди? Ўзбекнинг бошига қамоқ, қийиналишлар, жаҳанинам азоблари яна нимага тушди? Улар ўша даҳнатли кунларда нималарни ўйладилар?.. Нималарга ишониши?.. ...Ўзларини қандай тутиши?.. Синовларда ким ким эди? Ана шулар ҳақда сўзламоқ, ҳақни айтмоқ!

Ёшларни қуллик даври кирдикорларида огоҳ этмоқ!

Қамоқда доимий тарзда кундаликлар юргиздим. Уларда имкон қадар ҳақиқатни айтишга ўзимда куч-қудрат топдим. Гарчи, кузатувчиларнинг ўткир нигоҳлари ҳар доим таъқиб қиласа ҳам уни доимо ёзиб бордим.

Энди фурсати етиб, ана шу кунларда бошимдан ўтганларини ҳикоя қилиш, кундаликларимдаги ёзувлардан сизларни баҳраманд этиш ниятидаман.

Мен ёзувчи эмасман. Ўзимни оқлаш, фаришта қиёфасида кўрсатиш ниятим ҳам йўқ. Бандасининг бу ёлғончи дунёдаги барча яхшилик ва ёмошликларига якуний хукмни Яратганинг ўзи чиқаради. Мен барчасини худога солган одамман.

"Кундалик"ларим аслида фарзандларимта - оғир күнларда менга тиргак бўлган, яшашга ундан ўғил-қизларим учун битган хотираларимдир. Улар буларни ўқиб, ўзлари бир фикрга келишар, оталари кимлигини англашар деган умид билан ёзган эдим. Шу боиским, кундаликларимда шахсий ҳайтияни ўринлар ҳам бор. Ўқувчим мени тушунар.

...Одам бўлган билан инсон бўлиш қийин. Фойда билан зарарни, гуноҳ билан савобни тарозига солганданда ҳам холоса чиқариш қийин, мушкул иш. Айниқса, баъзи қонунни ҳимоя қилувчилар инсон ҳуқуқларини унуттиб қўйсалар.

Тонг отади, кун ботади, умр ўтади.

Вақтни тутиб ҳам, тўхтатиб ҳам, бошқариб ҳам бўлмайди.

Ёшлиқда тошқин кўнгил сал нарсага ҳапқириб, қувонининг чегараси бўлмайди. Кексайгаца эса қайгу, гам, армон кўпаяди, одам сал нарсага ранжийдиган, инжик ва ожиз бўлиб қолади.

"Сувга солсанг, сув кўтармас мисқол темирни, Олтин билан олиб бўлмас қолган кўнгилни!", деган матал бор. Машоийхларининг бу сўзи кишини бирорнинг дилини оғритмасликка, хафа қилмасликка ўргатади. Илм ўрганишга, одоб ўрганишга чақиради. Илмнинг эса чегараси йўқ.

Инсон умри эса чегараланган.

Ҳаётда кўп нарсаларни бошдан кечириш, кўриш мумкин. Уларнинг кўпчилиги, ҳатто энг қувонган кунларининг ҳам вақт тўфонларида унут бўлиши мумкин. Аммо бошдан кечирган азоблар унут бўлмайди.

Виждоним олдида қийналадиган иш қилганим йўқ. Оллоҳнинг омонатидан бошқа ҳеч бир бандасидан қарзим йўқ.

Виждон азобидан худонинг ўзи сақласин! Одам учун ундан оғир жазо бўлмайди. Жаҳлим чиққанида ҳам бирорнга (гуноҳи бўлмаса) озор берган эмасман. Қўлимдан келгунича одамларга яхшилик қўлдим.

"Олдига қўйганини емоқ ҳайвонининг иши, оғзига келганини демоқ нодоннинг иши", деган мақолни яхши кўраман. Узоқ йиллик раҳбарлик давримда, ҳатто бошимизда қилич ўйнаб турганида ҳам қўл остиндагиларга ҳақорат сўзлари айтишдан, уларнинг шахсига тегишдан ўзимни тийдим. Бирор ёмон айб қилиб ўйтган раҳбар ходим билан яккана-якка қолиб, ўтган масалани муҳокама қилиб, нинг айборлигига ишонган пайтимда ҳам сұхбатдошимга айтган энг ёмон сўзим "нотўғри қилибсиз"дан нарга ўтмасди...

Манфур тузум бизни қул ўрнида кўрди, қул ўрнида ишлатди. Динимиз ва тилимизни камситди, таҳқирлади. Тарихимизни, маданий меросимизни, ажодларимиз ағъланаларини оёқ ости қилди. Бу тузум миллатнинг илфор, оғли, жасур кишиларини турли йўллар билан маҳв этди, қамоқларда чиритди, ўққа дучор қилди. Меҳнаткаш эл камситилди.

Мен яшаган давр шундай эди.

Нима дейман? Аслида тенгдошларим каби менинг тақдиримга ҳам шундай давр түшди. Ўз даврингдан қочиб қайга ҳам борасан?

Мен мусулмонман. Оллоҳдан ўзга меҳрибон зот йўқлигига, у бизни яратувчи, ризқимизни берувчи ва ўз ҳузурига чорловчи меҳрибон паноҳлигига иймон келтираман.

Шайтон кимни йўлдан оздирса, Оллоҳ унга икки дунёда ҳам мадад бермагай. Лекин яхшиларни Яратган бало-офатлардан асрагай!

Аммо Оллоҳ таоло ҳам сақланган бандасини сақлашини машойихлар айтиб кетишган. Одам ўзини-ўзи сақлай олмайдиган дақиқалар ҳам бўлади. Хом сут эмган банда-да!

Ёдимга тушди: йирик хўжалик директори Н.Ким айганди: "Хато қилишга ҳеч хаққим йўқ! Чунки бу хатони тузатиш учун менда вақт қолмади!" Бу гапларни у 1984 йилда ўзининг 80 йиллик юбилейида айтганди...

Бу сўзларда катта маъно бор. Мен умримнинг асосий қисмини яшаган одамман. Энди хато айтишга ҳаққим йўқ, хато сўзлашта рағбатим ҳам йўқ. Чунки у ёқда ҳар бир ишимиш, сўзимизни баҳоловчи мезон - охират кутиб турибди.

Шундан, умримнинг темир\_қафасларда ўтган 1640 куни ҳақда ҳақ сўзларни айтмоққа, ёзмоққа жазм қилдим.

Унда бир жумлани ҳам ёлғон айтиш - Яратган эгам қаршисида жазога муҳтасиб бўлмоқ эканлигини биламан.

Бу битикларимни ўқиб, қандай хуоса чиқариш ўзингизга ҳавола. Бирордан илтифот, бирордан мурувват, бирордан мадҳия, бирордан раҳмат қутмайман. Бу босқичлар менинг учун босиб ўтилган йўл. Барчасини бошямдан кечирдим.

Мен учун Оллоҳдан бошқа қозининг ўзи йўқ.

## І Б О Б. ЖАҲАННАМ АЗОБЛАРИ

...Ниҳоят, озодлик шамоллари эсди. Юрт эркин нафас ола бошлади. Тұхматларга учраб, түрт ярим йил қамоқларда торған азобларим кечаги күн бўлиб оиласамга қайтдим. Оллоҳнинг инояти ила муқаддас Ҳаж зиёратига бориб келдим. Энди яшашдан қизиқ қолмагандек эди. Давримиз ўтган, бошқача ҳаёт, фикрлар, қараашлар майдонга чиққанди. Хўш, қолган умримни (Оллоҳ қангича берган бўлса!) бекорчиликда ўтказаманми, фақат кечаги кунини хотирлаб, бугунга шукронга айтиб яшайманми? Биздан нима қолди? Нима қолади? Бу саволлар кўп қийнади. Ниҳоят, эсдаликларим билан ўртоқлашмоқни ният қилдим. Китоб битдим. Етмиш йиллик ҳаётим ҳақидаги хотираларни қоғозга тушириш ва уни китоб ҳолида чоп қилмоқ учун кўп вақтим кетди.

1996 йилнинг ёз ойларида мазам қочиб, анча фурсат юролмасдан даволанишимга тўғри келди. Эски дардлар қўзиб 1997 йилнинг ёзида анча вақтимни касалхоналарда ўтказдим. Худога минг қатла шукурким, яна оёққа турдим ва кўпдан орзу бўлган эсдаликларимга тартиб бермоққа киришдим.

Ҳаёт - бу кўз ёш ва муҳаббат дейдилар. Ҳаётда кўп нарсалар бир-бирига қарама-қарши келади. Қайта-қайта тақрорланади ҳам. Ана шу ҳодисаларда ўзаро боғланиш бор.

Менинг фикрларим ҳар хил бўлгани билан - охир-оқибатда бир мақсадга - ҳақиқатни тошиш, ноҳақликка қарши курашишга қаратилган.

Баъзан кўп тақрорлашлар учрайди. Ҳофиз яхши кўрган қўшиғини бир умр куйлагани каби. Хўш, нега менинг хаёлимда, онгимда ўрнашган фикр ва тушунчалар қайта-қайта тақрорланаслиги керак? Ҳаёт ахир инсон учун бошдан-оёқ синов имтиҳонлар майдони эмасми?

1996 йил буюк саркарда Амир Темур йили деб зълон қилинди. 1997 йилда эса иккى қадимий шаҳар - Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллик тўйлари кенг нишонланди. Ана шу тадбирлар халқимизнинг ўз ўтмишини ўрганишга чексиз иштиёқни намоён этди. Ҳақиқатлар юзага чиқди, тарих ўз ўрнига туши.

Амир Темурнинг "Тузуклар" асарида шундай фикрлар бор: "Билган ва таниған одамларингни унутма", "Бир кунлик адолат юз куалик ибодатдан афзалроқ", "Бошингта кулфат тушганды ҳам росттўй бўл", "Бўлиб ўтган ишга азият чекма, ҳосил бўлган ютуқдан шодланма",

"Душманингта ҳам жабр-зулм қилма", "Жоҳил раҳбаринг бўлгандан кўра, раҳбарсиз ўтган яхши", "Кўп нарсани билиб турсанг ҳам, ўзингни билмаганга сол", "Яхшини ёмон кунда имтиҳон қил" ...

Булар ҳаёт китобларининг асл сабоқлари эмасми? Ҳаётнинг, илм ўрганишнинг, ҳақиқий инсон бўлиб яшашнинг намунаси эмасми булар?! Бизнинг давримиз эса... Дўстлик, бирлик, инсонийлик, мамлакатнинг бекиёс куч-қудрати ҳақида оғиз кўпиртирган Шўро тузуми раҳбарларининг юқори минбарлардан айтган сўзларини эсга олайлик: "Бизлар нимани истаймиз?.." Улар ўзларига шундай савол беришади ва шу ондаёқ жавобни ҳам ўзлари айтишади: "Тўғриси, ўзимиз ҳам билмаймиз..."

Хуросасини ўзингиз чиқараверинг.

Ўрга асрнинг улуғ саркардаси Амир Темур қаердаю XX асрнинг "Шўро доҳийлари" қаерда? Беш асрда рўй берган "ўсиш", "инқилоб"ми бу! Ё, алҳазар!

Социалистик тузумнинг ашаддий душмани ҳисобланган, асримизнинг таниқли сиймоларидан бири Уинстон Черчил ҳақида биз фақат ёмон фикрда эдик. Шундай ўргатиб келишди. Салкам бир аср яшаган, кўп савдоларни бошидан кечирган, жаҳон тарихида из қолдирган Черчилнинг аслиқ касби ёзувчи эканини ҳам билмасдик. Ёзувчилик фаолияти учун фахрли Нобел мукофоти билан тақдирланган сиёсатчи-адибнинг ўз қарашлари бор экан. Эндиғина огоҳ бўляяпмиз. У айтади: "Агарда ҳозиргилар ўтмишни суд қилишса, улар келажагини ҳам йўқотадилар!". Ақдли гап! Бу янгилик эмас, мусулмончиликдаги "Ўликларни ёмонламанг, улар Оллоҳ ҳузурига кетишган", деган сўзга яқин.

"Социализмнинг душмани" яна фикрлайди: "Капитализм - бойликларни тақсимлашда нотенгликдир, социализм эса ғарибликни тақсимлашда тенгликдир!"

Яна гаройиб фикр: "Фашизм - коммунизмнинг телба боласидир!" Бу "тенглик тузуми"ни ташқаридан билган, ўқиган кишининг фикрлари. У бу тузумда яшамади, унинг ўсиш ва ҳалокатини кўрмади, азобларини бошидан кечирмади. Лекин ҳаққоний баҳони ўз вақтида берди...

Ана шу тузум давридаги кечган узоқ умримдан хотира бўлмиш ёдимдан кўтарилмайдиган кунлар бор: 1941 йил 22 июнь - уруш бошлиган сана; 1943 йилнинг 25 майи - урушга чақирилган куним; 1945 йил 9 май - Фалаба куни; 1968 йилнинг 10 февраля вилоятта раҳбар бўлган куним ва ниҳоят, 1986 йилнинг 25 августи - ҳибсга олинишим...

...Ўша куни эрталаб саккиз яримларда ўриминг келган обқўмнинг биринчи котиби қўнғироқ қилиб қолди. Гап орасида вилоят миқёсидаги бир масалада маслаҳатлашмоқчи эканлигини айтди ва обқўмга таклиф қилди. Ҳални ионушта қилмаганман. Кийиниб ташқарига чиқсан,

номаълум кишилар машинада кутиб туришган экан, дарҳол қўлимга кишан солишиди ва қамоққа олинганинни айтаб, зудлик билан вилоят прокуратурасига олиб кетишиди. Иванов ўша ерда тергов қалишга киришиди. Сал ўтмай хонага Гдлян ва республика Бош прокурори Бутурлин кириб келишиди ва улар вилоят ижроқўмининг мени вилоят халқ депутатлигидан чақириб олиш тўгрисидаги қарори ва республика Бош прокурорининг қамоққа олиш борасидаги санкциясини кўрсатишиди. Кейинчалик терговчилардан билдимки, ҳали мен бу ерда сўроқ берастган пайтимда уйимга бир неча киши кириб, кўркувдан ўзини йўқотиб қўйган аёлимнинг кўз ўнгига ҳамма нарсани улоқтириб, тинтуб бошлаган эканлар...

Соат 12.30 ларда Т.Гдлян ва Н.Иванов мени самолётда Тошкентта олиб келишиди. Шу куни чарчоқдан йиқилиб қолгунимча мени роза эзмалаб тергов қилишиди. Асосан уч киши - Г.Каракозов, Т.Гдлян ва Н.Иванов сўроқ қилишиди. Сўроқ қўрқитиш, асабга тегиш, ҳақоратлашлардан иборат эди. У узоқ ва асабий давом этди. "Ҳеч нимани тушунмаяпман? Менинг айбим нима?", деб сўраганимда: "Тезда билиб оласан", дейишиди, холос.

Ёлғиз ўзим, улар учови. Ўлгудай чарчаганиман. Ҳатто берилаётган саволлар мазмунига тушунмай қолдим. Ниҳоят, ўзлари ҳам чарчаб, гўёки менинг "илтимосим"га кўра, терговни эртангти кунга қолдирив, мени маҳбусхона ертўласига жўнатишиди. Хонада кавказ қиёфали бир маҳбус ётган экан. У салом-аликдан сўнг Ш.Рашидов билан менинг муносабатим ҳақида қизиқиб қолди ... Билдимки, бу маҳбус эмас, балки терговчиларнинг айгоқчиси. У ёнидаги чой, колбаса ва ширинлик билан меҳмон қўлмоқчи бўлди. Илтифотини рад этдим. Гарчи, эрталабдан бўён ҳеч нима тотмаган, қорним очлигидан юрагим бехузур бўлиб кетаётган бўлса -да...

Туни билан ухламасдан чиқдим. Ҳаётим бир кунда айқаш-уйқаш бўлиб кетганди. Умуман, сўнгти пайтда республикада гдлянчиларнинг қилаётган "кашфиёт"ларидан хабардор эдим. Бошим узра қора булутлар пайдо бўлаётганини сал олдинроқ пайқагандай бўлгандим. Сўнгти пайтда мени кузата бошлагандилар. Яқин танишларим камнамо бўлиб қолишига, ҳатто кунора қўнғироқ қилиб, хол-аҳвол сўраб турадиган айрим "дўстларим" ҳам кейинги пайтда жим бўлиб кетишиганди...

1986 йилнинг 26 августи. Сўроқ давом этди. Яна ўша терговчилар. Тағин таниш саволлар: "Телефон орқали сенинг ишхонаигдан Москвага ким қўнғироқ қилди?" "Юз минг сўм пул солинган дипломатни Москвада кимга бердинг?" Кейинчалик авгладимки, бу саволлар СССР Ички ишлар министри ўринбосари, генерал-полковник Ю.Чурбановни (Л.Брежневнинг кўёви) қамоққа олиш учун маълумот тўплаш экан. Бу пайтда СССР Ички ишлар министри Шелеков, Чурбановгача унга биринчи ўринбосар бўлган Папутин ва ДХКлииғ

**бириңчи ўринбосари /Андроповнинг мувини ва шогирди/ Цвигун ўз жонларига қасд қилишга ултуришганди...**

Бу Москвадаги воқеалар. Тошкентда эса министр Эргашев ва унинг ўринбосари Давидов ҳам ўз тақдирларини пешонасига тўппонча тираб, тепкини босиш билан ҳал қилишганди...

Эндиликда уларга Чурбановни ҳибсга олиш учун майда бўлса-да, бирон манба керак бўлиб қолганди...

27 август. Эрталаб олтиларда қўлимга кишан солишиди ва аэропортга олиб боришиди. "Тошкент-Москва" йўналишидаги рейсда Москвага олиб кетишиди. "Матросская тишина" кўчасидаги 18 "А" ўйда жойлашган СИЗОга олиб боришиди. Кишандан халос этиб, бир кишилил камерага тиқишиди. Камера узунилиги икки, эни бир метрлик зиндан. Ҳамма "қулайликлари" ичиди. Изоляторнинг иккинчи қаватида жойлашган бу қафасда ёлғиз қолиш ва тунаш нақадар қўрқинчли.

28 август. Умумий камерага ўтқазишди. Учинчи қаватдаги хонада уч маҳбус бор экан. Володя, Ботир, Лен (осетин, ўзбек, рус). Хона тўрт кишилил. Ҳамхоналар билан танишдим, аҳволим ҳаддан ташқари ачинарли. (Айтиб ўтишими керак, айнан шу қамоқхонада турли вақтларда республикамиз раҳбарлари - И.Усмонхўжаев, Н.Худойбердиев, Т.Осетров, В.Орлов, Т.Умаров, О.Салимов, Р.Абдуллаева, Айтмуротов, обқўмларининг котиблари - М.Мусахонов, Қ.Камолов, Б.Раҳимов, А.Каримов, В.Есин, А.Каримов, Турапов, Ражабов, Жабборов,райком секретарлари ва бир қанча министрлар, мувинлари, генераллар ўтиришган. Қамоқхона бошлиги Пухарев бир марта бундай деб алжиганди: "Ушбу қамоқхонада Ўзбекистоннинг бутун бошли ҳукумати қўл остимда бўлди..." Яна ахборот учун: 1991 йили давлат тўнтарилишидан сўнг айнан шу СИЗОда - бизлар ўтирган камераларда СССР ДХК босилиги Н.Крючков, Олий Совет раиси А.Лукъянов, Министрлар Совети раиси Н.Павлов ва Мудофаа министри маршал Д.Язов ҳам ўтиришган...)

Уч кунки туз тотмадим, ётиб ухладим. Янги хона, ҳамхоналарга ўрганмасдан туриб, тезкор сўроққа чақиришибди.

Гдлян ва Иванов қаҳрли сўроққа киришишибди. Қандайдир янги ҳужжат, ариза ва протоколларга имзо қўйдим. Тўғриси, имзо қўйдиришибди. Бош прокурор А.Рекунков номига айтиб туриб, бир неча ариза ёздиришибди. Ўлгудай чарчаганман, шу учун нима ёзаётганим, қилаётганимни билмайман. Қандайдир мавҳум, гаранг ҳолга тушиб қолганиман. Чунки уларнинг айтишича, менинг куним тугаган, оила аъзоларим қамоқда.

29 август - Гдлян ва Иванов...

30 август - Гдлян ва Иванов...

31 август - Гдлян ва Иванов...

1 сентябр - Гдлян ва Иванов

**2 сентябр - .... ҳеч нарсаны англамай қолдим. Наҳотки, ақтимни йүқоттан бўлсам?! Нималар бўляпти ўзи?**

З сентябр. Гдлян ва Иванов айбномани айтишди: пора олган ва пора берган эмишман. Мендан олтин топиб беришимни сўраши ... "Қаердан топаман?", дедим ... "Бу сенинг ишинг", дейиши.

**4 сентябр. Яна ўша савол: "Олтин топиб бер!"**

**"Қаердан оламан?"**

**"Вилоятда кимларда борлигини айт!"**

**"Кимда нима борлигини мен қайдан билай?"**

**"Айтганимизни бермасанг ва бажармасанг, қоқ пешонангга ўқ оласан..."**

Савол-жавоб, баҳс-тортишув эрталабдан кечқурунгача давом қилди. Улар иккovi навбатига дам олиши, овқатланшиди, қаҳва ва чой ичиши, чекиши. Мен эса кун бўйи тикка туриб, сўроқ беришга маҳкумман.

**5 сентябр. Яна иккови. Республикамиз раҳбарлари ҳақида сўз борди. Улар ўзларича ҳар кимга лақаб қўйиб олишган "шер", "қоплон", "чол", "мушук", "лапашант" ... Менинг лақабим "чол" экан.**

Жуда кўнгилсиз савол-жавоблар. Бир неча марта ҳушимни йўқотиб, полга ийқилиб тушдим. Ниҳоят, терговни 8 сентябргача тўхтатиб, дам олишпим ва ўйлаб кўришимга рухсат берашди.

**6 сентябр. Камерада ўзимга келдим. Қаерда ётганимни, нима бўлганини узоқ ўйладим. Топдим. Ўзимни сезмай қолгандим. Баданим зирқираб оғрийди. Сал ўзимга келгач, Бош прокурор номига ариза қораладим.**

**8 сентябр. Эргалабдан изолятор бошлиги ёнига кирмоқчиликимни айтдим. Бошлиқ полковник Пухарев соат ўнларда қабул қилди. Унга кечаги, Бош прокурор номига ёзган аризамни топширдим ва уйдан иссиқроқ кийим-кечак олишга рухсат беришини сўрадим. Негаки, бу ер аяча совуқ бўлиб, мен уйдан кўйлакда чиққан ҳолимда юргандим. Xона совуқ, кечаси ухлаш мушкул эди. (Шу куни кечқурун мени излаб келишган турмуш ўртогим ва куёвим келтирган иссиқ ички кийим ва пахталик берниши).**

Бошлиқ қабулидан тўғри терговга олиб бориши. Бешинчи сентябрдаги сўроқ давом қилди. Бу гал уларга яна бир терговчи ҳам қўшилганди. Улар учовлашиб, дўйқ-пўписа, қўрқитиш орқали қариндошларим, обқўмнинг ҳисоб-китобида турган ходимлар тўғрисида суриштириши. Мен қамоқца олинганимдан бўён оиласамда нима-бўлди, уларнинг ҳоли не кечди, болаларим қаерда, умуман, атрофда нималар бўляпти, бехабар эдим. Уларнинг айтишича, вилоят, туман ва хўжалик раҳбарлари, қариндош-уругларимдан юзга яқин киши ҳибсга олинган ва менга қарши кўрсатма беришгаётган эмиш...

**9-10 сентябр. Яна кун давомида олдинги бемаъни сўроқларни давом қилдиришди. Қўрқитиш, ҳақорат, оғизга олиб бўлмайдиган сўзлар, нафсониятга тегиш... Қариндошлар, вилоят раҳбарлари қамоққа олинганиниш, пахта қўшиб ёзилгани ҳақда аризалар тушмоқда... эмиш.**

**11-12-13 сентябр. Гдлян ва Иванов уч кун давомида эрталабдан қора хуфтонгача роса азоблашди. Қанча уйинг, неча машинанг бор, бойликларинг қаерда, уларни сақлашни кимларга ишониб топширгансан қабилидаги саволлар юз, минг карра такрорланди. Гдлян "Бизлар кўп миқдордаги бойликларни топдик, кўп одамларнинг ўзлари сен берган нул ва буюмларни ихтиёрий равишда келтириб топширмоқдалар. Сенинг бойликларингни агарда бутун Хоразмни ағдар-тўнтар қилсак-да топиб оламиш... Халқ бизга ёрдам бермоқда"... деди.**

**14 сентябр. Якшанба. Ниҳоят бир кун тинч қўйиши.**

**15, 16, 17, 18, 19 сентябр. Иванов ўтган беш кунда ёлғиз ўзи мен билан "машғул бўлди". Талаби оддий - Москвадаги ва республикадаги йирик раҳбарларга қарши кўрсатма беришим керак. Ҳамма кўрсатмалар олдиндан тайёрлаб қўйилган, фақат мен имзо чекишим қолган, холос. Бу 1937 йилда қўлланган усульнинг намунаси эди. 80-йилларнинг ўрталарида бошланган "Пахта ва ўзбеклар иши"да ҳам шу усул кенг қўлланилди.**

**20-21 сентябр. Шанба ва якшанба тинч қўйиши.**

**22 сентябр. Иванов яна ёлғиз. Эски усуllар - қўрқитиш, шантаж, асабни эговлаш давом этди.**

Унга ўтган бир ой давомидаги сўроқ вақтида менинг руҳан ва жисмонан эзилиб, ақл-хушим ўзимда эмаслигида "ундирилган" кўрсатмаларнинг нотўри эканлигини, уларнинг инкор этилишини ва буларни бекор қилишини айтдим. "Бу ариза ва кўрсатмаларимнинг барчаси ёлгон. Бу ҳужжатларига имзо қўйдиришганда ақлим-хушим ўзимда эмасди. Мен ҳеч кимдан ҳеч нарса олмадим, бирорвга бир нарса бермадим. Менинг ҳеч қандай ишончли киши ва хазинабонларим йўқ ва бўлмаган. Мен олдинги барча берган кўрсатмаларим, аризаларим ва имзо чеккан протоколлардан бош тортаман", дедим. Иванов тутоқиб кетди, сўкиб ташлади ва "Эртага сен билан бошқа жойда гаплашамиз", деди.

**Сұхбат шундай якунланди ва камерага қайтдим.**

**23 сентябр. Эрталабдан СССР Прокуратурасининг тергов бўлимига олиб бориши. Каракозов, Гдлян, Иванов учови Каракозовнинг иш кабинетида терговни бошлашди. Таниш саволлар, кимдан қанча олгансан, кимга қанча бергансан, тўплаган бойликларинг қаерда, уларни сақлашни кимга ишониб топширгансан? Яна, сенинг Москвадаги ҳимоячи-соябонларинг ким, ким Урганчдан юз минг сўм солинган дипломатни Москвага келтирган ва кимга топширган?**

Сүроқ эрталабдан кечгача тушликсиз давом этди. Қора ҳуфтонга яқин оч, өчарчаган ҳолимда қамоқхонага қайтаришди.

24, 25, 26, сентябр. Уч кун тергов бўлимига сўроққа боришимга тўгри келди. Эрта тонгдан ярим тунгача, овқатсиз, дам олишсиз сўроқ қилишди. Гдляннинг кабинетида Иванов, Кравченко, яна бир терговчи инсон боласи кўрмаган қийноқ ва азоблар билан мени тавба қилдириш, ёлғон кўрсатмалар беришга уринишди.

26 сентябр куни кечга яқин ҳолатнинг ўта асабийлигидан Гдляннинг мазаси қочиб, юрагини ушлаб, ранглари оқариб, ўтириб қолди. Ўнидаги шериклари юргургилаб қолишди, дори ва врач ахтаришди...

Шунча кундан буён барча қийноқларга, азобларга чидаб келаяпман. Неча карра сўроқ пайтида ҳушимни йўқотдим, уларнинг эса менинг бундай аҳволим билан ишлари бўлмади, аксинча устимдан кулишди. Камситишлар, ҳақоратлар вақтида аҳволим оғир эди, қандай чидадим, ҳайронман. Балки, Оллоҳ куч-қувват бергандир, ўзи сақлагандир, акс холда бу йиртқич одамхўрларнинг қаршиисида жон таслим қилган бўлармидим...

27 сентябр, 3 октябр. Камерадаги, ўзимнинг темир ўриндигимда яримўлик ҳолатда ётдим. Ҳамхоналаримнинг ташвишлари ўзларига стиб ортади...

4 октябр. Гдлян ва Иванов топширигига биноан бир терговчи келди. Олдиндан ёзилган қариндошларимга "мурожаатимни" кўрсатди ва улар тайёрлаб қелган бу хатни мен ўзбек тилига таржима қилишим кераклигини айтди. Бу "мурожаат"да "яширилган бойликлар"ни топиб бериш ҳақда қариндош-уругларимга илтимос қилишим керак эди. Нима қилишимни билмай бошими қотди. Мурожаат қилмай десам, боши-охирни ўйқ бемаъни сўроқлар. Мурожаат қилай десам ўзи ўйқ нарсани улар қаердан топиб беришаркан? Кейин нима бўлиши номаълум.

8 октябр. Терговчи, Кравченко ва инженер-оператор пайдо бўлишди. Улар учови қариндош-уругларимга менинг бойликларни топшириш ҳақдаги "мурожаатим"ни видеотасмага ёзиб олишди. Матнни ўзбекча ўқиб бердим. Бу хат матни, видеоёзув тасмаси ва шу билан боғлиқ протоколлар негадир суддан олди: "нишдан" йўқолиб қолди. Суд вақтида сўровимизга кўра излашди, аммо топа олишмади.

9 октябр. Янги терговчи Шундин келди. Ўзини таништириди ва кетди.

10 октябр. Энди у мен билан иш олиб боради. Маълумки, у барча ҳужжат ва протоколларни Гдлян ва Иванов айтганидек қилиб тузади ва ёзади.

Худди ўйлаганимдек бўлиб чиқди. У билан ҳар куни эрталабдан кечқурунгача ишладик. Ҳаммасини олдиндан режалаштирган, қачон ким ҳақда протокол тузилади, қандай ёзилади. Унинг ёнида вилоятнинг

харитаси бор эди. (Районлар ва хўжаликларнинг жойлашишини билиш учун). Яна бир қатор кишиларнинг исми шарифлари келтирилган рўйхат. Худди ана шу рўйхатга кирган кишилар ҳақда протокол тузишимиз керак. Яъни, у ўтириб савол беради, ким, қаерда эканлигини харитадан аниқлаб олади, тахминий саналарини сўрайди, мен эсимга келганини айтгаман, у ёзди ва қайд қилиб боради...

Бу "икрор бўлиш" билан боғлиқ аянчли ишимиз 27 октябргача давом қилди. Асли тверлик бўлган, ҳозир Молдовада ишлаёттан Шундин менда илни таассурот қолдирди. У одамнинг аҳволини тушунаркан.

27 октябр. Шундин тайёр протоколларни келтирди. Имзо чекдим. Унинг ўзи олиб борган терговдан қониқмаганини сезиш мумкин эди. Барчасини имзолаб бўлганимдан кейин менга "буларнинг ҳаммасини ахлатта улоқтириш керак", деди. Шу билан ишини тутатди.

6 ноябр. Байрам арафасида илк бор қонунда белгиланган беш кило ҳажмдаги озиқ-овқат маҳсулотларини олдим. Қизим Санобар келтириби.

11, 13 ноябр. Майданюк деган терговчи пахта масаласи, пахта тозалаш заводлари директорлари, СССР Енгил саноат министри Тарасов ва унинг ўринбосари Аникин ҳақида суриштирди. Улар олдинлар Хоразмда бўлишганди. Терговчини ўша "визит" давомида менинг завод директорларидан "қанча олиб", Тарасов ва Аникинга "берганим" қизиқтириарди...

Байрамда роса тўйиб ичган ва бош оғриги қилиб олган Майданюк ўта маст ҳолатда эди. У билан хонада ёлғиз қолиш хавфли эди, рости ниҳоятда кўрқдим...

...Кейинги кунларда ҳеч ким бўзовта қилмади. Жиноят ва процессуал кодексларни қайта-қайта ўқидим, газеталарни кўриб чиқдим. Ваҳимали ва зерикарли. Сукунат. Гўё мени унугишиди. Аёлим ва болаларимни ўйлаб, тунлари ухлай олмайман.

27 ноябр. Яна Шундин пайдо бўлди. Суҳбат мавзуси вилоятдаги ишлар ва менинг таржими ҳолим билан боғлиқ кечди. Узоқ суҳбатлашдик. У кўпроқ менинг шахсим билан қизиқди. Суҳбат юзасидан протокол юргизилмади. Чамамда, унга менинг соғлигим, кайфиятимни аниқлаш томширилганди.

28 ноябр. Шундин октябр ойида тайёрланган протоколларни келтирди. Имзо кўйиб бердим. Вилоятининг сўнгти йиллардаги иқтисодий кўрсаткичлари ҳақида батафсил маълумотнома тайёрлашнимни сўради. Нима учун зарур бўлиб қолди экан? Билмадим.

1 декабр. Гдлян, Иванов, Шундин учови. Ҳақоратли, асабий сўроқ. Тергов давомида "аблаҳ", "ўғри", "душман", "сотқин" деган сўзлар, ёнисобсиз ишлатилди. Умримда эшитмаган сўзлар, юракка ўқдай санчилди.

2 декабр. Иванов бутун сўроқ пайтида ўзини ўта ахлоқсиз тутди. Сўкишлар авжига чиқди. Қуни билан камситиб, ҳақоратлаб, бир мазмунда гапирди: дунё лол қолади, СССРда нималар рўй берди, Ўзбекистон бўйича бошланган жараён қандай тугайди, суд қандай ҳукм чиқаради?... Гўёки Гдлян билан Иванов нима деса шу бўлади.

Кечагидек бутун ҳам протокол юргизилмади. Баъзида бошқача бўлади, протокол қаерлардадир тайёрланади ва кейин ўтиб кетган сана билан рақамлаб, имзо чектириш учун келтиришади.

3 декабр. Иванов ва Московцева. Энди аввалги сўкишларга аёлча ахлоқсиз сўкишлар, ҳақоратлар ҳам қўшилди. Оила аъзоларим ва қариндошларимнинг кўрсатмалари асосида савол-жавоблар давом этди. "Бойликларинг қани? Кимда? Қаерда? Ихтиёрий тарзда топширасанми ёки пешонангдан дарча очиб қўяйликми?!" Сўроқ мазмуни шундан иборат эди. Терговчи Шундин ишдан четлатилибди. Гдлянга ёқмаган бўлса керак.

4 декабр. Иванов ва Московцева. Кечаги сўроқнинг давоми:

- Ким тўғри кўрсатма беряпти, қариндошларингми ёки сенми?
- Улар менинг ишларимдан бехабар бўлса, ҳақиқатни қайдан билади...

- Матназаров, Қаландаров, Маткаримов кимлар, улар сенинг уйингда нима қилишди?

- Ундай одамларни билмайман, уйимда бўлишмаган.

Менинг бундай фамилияли қариндошларим йўқ. Агарда улар ҳақиқатан ҳам Хоразмдан бўлишса, унда кимлар ва қаерда ишлашларини сизлар биларсизлар?

Кун бўйни ана шундай саволлар ҳақоратлар, сўкишлар билан қўшилиб такрорланиб турди.

5 декабр. Яна иккови. Савол-жавоблар давом этди:

- Тошқовузга қачон ва нима учун бордингиз, у ердаги дўкондан қандай қимматбаҳо буюмлар харид қилдингиз?

- Балки, хизмат тақозоси билан ёки йўл-йўлакай Тошқовузда бўлгандирман, аммо 1950 йилдан сўнг бирор марта ҳам шаҳарининг дўкони, бозорига кирмаганман. Оила аъзоларимдан бироргаси ўтган муддатда Тошқовузда бўлган, нимадир харид қилган бўлиши мумкин...

- Абдулла, Нормат, Эркин нималар олишди ва қанчасини беришди?

- Улардан ҳеч нима олмаганман, агарда обқўм учун зарур буюмлар ва озиқ-овқатлар харид қилинган бўлса, унда обқўмнинг молия-хўжалик бўлими бошлиғи М.Матчонов ҳисоб-китоб қилган. Оилам учун олган бўлсан, шахсан ўзим ҳисоблашганиман...

6 декабр. Яна иккови.

- Йўлдошев К. ким?
- Ёшлиқдаги дўстим.
- Юсуф-чи?
- Божам.
- Тўхта деганичи?
- Мени боқиб тарбиялаган кампир.

Кун бўйи шу бечоралар ҳақда сўз кетди.

8 декабр. Московцеванинг ёлғиз ўзи сўроқ қилди:

- Вақт борида, кимда нима яширганингизни айтинг. Мисол учун, Р.Тоҳиров сизга тегишли бўлган бирча қимматбаҳо буюмларни ўз қўли билан келтириб топширди.

- Бу кулгили гап, ишонмайман, булар ҳаммаси эртак...

9 декабр. Иванов ва Московцева.

Яна Юсуфбой ва Тўхта онам ҳақида суриштиришди. 1945 йилдан бўёғи ва ҳатто ундан олдинги воқеалар баёни билан тўлдирилган узундан-узун протокол тузишди. Бугун асабларимни тамомила емиришди, камерага қандай етиб бордим, қандай йиқилдим, ёдимда йўқ...

10 декабр. 1986 йил. Эрта тонг. Инфарктга учрадим. Мени камерадан олиб чиқиб, касалхобага жойлашди. Касалхона дегани ҳам олдинги камерадан фарқ қиласди. Бу ерда оғир дарддан халос бўлиш учун 1987 йилнинг 25 февралягача ётдим. Бу ерда литвалик Степан ва москвалик Альберт (унинг миллиати еврей бўлиб, олдин тиш техники бўлиб ишлаган, негадир менинг тишларим билан қизиқсинди, қапча миқдор тилло ишлатилганини суриштирди), воронежлик Николай (олдин савдо ташкилоти бошлиги бўлиб ишлаган) ҳамхонам бўлишди.

22 декабр. Касалхонада ҳам тинч қўймасдан Московцева терговга чақириди. Серовнинг машинаси ҳақда эзмаланиб суриштиришди.

24 декабр. Иванов ва Гдлян. Осетров билан юзма-юз учраштиришди. Уларнинг ўргатгани бўйича мен Осетровни ёмонлашим, қўлмаган ишларини қилди деб айтишм керак. Паҳта масаласидаги унинг "улкан жиноятлари"ни юзига очиб ташлашим лозим. Ҳали бирор нима дейишга улгурмаганман Осетровни улар ҳақоратга кўмиб ташладилар. Осетровнинг ранги ўчган, нима дейишни билмайди. Қамалганига эндиғина 10 кун бўлган экан. Улар Осетровга "шабашник" деб ном қўйишибди. Гўёки, Осетров Москва яқинида далаҳовли қурган ва унинг учун зарур қурилиш материалларини Тошкентдан самолётда келтирганимиш... Бу кулгили ҳол эди. Қурилиш материаллари шундоқ Россиядан Ўзбекистонга келтирилётган бир пайтда, Ўзбекистондан, қурилишбоп ёғоч ўсмайдиган юртдан Москвага қурилиш материали келтириш - бунга ишониш мумкинми?

Бугун ниҳоятда ёқимсиз кун бўлди. Хасталик кучимни олди, мажолим йўқ эди.

**31 декабр - 1 январ 1987 йил. Янги йил кирди, менинг туғилған күнім. Амелкин билан қамоқхона хастахонасида иккөвимиз бир стакан сув билан билан янги йилни күтдик... Биламан, бу одам менинг "тансоқчым" ...**

**15 январ. Светлана Московцева. Аёл кишининг бу қадар ёвуз бўлишини энди кўришм. Табиатан шундайми ёки терговчилик касби унинг кўнглидан одамгарчиликни ситиб чиқарганми? Билмадим...**

**Ю.Чурбанов ҳақида асабга тегар сўроқлар давом этди. Мен у генерал билан умуман таниш бўлмаганим, бир марта Марказқўм пленумида кўрганимни айтдим. Лекин унинг турқидан гапимга ишонмаганини сездим.**

**16 январ. Московцева. Ш.Ортиқов ҳақида сўради ва протокол тўлғазди. Бизларинг ўзаро қариндошлигимиз, Анатолий ва Замиралинг турмуш қуриши сабабларини суриштирди. Бунинг ишга не алоқаси борлигини билмадим.**

**19 январ. Московцева. "Рустам ва Гулнора ҳандай топишиб, турмуш қуришган?" деб сўради. Гап қудам Ш.Зарипов ҳаёда борди. Бу савол-жавоблардан яқинларимдан ҳеч кимни тинч қўйишмаётганинни англадим.**

**20 январ. Московцева.**

**- Матёкубов ким?**  
**- Область ижроия қўмитаси гаражи шофёри, бўш вақтлари ҳовлимиздаги кичик боққа қарашиб юради.**

- М.Ваисовникида нима яшириб қўйибсиз?**
- Ҳеч нима!**
- Ш.Жабборов ким ўзи?**
- Рајком котиби.**
- Бойликлари қаерда?**
- Мен қаердан биламан. Ўзидан сўранг.**

**5 ва 9 февралда эса тагии сўроқҳа чақириб, фақат Осетров хусусида сўради. Мен ҳеч нима билмаслигимни айтдим.**

**10 феврал. Олдин жўнаттаян аризам бўйича СССР Бош прокурори А.Рекунков ва прокуратуранинг тергов қисми бошлиги Г.Каракозов келишди. Мен паҳта тайёрлаш мавсумида республикада қандай муҳит амалда бўлишини, Московнинг буйруғи билан ҳатто қонунсиз ишлар қилишга мажбур этишларини айтдим. Ўзим ҳақимда, ошлам ҳақида сўзлаб бердим. Аёлим ва ўелимни ҳибсдан озод қилишларини, оғир касаллигим сабабли судгача тилхат билан озодликка чиқаришларини сўрадим. Суҳбат турма бошлигининг иш кабинетида бўлиб ўтди. Рекунковни менинг сўзларим, дардим мутлақо қизиқтирмади, у галимга қулоқ солмасдан, буложка еб, қаҳва ичиб ўтириди. Кейин уйқувга кетди ва секин хуррак ота бошлади...**

Сүзларимни Каракозов ёзиб олди. Бирорта тайинли жавоб айтишмади. Нима учун келишганига онгим етмади... Протокол тузилмади.

12 феврал. Московцева. Тагин Осетровни ёмонлашга ундашди, бу йўлда ҳеч балодан қайтмаслик кераклигини айтди. Сўроқ пайтида негадир Иванов бир муддат хонага кирди ва ҳеч нима демасдан чиқиб кетди.

Бугун М.Горбачёв номига ариза ёзиб жўнатдим.

12 март. Карташъян ва Московцева.

Тагин Осетров масаласи хусусида сўроқ борди. Унга қарши кўрсатма беришга ундашди. Ундашди эмас, мажбур қилишди. Нималар ҳақда ёзишди, нималар тўкишди, протоколда нималар қайд қилинди... билмайман. Менга ҳаммаси бефарқ бўлиб қолганди. Улар мени оғир аҳволга солишди, буни энди сўз билан таърифлашим қийин эди.

Карташъяннинг доимий айтадигани битта гап эди. "Хотининг билан ўелинг умри охиригача қамоқда ўтирадилар, агарда сен ақдли бўлиб, бизнинг айтганларимизга кўнсанг, уларни қамоқдан чиқарамиз".

13-14 март. Яна иккови. Улар гапиришимга қўйишмади, сўкиб, ҳақоратлаб, асабимга тега бошлишди. Улар берган саволларга ҳам тўлиқ жавоб беришга ултурмадим. Гап Осетров хусусида эди. Улар Осетровга қарши кўрсатма бериб, шу ҳақда олдиндан тўлғизилган протоколни имзолашга мажбурашди. Улар айтиб туришди, мен механик тарзда ёзишга тушдим. Нима ёздим, нимани кўрсатдим, эсимда йўқ. Ҳаёл жойида эмасди. Менга ҳамма нарса аҳамиятсиз бўлиб қолганди.

Бошқа йўли йўқ эди. Шундай қилиб ёлғон кўрсатмалар қанот қоқиб уча бошлидилар.

Иккови ўзларини маст бўлган тентаклардек тутишди. Булар одам эмас эди: бириси йирикчиҳ ҳайвон, иккинчиси эса заҳарли илон эди.

16-17-18 март. Яна иккови. Уч кун давомида бир даста қарорларни келтириб, улар 1975-84 йиллар билан боғлиқ бир қанча протоколларни тўлдиришди. Бунда Республика Министрлар Совети раиси ўринбосари Т.Осетровнинг имзоси бўлган "Хоразм вилоятига республика бюджетидан маблаг ажратиш ҳақида"ги фармойиш, қарор ва кўрсатмаларни асос қилиб олишди. Қайси ҳужжат остида унинг имзоси қўйилган бўлса, ҳаммаси бор эди. Бу ҳужжатлар турли тармоқларга тааллуқли эди. Масалан, 1983 йилда буюк юртдошимиз Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллик тўйини нишонлаш ҳақидаги қарор ҳам "иш"га тикилганди. Ана шу тадбирни ўтказиш учун вилоятга республика бюджетидан анча миқдорда маблаг ажратилган ва бу фармойишга Осетров имзо чекканди.

Қизиги шундаки, маблаг ўша пайтда обқўмга эмас, оближрокўмга ажратиларди. Буни шахсан мен билишим шарт эмасди. Ёки ана шундай тадбир учун ажратилган маблагнинг ҳеч бир қонундан чиқиши ҳолати

йўқ эди. Пул ўтказиш йўли билан ажратилган маблагни ўзлаштириш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди...

Йўқ, бу терговчиларга айнан ана шундай ҳужжатлар керак эдики, у юбилейми ёки бошқа бирор тадбирми аҳамиятий йўқ эди. Муҳими, унга ажратилган маблагф йўқ қилинди, деб жар солиниши, бу маблагни ажратиш учун елиб-юргурган кишилар, раҳбарлар ўтрига чиқаралиши режалаштирилганди ...

19 марта. Яна ўшалар. 13 мартағи Осетров ҳақидаги сўроқ протоколларини улар бугунги сана билан ўзгартиришди. Имзо қўйишини талаб қилишди. Ҳатто ўқиб кўришга ҳам мажолим, кайфиятим йўқ эди. Узатган қозозларини имзолаб қайтардим. Улар фактларни, саналарни ўзалари истаганча ўзгартиришди.

"Имзолаш маросими"дан сўнг Карташъян тағин ҳайвоний қиёфасига қайтди, ўзини телбаларча тутди ва Т. Жуманиёзовнинг 1984 йил ҳибсга олинниши сабаблари, унинг яқинлари, дўстлари мавзусига сұхбатни бурди.

20-23 марта. Яна уч кун Т. Жуманиёзов масаласи атрофида сўроқ борди. Асабни эговловчи бир хил саволлар уч кун давомида юз марталаб қайтарилди. 23 марта кун охирига бориб, бошим айланиб, кўз олдим қорогилашибди. Қаерда эканлигимни унугиб қўйдим.

24 марта. Яна ўша икки терговчи - Карташъян, Московцева. Бошқа кунлардан фарқли тергов бутун анча тинч бошланди. Кейин 1975 йилда қамалган ва айни пайтда озодликка чиқсан К. Ниёзматовнинг кўрсатмаларини намойиш қилишди. Ана шундан сўнг улар асл қиёфаларига қайтиб, дўқ-пўписага ўтишди.

25 марта. Гдляи, Карташъян, Московцева. Буларнинг учови ҳам ўзларини терговчи эмас, таловчи ит каби тутишди. Сўроқ чидаб бўлмас даражада оғир кечди.

- Бойликларингни бер! Қаердалигини айт. Уйларингни портлатамиз.
- Менда шахсий уй ҳам, бойлик ҳам йўқ!
- Ўғлинг ва хотининг Тошкентда қамоқда ўтиришибди, агарда сен бойликларинг қаердалигини айтсанг, улар топиб беришмоқчи.
- Булар ҳаммаси ёлғон! Бу мавзуда сизлар билан ортиқча сұхбатлашибни истамайман...

Лекин бу мавзудаги сўроқ ярим тунгача давом этди.

28 марта. Яна ўша учови - Гдляи, Карташъян, Московцева.

Улар ўёлим томонидан ёзилган ва менинг "айбларимни" фош қилувчи хатни кўрсатишибди. Ўғлимнинг ёзувини танидим, лекин ўқишига қўйицмади, мазмунини айтишибди. Уларга "Сизларнинг мақсадларингиз мени, оила-аъзоларимни не балоларга дучор қилишибни истаётганларингни яхши англаб турибман. Ҳозир нимаики деётган бўлсанглар, ҳаммаси ёлғон ва түхмат. Шу бўхтонга ўғлимни ва хотинимни ҳам мажбур қилгансизлар", дедим.

Улар мени ўлар ҳолатта келтиришди. Ортиқча бир оғиз гапиришга ҳам мажолим қолмади. Натижада орамизда жаңжал чиқди. Мүштлашиш бўлишига бир баҳа қолди. Бундан Гдляннинг жаҳли чиқиб, сўкинган кўйи чиқиб кетди. Карташъян ва Московцева эса қаттиқ асабийлашиб, хафа бўлишишди. Сабаби мен уларнинг бошлигини кўз ўнгларида ҳақорат қилган эмишман...

Шундан сўнг камерага қайтиб келганимда ҳамхоналарим Альберт Амелкин ва Оғамурот Аvezов мени кўриб капалаклари учиб кетди: "Сизга нима бўлди? Нега ранг-рўйингиз оқариб кетган?" Мен бир оғиз жавоб топа олмай тўғри жойимга ағдарилдим. Воқеани эшигтан В. Пухарев келди.

Гўё бутун дунё йўқолган, атрофимда мушт ўқталган, дағдагадан бошқа ҳунари бўлмаган аёл ва эркак терговчилар қолганди. Ҳатто баданимдаги қақшатқич оғриқларни ҳам сезмадим.

30 март. Яна ўша иккови - Карташъян, Московцева.

Улар 1960-1985 йилларнинг архивидан менга тегишли бўлган барча ҳужжатлар, ёзишма-аризаларни (аксари аноним тарзда) тўплашибди.

31 март. Яна Карташъян, Московцева.

Хотиним ва ўғлимнинг видеотасмага ёзилган сўзларини кўрсатмоқчи бўлишишди. Кўришдан бош торгдим. Шунда улар вилоятда раҳбарлик лавозимларида ишлаган М.Маткаримов ҳақида туҳматдан иборат саволлар бера бошлишди. "Қачон, қаерда сенга нима берганди?".. қабилидаги сўровлардан сўнг орамизда яна келишмовчилик пайдо бўлди. "Сизлар қачон марҳумларни тинч қўясизлар?", асабий бақиришдан ўзимни тия олмадим.

1 апрел. Карташъян ва Московцева.

Қариндошлар кўрсатмалари бўйича протокол саволларига жавоблар бўлди. Уларга "Буларнинг ҳаммаси ёлғон, туҳмат, мен сизларга ҳақ гапни айтаямсан, агарда ишонмасангизлар, текшириб кўринглар. Бошқалардан сўранг", дедим.

Яна А.Ёқубов масаласига қайтиши. "1968-1983 йилларда ундан нималар олдинг. У сенга қандай совға-саломлар, озиқ-овқатлар берди?". дейишди. (У 1984 йилда вафот этганди).

"Агарда сизларда шу ҳақда фактлар бўлса, марҳамат, кўрсатнинг ва фош қилинг!" дедим. "Албатта, фош қиласиз", дейишди.

3 апрел. Московцева.

"Сиз ўзингиз, болаларнингиз ва уйингиз учун зарур нарсаларни қачон, қаерда хариц қилгансиз?" Кун бўйи ана шундай бемаъни сўроқларга жавоб бердим.

6 апрел. Карташъян. Сўроққа ўтишдан олдин, мени ҳақоратлаб, роса устимдан кулди. Тилга олиб бўлмайдиган сўзлар айтиб, ҳар хил ҳунар ва қилиқлар қилди ... Қандайдир Карим исмли одам билан муносабатимни суриштирди. Ундей одамни танимаганимдан сўнг орамизда қандай муносабат бўлиши мумкин?

9 апрел. Московцева кечаги саволларни юз карра қайтарди.

10 апрел. Московцева. 1977 йилда Янгиариқдаги бир воқеа ҳақида суроштириди. Эслай олмадим. Кейин шу райондаги Киров номидаги хұжалик раиси Исмоил Бекчонов тұғрисида сұради.

1 май. Ҳамхонам Борис Коган - башараси ва сергаплиги, ҳаракатлари Жириновскийнинг ўзи. Муқаддам икки марта судланган, одам ўлдирған, жүхуд. У менинг құриқловчим. Онгли одам, ҳали ёш, саводсиз бўлсада кўп нарсаларни билади, тушунади.

Икковимиз 409-хонадамиз. Бугун бирга сайрга чиқдик. Уни зонадан келтиришган вақтда ўлгудай ориқ эди, бу ерда эса санаторийдагидек анча ўзига келди, тўлишди. У очиқдаги бирор ақинидан озиқ-овқат олмасди. Чамамда, унга қўшимча овқат беришарди, шекилили...

8 май. Гдлян хонага яхши кайфиятда келди, Ғалаба байрами билан табриклади ва нимагадир газетага мен ҳақимда ижобий мақола ёзажагини айтди. Унинг бу ўйиниңга, нағранглариға тушуна олмадим.

14 май. Московцева уч дона фотосурат кўрсатди. Уларниңг бирида Рашидов, яна бирида Худойбердиев Чурбанов билан бирга тургани акс этганди. Бу суратларни нега кўрсатишди? Тушунмадим.

15 май. Менинг муқаддам М.Горбачев номига ёзган аризам бўйича МКдан маҳсус вакиллар - КПСС МКниңг маъмурий бўлимидан Г.Черемных, партия контроли комитетидан Ю.Богданов ва СССР Бош прокурорининг ўринбосари О.Сорока келишди. Улар мен билан бир мuddат сұхбатлашишди ва ҳаммасини тергов ҳал қилиб, суд ҳукм чиқаринини айтишди. Бор-йўғи шу.

18 май. Московцева асабга тегишини давом қилдириди.

- СССР Ички ишлар вазирлигидан Хоразмда қайси раҳбар қачон бўлганди?

- Ёдимда бўлса, ИИМдан Шелековнйнг биринчи ўринбосари Попутин борганди. У вилоят ИИБ бошлиғи С.Собировга генерал майор унвони берилиши муносабати билан келганди. У билан бирга Попутиннинг дўсти ЎзМКниңг иккинчи котиби Греков (Улар илгари Москвада бирга ишлаган. Попутин Грековдан олдин МГКниңг иккинчи котиби бўлганди). ЎзМКниңг маъмурий бўлими мудири Архангелский ҳамда Ички ишлар вазири Ҳ.Яҳёев борган эди.

26 май. Гдлян ёлғиз ўзи сўроқ қилди. (Иванов ва Каракозов бир мuddат кириб, кейин чиқиб кетишиди).

- Нима учун Тошқовузга боргансан? Оила-аъзоларинг нимага боришиди?

- Бу ҳақда олдин айтганиман. Бошқа қўшадиган гапим йўқ.
- Бойликларинг қани?
- Улар уйда, улар менинг фарзандларим, улардан бошқа бойлигим йўқ.

- Сен жар ёқасидасан, сал туртсак тамом, қулайсан!
- Билғанларингни қилинглар, сизлар туҳмат ва ёлғоннинг усталарисиз.

Ёлғонни ҳақиқатга айлантириш сизларнинг севган ҳунарларингиз. Инсонни хўрлаш ва йўқ қилиш сизларнинг асосий касбингиз ва мақсадингиз, айниқса бизлар, ўзбекларни... (буларни бегуноҳларнинг қони, хўрланғанларнинг кўз ёши тутгай).

Сұхбат ўта кўнгилсиз бўлди, гёё душманлардек гаплашдик ва ломлим демасдан ажрашдик.

27 май. Иванов. Бугун протокол юритилмади. У мени тинчлантирган бўлди. Кечаги ноҳуш сұхбатни эслатди ва Гдлян билан ҳазиллашши ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлиги, ҳамма нарса измида эканлигини такрор-такрор айтди.

5, 9, 10 июн кунлари. Иванов яна ёлғиз ўзи мен билан "очиқ" сұхбатлашди. Маслаҳатлар берди, судга ҳозирлик кўриш лозимлиги, ортиқча эҳтиросларга эрк бермаслигим, яхшиси уларнинг протоколга ёзганлари ва айтганларининг ҳаммасини бўйнимга олишим лозимлигини уқтириди.

30 июн. Константинович ва Патан. Булар янги терговчилар экан.

Мени В.Есин билан юзлаштириди. Мен бундан нафақат ҳайрон қолдим, балки ваҳимага тушдим. У барча тұхмат гапларни ҳақиқат деб билиб, қимлаган ишларини бўйнига оларди. Терговчиларнинг ишқоятда усталик билан ишлаганлари яққол сезилиб турарди.

А.Константинович 7 июлда мени яна терговга чақирди. (Негадир унинг мазаси йўқ эди). Карташғыян ва Московцева алдов, қўрқитиш, дўқ-пўписа билан тўлғазган ва имзо қўйдирган барча протоколларни олиб келиб, шу ерда кўздан кечирди. Булар Т. Осетров билан боғлиқ протоколлар эди. Кейин у менга секингина деди: "Бу ҳужжатларнинг барчаси" "бўхтон". (Кейин уни ҳамда Шундинни Гдлян гуруҳидан ҳайдаб юборишиди. Бунинг сабаби уларнинг маҳбуслар билан одамга ўхшаб гаплашишлари, ҳақни ноҳақдан ажратишта уринишлари экан.)

9 июл. Гдлян ва Иванов хуш кайфият билан келишди. Уларни бундай кайфиятда олдин кўрмагандим. Ҳайрон қолдим, нима рўй берди? Уларнинг айтиши бўйича, ўғлимни ва хотинимни қамоқдан озод қилишибди. Енгил нафас олдим. Лекин уларнинг хурсандчилити барибир ҳайратланарли эди.

19 август. Иванов протоколсиз "шунгачки сұхбат" ўтказди. У барча эски протоколларни қайтадан ёзиш кераклигини айтди, чунки янтилари видеотасмага ёзилади деди. Яна видеоёзув жараёнида фақат протоколда ёзилғанларни такрорлашим, ўзимдан ҳеч нима қўшмаслигим, ҳеч нимани ёддан чиқармаслигим кераклигини эслатди.

20, 21, 22 август. Янги терговчи - Музалевский. У эски

протоколларни қандай расмийлаштирилганлиги билан қизиқди...

25 август. Ўша терговчи. Орлов ҳақида сўроқ қилди. Хизмат

варақаларим қандай расмийлаштирилганлиги билан қизиқди...

- У сиздан олган нарсаларнинг ҳаммасини айтиб берди.

- Унга мен ҳеч нарса бермаганман, балки мени бошқа бирор билан адаштираётгандир?

Қамоққа олинганимга бир йил бўлди. Гўё сўроқларнинг охири йўқ, бошлангани қачонлиги эсдан чиқиб кетгандай. Баъзан ўтириб ўйлайман: бу азоблар тутармикан?

Октябр ойи. Музалевский бир неча собық ҳамкаслар билан юзлаштириди, эски протоколларни ҳужжатлаштириди. Қачонлардир С.Собиров менга совга қилган соатни кўрсатди. Уни танидим ва тап олдим. Улар бу соатни уйни тинтуб қилганда олган эканлар.

31 октябр. Иванов. У мени Гдлян бошлиқ тергов гурӯхининг янги таркиби билан таништириди. Нақ - 260 терговчни! Бутун бошли армия!

- Бу гурӯҳдан бирортасига эътиrozингиз борми? Қайси бирисинни рад этасиз?

- Йўқ! Қандай инкор қилишм мумкин, терговчилардан бирортасини ҳибсга олингунга қадар танимаган бўлсан ...

6 ноябр. Каракозов ва Иванов. Улар мени эртага бўладиган байрам билан табриклашди. (Бу найранглари тагида нима борлигини англамадим).

Каракозов: - Айтингчи, Камолов билан муносабатларинииз қандай эди? Ш.Рашидов билан ораларнингизда ўзаро тушунмовчилик ва гайридўстлик кайфиятлари бўлганми? Қачон ва қандай ҳолатда?

- Орамизда ҳар доим ҳурмат, ишонч ва бир-бировни тез англап мавжуд эди. Тўғри, баъзан иш оғир пайтларида хизмат юзасидан танбех, талаб қилиш, огоҳлантиришлар бўларди.

Иванов: - Вазиятдан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлигига баҳо берингчи!

- Нима ҳам дейман, ҳаммаси сизларга яхши маълум.

Ўзбекистон ИИМнинг барча генераллари қўлингизда. Собиқ вазир Яҳёев, унинг ўринbosарлари Бегельман, Муҳаммадиев, Қаҳрамонов, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлар ИИБ бошлиқлари - жами ўн нафар генерал Чурбанов билан бирга ҳибсда ўтиришган бўлишса. Бунинг устига бир қатор раҳбар-генераллар ўз жонларига қасд қўлишгани аён бўлса. Мен қамоқдаги одам дейман, буларга яна нима қўтимча қиласай, буни очиқда юрган сизлар биласизлар.

25 ноябр. Иванов барча протоколларни келтирди ва имзолашими ни буюрди. Тортишиб ўтириш, инкор қилишдан фойда йўқ. Таваккал қилдим, барчасини ҳатто ўқимасдан имзоладим.

30 декабр. Каракозов ва Иванов. Улар мени кириб келаётган 1988 йил ва туғилган куним билан номига табриклаган бўлди. Бошқа савол-жавоб, асабга тегадиган сўз ва ортиқча азоб бўлмади.

... Ҳибсдаги ҳаётимнинг салкам беш юз куни ўтди. Беш юз кун - инсон умрида катта фурсат. Бу даврда дунёга келган чақалоқ тетапоя бўлиб юриши, чучук тил билан гапириши, атрофдагиларни таниши мумкин. У дунёни англашга киришади. Бу гаройиб, ажойиботларга бой, азоб-үқубатларга кон, севинчларга макон дунёни таний бошлайди...

Мени қамоққа олинишм кутимаганданда рўй берди. Аслида кутимагандамиди? Энди ўзимга шундай савол бераман. Йўқ, унинг алломатлари саксонинчи йиллардаёқ сезила бошлаганди - тузум асл қиёфасини кўрсатишга киришганди. Мени 62 ёшимда қарилик нафақасига чиқаришиди.

...Ёдимда бор. Ўттизинчи йилларнинг охирларида вилоятда ялк колхозларни тузиб, деҳқонларнинг бошларини бириттирган, янгиликнинг бор мاشаққатини тортган кишиларни - раҳбарлар, раисларни оммавий равишда қамоққа олишган. "Троцкийчи" тамғаси остида қамоққа олиниб, бедарак кетганиларнинг сонини айтиш қийин. Ҳатто исми шарифини ёзишни, Троцкий у ёқда турсин Ленин кимлигини билмайдиган камбагал раиснинг бор-йўқ айби раҳбар бўлганлиги эди. Бечораларнинг барчаси нима учун қамалгани, отилганини билмасдан, англамасдан кетишиди. Улар Беговот чўлида саф тортишиб, ҳукмни эшитаётганларида, НКВД ходимлари бешотарлар билан пешоналарини нишонга олишаётганда нималарни ўлашди экан? Сўнгти дақиқаларда тузумга лаънат ўқишишгандир, баҳти қаро тузум жонларига завол бўлаётгани, болалари етим қолаётгани учун энг катта даҳоларни қарғашгандир...

Улар судсиз, терговсиз, ҳукмсиз отилишиди. Бунақаси жаҳон тажрибасида бўлмаган. "Учлик" беш дақиқада инсон тақдирини ҳал қалиб, ўлим жазоси берарди... буни ҳатто ўрга асрлар тарихида ҳам учратиш қийин.

Қонунсизлик - шўро тузумнинг асосий қонуни эди.

1986 йилнинг 25 августи куни мени тўсатдан қамоққа олишган пайтида депутат сифатида даҳисизлигим ким, қачон, қандай усулда бекор қилинганини билмасдим. Менга Бутурлин шу ҳақдаги вилоят ижроқўмининг қарорини кўрсатганди. Кейинчалик суд жарёнида мазкур қарорнинг қонунсизлик натижаси эканини билдим. Унинг тарихи бундай: 1986 йилнинг 22 августи куни республика прокурори Бутурлин Гдян ва Иванов Урганчга келиб, мени жиноий жавобгарликка тортиш учун рухсат сўраб ёзган хатини вилоят ижроқўмига тайёрланган фармойиш лойиҳасига қўшиб юборади. Худди шу қоғозлар асосида 25 августда 272/16-64-рақамли оближроқўм қарори пайдо бўлади. Қарорга "гўё мен 1968-85 йилларда обқўмнинг биринчи котиби бўлиб ишлаш жараёнида ўз лавозиммидан фойдаланиб, гаразли мақсадларда муутазам тарзда пора олиб келган эмишман". "Республика прокурори M. Худойберганов томонидан содир қилинган жиноий ҳаракатларни

исботланган деб билиб, уни жинои жавобгарликка тортиш учун рухсат беринин сўрайди". Аслида Республика прокурорининг қўлида Гдляннинг куруқ сўзидан бошқа ҳеч қандай асосли ҳужжат бўлмаган.

"Област ижроия қўмитаси "СССР халқ депутатлари статуси тўғрисида"ги қонуннинг 34-моддасига асосланиб, қарор қиласди:

Депутат Худойберганов Мадиёрни жинои жавобгарликка тортишга рухсат берилсин. (Менинг билан бу ҳақда гапиришган, бирор фактни кўрсатган, сўраган, бу воқеанинг сабабини айтган одам йўқ эди.)

"Қарор"га ижроқўм раиси Р.Худойберганова, котиби Р.Ёқубов ва ижроқўм аъзолари: Костаков, Қаландаров, Пустовойт, Лесных ва Худойберганов имзо қўйнишган". Тўғриси, уларга имзо қўйдиришган...

Энди яна бир ҳужжатни кўздан кечираильик: "Судда раислик қилувчи РСФСР Олий суди аъзоси Ю.Говоровга.

Хоразм вилоят ижроқўми шуни маълум қиласди, ижроқўмнинг 1986 йил 25 авгуистаги 272/16-64-рақамли "Депутат Худойберганов М.ни жинои жавобгарликка тортишга рухсат бериш ҳақидаги" қарорини ижроқўм раиси Р.Худойберганова, котиби Р. Ёқубов, ижроқўм аъзолари: Костаков Б., Қаландаров А., Пустовойт В., Худойберганов Р., Лесных В лар томонидан сўраш йўли билан имзолатилган. Ижроқўм аъзоларининг сони ўн уч нафар. Бунда ижроқўмнинг йигилиши ўтказилмаган.

Оближроқўм котиби Э.ЗОҲИДОВ

У/16-207. 1990 йил, 6 март".

Мана, сизга "адолатли" тузум.

Эндиликда сарғайган ҳужжатлар бўлган воқеани тўлиқ акс эттира олмайди. Гўё Республика прокурори фармойиш юборган, уни тегишли ташкилотда ўқиб чиқишган, вазият шошилинчлиги учун йигилиш чақирмасдан ижроқўм аъзоларига имзо қўйдиришган...

Хўш, бундай "шошилинч" иш юритниш шартмиди? Мен қарилек нафақасидаги одам бўлсан. Бирорни ўлдирмаган, банк ёки бошқа давлат муассасасига талончилик ўюнтирган бўлсан, кекса одамни бундай "тезкор" қамоққа олиш, қонунни бузиш керакмиди?.. Беҳуда мулоҳазага бораяпмиз, аслида Гдлян учун қонуннинг ўзи йўқ эди. Унинг айтгани - қонун, бажаргани қонун! Тамом - вассалом.

Менинг "1968-1985 йилларда хизмат вазифамни сунистество мол қилиб, мунтазам равишда пора олганлигим" фактини ҳам Гдлян ва Иванов муқаддам қамоққа олингандардан "ундириб олган". "Тўғри кўрсатма" беришган таниш-нотаниш кишиларнинг ҳеч бирини айбламайман. Чунки "тўғри кўрсатма" бериш воқеаси барчаси бошнимдан ўтди. Гдлян, Иванов, Карташъян кабилар неча кунлаб тинимсиз сўкиб, ҳақоратлаб, асабга тегиб, хўрлаб, ёлгонни айтишга мажбур қилишди. Бош тортиш пайтимда ўғлимни, хотинимни ҳам қамоққа олипди, энди уларни қийишаш, отага, эрга қарши кўрсатма беришга мажбуrlаш бошланди...

Ҳар бир фуқаро ўз қылмашы учун ўзи, ёлғиз ўзи жавоб беради. Бу ҳатто энг "қолоқ" бўлган давлатларниң қонунларида белгилаб қўйилган. Ота учун болани, эр учун хотинини жазолаш бирор жойда бормикан?.. Бу фашистларниң жазо усули.

Мендан кейин сал ўтмай хотиним ва ўғлимни ҳам қамашди. Шунгача, терговчиларниң мислсиз азобларига дош бериб, уларниң тұхмат, бўхтонларини инкор қилиб, ҳеч бирорга қарши кўрсатма бермай келаётгандим. Лекин ўғлим, энг аянчлиси кекса, ожиза хотинимниң қамалиши менниң иродамни букди, фашист терговчилар қаршисида тиз чўктириди...

...1937 йилда Бухарин ва Зиновьев устидан бўлиб ўтган суд жараёнида қатнашган гувоҳлар бир қизиқ фактни кузатишган. Дастребки суд куни Бухарин ҳам, Зиновьев ҳам "Кировни ўлдиргани, СССРниң бошқа раҳбарларига қарши суиқасд ҳозирлаётганиларини рад этишган, буларниң ҳаммаси тұхмат, бўхтонларини дадил айтишган". Умри қамоқларда кечган, ҳаётиниң кўп қийинчиликларини кўрган бу икки инқилобчининг иродасига тан бериш керак. Лекин.. икки кундан сўнг давом қилган суд мажлисида кечаги "мард инқилобчилар" ҳеч кутилмаганда "Кировни ўлдиришгани, Сталин, Будённий, Ворошилов ва бошқаларга қарши фитна тайёрлашаётганини" айтиб, кечирим сўрашган.

Суд мажлисида қатнашган мухбирларниң айримлари судланувчилар шу икки кунда айнан ўшаша бўлган бошқа кишиларга алмаштирилмаганми кан, деган тахминга боришади. Кўпчилиги эса, Бухарин ва Зиновьев, Каменевянинг "синиши"ни НКВД ертўлаларида уларга берилган мислсиз қийноқларниң натижаси дейишади. Иккичи тахмин тўғри.

Гдлян ва Иванов "кўрсатма олиш", "жиноятни бўйнига қўйиш" борасида ўтгизинчи йиллардаги салафлари - НКВД терговчиларидан қолишмасдилар, кўпгина соҳаларда ҳатто улардан илгарилаб кетишганди. Уларниң измида бўлган барча "бўйсиндирув" ашпарати ўзларига ўшаган шафқатсиз, иймонсиз, ҳар қандай қонунни тепкилаб, одамийликка тупурувчи кимсалар билан тўлдирилганди. уларниң миллиатлари турлича бўлсада-феълларида ниҳоятда ўшашлилк мавжуд эди.

Шантаж қилиш, қўрқитиш, сен учун болаларингта азоб бериш, уларни қамаш, суткалаб овқатсиз, тик оёққда турғизиш, уриш.. хушдан кетадиган укол қилиш уларниң одатдаги тергов усули. Эслаб кўринг, ҳали қамалмаган Б.Ельцинни ўзининг уйида "даволаб", кейин МГКниң Пленумига олиб келинганини, унинг мазмунсиз нутқини... Кашанда маҳбусларга янада қийин кечарди. Эрта тонгдан қора ҳуфтонгача тергов беришга маҳкум. Бунда унга чекишга рухсат қилинмайди, рўпарасидаги

ёвузлар эса тинмай чекадилар, сигарет тутунини унга пуркашади... Асаблари тамом бўлган, кашаңдалик ҳумори адо қилаёзган банда ёлғон протоколни имзолашдан бошқасига ярамайди. Унда у эркин нафас олиши, бир дона сигарет чекиши мумкин.

Гдлян, Иванов кашф қилган "тергов практикаси" - чин маънода ёруғ дунёдаги жаҳаннам эдики, бу дўзах балосига учраган кипшиларнинг иродаси букилди, гурури синди ва улар барча айбларни бўйнига оладиган "ювош", "тартибли" маҳбусларга айланниб қоладилар...

Мен уруш кўрган одамман. Жанттоҳларда ўлим тўсатдан келиши мумкин. Ёки жантга отланаркансан, омон қайтамани-йўқми деган ваҳима, албатта, ҳар бир тирик жоннинг хаёлидан ўтади. Лекин бирор марта ҳам ўлимдан қўрқмаганман. Ёш эдим, бўз йигит эдим. Ўлсам ортимда йиғлаб қоладиган фарзандларим ийқ эди...

Қамоқда эса бошқачароқ кечди. Мен ўз тақдиримдан, бошимга тушган бу ташвиш ва азоблардан қўрқмадим. Яшириб нима қилдим, хўрликлардан кўра ўлимга ҳам рози бўлган пайтларим бўлди. Аммо мен яшашга мажбур эдим. Оиласминг, бегуноҳ хотивимнинг, фарзандларимнинг, яқинларимнинг, вилоят раҳбарларининг, ўзим тарбиялаб етиштирган шогирдларимнинг беҳуда азоб чекмасликлари учун ҳар қандай қийинчиликларга, хўрликларга чидашга тайёр эдим. Партиянинг, марказининг топшириқларини қулоқ қоқмай бажарган мен эдим. Бунинг учун бошқалар жабрланмаслиги керак эди. Мен ўзимни эмас, уларнинг ҳаётини сақлаб қолишм зарур эди. Кўпгина ҳолатларда терговчиларнинг бўхтонларини рост дейишимга, қилмаган ишларимни қилдим деб елкамга олишим, улар олдида "синишм"га оилас, яқинларим, шогирдларимнинг тақдирини ўйлаганим сабабчи бўлди. Агар қилмаган айбларни қилдим десам, уларни тинч қўяди, мен кекса одамга бу жаҳаннам азоблари ҳеч нарса эмас, деб ўйладим. Афсуски, мустамлака жаллодларининг ниятлари бошқа эди. Бизнинг айбисиз айборлигимиз ҳам оиласларимизни, яқинларимизни, бошқаларни ноҳақ жазолардан асраб қололмади. Ўлимга маҳкум бўлгали бу жамият ўзига хизмат қилганиларни ҳам жазолашдан тийилиб туролмади.

## П Б О Б. ҮЗИМНИ ТАНИМАЙ ҚОЛДИМ...

...Қамоқдагы беш іоз күн! Уннинг уч юздан зиёд кунини сүроқ бериш билан ўтказдым. "Сүроқ бериш" баъзизда икки-уч соатдан ўн-үн беш соаттагача давом қиласади. Демак, ана шу даврда уч минг соатта яқын сүроқ беришімга, одамийлик қиёфасини йўқотган терговчилар қаршисида хўрланишга мажбур бўлдим.

...И. Усмонхўжаевни ҳибсга олгач, уни Гдлян ҳузурига келтиришади. Шунда Гдлян унга: "Эсингиздами, бир неча марта сизнинг иш кабинетингизда бўлгандим. Ўша пайтда хаёлимга бир ўй келганди: "Бу одам ҳозир бутун бир республика тақдирини ҳал қиласапти, қаерга кўл узатса етади. Хўш, шундай зот қамоқда ўзини қандай тутаркан?", деб ўйлагандим дейди.

Хўрлик, камситиш, масҳаралаш, инсон устидан кулиш бундан ортиқ бўлмаса керак!

Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиқларидан бирини, кекса генерални Гдлян ўз сўзига юрмагач, ашаддий қотиллар ўтирган камерага ташлашни буюради. Ўзларини погонили кишилардан азоб чекаётганлар деб биладиган жиноятчилар уни истаганча азоблашади, хўрлашади, хатто эркаклик ғурурига тегишгача бориб етишади?!

"Инсон разиллиги билмас чегара", деганида шоир мутлақ ҳақ эди!

"Майли, сен жим тур, ўз бошингни асра! Бизни бу қизиқтирмайди, биз бу билан қаноатланмаймиз, керак бўлса бутун оила аъзоларингни турмага тиқамиз. Ана шунда сенинг лол тилинг бийрон бўлишини кўрамиз. Керак бўлса, биз сени шундай "ишлаймизки", туқсан онангта қарши кўрсатма беришга жон-жон деб рози бўласан!

1987 йилда Россия вилоятларидан биррида рўй берган воқеа ҳеч хаёлимдан кўтаришмайди. Бир йигит дўстиникига меҳмон бўлиб келади. Икки-уч куялик меҳмондорчиликдан кейин меҳмон йигит дўстининг онасини ўлдириб, бир-икки сўм ўлимлик учун йиқсан пулинин олиб кетади. Қонун ҳимоячилари эса онани уннинг ўели ўлдириди, деб гумон қилиб қамайдилар. Йигитнинг ўз онасини ўлдирмаганлиги ҳақидаги ҳақ гаплари инобатга олинмайди. У терговчиларнинг "ишлов" ларидан кейин "ҳақиқий қотил" сифатида ўлим жазосига ҳукм қилинади. Ҳукм ижро қилинади. Ҳақиқий қотил виждан азобига чидай олмасдан келиб ўзи икroror бўлади. Лекин қонун ҳимоячилари айблари фош бўлиб қолишидан кўркиб ҳақиқий қотилни ҳам ўлдириб юборишади...

**Мана, адолатли совет жамиятининг терговчиси, коммунист-хукуқшуноснинг ҳақиқий қиёфаси !**

Ҳибсга олинган раёнкүм котиби М.Ваисовнинг турмуш ўртоги Пошибо Ваисовани ҳам қамоққа олишади. У кўп болали аёл, қаҳрамон она эди. Қамоқда унинг соchlарини олишади ва шу ҳолда видеотасмага тушириб, эрига мурожаатини эшлитиришади. Бундай пайтда ҳар қандай иродали бўлмасин, маҳбус исталган қоғозга имзо қўйини мумкин. Унинг ўй-фиркини ёлғиз истак чулғаб олади: "Айтганларига кўнай, оиласми тинч қўйиниша бўлгани. Бошга тушганини кўз кўрар, беш-ўн йил беришар, ажалим етмаса озодликка чиқарман. Ажалим етса - Оллоҳ омонатини қаерда олса ҳақ! Ҳеч бўлмаганда болаларим тинч бўлади. Улар мен туфайли қамоқ азобларини, хўрликларини тортишмайди-ку!"

Олдинига кўпдан-кўп айбловларни бўйинга қўйиш, кимга бердинг, кимдан олдинг қабиладаги бўхтонлари ҳужжатлаштириш билан машгул бўлган, бу йўлда энг разил усусларини қўллаган гдлянчилар вақт келиб, ани шу жабрдийдаларни, "бир-бирига бўхтон қилган сафдошларни" ўзаро юзлаштириш ва "фактларни тасдиқлаб олиш" билан шукуланишади. Юзлаштириш жараёни ҳам юзизларча ўтказилади. Бирори "пора берган", бирори "пора олган". Улар энди ўз тиллари билан ўща фактини яна бир карра тасдиқлашлари керак. Ҳар икки "айбдор" ортиқча гапирмайдилар. Саволни улар берадилар, "айбдорлар" улар айтган сўзларни тўтиқушдек такрорлаши керак. Бундай пайтда ёлғонни айтиб, қаршиингда турган кишининг кўзларига тик боқишга уяласан. Уят ҳисси ўлимдан оғир. Уят, ҳатто, ўлим қаршисида ҳам одамни тарқ этмайди.

Ўзаро юзлаштиришган пайтда менга қарши кўрсатма берган собиқ дўстларим, сафдошларим, кўйл остимда узоқ йиллар ишлаб, бирга юрган юртдошларимнинг аҳволини тушунардим. Уларни бу ерга ўз ихтиёрлари етаклаб келмаган, изми ўзларида эмас. Терговчилар айтган, талаб қилган факт-рақамни қайд қилиш ва шу билан ўз боши, оиласи тинчини таъминлашдан бошқа илинжалари йўқ. Акс ҳолда тергов қайта бошланади, ашаддий жиноятичилар ётган камерага тиқишиди, у ерда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ёвузликларни, хўрланишларни бошдан кечиради, туғилганига минг карра пушаймонлар ейди!

Булар ҳаммаси бошимдан ўтган, демак, менга қарши кўрсатма берган сафдошимларимнинг кўпчилигини мутлақо айблаш ниятим йўқ. Уларнинг аҳволини яхши тушунардим.

...Ежовнинг каллакесар югурдаклари маршал Тухачевскийни қандай синдиришганини биласизми? Жасур саркарда, не-не ўлимларга юзма-юз келиб, бир туки қимир этмаган одам қийноқларга дош беролмасдан ақлдан озар даражага боради. Иттифоқнинг биринчи маршали терговчи - мишиқи лейтенант қаршисида тиз чўкиб, кўз ёш тўкиб, тегмасликни, урмасликни, қийнамасликни илтимос қилади:

**Сизлар айтган ҳамма нарсага кўнаман! Ёзган қоғозларингта қўл қўяман!  
Сталинни ўлдириб, давлатни қўлга олишга уринганим рост! Рост!"**

Кейинчалик ҳаммаси ошкор бўлди...

Гдлян ва Ежов, Гдлян ва Берия ўртасида ўхшашик борми? Бор. Ҳаммаси тузумнинг жазо отрядлари қўмондонлари. Улар учун қонун, инсонийлик ёт, бир чаца. Тешанинг топширигини бажариш, "халқ душманлари"ни иложи борича кўпроқ топиб, доҳийларга яхши кўриниш, мансаб пиллапояларидан тезкор ўсиш - мана, уларнинг бор мақсади, орзулари.

Гдлян "Мен партиянинг топширигини бажаряпман" деб такрорлашни яхши кўтарди. Шу бир жумла билан у ўз қиёфасини фош этарди. Прокурорнинг қонунни эмас, қандайдир бир гурӯҳ манфаатини ҳимоя қилиши, партия топширигини ҳар қандай қонундан устун қўйиши... қайси адолат мезонларига сиғади? Биз қандай жамиятда яшадик? Биз нимага, кимларга ишониб яшадик? Ким учун қон, кимлар учун тер тўқдик?..

"Мен истаган даражадаги раҳбарни бу ерга келтириш имконим. Агар хоҳласам, эртага Горбачев ҳам шу ерда, менга сўроқ берадиган бўлади". Бу ҳам Гдляннинг сўzlари. Мақтаниб айтадиган сўzlари. Унга ҳеч иккиласмай ишониш мумкин. Чунки жазо отряди қўлида, уни тергайдиганининг ўзи йўқ, қонун саробга айланган. Республика раҳбарларидан бир-иккитасини беш-ён кун "жхшилаб ишласа" тамом - қарабисизки, бечора қаҷондир Горбачевга фалон сўм берганман деган кўрсатмани "ихтиёрий равицда" бериб турибди.

Қамоқдаги беш юз қундан олган дастлабки сабоқларим шулар. Жаҳаннам уясидан олган тажрибам шу.

Ҳали олдинда кўп синовлар, азоблар турганди. Вақти келиб, ҳатто ўзимнинг кимлигимни ҳам унтутиш даражасига бориб етдим...

"Кундаликлар"ни варақлашни давом этамиш:

1988 йилнинг 1 январи. Янги йил. Қамоқда иккинчи марта янги йилни кутиб оляпман. 607-камера. Ҳибсхонада уч кишимиз. Мен, Геннадий (у Л.Брежневнинг котиби бўлиб ўн уч йил ишлаган) ва Борис Гольдман. Бровин билан янги йилни қамоққа хос кутиб олдик. Бизнинг "тансоқчимиз" бўлмиш Борис эса ўрнида ёттанича бизнинг суҳбатимизни тингламоқда.

Геннадий содда, зиёли одам, яхши суҳбатдош, кўпни кўрган маданиятли киши. Борис эса артист, айёр тулки, 2-3 марта қамалган, фирт саводсиз одам. Бровин билан 601-камерада ҳам бирга бўлдик. Умуман олганда, 1987 йилнинг 5 августидан бўён биргамиз. Тез тил топишдик, дўстлашдик, маслаҳатлашардик, бир-бировга кўнгил берардик. Икковимизга ҳам бу суҳбатлар енгиллик бағишларди. Чунки аввал ишимиш яқин эди. Кўпчиликни билардик. Энди эса тақдиримиз ҳам бир эди.

Бровиндан олдинги хонадошларимдан худо арасин! Қўпол, ёвуз, айёр, тентакфеъл, сал нарсадан жанжал чиқаришга тайёр кимсалар эдилар. Бир оғиз сўзингдан ҳато излайдиган, буюминг ётган ерни маъқул топмай, муштлашиш учун устингга бостириб келадиган ашаддий жиноятчилар ёки айгоқчилар эдилар улар. Уларнинг аксарини Гдлян зоналардан таилаб келтирап, қўл остидагиларни "тилга киритиши"да унумли фойдаланаарди. Баъзида ана шу Гдлян "ёрдамчи"лари томонидан калтакланган, бирор жойи синиб, лат еган маҳбусни "эҳтиёғсизлик истижасида нарадан йиқилган" деб тиббий хулоса чиқариб қўя қолишарди...

"Тилга кирмаган" қайсар бир раёндик котибини ана шундай ашаддий жиноятчилар ётган хонага киритишиади. Улар бечора маҳбусни ўраб олишади, қийноқда солишади, бўғзига пичоқ тиравади. (Кўпинча Гдлян кузатувчиларининг сергак нигоҳлари уларнинг ёнидаги пичоқ ва бошқа совуқ қуролларни "топиша олмагани" сабабини билса бўлади). Қўрқингдан ўзини йўқотаётган собиқ котибга жиноятчиларнинг шефи бўладиган гапни айтди: "Бизга сени шу тунда ўлдириш топширилган. Ўзини ўзи осди, деб ҳужжат тўғирлашмоқчи. Ана қўлбола дор ҳам тайёр. Лекин бошқа шартимиз бор: ҳозир кўзингни боғлаб, иккинчи қаватдаги нарадан пастга бошинг билан шўнгийсан. Омон қолсанг, жонинг ўзинига садақа". Ҳеч бўлмаганда омон қоларман, қўл-оёғим синса тузалар, деган фикрга келган собиқ котиб уларнинг шартини бажаради ва тасодифан омадли сакраб, елкаси озроқ лат ейди. Бу қийноқнинг тамом дегани эмасди. Энди каллакесар охирги шартини қўяди: "Бу бошланиши, сенга дўстона маслаҳатим бор: яхлиси эртага бу камерага келмасликнинг йўлини қил, терговчи айтган шартларга кўн! Акс ҳолда биз икки марта жонингни сенга қайтариб бермаймиз, дор ҳар доим тайёр!"

Раёндик котиби эртаси куни ўзи илтимос қилиб, терговчи ҳузурига боради ва "ҳақиқий кўрсатма" беришга розиллик билдиради...

Қамоқдаги "роҳатбахш кунлар" ана шундай эди.

Кунлар, ойлар жуда секин ўтмоқда, ҳаёт эса ўз йўлида давом этарди.

Бирор дақиқа бўш вақт топсам, терговчилар "вақтинча мени унтишиса" ўқиш билан машғул бўламан. Бизга анча кечикиб келтириладиган газетани бир неча марта ҳарфма-ҳарф ўқиб чиқаман, қўлимга тушган китоб ёд бўлиб кетса-да ўқийвераман. Баъзида маъмурият рухсат берса, радио тинглашимиз мумкин. Бу энди-ҳақиқий жаннат. Ҳеч бўлмаганда ёруғ оламда содир бўлаётган воқеаларни эшлитиш, ўзингнинг ҳалиям ҳаёт эканлигининг ҳис қилиш қандай яхши.

Баъзида бизни ана шу "лаззат"дан ҳам маҳрум қилишади, ҳафталаб газета келтиришмайди, радио узиб қўйилади. Шунда бир-бирингта қараб, одамини ютиб юборадиган қоронги камеранинг заҳрини суҳбат билан олишга уринасан.

Қамоқда бўлсангда, ёруғ оламдаги ўтган кунларингни хотирлаш қандай яхши кайфият бағипслайди.

20 январ. Янги йилда илк бора тергов. Иванов чақиртирди.

- Бизга бирор саволингиз борми?

- Йўқ!

- Илтимос ёки раддиянгиз ...

- Ҳеч қандай ...

Шу билан ҳаммаси тутади.

Қаршиндаги ёвуз бўридан нима сўраш мумкин? Нима илтимос қилиш мумкин? Булар одамми?!

23 феврал. Патан деган терговчи.

Н.Худойбердиев ҳақидаги протоколга аниқлик киритиш учун сўроқ бўлди.

- Бирорта саволингиз борми?

- Йўқ!

24 март. Иванов. Т.Умаров билан боғлиқ протоколларни имзоладим.

25 март. Иванов. Тошкентдаги ўғлимнинг квартираси масаласи ҳақида сўз борди.

27 март. Иванов. Яна Умаров хусусида сўроқ бўлди.

- 28 март. Иванов. Умаровнинг Усмонхўжаев ҳақидаги кўрсатмаси билан қизиқди.

7 апрел. Иванов ва Московцева.

Мени Умаров билан юзлаштиришди. У кўп нарсаларни гапирди. Менга ва Усмонхўжаевга қарши кўрсатмалар берди. 75 яшар, кекса, касалванд кишининг ҳолатини тушуниш мумкин. Унинг айтганинни маъқуллашдан бошқа чорам қолмади. Муқаддам ўз кўрсатмаларидан қайтгани учун уни иккинчи марта қамоқда олишганди... Мен ҳам ўзимниш аҳволимни қийинлаштиришни истамадим...

26 апрел. З.Старкова. Кейинроқ Иванов пайдо бўлди.

1977 йилга тааллуқли К.Авазов билан боғлиқ протоколлар кўриб чиқилди.

28 апрел. З.Старкова.

Хўжалик раиси Р.Жуманиёзовнинг 1981-82 йилларга тааллуқли протоколини ойдинлаштириш юзасидан сўроқлар бўлиб ўтди.

2 май. Ниҳоят, Бровин билан бир соатлик сайрга чиқаришди.

Озодлик - ҳар нарсадан лаззатлироқдир!

6 май. Иванов. Фалаба куни билан табриклаган бўлди, протоколсиз сұхбат ўтказди. Мақсадини тушунолмадим.

18 май. Старкова ва Вафин.

Бугун хотиним ҳамда қизим Санобар билан кўришишга рухсат беришди.

**19, 20, 21, 22 май кунлари. Яна Старкова.**

Т.Искандаров, И.Бекчанов, С.Қаландаров - колхоз раислари ҳақида сүроқлар бўлди. Институт ректори Р. Жуманиёзов билан муносабатларимга қизиқди.

27 май. Ревеко - Гдляннинг ишончли терговчиси. Гдлян, Иванов йўқ пайтида у гуруҳ бошлиғи бўларди. У мени Гдляннинг янги тергов гуруҳи аъзолари билан таништирди. Жами 267 киши. Ҳар сафар рўйхатда янги кишилар пайдо бўлади. Гдлян ва Ивановнинг сўзига юрмайдиган терговчилар ишдан четлаштирилиб, улар ўрнига "тартибли", "одобли" терговчилар топилади.

Умуман, Гдляннинг тергов гуруҳи карвонсаройга ўхшаб қолди. Шунинг ўзиёқ унинг фаолияти нотўғри эканлигини, иш усули кўпчиликка ёқмаёттанини кўрсатмайдими? Қалбида инсонийликдан бир мисқол қолган одам бу ёвузлар қўли остида бир дақиқа бўлса-да, ишлашни ўзига эп кўрмайди...

**20, 21, 22, 23 ва 29 июн. Старкова бу кунлари З.Тожимов, Р.Қуриёзов, М.Тожимов, Н.Ким, М.Жуманазаров, Е.Айтмуротов, С.Ким, С.Мадаминов, Э.Йўлдошев, Н.Худойбердиев, Т.Умаров ҳақида тергов олиб борди.**

Бошингда қилич ўйнаб турса, фарзандларининг жовдираған кўзлари ёдинигта тушса, бор гапни ҳам айтасан, йўқ гапни ҳам...

**15 июл. Иванов.** Мени тагин тергов гуруҳининг янги таркиби билан таништирди. 290 киши. Бунчалик тез ўзгаришмаса.

**21 июл. Старкова.**

Менинг ва хотинимнинг пенсияси билан қизиқди.

**25 июл. Старкова.** 1982 йилги Тошқовуз сафари,

Ш.Рашидов билан 1983 йилги учрапшув (вафоти арафасидаги сўнгти сафари).

Смирновнинг Москвадан Тошқовузга келгани, у ердан мен уни Урганчга келтирганим ҳақида гап борди.

**26 июл. Старкова.** Ўглим Ҳамдамнинг машинаси ҳақида сўради. Ўглим кўп йиллардан бўён давлат хизматида бўлса, машина олишга ҳаққи борми-йўқми? Умуман, давлатда енгил машиналар сотиш учун бўлмаса, ким учун бу миқдорда ишлаб чиқарилмоқда?...

**27 июл. Старкова** келиб ва муддати тутагани, хайрлашиб учун кирганини айтди. Бошқа ҳеч нима демади. Кейинчалик билдимки, бугун иш кабинетида Московцеванинг юраги оғриб, ҳушидан кетиб қолган, Старкова эса дўйтири излаб анча овора бўлган.

Московцева илон эди. Старкова эса заҳарли илон эди!

**15 август. Иванов.**

- Айттанларингизга ўзгаришлар киритасизми?

Норози ўринларингиз борми?

- Йўқ. (Бу синов эди).

Бўридан муурват кутиш ёки сўздан қайтиш... тагин барча азобларни бошдан кечирмоқ деганидир...

6 сентябр. Пантелеева ва Жестков.

Улар республика Министрлар Совети чиқарган ва Бosh вазир ўринбосари Осетров имзолаган барча қарор ва кўрсатмаларни келтиришиди. Мен уларни ўқиб танишиш ва уларнинг саволларига жавоб беришдан бош тортдим.

8 сентябр. Иванов.

- Ўзгартиришингиз борми?
- Йўқ! (Бу такрорий синов эди!)

14 сентябр. Ревеко.

- Қўшкўпир районидаги Жданов номли колхоз раиси Комил Худойбергановни яхши биласизми?
- Йўқ, у янги сайланган раислардан.
- Мен ҳам шундай деб ўйлагандим, у негадир сиз ҳақда ёлғон гапирияпти.

21 сентябр. Старкова. Қ.Раҳмонов ҳақидаги протокол.

22 сентябр. Старкова ва Ивко.

М.Ваисов билан юзлаштириш.

- Юзлаштириш тамом бўлиб, Ваисовни олиб кетишгач, хонага "тўсатдан" Гдлян ва Иванов кириб келишиди. Кайфиятлари яхши, кулиб сўзлашибарди. Улар мени табриклишди ва қучоқлашди... (Нега бундай хушомад?)

Гдлян ҳақ гапни айтганим учун мени мақтади, менга туҳмат қилаётгани учун Ваисовни сўқди ва "у ўзини нотўғри тутяпти, ўзига оғир бўлади", деди. (Уларнинг бугунги ҳаракатларига тушунмадим.)

- Нима учун вилоятдаги ҳамма одамлар, айниқса, раҳбарлар Хива районининг собиқ биринчи котиби Қадам Раҳмонов ҳақда ёмон фикрдалар? - деб сўради Гдлян.

- Билмайман, бошқалардан сўранг. Унинг билан орамизда низо ўтмаган.

- Ш.Рашидов нега уни ёмон кўрарди?
- Билмайман.

... Бундан ўн беш йил муқаддам жипоний ҳаракатлари учун қамалган ва ҳозирда ҳам қамоқ муддатини ўтаётган Қ.Раҳмонов уларга нимага керак бўлиб қолди? (кейин билсам у Гдлянга ёрдам бергани учун қамоқдан озод қилинган экан).

30 сентябр. Иванов.

У мени тергов гуруҳининг янги таркиби билан таништириди ва СССР Бosh прокурорининг ўринбосари Васильев билан бўладиган сұҳбат олдидан огоҳлантириди! "Ўзингизни оқламанг, ҳаммасини ихтиёрий бўйнимга олганман" денг ва ҳоказолар.

(Олдинлар Гдлян гуруҳи фаолиятини Бош прокурор ўринбосари Сорока назорат қиласиди. Унинг ишга муносабати ва назаридан қониқмаган, тўғриси ташвишланган Гдлян ҳамма жойга етадиган қўлини ишга солиб, Сорокони эгаллаб турган лавозимидан четлаштиришга муваффақ бўлганди).

3 октябр. Васильев, Иванов.

Ўзимнинг соғлигим, руҳий аҳволимни айтдим, барча кўрсатмаларни қўрқув ва куч билан берганлигимни, имзолаган протоколларни рад қилишимни айдим. Ўзимни айбдор деб билмаслигимни эслатдим.

Васильев жим тинглади. Иванов барча савол-жавобларни ёзиб борди, лекин охирида протоколни расмийлаштиргади.

11 октябр. Иванов З октябряда Васильев билан бўлиб ўтган савол-жавоб протоколини келтирди. Унда мен Васильевга айтган сўзлар йўқ эди. Иванов протоколни ўзига мослаб тўлдирган экан... Мен тушундим...

Яна тергов гуруҳининг янги таркиби билан таништириди. Сўнгида огоҳлантириди: "Тезда ўз юртингга борасан. Старкова нима қилиш кераклигини яхши билади, унинг айтганини қил, қайса рик қилма. Акс ҳолда биз яна оила аъзоларингизни қамоққа олишга мажбур бўламиш..."

18 октябр. Эрталаб уч аскар - кузатувчи билан қўлимга кишин солинган ҳолатда Домодедово аэропортига олиб боришиди ва у ерда "Москва-Нукус" йўналишида учадиган самолётга чиқазишиди. Кечкуруп Нукусга қўндик. Аэропортда мени Старкова "кутиб олди". Ёнида яна бир терговчи - Кравченко ҳам бор. Аэропортдан машинада Тошқовузга жўнадик. Шу ерда мени қамоқхонага топширишиди ва 2-хонага жойлаштиришиди. Хонада Тельман шаҳрилик ҳайдовчи, ёш йигит, маҳбус Сафаргелди Бобоев бор эди.

19 октябр. Старкова изоляторда сўроқ қилди.

Бугун у янги протоколларни (Қ.Раҳмонов, А.Сафаров, Ю.Эгамберганов, К.Саъдулаев, И.Бекжонов, Т.Жумабов, М.Шарипов билан боғлиқ) имзолашга мажбур қилди. Айтдим, нега имзолашим керак, ахир бу одамларнинг кўпчилигини мутглақо танимасам, умримда кўрмаган бўлсам. У эса булар бошқа бир муҳим протокол, вилоят давлат хавфисизлик қўмитаси раиси Ш.Қуббиевга даҳлдорлигини эслатди.

Икковимиз сўкишиб қолдик. Сўроққа жавоб бериш ва протоколларни имзолашдан бош тордим. "Агарда имзоламасангиз, мен Москвага хабар қалишга мажбур бўламан, унда Москвага қайтасиз, тагин қайтадан "сизни ишлашади" ва гувоҳлар билан юзлаштиришга тайёрлашади", - деди у. Гап хоразмлик гувоҳлар ҳақида кетаётганди.

Эрталабгача ўйлаб кўриш учун муддат берди ва хайрлашмасдан чиқиб кетди. Нима қалишлим керак? Ўйлаб ўйимнинг тагига етолмайман. Ҳаммаси чалкашиб кетган. Нажотнинг "йилт" этган учқуни ҳам кўринмайди...

**20 октябр. Старкова.**

- Яңгиликни әшитдингизми?
- Йўқ.

Узоқ вақт жим ўтиридик. Баҳлашиш бефойда, ҳолим ҳам қолмаган. Улар атайин "ишини" чүзишмоқда, мен эса ҳаммаси тезроқ тугаши, бу азоблардан қутилишни истайман.

У тавсия қылған барча протоколларни имзоладим. Кейин гувоҳлар билан юзлаштириши тезлаштириш түғрисида илтимос қылдым.

**21 октябр.** Эрта билан шаҳар ички ишлар бўлнимининг тергов қисмига келтиришди. Бу ерда терговчилар - Старкова, Қурбонов, Бондаренко, Кравчук, Кравченко, Михалский ва Осипов кутишаётганди. Яна илгари кўрмаган беш-олти терговчилар ҳаммаси ишга ҳозиру нозир туришибди.

Юзлаштириш бошланди. Ҳаммаси видеотасвирга ёзиб олингани. И.Бекчонов, Р.Жуманиёзов, М.Тожиев ва Р.Куриёзов билан юзлашдик. Уларнинг кўрсатмаларига эътироz билдиrmадим, савол бермадим, баҳлашмадим. Шундоқ ҳам уларнинг қиёфаси, сўлғин юзларida қўрқув қотиб қолганди. Кўзларидан ҳаммаси ёлғонлиги, туҳмат қилининг мажбурлашгани кўриниб турарди. Улар гапиравётганди кўзларини олиб қочишар, хўрсинишар, қаршиларида турган номаълум терговчиларга нигоҳ ташлаб қўйнишарди. (Кейинги суд жараённан маълум бўлдикни, айнан ўша номаълум терговчилар уларни юзлаштиришдан олдин роса "қайта ишлашган", агарда кўрсатмаларини ўзгартиришса, шу ернинг ўзидаёқ қамоққа олинишлари, уйларини қайта кўрмаслиги ҳақида огоҳлантирилган эканлар). Номаълум жаллод-терговчилар шу мақсадда ўтиришар, ўз қурбонларини еб қўйгудек кузатишарди, бирорта ортиқча сўз, эътироz ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмасди.

Хонада ўлик сукунат ҳукмон эди.

**22 октябр. Терговчилар - Старкова, Содиков ва Бондаренко.**

Ш.Жабборов, С.Ким, К.Ниёзматов, К.Авазов, Р.Тоҳиров ва С.Дўстматов билан юзлаштириб, ҳаммаси ёзиб олинди.

Эътироz билдиrmадим. Савол бермадим, жим турдим. Улар эса терговчилар билан келишолмай қолган лаҳзаларда тортишишди, ўзларнинг гапларини ҳақ деб баҳлашишди. Терговчилар эса ўз айтганиларини такрорлатишар, олдиндан ҳозирланган "сценарий"дан чиқиylган ҳолда видеоёзувни қайтадан бошлашарди.

**22 октябр. Яна ўшалар.** Бугун М.Жуманазаров, М.Рўзметов, Р.Бекимбетов ва Р.Жуманиёзов билан юзлаштиришди. Р.Жуманиёзов терговчилар билан урушиб қолди, бу асабийлик сал бўлмаса муштлашишга айланиб кетай деди. Тўғри қылди!

**23 октябр. М.Абдуллаев, Н.Матёқубов, Ш.Матниёзов ва**

Ю.Эгамберганов билан "ҳақиқатни аниқлаш учун" юзлашиш. Уларга ҳам оғир, виждонларига хилоф гапларни айтишга мажбурлар. Уларга раҳимм қелади. Гарчи үзим уч ийлігә яқын қамоқ азобини тортаётган, ҳатто душманимға ҳам раво күрмайдынан қийноқлар, асабийлашишлар, руҳий изтиробларни бошдан кечираётган бұлсам ҳам. Буларнинг ҳаммасини сүз билан тушунтириш қийин.

24 октябр. Старкова.

- Рұзметов айтаптика, Сафарниёзов сизга гилам берган экан?

Тұғрими?

- У билмайды, чалкаштирияпты. Портретим туширилған гиламни менға 60 йиллик күнімдә М.Матқаримов совға қылғанды.

Уни Матқаримовнинг үзи эмас, ўғли Бектурды көлтириб кетган экан.

Юзлаштириш давом этди.

К.Сағдұллаев ва К.Қуриёзов билан юзлашдым. (Улар иккінчі күрсатмаларыдан бөш торған. Кейин А.Сафаров ва И.Жабборов) У ҳам рад қилди. Улар ёлғонни рост демаганлари учун анча енгил тортғанларини кулиб турған ғылыми жағдайдағы шарттың көзінде қорығылған. Терговчилар довдираб, бопқалар ҳам шу йүлни тутmasин деб юргылаб қолишиди.

Жуманиёзов, Тохиров, Бекчонов, Қуриёзов, Тожиев, Жуманазаров ва Ким билан юзлаштиришнинг протоколларини Старкова менға бериб имзолашимни сүрады. Охиригача үқиб ўтирумасдан, талабини бажардым.

25 октябр. Старкова әрталаб қамоқхонага келди. У "Барча сұроқ" ва юзлаштириш протоколларини имзолаб берсанғ, кейин ҳам бизнинг талабларимизни бажарсанғ, қайса оның қылмасанғ, измимизға юрсанғ, оның аззатарыннан үзүн шу ерда, кетиш олдидан учрашишга рухсат берамыз", деди. Мана, сизге қонун асосида иш күриш. Мағбус билан үз иши юришиши учун талаблар қойып савдолашишади. Унинг оғир ақволидан фойдаланади. Шу орқали үз ишини битиришга ҳаракат қылади. Ана сизге адолат, ана сизге қонун! Менға бундай шарт қўймаган тақдирда ҳам бўғтон, ёлғонларни баривиб, елкамга ортишади. Шундай бўлгач шартга кўндиним нимаю, кўнмадим нима? У олдин бўлиб ўтган Эгамберганов, Абдуллаев, Авазов, Матёкубов, Жабборов, Бекимбетов, Дўстматов, Рұзметов, Сағдұллаев ва Жуманиёзов билан юзлаштириш протоколларини көлтирганди. Ҳаммасини имзолаб бердим.

Бугун у яна Р.Абдуллаева, Т.Осетров билан боғлиқ протоколларни ҳам көлтириди. Тушунмадим, бу нега зарур бўлиб қолди? Ахир, улар иккени ҳам Москвада ҳибсда бўлишса, ўша ёқда расмийлаштириш мумкин эмасмиди?

26 октябр. Старкова ва Бондаренко. Қамоқхонада Сорокин билан юзлаштиришди. У содир бўлған воқеа 60 йиллик тўйим ўтказилган кунида бўлганини айтиётганида негадир қизариб кетди. Жимгина

ўтиридим. На кулишингни, на йиглашингни биласан. Унинг ақлга сиғмайдиган, айтишга тил бормайдиган тұхмати ҳаммасидан ошиб туцди.

Пантелеева деган терговчи аёл Осetroв билан боғлиқ масалалар борасида сүроқ қилиш учун атайин Москвадан келибди. Нега бу ерда, Москвада эмас? Мен унга сиз билан бу ерда гаплашишни истамайман, дедим.

28 октябр. Старкова, Содиқов, Бондаренко З.Тожимов билан юзлаштиришди. Ёзув техникалари бенуқсон ишламоқда. З.Тожимов гапларининг ҳаммаси гирт ёлғон бўлса-да, тасдиқладим. Уни қамоқдан чиқаришлари учун бу керак эди. Бир одам озодликка чиқиши учун ҳар балога тайёрсан.

Сорокин ҳақидаги сүроқ протоколларини ҳам имзолатишиди. Қуббиев борасида сүроқ қилиш учун ҳарбий терговчи ҳам келганди, мен сүроқ беришдан бош тортдим, у индамай кетди.

Кун охирида хотиним, фарзандларим, невараларим билан учрашишга рухсат беришди.

29 октябр. Тошқовуздан Москвага учиб кетдик. Икки нафар милица ходими қўриқлаб боришиди. Тўғри, яна "Матросская тишина"даги ССР ИИМнинг қамоқхонасига келтиришди.

30 октябр. 403-камера ёлғиз ўзим ўтирибман.

2 ноябр. Ёлғизликдан сиқилиб ўтирганимда тўсатдан Олимбай Пиримов кириб келди (Қорақалпоғистоннинг Элликқалъа районининг собиқ биринчи котиби) кўзларимга ишонмадим, қучоқлашиб, ўпишиб кўришдик. Ёт ўлкада, тагин жаҳаннам уясида бундай учрашув - қадрдан кишининг билан кўришгандаги кайфиятингни тасвирлаш қийин.

Ундан "Сени менинг ёнимга янгилишиб қўйишган бўлмасинлар", деб сўрадим. "Йўқ, бирга бўлишимизга Гдляннинг ўзи рухсат берди", деди у.

3 ноябр. Иванов. Олий судда кўрилаётган Чурбанов ишида гувоҳ сифатида қатнашишим ва нима дейишим ҳақида огоҳлантириди.

4 ноябр. Хонамизга тожикистонылик собиқ партия ходими Нурали Назаровни ҳам келтиришди. У фақат йиглайди ...

10 ноябр. Иванов.

- Кече Чурбановнинг судида нима бўлди? - деб сўради у.

- Жуда ёмон. Мен сизнинг матн бўйича сўзладим. Энди вижданан азобланаяпман, ахир гирт ёлғон гапларни айтдим. Ҳеч қачон ҳеч кимни алдамаган, бирорвга ёмонлик қилмагандим. Бу сафар эса ...

6 декабр. Старкова. Насридинова ҳақида суриштириди.

7 декабр. Старкова.

Шароф Рашидовнинг тансоқчиси А.Азизов ҳақида сўроқ бўлди ва протокол тузилди.

- У айтяптики, сиз у орқали Рашидовнинг хотинига портфел берган экансиз? - деб сўради терговчи.

- Фирт ёлғон гап.
  - Ваисов сизнинг уйингизда неча марта бўлган?
  - Бирор марта ҳам бўлган эмас.
- 8 декабр. Старкова.
- Обқўмда қабул тартиби қандай эди?
  - Эркин.

Тошҳовузда Матёқубов ва Тожимов билан октябр ойида бўлган юзлаштириш протоколларини келтирибди. Бутунлай бошқа гаплар. Ўзи қайтадан тузиб, ёзиб чиққан.

9 декабр. Старкова келди ва бир зум туриб, индамасдан... чиқиб кетди.

12 декабр. Иванов. Қ.Раҳмонов билан юзлаштириш. У 1986 йилда, ҳали қамоқда пайтида Гдлян ва Иброҳимовга берган кўрсатмаларини тақролади. Менга у билан юзлаштиришнинг Тошҳовузда эмас, Москвада ўтказилишидан кўзланган мақсад аён бўлди. Ахир у "бебаҳо" кўрсатмалари учун шахсан Гдлян тавсияси билан муддатидан олдин қамоқдан озод қилинган. Бу ерда Москвада, даҳшатли қамоқхонада энди сўзларидан қайтиши қийин. Елкасида ўн беш йиллик қамоқ турган бандаси ҳар нега рози, фақат озодликда қолдиришса бўлгани.

У менинг ёнимда терговчидан Каракозов ва Гдлян билан қачон, қаерда учрашиш мумкинлигини сўради.

Унинг аҳволини, терговчининг мақсадини англаб турганим учун ҳеч бир эътиrozсиз сўроқ протоколини имзоладим.

14 декабр. Олимбой, Нурали ва мени бошқа камерага ўтказиши. 509-камерада биздан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Яна учовимиз биргамиз. 31 декабр. Бугун қамоқхона врачи мени кўрди, бир қанча дорилар ва қандайдир эритма берди. Қўлнимизда бўлган қуруқ мевалар билан аралаштириб, хуштаъм ичимлик - компот тайёрладик ва Янги йилни нишонладик. Мен бугун 65 ёшга тўлдим. Улар ҳали ёш, мен эса анча кексаман. Қамоқдаги ҳар бир кун бир йиллик умрни емоқда.

Ҳар куни бир соат сайдага чиқамиз, бўш вақтларда мен ўқиш, ёзиш билан вақтиши ўтказаман. Улар эса тинмай домино ўйнайдилар.

Қамоқ! Аммо унда ҳам кунлар, ойлар, йиллар ўтмоқда.

18 январ. Иванов ва Пантелеева. Партия XXVI съездида Осетров, Греков, Ломоносов, Сафоев ва мен тушган эсдалик суратни келтиришибди. Булар кимлигини аниқладилар. Бу сурат билан яна нима балоларни бошлашмоқчи? Худо асрасин!

19 январ. Бугун қамоқхона бошлиғи Пухарев номига ариза ёзиб, тергов гуруҳи аъзоларидан бирор терговчини таклиф қилишларини сўрадим. Унда юзлаштиришлар ва айрим сўроқларда йўл қўйган хатоларимни тузатиш, айрим қўшимчалар киритиш ниятим борлигнин баён этдим.

Ҳеч ким келмади, кунлар эса ўтмоқда ...

7 феврал. Иванов кун бўйи Усмонхўжаевга қарши кўрсатма беришга турли йўллар билан тиришди. "Ўзингни ўйламасонг, бола-чақангни ўйла!", деб шатма қилиб кўйди...

9 феврал. Иванов, Авдиенко ва яна мен танимайдиган икки терговчи. Оператори ҳам бор.

Усмонхўжаев билан юзлаштириб, айбларимизни ёзиб олишди.

У ўзини йўқотган, қўрқитилган эди, муқаддам протоколда кўрсатилган барча фактларни гинг демасдан бўйнига олди. Гарчи, унда бутунлай бўхтон ёзилган бўлса-да. Терговчиларнинг у МК котиби бўлган пайтдаги фаолиятини ерга урувчи сўзларига "тўғри, тўғри", деб жавоб берди.

Қамоқ одамни шу қадар ўзгартирса-я?

21-22 феврал кунлари. Пантелеева. Осетров билан боғлиқ сўроқ протоколларини келтириб, имзолатмоқчи бўлди. Рад қилдим. Бизлар урушшиб, сўкишиб қолдик. Терговчи жаҳл билан чиқиб кетди.

18-21 март кунлари. Старкова. Муқаддам Тошҳовузда бўлган айрим юзлаштириш протоколларини келтирди. Барчаси туҳмат бўлсада, қайтадан имзоладим.

27 апрел. Старкова. Бободинов, Искандаров, Қаландаров ҳақидаги протоколлар устада ҳийла - найранг кўрсатди.

5 май. Кутимаган воқеа содир бўлди. Кечқурун мени "Волга" машинасигта ўтқазиб, Лефортоводаги қамоқхонага олиб боришди.

У ерда мени ДХК тергов бўлими бошлиги А.Духанин, терговчиси В.Туров ҳамда СССР прокуратураси катта прокурори И.Титов кутиб ўтиришган экан. Улар сўроқ қилишди.

Аввало, менга Гдлян тергов гуруҳининг қонунсизликлари ёзилган газетани беришди, ўқиб чиққанимдан сўнг сўрадилар.

- Бу ҳақда нима дейсиз, фикрингиз қандай?
- Тўғри ёзилган, тагин кўпроқ ёзиш мумкин эди.
- КПСС МК ходимларига нималар бергансиз?
- Тошкентда ҳам, Москвада ҳам МК ходимларига ҳеч нима берган эмасман.

Сўроқ тун ярмигача чўзилди. Улар хайрлашиш олдидан Лефортовода бўлган бу суҳбатни ҳеч ким билмаслиги кераклиги ҳақида қаттиқ огоҳлантиришди. Туров сўроқ протоколини ёзди, ҳаммамиз имзо чекдик. Кейин яна "Волга"га ўтқазиб, эски манзилимга келтиришди.

6 май. Вафин.

У кечча Лефортовода бўлган суҳбат билан қизиқди: "Нима ҳақда сўрадилар, сен нима дединг", деди. Унинг айтишича, Гдлян рухсат қилмаса, уларнинг чақириб суҳбатлашишларига ҳақлари йўқ эмиш. Охирида эрта-индин мен билан Гдлян ва Иванов учрашишини эслатиб кўйди ...

**7 май.** Якшанба бўлсада тергов гуруҳининг янги бошлиғи В.Галкин келди. Гдлян қонунбузишларга йўл қўйгани учун вазифасидан четлатилибди.

- Лефортовода ким сўроқ қилди, қандай сўроқ қилди? - деди у.

- Духанин, Титов ва Туров сўроқ қилишди. Қонуний, тартибли, Гдлян ва Иванов терговларига сира ўхшамайди ...

- Кечака Вафин билан нима ҳақда сўзлашдинглар?

- Кўрсатмаларни ўзгартирмаслигимни, яқин кунларда Гдлян ва Иванов билан учрашишим мумкинлигини айтди.

- Кейин сұхбат протоколини ёзib, имзолатиб кетишди.

Нималар бўлмоқда, дам олиш куни бўлишига қарамасдан нега терговчиларнинг пайтаваларига қурт тушиб, ҳар ёққа юргургилаб қолишди.

**12 май.** Старкова. Ҳаммаси яна эски, ўша синалган йўлдан кетди. Терговчиларга эндиликда 2 одам, (бирин очик, бирин яширин) Галкин ва собиқ Гдлян топшириқ бермоқда. ДХК ва прокуратура тизимида мансаб, курси учун шинҳона, ошкора кураш бошланган кўринади. Бу ҳолда биз маҳбусларнинг ҳолимизга маймуналар йиглаши аниқ.

**15 май.** Фарзандларим Ҳамдам ва Санобар билан учрашдим. Старкова бир четда суҳбатга қулоқ солиб ўтириди. Яқинларнинг соглиги, юртдаги аҳвол, одамларнинг кайфиятлари билан қизиқдим. Уларга бу ерда мансаб талашишдек хавфли жараён эндигини бошлангани, ҳуқуқ органлари ва уларнииг ходимлари ўртасида ўзаро тушунмовчилик келиб чиққанлиги, бу эса охир-оқибатда жуда катта жанжал билан тугаши ҳақида айтдим. Бу жанжал нафақат Ўзбекистон, балки Иттифоқ учун катта зиён стказади, дедим. Ишимишини олиб бораётган терговчиларнинг гап-сўзларидан ва уч йиллик қамоқдаги ҳаётимдан мен бунь тушуниб етдим. Болаларимга воқеаларга синичков боқиши, эҳтиёт бўлишини маслаҳат бердим.

**23 май.** Кутимаганда бизларни - барча ўзбекларни "Матросская тишинада"ги қамоқхонадан "Бутирка"га ўтказишди. Эрталаб вақтли, ҳар бир маҳбусни алоҳида кўчиришди. Йўл-йўлакай боксда кутдик, шу ерда кечки овқат бернишди. Узоқ тинтиш, текширишлардан сўнг жуда кеч хоналарга бўлишди. Иккипчи қаватдаги 216-хонага ёлғиз ўзим тушдим. Туни билан уйқим келмади, аввал ёзғанларимни қайта ўқидим ва ёзишда давом этдим.

**27 май.** СССР Бош прокурори ўринбосари А.Васильев ҳамда Каракозов ўрнига тайинланган тергов қисмининг янги бошлиғи А.Сбоев билан узундан-узоқ сұхбатлашдим. Мавзу Лефортоводаги 5-майдаги сұхбаи атрофида борди:

У қайтадаи сўроқ қылди ва расмий протокол тўлғазди:

- Сиз ўзингизни айбордor ҳисоблайсизми?

- Тўғри, иш жараёнида менда хатолар, камчиликлар бўлгандир, бундай хато ҳаммада ҳам бор. Аммо мен ўзимни айбдор, жиноятчи ҳисобламайман. Гдлян ва унинг тўдаси бизларни йўқ қилишини исташганди.

- Сиз кимга пора бергансиз?

- Ҳен кимга, аммо совға-саломлар бўлган ...

- Лефортовода сўроқ қандай олиб борилди?

- Жуда тартибли. Қўрқитишмади, сўкишмади, бу сўроқ Гдлян ва Иванов терговларидан тубдан фарқ қиласди.

9 июн. Бугун камерага қамоқхона бошлиғи Смирнов ҳамда назорат прокурори келишиди. Терговнинг бориши, сақлашнинг аҳволи, ходимларнинг муносабатлари тўғрисида сўрашди.

"Менинг эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақланиш муддатим аллақачон тугаган, бу муддат узайтирилганми, узайтирилган бўлса, бу ким томонидан қилинган, бу ҳақда менга ҳеч нарса дейишмади", дедим.

Улар буни аниқлашта ваъда беришди.

21 июн. СССР Бош прокурори иомига ариза ёзиб, судгача сақлашнинг барча муддатлари ўтгани, соглигим ёмонлашгани, тергов жараёни асоссиз чўзилиб кетаётганидан арз қилиб, судгача озодликка чиқаришларини сўрадим.

Жавоб ўрнига Галкин иимзоси билан билдириш олдим, унда менинг қамоқда туриш муддатим 30 июнгача узайтирилганни айтилганди.

5 июл. Айтилган муддат ўтди, аммо ҳамон маҳбусман.

Бутун ой давомида Н.Ражабов, Е.Айтмуротов, Р.Абдуллаева, И.Усмонхўжаев, О.Салимов хусусидаги протоколларни имзолатиш, улар билан юзлаштириш давом қилди. Усмонхўжаев юзлаштиришгана, у барча айбларига иқрорлик билдириди, ёғонларни рост деб туриб олди, менинг ҳам тасдиқлашдан бошқа иложим қолмади.

11 август. Бугун хотиним ва қизим Санобар билан учраштириши. Учрашувга қиргизистонлик дунгандарни мииллатли терговчи Ёқубов ёрдам берди, қамоқда уч йилдан бери ёзаётган "кундаликлар"им, турли ёзувларимни оила аъзоларимга етказди.

16 август. Алоҳида кун. Гурӯҳ бошлиғи Галкин, терговчилар Кравченко, Осипов танишишими учун "жиноий иш"имни келтириши. Улар билан ёш адвокат Гуринович ҳам келди. Уни бирнчи марта кўриб турибман, энди у судда менинг ҳимоячим бўлиши керак экан.

"Иш"да менга бир қатор моддалар бўйича айб кўйилган бўлиб унда қўл остимдаги раҳбарлардан пора олганим ва юқори раҳбарларга берганим фактлари келтирилганди.

- Сиз ўзингизни жиноятчи ҳисоблайсизми, - деб сўрашди улар.

- Мен жиноятчи эмасман, пора олмаганман, совғалар бўлганди, буни никор қилмайман, 50 ва 60 ёшимни нишонлаганди, фарзандларимнинг

түйларида кўпчилик тўйга тўйёна келтиришган, бу бизда қадим одат. Яна эслатмоқчиманки, протоколларнинг айримлари йўқолган, уларни тўлдириш, ўзгартиришлар киритиш керак. Улар менинг эмас, терговчиларпинг манфаатлари кўзланиб тўлғазилганди ...

... Ниҳоят, айб кўйилди. Айбсиз айбдор бўлдим. Уч йил деганда роса пишитилган, шиширилган "иш"ни қўлимга тутқазишди. Бу юзлаб сўроқ протоколлари ортида менинг уйқусиз кунларим, қийноқли онларим ётибди. Юзлаб кунларни тик оёқда оч, ҳолсиз терговчилар қошида ўтказдим. Уларнинг бир оғиз илиқ сўзи, инсоний муомаласига зор бўлдим, илтифот кутдим. Ишдаги материалларнинг кўпчилигини З йилдан сўнг, энди биринчи марта кўриб турибман.

Машъум сўз - пора ҳақида сўз юритишдан олдин бир тарихий воқеани ўртоқлашмоқчиман. Бу 1990 йилда Москвадаги "Сиёсий адабиёт" нашириётида кўп минг нусхада чоп қилинган "Ленин. Инсон. Амалиётчи. Инқилобчи" китобидаги М.Авербахнинг хотираларидан олинган. Авербах кўз касалликлари соҳасида йирик олим, даволовчи врач бўлиб, Ленин оғир хаста бўлиб ётганида даволовчи дўхтирлар илтимосига биноан "инқилоб доҳийси"нинг кўзларини текшириш учун унинг ҳузурига боради.

Муаллиф шундай деб ёзади: Бизнинг хайрлашишимиз ҳам Владимир Ильичга хос бўлди. Даҳлизда кузатаётib, Ленин ўнғайсизларча, икӯлай бир аҳволда менинг қўлимга пул тутқазишга уринди. Мен рад этдим, у эса бу пулнинг ҳозирги оғир аҳволда ҳеч кимга ортиқчалик қилмаслиги, хусусий даволовчиларни куруқ қайтариш яхши эмас, деб тушунтириди. Мен "иш ҳақи"имдан воз кечдим ..."

Воқеа 20-йилларда кечмоқда. Инқилоб доҳийси, хаста одам ўзини кўриш, текшириш учун келган врачга, таниқли олимга пул беришга уримоқда. Бу унинг хизмат ҳақи.

Лекин Гдлян ибораси билан айтганда бу - пора! Бошқа ҳеч нарса эмас. Иш ҳақи ҳам, қалам ҳақи ҳам, шунчаки совға ҳам - пора. Агарда тақдир тақозоси билан инқилоб доҳийси узоқ умр кўрса, Гдлян қўлига тушса, албатта, бу факт "пора бериш" ва "пора олиш" деб талқин қилинарди. Ҳа-ҳа, бу гдлянчилар фикрича, пора бериш ва пора олишининг ўзгинаси эди.

Нима демоқчиман? Ўзбекнинг минг йиллар силсиласида шаклланган ва яшаб келаётган кўп урф-одатлари бор. Халқда "Ўғил тўйига худонинг ўзи етказади", "Фарз тўйига кўқдан учиб ўтаётган қуш ҳам бир парини ташлаб кетади", деган гап бор.

Тўйга - тўйёна ўзбекдан чиқсан. Бу яхши одат. Тўй қилаётган таниш-билиш, қўшни-ёроннинг шодиёнасига борсангиз, албатта, имконингизга қараб бирор совға берасиз. Кимдир қўй, кимдир ҳўқиз, кимдир гилам, кимдир пул. Ҳатто энг фариб одам ҳам элнинг тўйида мезбонга борини - беш-ён сўмини тутқазади.

Тўйёна еб кетилмайди, албатта, қайтади. Эртага тўй қиласангиз, ошина-ёрларингиз, дўстларингиз, эл-маҳалла қўшилиб келади, борини беради. Сиз ҳам шод, улар ҳам хурсанд.

Бу минг йиллик одат, анъана. Одамлар ўртасида ўзаро яқинликни кучайтиришга хизмат қилади. Ҳатто шўро даврида бу одат қанчалик тақиқланмасин йўқ бўлиб кетмади.

Мен, аввало, оддий одамман, тирик жонман. Эл қатори фарзанд ўстирдим, уларнинг тўйларини қилдим, қиз узатдим, келин олдим. Биласиз, катта раҳбарнинг танишлари, дўстлари ва ошналари, яқинларининг яқинлари ва кўшнилар кўп бўлади. Тўйга ҳаммани айтиш одат. Ўша яхши кунларимда кимдир қўй, кимдир гилам, кимдир пултўйёна деб берган. Ўз навбатида мен ҳам таниш-билишларим, сафдошларим тўйларига борганиман, тўйёна берганиман. Бу ишни қилмасам мен элдан ажralиб, яккаланниб қолишим мумкин. Агарда шу ҳақдаги ҳукумат қарорларини бажараман десам, одамлар наздида "чин кофир" мен бўлардим ...

"Элидан айрилган эллик йил йиғлайди!" Худога шукур, ҳар доим, қайси мансабда бўлмай эл бинилан бўлдим. Унинг урф-одатларини хурмат қилдим, бажардим.

Мен ҳам бошқа одамлар сингари эллик, олтмиш йиллик юбилейларимни каттами-кичик давра тузиб ишонладим. Дўстларим, танишларим, қўл остимда ишлайдиганлар, юқори раҳбарлар қутлаб келишиб. Баҳоли қудрат совга-салом беришди.

Энди Гдлян талқинича, М.Маткаримов узоқ йиллик бирга ишлаганимиз, устоз-шогирдларимиз ҳурмати, рамзи сифатида, гиламни совға сифатида тошириган бўлса, "у курсисида тинч ўтириши учун ноиложикдан пора берган", мен эса "таъмагир", "порахўр" бўламанми?

80-йилларнинг ўрталарида "пахта иши" шунчаки баҳона бўлди-ю қатагон машинаси бутун бир халқ бошига ташланди. Урф-одатларга ўт очилди. Кейинроқ жаноза ўқитмаслик, мачитлардан мусулмоиларни қувищ, тўйларни тартибга солиш каби тадбирлар ўтказилдики, булар ҳаммаси гдлянчилар бошлаб берган балонинг давоми эди, холос.

Виждоним тозаки, бирордан таъмагирлик билан беш чақа олмадим, кимнидир қўрқитиш, кимнидир "ўрнида олиб қолиш", янги вазифага қўйиш, депутат ва қаҳрамон қилиш каби "иши усувларини" қўлламадим. Булар менга ёт иллатлар эди. Тўғри, аввалдан таниш меҳнатсевар кишиларни масъул лавозимларга тавсия қилдим. Бизнинг давримиз "сут соғувчи" министр бўлиши кафолатланган сиёсатга асосланганди.

Одамлар "Худонинг назари тушган одам раҳбар бўлади", деб бежиз айтишмаган.

Гдлян ва Москва назарида эса "ҳар бир курси"нинг нархи бор!

Айтишим керак, шўро тизимида раҳбарликнинг маълум босқичлари мавжуд бўлиб, ҳар қанча билимли, ўқимишли ва таници қучли бўлмасин - тўсатдан ҳеч ким райкомнинг биринчи котиби бўлолмасди. У комсомолдан тортиб, оддий мутахассислигидан бошлаб барча бўгин поғоналарини босиб ўтмоғи, ҳаёт қозонида қайнамоги шарт эди. Номенклатура эса шахсан Тошкентдан, юқорироқ лавозимлар эса Москвадан назорат қилинарди. Демак, агарда мен Ш.Рашидов билан қанчалик яқин бўлмай, унга қанчалик совға-салом ташимай қурилишда прораб бўлиб ишлаётган укамни икки дунёда ҳам райком котиби қилолмасдим ...

Шу услубдан келиб чиқкан ҳолда жиной ишлар Хива районининг биринчи котиби бўлиб ишлаган Қ.Раҳмоновнинг "гўёни етмишинчи йилларда облисполком раиси ёки обқўум котиби бўлиб сайланиш илинжида менга пора беришни" факти мутглақо мантиқсиз гап эди. Бу фактни яна инкор қилиш учун ҳақли асослар бор: агарда Қ.Раҳмонов ҳақиқатан ҳам шу ниятда менга пул берди дейлик, унда нега "мен унга ваъда қилган мансабни бермадим?" экан? Агар пулни олган эканман, бу ўринда ким ўтирди фарқи нима? Ахир Қ.Раҳмонов менга яқинмасми? Облисполком раиси бўлиб сайланганимда Хива районида раҳбарликни унга ишониб қолдиргандим-ку!

Умуман, Қ.Раҳмонов нега менга туҳмат қилди? Биринчидан, у жиной ҳаракати учун қонуний жазони олди! Ўшанда уни жазодан олиб қолмаганим учун мендан хафа бўлгандир? Аммо бу менинг хизмат вазифамга кирмасди, истасамда мен уни ҳимоя қилолмасдим. Ана шу аламзадаликни ёки Гдлян зугумидан қўрқиши - Қ.Раҳмоновни охир-оқибатда менга қарши кўрсатма беришга олиб келди. Шу билан у озодликка чиқди. Энди сўзидан қайтолмасди. Акс ҳолда, у тагин қамоқقا олиниши мумкин эди. 15 йил жазони ўтаган, шўро қамоғининг барча азобларини танасида синааб кўрган, соғлигини йўқотган кишига қайта қафасга тушиш - ўлим билан баробар эди. Шу маънода мен уни тушундим ва хафа бўлмадим ...

Аммо ҳуқуқ ҳодимларининг мантиқсиз айб қўйиши газабимни қўзгади.

... Вазифамдан куттилмаганица кеттишимнинг айбори - ўша вақтдаги республика раҳбари Усмонхўжаев эди! Ҳатто КИСС МҚдаги ҳодимлар менинг ўз лавозимимда олиб қолниши топширган бўлсалар-да, Усмонхўжаев алдов йўли билан мендан ариза олишга эришди. 62 ёшга кирганим учун ҳам қаршилик қўймасдан, чўнгтагимда кўпдан олиб юрган аризани шарта қўлига тутқаздим. У хурсанд бўлди ...

Шундай экан, Усмонхўжаевга "пора беришни", яна йирик миқдорда, нега зарур бўлиб қолди? Ахир мен у билан олдинлар ҳам келиша олмасдим, орамизда қандайдир совуқлик бор эди. Буни

Усмонхўжаев ҳам инкор қилолмайди. Хўш, ҳақли савол туғилади, агарда мен Усмонхўжаевга пора берган бўлсан, у нега мени ишдан бўшатди? Ишдан бўшаш учун бермагандирман, ахир?! Бу саволга жавоб берадиган мард терговчи йўқ. Уларни фақат "кимдир олгани", "кимдир бергани" қизиқтиради, нишага саволи ортиқча! Агарда шу савол қўйилса, айболов бир зумда қордек эриб кетиншини билишади.

Совет қонунларида пора берувчи ҳам, олувчи ҳам тенг жавобгарликка тортилиши белгиланган. Агарда бир томон ўз айнини ижтиёрий тарзда органга етказса, жавобгарликдан озод қилинади. Менга "пора бериш"да гумондор қилингандарнинг аксари (Р.Тоҳиров, Ш.Жабборов ва бошқалар) ўз вазифаларида тийгчина ишламоқда эдилар. Улар "ижтиёрий тарзда" (Гдлян терговчиларининг қийноқ, қўрқитишларини соқит қилган тақдирда ҳам) кўрсатма беришган экан, нега терговчилар шу миқдордаги пора маибон билан қизиқишишмади? Ахир, райқўм котибининг маоши билан бу миқдор порани бериши мумкин эмасди-ку! Пора берди, дейлик, у холда тирикчилиги, рўзгор қозони нима ҳисобдан қайнади? Ўзбекларни "порахўрлар" деб атаган ва билган Гдлян нега масаланинг бу томонлари билан қизиқмади? Қани адолат??!

Мақсад, бир ва бир неча юқори лавозимли кишини бадном қилишдагина йборатмиди? Унда "одил" совет қонунлари қайда қолади?

Юзлаб сўроқлар, юзлаб юзлаштиришлар давомида кўнглимга келган бу саволларга жавоб топа олмадим. Теваракда нималар бўлмоқда, бу ёвуздарнинг асл мақсадлари нима, билмадим.

Вақт келдики, барчаси жонимга тегди, яшашдан мани қолмади, ўнгу сўл бирдек туюла бошлади. Мен ўзимни йўқотиб қўйдим ...

Аслида мен ўзим шунча йил ҳалол хизмат қилган, умримни багишлигар тузумни, сиёсатни йўқотиб қўйгандим. Бизлар - кечаги коммунистлар тузумининг ўгай болаларига айланиб қолгандик. Ёвуз жамият ўзи етиштирган, ўзи тарбиялаган ўз фарзандларини ейишни бошлаган эди ...

## Ш Б О Б. МЕНИНГ АЙБИМ НИМАДА?..

Уч йил ўтди. Мингдан ортиқ кун ва тун. Менинг учта "жиноят"ни содир қилганимни аниқлашга ўнлаб, юзлаб терговчилар вақти, кўплаб техника-ускуналар, сарф-ҳаражат кетди. Бунинг устига яна қамоқхона шахсий таркибиға давлат ажратган маблагни ҳам қўшинг. Қизиқ, давлатта ким кўп зиён келтирди, маҳбус Худойбергановми ёки "адолат пособони" Гдлянми?

Бу сиёсий компаниядан туб мақсад нима? Марказ ўзини оқлаш учун ўзбекларни дунёга юзи қора қилмоқда? Балки. Акс ҳолда Кавказорти ёки Болтиқбўйидаги бошقا бирор мустамлака республика танланмасмиди? Ўзбекнинг айби нимада? Олтинга тенг оқ пахтасими? Юз миллионлаб кишиларга уятларини ёпиш учун зарур мато - пахта этиштирганими?

Пахта этиштириш - мардларнинг иши. Ҳали жаҳон тажрибасида бутун бўғр республикани қафасга ҳайдаш бўлмаган. Тинчгина умргузаронлик қилаётган, бебаҳо маҳсулоти учун берилётган арзимаган чақаларга қаноат қиласидиган халқнинг айби нимада? Гдлян ёки унинг гуруҳидаги юзлаб ҳуқуқшуносларнинг ақалли бирортаси умрида бир кун кўли шилиниб, кўйлаги йиртилиб, бели букилиб пахта терган эканими?

Ана шу саволлар миямда ғужгон ўйнаб, ўйларимнинг тагига етолмасдан минг кунимнинг (ҳаётимнинг деярли уч йиля!) ҳосиласи бўлган неча ўнлаб томлик "эсиззигина қоғозлар" "жиноят ишлар" билан танишишга маҳкумман.

Энди бу кунларни эслаш оғир, кўз нуримни тўкиб, асабимни емириб, қоғозга кўмилиб, ўзимнинг ва ўзгаларнинг ҳаётини қайта-қайта кўз олдимга келтирас эканиман, мана шу кунларга мубтало қилган "озод ва обод совет диёри"дан миннатдор бўлишим керакми?! Шу давлатнинг ривожи ва равнақи учун жон фидо қилиб курашиб ва тер тўкиб ишлаб, эвазига эришганим шу панжара орти бўлдими?

Яна хотираларга қайтаман:

17 август. Терговчи Осипов ва ҳимоячи Гуринович.

Иккинчи марта кўриб турганим - адвокат ўз шартларини қўйди: менинг қариндошларим у билан шартнома тузиши, судгача ва суд тамом бўлгунча муддатдаги унинг иш ҳақини келишиб олишимиз ва розилик беришимиз керак экан. Тергов гуруҳи эса "иш" билан танишиб чиқадиган кунларим учун ҳам адвокатга пул тўлашним шартини қўйди.

Мен рад этдим. Биринчидан, адвокатта тўлаш учун менда сариқ

чақа ҳам йўқ, иккинчидан, ҳимоячининг хизматига муҳтож эмасман, ўтган уч йилда ўзим ҳуқуқшунос бўлиб кетдим. Демак, ўзимни ҳимоя қилишга кучим ва билимим етади.

30 август. Осипов ва Михальский.

Бугун улар ўн бир кишидан 152,5 минг сўм "пора олганим" факти бўйича протоколни имзолашни таклиф қилишди. Яқинда таклиф қилишганда бу рақам 25 кишидан 308,3 минг сўм эди. Демак, ёлғон фактларни судда исботлай олмасликларига кўзлари етиб қолибди-да.

Ҳеч нима имзоламадим, ҳаммасини судда ҳал қиласмиш, агарда терговни тагин уч йилга чўзмасангизлар, дедим.

31 август. Осипов.

У учта қўл соати ва аёллар безаклари (узук, сирға)ни қайтариб бериш ҳақидаги қарорни келтирди. Бу буюмлар ўғлим ва унинг хотинига тегишли шахсий буюмлар бўлиб, тергов давомида тортиб олинган ва ҳатто "иш"га менинг "порадан йигилган бойлигим" деб қайд қилинганди.

5 сентябр. Довдир Осипов айрим сўроқ протоколларидағи факт ва рақамларни ойдинлаштириш учун келди.

У ўғлим Ҳамдам мен учун адвокат излаётганини айтди. Мен қаршилик қилдим. Демак, иш якунга қараб кетмоқда.

6 сентябр. Осипов ўзи билан янги терговчини бошлаб келди. Мен терговда адвокат ёлламагач, улар ўз ҳисобига келтиришди. Бу адвокат менга "иш" билан танишишда ёрдам берар экан. Ҳали "иш"нинг ҳамма томлари тайёр бўлмаган, мен тайёрлари билан танишишни бошлар эканман. Демак, томлардаги давомийлик, тадрижийлик бузилади.

"Иш" билан танишишга киришдим:

15-том. Мадаминов С. , Бободинов Б., Ким Н.

Мадаминов С. - вилоят савдо ташкилоти бошлиги, ҳеч нима бермаганини айтганди, олдинги кўрсатмаларидан қайтганди. Старкова уни эштишини истамай, зугум ўтказганди. Мен жим ўтиргандим. Шунда терговчи менга ҳам бақиришга тушганди: "Унга айтинг, олдинги кўрсатмаларини бўйнига олсин, ахир у сизнинг қўл остингиздаги одам-ку!"

Мен кулдим, Сафарбой йиглаяпти. Старкова ўзини қўярга жой тополмади. Унга "у менинг қўл остимдаги одам эмас. Ҳозир мен собиқ обқўм котибиман, у эса собиқ савдо ташкилоти бошлиги!", дедим.

Сафарбойга эса "Йиглама, судгача кут, ҳозир бошқа иложимиз йўқ, уларни қўлидамиш", кўнгил бердим. Юзлаштириш шундай ўтган. "Иш"да эса тамомила тескариси...

Бободинов Б. - райқўм котиби, 1989 йил 17 февралда "рак"дан вафот этган. Уни кўрмадим, нима деганини билмайман.

Ким Н. - совхоз директори, 1988 йилда 84 ёшида вафот этган. Нима деб кўрсатма берганини билмайман.

Ўзимдан тан, терговчиларнинг ишлаш усулларини яхши биламан. "Иш"даги материаллар: кўрсатма, сўроқ протоколлари таниш ҳуснинат билан битилган, ёзилиш усули бир хилда, барчасидан бир кишининг ҳиди анқиб турибди. Ҳаммаси инкубатордан чиққан жўжаларга ўхшайди, жумлалар, сўзлар, айблашлар ... Ҳаммаси. Ўзбек ва корейс кишиси рус тилида бир хилда кўрсатма бериши мумкин эмас.

... Чарчаб камерага қайтдим, ҳамхонам Борис "Правда"нинг шу кунги сонини ўқиётган экан. Унда Худойбердиев устидан бошланган суд мажлиси айбномани эшиттиришни якувлагани ҳақида расмий ахборот берган. Унда ёзилишича, "Барча гувоҳлар ўз кўрсатмаларини инкор этишди. Лекин прокурор уни 12 йил озодликдан маҳрум қилишни сўради. Ҳимоячи эса озод қилишни сўради. Энди судланувчи сўнгти сўзини айтиш керак, кейин ҳукм чиқарилади". Ҳукм адолатли бўлармикан?

7 сентябр. Эргалаб врач соғлигимни текширди. Қон босимим баланд. Кўяглим айниб, бошим айланади.

"Иш" билан танишишда давом этдим:

14-том. Колхоз раиси Р.Қуриёзовнинг кўрсатмалари. Ариза ва кўрсатмаларида қарама-қаршиликлар тиқилиб ётибди. Аризани ҳибсга олингач, 1987 йилнинг 5 октябрида ёзган (ёздиришган!), рус тилида жуда саводли ёзилган. Ахир у бечора рус тилида ёзиш у ёқда турсин, сўзлашишни ҳам билмайди. Бу Гдляннинг устамон қўли ...

Кечқурун газетадан билдимки, суд Худойбердиевни 9 йилга озодликдан маҳрум қилибди. Гувоҳлар кўрсатмаларини рад қилишганини ҳисобга олмабди. Менинг тақдирим нима бўлади? Бу сон-саноқсиз томларни ўқиб, асабимни емиришдан фойда бормикан?

8 сентябр.

16-том. Колхоз раиси Р.Жуманиёзовнинг кўрсатмалари. У ўз кўрсатмаларидан воз кечиши мумкин эмасди, чунки суд уни тўрт йилга озодликдан маҳрум қилган, муддат уч йилга қисқартирилган. Қамоққа қайтиб келиши иштиёқи йўқ. Уни тушунса бўлади.

17-том. Колхоз раиси Исмоил Бекчонов кўрсатмаси. Олдин ҳаммасини қатъий рад қилган, кейин терговчилар уни бир сутка хонадан чиқармай, қўлидан келган барча ҳунарларини ишга солишган, кўрқитишган, охири бечора улар истаган аризани ёзишга розилик берган.

Тошқовузда юзлаштиришганда мен эътиroz билдирамаганман, чунки Иванов огоҳлантирганди, агарда мен ёки гувоҳлар ўз сўзларидан қайтишса, ўзларига ёмон бўлади. Кўлимиздан ҳамма иш келади, исталган одамни қамоққа тиқиб, йўқ айбни бўйнига қўйишимиз мумкин.

Уч йил давомида терговчилар билан орамизда суриштириш, далил излаш ва аниқлаш эмас, йўқ айбни бўйнига олиш бўйича тазийқ бўлган. "Сен буни бўйнингта оласан, биз сенга фалон йил берамиз, қайсарлик қиласанг, ўққа учасап!!!!"

**Энди ёлғыз умид - суддан.**

Бу жарабаңдан қирқінчы йилларда Вишинский асос солған "одил совет қонунчилігі"нинг ҳиди келиб турибди.

9 август. Терговчи Анатолий Александрович (у ұттого фамилиясини ҳам айтмади. Мен ҳам қызықмадым, ҳамmasи бир түр эмасми, менинг "иш" варақтарини үқишимни кузатиб ўтиради).

12-том. Пахта тозалауш заводи директори Комил Аvezov күрсатмаси. У аризаси устига "Үз ихтиёrim билан ёздим", деб ёзибди. Қызық, буни ёзган пайтда у қамоқда зди-ку. Буларни у Москвада - Бутиркада ёзган, терговчилар ёздиришган. Терговчиларга бу ариза мени обрүсизлантириш, фаолияттамдан жиноят үнсурлари топиши, вазифамдан четлятиш ва кейин қамоққа олиш учун керак бўлган. Аvezov улар учун "лаҳм гўшт" - "тўппонча" вазифасини ўтаган. У 1985 йил 12 февралда қамоққа олинган. Бу вақтда мен вилоятда йўқ эдим, таътилга чиқиб, республикадан ташқарида дам олаёттандим.

Москва вилоят суди Аvezовни 1987 йил 12 февралда 5 йил озодликдан маҳрум қилган, бир йилдан сўнг Қарши суди уни озод этган. Бу ҳам "муҳтарам" Гдляннинг ҳунари.

Аvezовни тушунаман, айбламайман, ҳар бир инсонда ўз жонини асраб қолиш инстинкти бор. Бу қонимиздаги табиий ҳолат. Одамлар ўзини, бола-чақасини асраб қолиш учун ҳеч нарсада қайтишмайди, бальзидә эса эски хафачиликлар учун қасос олиш мақсадида ҳам бўлади...

10 сентябр. Якшанба. Эски газеталарни варақлаб ўтириб, бир мақолага кўзим тушди. Унда Рашидов шахси роса қоралантан зди. Нордманин яхши танирдим, бизда ишлаган пайтлари, Москвада вақтida ҳам муносабатларимиз самимий зди. 1985 йилда СССР Олий Совети сессияси ўтаётган вақтда Москвада сўзлашганимиз ёдимда. У "Республикадаги эски даврларни кавлаштириш яхшиликка олиб келмайди, бу системани ларзага солади. Орқага қарашиб эмас, олдинга интилиш керак", деганди. Мана, унинг фикри. Бу ерда эса ...

... Тушдан кейин "иш" билан танишишда давом этдим.

10-том. Қадам Раҳмонов күрсатмаси. Хива районининг собиқ биринчи котиби, 1975 йилда жиноий ишлари учун 15 йилга қамалган. Күрсатмани эса 1986 йилнинг 2-июлида берган. Гдлян айтиб туриб ёздирган барча фактлар - тухмат.

Гдлян ва Иброҳимов ундан күрсатма олиш учун жазо муддатини ўтаётган зонага борадилар. Күрсатма олингач, Гдлян берган вайдаси устидан чиқали ва Бўстонлиқ туман суди Қ. Раҳмоновни муддатидан олдин қамоқдан озод қиласди. Бир мусулмонни озод қиласиш учун ўзига жабр қилганлар кўп ҳаётда. Бу савоб иш. Бироқ ўзингни қамоқдан чиқариш эвазига бирорни қамоққа тиқиши - қайси дин, миллат, давлат қонунида бор! Мусулмончиллик қаерда қолди?

Колхоз раиси К.Саъдуллаев кўрсатмаси. Унга ўргатилган усул ҳам менга таниш. У ҳам муқаддам қамалган ва менга қарши берган кўрсатмалари эвазига "мукофотланиб" муддатидан олдин авф этилиб, эркинликка чиққанлардан.

11 сентябр.

19-том. Райкўм котиби Шоназар Жабборов кўрсатмалари. 1987 йилнинг 17 нояброда сўроқ қилинган ва протокол тузилган. Ҳаммаси бўйтон гаплар. Гўёки менинг хотиним (бу пайтда қамоқда ётганди) Ш.Жабборовда эримга тегишили бойликлар сақланяпти, деганиш. Бу терговчиларниг фитнаси эди.

Вилоят суди раиси С.Дўстматов кўрсатмалари.

Ҳаммаси эгизак гаплар. Ҳуқуқшунос одам ўзи ҳақида, мен ҳақимда шундай ёлғонларни қалаштириб ташлаганки, ўқиб ёқангни ушлайсан.

23-том. Пахта заводи директори А.Сафаров.

Гдлян муқаддам қамалланлардан мени "фош қилувчи" материаллар тўплашни қойилмақом бажарган. Шундайлардан бири А.Сафаров. "Чин кўнгилдан бўйнига олиб ёзишича, М.Ваисовнинг топшириғига кўра, у менга ўн минг сўм берганмиш". "Ихтиёрий аризаси", "чин кўнгилдан тавба қилгани" учун қамоқдан озод қилинган.

И.Сорокин кўрсатмалари.

Бу энг қизиқ кўрсатмалардан бири. У ўта интизомли, иродали киши эди, бу зайлдаги "кўнгилли тан олиш" унга хос эмас. Бу Гдляннинг ўйини бўлса керак. У аризасида ёзади: "Бу фактни илгари айттолмасдим, М.Худайберганов ўта кучли одам эди...". Култили, ахир у обқўмнинг иккинчи котиби эди, Москванинг областдаги ишончли вакили. КПСС МК ҳар доим мен ҳақимдаги фикрларни яширин тарзда ундан сўраб турган, барча маҳфий кўрсатмалар унинг қўлидан ўтарди. Тўгриси, бизлар увдан сал ҳайиқиб ишлаганмиз ...

У аризасида бир ўринда "совға" бердим, деса, яна бир ўринда "пора" бердим, дейди ва Бон секретарлар - Сталин, Хрущев, Брежнев ва бошқалар ҳам совға - саломлар олишарди, дейди ...

У терговчилар қошида ожиз қолиб, ёлғон кўрсатма бергани учун эзилган, ҳуқуқий саводсизлигидан уялаётган эди...

Шу куни Н.Матёкубов, С.Ким, М.Жуманазаров кўрсатмалари бўйича бир неча томлар билан танишиб чиқдим. Эътиборли ва кулгилиси, М.Жуманазаровнинг аризасидаги сўзлар эди. У бундай деб ёзади: "У (яъни, камина) порани олмади, мен ялиниб илтимос қилдим, шу совғани олинг, деб ...". Кейин, у олди. Ана, холос! Яхшиям, Гдлян ҳуқуқдан озми-кўпми хабардор, акс ҳолда у бечора порани М.Худойбергановга "уриб бердим" деб ёзган бўлармиди ...

13 сентябр. "Правда"да М.Горбачевнинг телевидение орқали чиқиши матни босилябди. Мамлакатда аҳвол яхши эмаслиги нутқда яқдол кўринади.

Шу билан бирга КПСС МК котиби Е.Лигачевнинг ССРПроокуратурасига ёзган аризаси ҳақида сўз борган. Маълумки, Гдлян Усмонхўжаевдан Лигачевни фош қилувчи кўрсатма олишга муваффақ бўлган ... Шундан кейин улар оёғи куйган товуқдек типирчилаб қолишиди. Бу жазо гуруҳи ҳар қандай одамдан хоҳлаган кишига қарши кўрсатма "ундириши" мумкинлигига ақллари етди, чамамда. "Пичоқни олдин ўзингта ур, оғримаса биронга!", деган нақл бор.

... 9-том. Қ.Ниёзматов. 1975 йилда Қ.Раҳмонов "иши" бўйича 10 йилга қамалган. Озодлика юрган одамни Карташъян чақириб, "кўнгилли" бўлиб кўрсатма ёзмасанг, келган жойинига қайтасан", деб қўрқитган. Қўрқитиб ёздириш уларнинг қўлидан келарди. У эса улар нима деса ёзган-берган.

11-том. Колхоз раиси Ю.Эгамберганов кўрсатмаси. У ҳам "кўнгилли"лардан бири. Агарда виждони бўлса, судда ҳақ гапни айтар деб қўйдим.

70-йиллар бошлида вилоятда Марказ буйруги билан текшириш бўлганди. Москванинг тергов комиссиясини Гдлян билан Ивановнинг устози Каракозов бошқарганди. Москвалик Акимова деган полковник аёл эса ибни олиб борганди. У бундай деб айтганди: "Колхоз раислари, завод директорларидан кимда-ким кўнгилли бўлиб келиб, қилган айбини бўйнига олса, жавобгарликдан озод қилинади!". Шу жараёнда барча "Сельхозтехника" раҳбарлари, беш нафар завод директори, саккиз нафар колхоз раиси, ҳисобчилар, омборчилар ва бошқа мастьул шахслар қамалишганди. Ким билади, ўшанда ҳам ҳозирги "гдлянча усул" қўлланилгандир... Бу аслида Каракозов усули экан.

Р.Бекимбетов - пахта саноати трести бошқарувчиси кўрсатмалари. 1988 йил 18 апрелда "ариза" ёзган, 22 апрелда эса сўроқ протоколи расмийлаштирилган. Қизиги, бирорта жумла, сўз ҳам Бекимбетовнинг гапириши усулига ўхшамайди. Ҳар сўздан Гдляннинг қиёфаси кўринади.

14 сентябр.

20-том. Колхоз раиси М.Тожиев кўрсатмаси. 1987 йил 5 октябрда қамоқдан "Гдлян" гуруҳи терговчилари билан учрашиш ниятида" эканини ёзib юборган. Бунга уни гдлянчиларнинг топшириги билав ашаддий жиноятчи бўлган ҳамхоналари мажбур қилиштан бўлса керак. Тўрт кундан сўнг терговчилар сўроқ қилиб, протокол тўлдиришган. Протоколда айтилишича, у "унинг колхозига бориб, кабинетида чой ичиб ўтирганимда менга пул берганмиш ..." Унинг кабинетида чой ичиш у ёқда турсин, умуман, бўлган эмасман.

15 сентябр.

21-том. Колхоз раиси Рўзматов кўрсатмаси.

Бу ҳақда бироз батагфомлоқ маълумот беришга тўғри келади. У 1985 йил 6 июнда ҳибсга олингиз, вилоят судининг 1986 йил 4 ноябрдаги

хукми билан олти йилга озодликдан маҳрум этилган. 1988 йил 27 июнда эса умумий авф туфайли озодликка чиққан.

Мадамин Рұзматов ким? Собиқ колхоз раисларидан, мен энг күп хурмат қиласынан одам эди. Лекин менга қарши шундай күрсатма берганки, душман одам ҳам бу қадар тубанликка бормайди. Ҳибсга олиниши арафасыда у қабулимда бўлди, ёрдам беришими илтимос қилди. Лекин "ўрмонга бутунлай ўт кетаётган кезда" менинг қўлим калта эди. Имконим йўқлигини айтганман, у шу вақтда норози бўлиб кетганга ўхшайди. Балки ўргатувчилари ҳам бўлгандир. Мен шундай ўйлайман. Ана шундай аламзода кайфиятда у гдлянчилар овига тушган ва барча мағзавани устимга ағдарган. Бошқаларга ҳам туҳмат қилган.

Рұзматовнинг 1986 йил 11 июндаги аризаси бошдан-оёқ бўхтон эди. Ўша кунларда уни озарбайжонлик Иброҳимов сўроқ қилди. Урганчдаги тергов изоляторида Рұзматов аризани ўзи ёзмаган, тайёр аризани беришган, у кўчириган, имзолаган, холос. У чайқовчи, анонимкачи, бузгунчи кимсаларнинг (кимликларини айтмайман, худога солдим) мұқаддам ёзган анонимкасидаги сўзларни қолдирмай такрорлаган.

Бу пайтда Урганчда гдлянчилар гуруҳи генерал Собиров "иши" бўйича суриштириши олиб боришаётганди. Ана шу жараён бошлиғи Иброҳимов айни пайтда менга қарши "фош қилувчи" аризалар тўплашга ҳам киришган экан.

1985 йилда Қашқадарё обқўми биринчи котиби Р.Ғойибовни қамоқца олиш операцияси барбод бўлгач, Гдлян ва Иванов (бунинг учун улар чора олишган) яна бирор йирик раҳбарни "овлаш"га киришишади. Улар назарига мен тушаман. Шунинг учун мұқаддам қамалган, жазони ўтаётган вилоятдаги собиқ раҳбарлардан фойдаланганлар.

Гдляннинг энг ишончли ёрдамчиси Абдураҳимов ёрдамида тайёрланган М.Рұзматовнинг кўрсатмаси гирт бўхтондан иборат эди: 1983 йилнинг 17 майидаги у раҳбарлик қилган Янгибозор туманинаги "ХХI партсъезд" колхозида ўтқазилган семинардарайижроқўм раиси Ш.Матниёзов топшириғи ва Сафарниёзов маслаҳати билан менга ўн минг сўм берган эмиш. "Семинар сўнгиди М.Худойберганов машинага мингач, чўнгагига солиб қўйдим", дейди.

1986 йил 23 октябрда Ташқовузда бизни юзлаштиришди. У 1983 йил 16 май куни машинада менга ўн минг сўм берганини айтди. "Шоффер кўрдими?", деб сўрадим. "Шоффер йўқ эди", деди у. Қизиқ машинани ким ҳайдаб кетаётган экан? Унинг кўзимга қараб худодан кўрқмасдан ёлғон гапиравёттанини кўриб, бошқа савол бермадим ва "тасдиқлайман", дедим.

Юзлаштиришдан сўнг терговчилар йўл қўйган хатоларини англаб, уни 1989 йилнинг 11 февралидаги қайта сўроққа чақиришади ва у энди "пул бериш усулини" ўзгартиради ва "чўнгагига солдим", деган олдинги

кўрсатмадан воз кечиб, "қоғозга ўралган ҳолда эди, ўзига бердим", дейди. Бир ўринда "қоғозга ўралган" деса, иккинчи жойда "газетага" деб ёзди...

Ҳаётимнинг оғир кунларида бўйнимга айб қўйиш учун тинмай қийнашган пайтда Иванов менга турли доирадаги раҳбарлар, раисларнинг фамилиясини рўйҳат қилиб беришни сўраган. Мен элликка яқин кишини, хотирга келганинни ёзиб берганман. Шунда Иванов: "Етади, энди улардан қанчадан олганингни ёз", деган. Ўша рўйҳатда М.Рўзматовнинг ҳам номи бор экан ...

Ўша кўрсатма бўйича 1989 йил 8 февралда обқўмнинг шофёрлари ҳам тергов қилинган.

Ҳайдовчи К.Машарипов: "Мен Худойбергановни хўжаликларга олиб чиқмасдим, обқўмнинг хўжалик ишлари билан машғул бўлардим".

Ҳайдовчи С.Қурбонов: "Мен тоқ кунлари машина бошқарганман".

Ҳайдовчи Х.Дўстчонов: "Эсимда йўқ, бу колхозда Худойберганов билан бўлмаганман".

У жуфт кунлари ишлаган, демак, 16 майда мен билан бўлиши керак. Йўл ҳужжатларини кўтариб кўрилганда ҳам айнан шу куни у ҳайдовчилик қилган, аммо бу куни менга Рўзматов қандай қилиб давлатнинг хизмат машинасида пул берган бўлиши мумкин?!"

Ш.Матниёзов гувоҳлик бериб, "Бундай масалада Рўзматов ҳеч қачон менга мурожаат қилмаган эди", дейди.

Колхоз раиси М.Абдуллаев кўрсатмаси:

"1983 йилнинг сентябрида колхозимизга Худойберганов келди Пахтани кимёвий ишлап жараёни билан танишашётганда пахта даласида юрди. Натижада, костюми инфлос бўлди. Уни кийиб кўчага чиқиш мумкин бўлмай қолди. Мехмонхонага келиб, чой ичгач, мен унга янги костюм бердим. Чўнгагида икки ярим минг сўм пул бор эди ..." Ана сизга яна бир кўрсатма. Яхши тўқилган эртак.

Бир ойдан сўнг ўтказилган видеоёзуvida эса бошқача сўзлайди: "Янги костюмни Худойберганов олиб кетди, пулни бермади. Чўнгагида пул бор, деб айтмаганман..."

1988 йил 24 октябр. Тошқовуздаги юзлаштириш пайти. У костюм берганини айтди. Мен тасдиқладим. Уч ойдан сўнг берган кўрсатмасида у менга ҳеч қачон, ҳеч нима бермаганини айтди. (Умуман, костюм воқеаси бўлмаган, тўқиб чиқарилган, аммо унинг ҳам қамоққа олинмаслиги учун мен тасдиқлашдан бошқа имкон топмадим).

19 сентябр. "Иш" материаллари билан танишишда давом этдим.

24-том. Колхоз раиси Зариф Тожимовнинг кўрсатмалари.

Бу менинг "ишим"даги энг оғир, чидаб бўлмайдиган тұхматлардан. Рўзматов билан Тожимовни тергов изоляторида "дўстларим" жуда яхшилаб "тайёрлашган". Улар иккови ҳам янгибозорлик. Айнан шу

район пахта тозалаш заводи директори С.Абдуллаев Россиянинг Рязань шаҳрида жиноят устида қўлга тушиб қамалган, хоразмликларни биринкетин тортишда у илк "паровоз" вазифасини ўтаганди...

1986 йил, 9 сентябр. Тергов изоляторида З.Тожимов ариза беради. (Ишда эса унинг 1986 йил, 6 июндаги аризаси йўқ, мени қамашга асос бўлган аризалардан бири.)

1986 йил 27 октябрда сўроқ пайтида у 1982 йил ёз ойида райижроқум Ш.Матниёзовга ўн минг сўм пул берганини, у эса бу пулни Худойбергановга кетаётган пайтда бериб юборганини айтади.

Роппа-роса икки йилдан сўнг Тошховузда юзлаштиришганда у айнан шу кўрсатмасини тақрорлади, мен тасдиқладим. Ҳамма томоша шундан бошланди.

1989 йилнинг 9 ноябринда у терговчи Кравченко билан учрашишни сўрайди. 24 ноябрда уни Старкова ва Осипов тергов қилганинда, у янги мазмундаги аризасини топширади ва 1984 йилда менга 53800 сўм берганини айтади. Илгариги ўн минг ёлғон эди, дейди. Шундан кейинги қатор аризалари, сўроқ протоколларида айнан шу рақам қайд қилинади. Ҳўш, нима ўзгарганди? Пора миқдорини ошириш унга нега зарур бўлиб қолди? Шундоқ ҳам "чин кўнгилдан пора олганим миқдори ҳақидаги иқрорларим" менга ўн беш йил беришга етиб ортардия-ку. Гап бошқа ёқда.

1988 йил 1 декабрда маҳбус Исоеев Назарбой сўроқ қилинади. Унинг кўрсатмаси: "Сохта ҳужжатлар билан ёзилган 61300 сўмни Тожимовга берганман".

Маҳбус Бозорбоев Қозоқ: "Тожимов олтмиш минг сўмдан кўпроқ пулни обқўмга беришди, деб айтишганди".

Тожимовнинг хотини - Озода Тожимова гувоҳлик беради: "Обқўмнинг биринчи котибини танимайман, унга эрим пора берганини ҳам билмайман". Қайта терговда О.Тожимова Бозорбоев эри билан илгари қурилиш ташкилотида бирга ишлаганини, уни ва унинг хотинини аввал танимаганини, аммо бир куни ўғли ва хотинини олиб, маст ҳолда уйига келганини айтган ...

Колхоз партия ташкилоти секретари Ж.Оллоберганов "1984 йилнинг ноябр ойида Худойбергановнинг колхозимизга келганини кўрмадим", дейди.

Раиснинг котиби, бош агроном, бош инженер ва раиснинг ҳайдовчиси ҳам сўроқ пайтида мени колхозда 1984 йил ноябринда қўришмаганини баён қилишади.

Район ижрония комитети ходими С.Юсупов "Худойбергановнинг Куйбишевномли колхозда шу муддатда бўлганини билмайман, ўзим кўрмадим", дейди.

РАП раиси Э.Ваисов "Худойберганов шу ойда нафақат колхозда, балки районда ҳам бўлмаганди", дейди.

Колхоз пахтасини топширувчи Б.Матниёзов: "Тожимов Бозорбоевга бер, деб менга 7500 сўмни топшириди. У бу пулни дўсти-қўшнисига ўзи берса-да бўларди". Шу иш юзасидан обқўмнинг уч нафар шоғёрини ҳам тергов қилишади. Бирортаси бу колхозда бўлиб, тушлик қилганларини эслай олишмайди. Район ижроия қўмитаси раиси Ш.Матниёзовни сўроқ қиласдилар. "Худойберганов мендан айри яккама-якка Тожимов билан учрашганини билмайман", дейди у.

... Оддин бошқачароқ эди, кейин эса Қ.Бозорбоев биргаликда 53 минг сўмни Ш.Матниёзовга берганмиз, деб тұхмат қилиб туриб олди. (Судда Бозорбоев кўрсатмасидан бош тортди ва мендан кечирим сўради.)

Тожимов Зариф ким ўзи? Муқаддам жинояти учун қамалган. Тошқовузда мен билан юзлаштириш учун қамоқ жазосини ўтгаётган зонадан зудлик билан келтиришган. Мен билан юзлаштиргандан сўнг (ўшандагап ўн минг сўм ҳақида борганди) уни Тошкентта жўнатмай, Урганчдаги тергов изоляторида қолдиришади ва шу ерда уни қайтадан "ипшаш" бошланади.

Тожимов 1986 йилда илк бора ҳукм қилинган. 1987 йилда эса тагии айблари очилиб, иккингичи марта судланиб, ҳукм қилинган. Суд ҳукмидан ўқиймиз: "З.Тожимов қолган 53800 сўмни кассадан олган нақд пулни ўз шахсига ўзлаштирган..."

Бозорбоев судда шундай дейди: "... Ҳукм Ўзбекистон Олий суди томонидан бекор қилинганидан кейин бизларни Урганчдаги бир корхонага ишга чиқардилар. Мен Тожимов билан ишлаб юрдим, шунда бир куни у менга "61300 сўм пулни иккаламиз биргаликдарайижроқўм раиси Ш.Матниёзовга берганмиз, деб айтамиз, шунда бу пул иккаламизнинг бўйнимиздан ҳам тушади ва иккимизга ҳам енгиллик бўлади", деди. Мен рози бўлдим. Кейин суд бошланганидан сўнг шу хилда кўрсатма бериб, 1984 йилнинг ноябр ойида Куйбишевномли пахта пунктида - менинг иш ўрнимда 61300 сўмнирайижроқўм раиси М.Матниёзовга бердим, деб ёлғон айтдим, бу кўрсатмани қайта терговда ҳам тақрорладим. Менинг виждоним қийналди ... Кейин пул беришда қатнашмаганлигимни кўрсатдим. Мени Тожимов билан юзлаштиридилар. Тожимов менга шу пулни Матниёзов билан икковинг бўлиб олгансан, деб тұхмат қилди".

Тожимов судда шундай деди: "... Исоевдан мен пулларни олиб, бўлиб бўлиб Бозорбоевга бердим. Бир марта пахта топширувчи Б.Матниёзов орқали 7500 сўм, қолган пулларни шахсан ўзим берганман, жами 61300 сўмни. Суд бошланмасдан олдин машинада кетаётганимизда Бозорбоев 61300 сўмни Матниёзовга бердик, деб айтайлик, деб илтимос қилди".

Вазият ўзгаргани боисдан Осипов Тожимовга қарши очилган жиноят ишини ҳаракатдан тўхтатди. Чунки "оппоқ йигит" бир кўрсатма билан менинг қўл-оёғимни боғлашга хизмат қилган бўлса, ўзининг қўлидан кишанлар ечилишини таъминлаганди.

Судда у айнаң колхоз кассасидан 61300 сүм пулни кассирдан олиб, ўзлаштиргани учун айбланаёттанди. Шунинг учун ҳукм ҳам қилинганди. Менга нисбатан берилган кўрсатмаларнинг кўпчилигида мантиқ, ҳеч бир асос йўқлигини кўриб, сезиб қолган терговчилар "каттароқ лаҳм"ни излаб қолишган. Акс ҳолда бутун "иш" судда барбод бўлиши аниқ эди. Шунда "иш"ида катта миқдор кўрсатилган Тожимов тавлаб олинади ва у ўзи ўзлаштирган пулни Матниёзовга ва у орқали менга бердим, деб ариза ёёса, озод қилиниши ваъда берилади. Тожимовга шу керак эди...

(Сал илгарилаб кетиб, бу соҳта кўрсатмани тўлиқ айтиёттаним боинси барча иш томларини кўриб чиқиши бир ёқ бўлди-ю, мана шу томни кўриб чиқиши азоби бир бўлди.)

20 сентябр.

22-том. Райқўум котиби Р.Тоҳировнинг 1988 йил 17 майдаги кўрсатмаси. Унда у гўё 1983 йилнинг октябринда ўз иш кабинетида М.Худойбергановга ўн минг сўм берган эмиш. Бу Рашидовнинг воҳага келиши (сўнгги сафар келиши) арафасида рўй берган эмиш. Тошҳовуздаги юзлаштиришда у сўзларини яна тақорлади, мен тасдиқладим. Гдлян ва Ивановнинг ҳийласи амалга ошиди.

21 сентябр.

6-том.

Илк кўрсатмаларим. СССР Боп прокурори номига ёзган (Гдлян айтиб турган) аризамда мен ўзим ва ўзгалар қўлмаган қатор жиной ҳаракатларни бўйнимга олгандим. Уларни кейинча Гдлян бошқа саналар билан расмийлаштириди. Гдлян оила аъзоларимни қамоққа олиш учун қўрқитди, кўз ўнгимга болаларимнинг термулган нигоҳлари келди ... у яна отишга ҳукм қилинган Усмонов (Пахта саноати министри), Каримов (Бухоро обқўми котиби) тақдирни бошимга тушишини эслатди... Мен тақдирим ҳал бўлганини англадим, ҳеч бўлмаганда фарзандларим ҳаётини сақлаб қолиш ташвишига тушдим ...

Эдди бу аризаларни ўқиши минг бир азоб эди.

22 сентябр.

7-том ва 1987 йилдаги кўрсатмаларим. Ҳаммаси Гдляннинг "ижоди". Ҳеч бўлмаса судгача яшаш ва ўзимнинг айбисизлигимни исботлаш учун аросатда қолиб ёзгандим.

23 сентябр.

8-том. 1989 йил 5 майдаги Лефортоводаги сўроқда мен барча аризаларимни Гдлян ва Иванов тазиёни остида ёзганим, ўз сафдошларимни сотишга мажбур қилишгани, ҳатто Тошкент ва Москвадаги масъуль ходимларга ҳам айб қўйишда мендан фойдаланмоқчи бўлғанларини айтганимай ...

28 сентябр.

4-том. Бу томда иқтисодий кўрсаткичлар ва шикоятлар йигиштириб

келтирилган. "СССР Госкомстат ва республика масъул идораси таъкидлашича, давлат мулкини ўмариш, қўшиб ёзиш, талонтарожликлар бўлмаган.

1968-87 йилларда областнинг иқтисодий кўрсаткичлари кескин ўсиши кузатилган".

Келтирилган кўпдан-кўп раҳамларда мен вилоятта раҳбарлик қилган йилларда қишлоқ хўжалиги, саноатда кескин ўсиш, ривожланиш акс этиб турибди. Раҳамларни рад қилиб бўлмайди.

... 1971 йили Л.Брежнев, Н.Подгорний, Ш.Рашидов ҳамда "Правда" газетаси редакциясига аноним тарзда вилоятдан шикоят хати юборилган. Хат муаллифи ўғлимнинг (1969 йил), қизимнинг (1970 йил) тўйлари ҳақида ёзган, шунингдек, колхоз раислари Р.Мадаминов, С.Қаландаров, И.Дўсов (унинг Қаҳрамонлик юлдузини йўқотгани) каби раҳбарлар билан яқин муносабатда бўлганим, айни пайтда, вилоят ижроқўм раиси муовини О.Маҳмудов, райқўм котиби М.Ражабов, шаҳар қўмитаси котиби С.Жобберганов ҳамда обқўм бўлими бошлиги С.Мадаминовни ҳафа қилганимни эслатган.

Шикоятчилар мени маҳаллийчиликда қоралашга уринишади. Улар вилоятдаги кўпгина раҳбарлар Р.Эшчонов - вилижроқўм раиси, М.Худойберганов- вилоят маориф бўлими мудири, А.Ёқубов - вилоят таъминот ўюшмаси раиси ва Р.Ёқубов - ижроқўм котиби ва бошқалар Шовот туманидан деб ёзилган.

24 марта 1971 йилда Ш.Рашидов Москвага - Марказқўмга ушбу шикоят хати юзасидан жавоб йўллаган. Қизиқ, бундай шикоят ёзилгани ва текширилгани ҳақида биринчи марта - ўн саккиз йилдан сўнг эшитиб турибман.

... 1973 йилнинг 4 нояброда Л.Брежнев номига Урганчдан яна битта шикоят хати (анонимка) жўнатилган. Ваҳоланки, 1969 йилда даҳшатли сув тошқинини бартараф этдик, 1971 йилда вилоят иккинчи марта орден билан тақдирланди, кўрсаткичлар йилдан-йилга юксала борди.

Иккала хат ҳам эгизак. Уни бир одам - гаразли мақсадда. (Бу шикоятчининг ким эканлигини биламан, аммо вақт ўтган, буни ошкор қилишининг ҳожати йўқ.)

Иккинчи шикоят юзасидан Ш.Рашидов МК котиби Й.Қурбонов ва бўлим мудири Г.Орловга ариза бўйича текшириш ўтказиб, натижаси ҳақида КПСС МКга жавоб тайёрлашни топширган. Шу ҳақдаги барча сўровларга обқўмнинг иккинчи котиби И.Дрижак расман жавоб берган. (Бу тўғрида ҳам энди эшитаялман.)

Иш юзасидан барчага тенг қараганман. Мен "яқин", "дўст", "ўзиники", "бегона" қадрлар деб ажратмаганман. Бу гаплар бўхтон эди. Бўғтонлиги сабаби шундаки, шикоятда кўрсатилган раҳбарлар мен биринчи котиб бўлгунга қадар шу лавозимларда ишлаганди. "Биз бир

ерданмиз, сиз бошқа ишга ўтмасанғиз бўлмайди", деб раҳбарни ишлаб турган вазифасидан четлатиш мумкинми? Бу гаразгуйлик ўз шахсини ўйлаш бўлмайдими?

29 сентябр.

2-том. Барчаси менинг шахсим, ҳаёт йўлим, иш фаолиятим билан боғлиқ маълумотлардан иборат. Унда бир маълумотнома бор: "1968-89 йилларда Хоразм вилоят суди томонидан 26 нафар колхоз раиси, 24 нафар бош ҳисобчи, 28 нафар кассир, 6 нафар завод директори, 11 нафар классификатор ва бошқа 26 лавозимли шахс судланиб, турли муддатларга озодликдан маҳрум қилинади.

Вилоят суди 1968-89 йилларда давлат мулкини талон-тарож қилиш, қўшиб ёзиш факtlари бўйича чиққан суд ишларининг бироргасида ҳам М.Худойбергановга тегишли, унинг жиноят ишларига алоқаси мавжудлигини аниқламади.

Хоразм вилоят судининг раиси Р.Олимқулов".

Шу томда менинг биринчи котиб давримдаги маошим, депутатлик иш ҳақим, даволаниш, қалам ҳақи, ногиронлик нафақаларимга тегишли барча маълумотлар тўлланган. Биринчи котиб бўлиб ишлаган ўн саккиз йил давомидаги олган шахсий даромадим - 181 минг 136 сўм деб кўрсатилган.

30 сентябр.

3-том. Шахсим билан боғлиқ маълумотлар.

Тошкентдаги "Шелковичная" меҳмонхонасидан маълумотнома: қаочон яшаганим ҳақида. Ҳайдовчиларимнинг йўл варақалари - қаочон, қаерга борганиман? Янгидан шоличилик совхозлари тузиш ҳақидаги қарорлар.

Зилзила, сув тошқини, тиббий оғат билан боғлиқ маълумотлар. Райқўмларнинг - менинг давримдаги барча биринчи ва иккинчи котибларининг тўла рўйхати. (Бу рўйхат Гдлянга керак эди. Чунки у шулардан "гувоҳ" танлаган). Қандай бўлмасин мени "фош қилиш" учун эринмасдан шу қадар кўп маълумот тўплашшибдики, бунинг ўрнига фойдали иш билан шуғуллансалар, мамлакатни босиб кетган ашаддий жиноятчи тўдаларни ушласалар, яхни эмасмиди?

5-том. Бу томда текширилган аризалар натижаси.

"Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йигиб олиш, тайёрлаш жараёнида Хоразм вилоятида қўшиб ёзиш ёки кўзбўямачилик факtlари аниқламади.

ЎзКП МК қишлоқ хўжалик бўлими мудири Г.Файрушин. 1976 йил, 26 декабр".

... Яна бир шикоят (аноним тарзда) ўрганиб кўриш учун Марказқўм ходимлари Зинин, Окунский, Архангельскийга юборилган. Унинг натижаси КПСС МКга маълум қилиш сўралган. Шикоят хатни текширишга Осетров томонидан 1983 йил, 31 декабря жўнатилган".

Шикоятчининг мақсади маълум, менинг олтмиш ёшга тўлишим арафасида қилган ишларимни, ўзимни ёмон қилиб кўрсатиш, обрўйимни тўкиш ... Менга зимдан зарба бериш.

"КПСС МКга.

... Шикоят юзасидан барча чоралар кўрилди, обқўм бу масалани кўриб чиқди ва М.Худойбергановга маълум қилинди.

Ўз КП МК котиби Т.Осетров. 1984 йил 8 феврал".

Бу шикоят аризаси ҳақида ҳам эндиғина хабар топаяпман, улар қандай текширишди, нимани текширишди - менга қоронгу.

Умуман, Л.Брежнев ва Ш.Рашидов вафотидан сўнг менинг устимдан аноним тарзда КПСС МКга жўнатилган шикоятлар борасида мен билан ҳеч ким сұхбатлашмади, ақалли бир оғиз огоҳлантирумади ҳам. Ўрганишлар, текширишлар, иккинчи котиблар И.Сорокин ва Ю.Гудков орқали бажарилган. Терговчилар менинг шахсим, иш фаолиятим юзасидан "гувоҳлар" дан бўлак яна юздан ортиқ кишини сўроқ қилишган. Улар орасида собиқ ва ишлаётган раҳбарлар, қамоқдаги сафдошлар, нафақаҳўрлар, мендан норозилар, умуман, ҳамма қатламдаги одамлар бор.

Сўралганлардан 67 нафар киши шахсий характеристим, иш фаолиятимга ижобий баҳо беришган. Фақат тўрт киши салбий баҳолаган, улар наздида мен одамлар билан муомалада адолатсиз бўлганман, масалаларни ҳал қилишда тўғри хулоса чиқармаганман ...

29 нафар киши эса мен ҳақда ҳеч нима билмаслиги, шахсан учрашмагани, сұхбатлашмагани, демак, шахсим ва иш фаолиятимга тааллуқли бирор эътиборли сўз айтгаслигини билдиришган.

Бу "сўраб-суриштириш"лар борасида протокол юритилган. Демак, нисбатан олганда ҳам кўпчилик мени тан олиб, камтарин меҳнатимга баҳо берибди. Шунга шукур!

31 сентябр.

34-том. Бу томда юзга яқин протокол бўлиб, қариндошларимнинг қамоққа олиниши ва сўроқ қилиниши, аризалари билан тўлиб-тошган.

32 сентябр.

32-том. Асосан оила аъзоларим ҳақида.

Хотиним Ниёзжон Худойбергановани ҳибсга олиш протоколи. 1986 йил, 13 октябр. № 18/58115-83 иш бўйича.

Худойберганова Н. Хоразм ижроқўм ИИБнинг вақтингчалик қамоқ изоляторига соат 23.00 да жойлаштирилсин.

Н.В.Иванов

Худойберганова Н.ни қамоққа олишга рухсат бераман.

А.В.Бутурлин

1986 йил, 16 октябр.

Турмуш ўргонимни Карташъян, Московцева, Пантелеева, Старкова,

Абдураҳимов, Даҳажонов бевосита Гдлян ва Ивановнинг кўрсатмаси ва Кравченконинг назоратида 58 марта сўроқ қилиб, протокол тўлғазишиган. Саволлардан уларнинг инсоний қиёфасини йўқотганиликлари кўриниб туриди.

"Розиман". СССР Бош прокурори ёрдамчиси, адлия катта маслаҳатчиси В.С.Галкин.

### ҚАРОР

Жиноий ишни тўхтатиш ҳақида Худойберганова Н.га нисбатан қўлланилган "тилҳат билан очиқда" чораси ҳам бекор қилинсин.

В.Кравченко

1989 йил, 5 сентябр.

1 октябр.

27-том. Ҳаво совуқ. Тўрт кунки шамоллаганман. Бурун билан нафас олишим қийин, бошим қаттиқ оғрийди. Шундай аҳволда ҳам "иш" томлари билан танишишда давом этдим.

Бугун мен билан боғлиқ янги рақамли "жиноий иш" очилганидан хабар топдим. (Эътибор қилинг! Уч ярим йилдан бери қамоқдаман, лекин менга нисбатан жиноий иш очилмаган экан ...)

2 октябр.

27-том билан танишишда давом қилдим. Усмонхўжаевни сўроқ қилиш протоколлари шу ерда.

1989 йил 10 февралдаги юзлаштириш протоколи, видеоёзуви Юзлаштиришни Иванов ўтказган. Бу Иванов сценарийси остида ўйналган чинакам драма бўлған. Усмонхўжаев ўртамиизда ҳеч қачон бўлмаган "олди-берди"ларни бўйнига олганида мен ҳайрон қолдим. Гўёки у гипноз қилинганга ўхшарди. Бундай муҳитда унинг кўрсатмаларини тасдиқ қилипдан бошқа иложим йўқ эди. Чунки кекса ва касал хотин, фарзандларим ҳамда бошқа яқинларимнинг тақдирни шунга боғлиқ бўлиб, улар ҳаётин қил устида туриди.

3 октябр. Ўтирган хонам музлаб ётиби, шамоллашим ўтмаган. "Иш" билан танишишими керак. Терговчи Анатолий танишиш жараёнидаги ҳар куни қошимда ўтириб навбатчилик қиласади.

35-том. 40 - протокол асосий масалага бағишиланган.

Менга, аёлим, болаларим ва бошқа қариндошларимга тегишли бўлған буюмларни мусодара қилиш учун тузилган актлар ва мол-мулкнинг рўйхати ...

Уйимдаги мавжуд барча ҳужжатлар, фотосуратлар, ёзувли дафтар-блокнотлар, қоғозлар ашёвий далил сифатида олинган ... Шахсий жамгармам, омонат дафтарчам, кундзалик ҳаражат учун турган пул ва бошқа қимматбаҳо қоғозларимни ҳам тортиб олишган.

4 октябр. Бугун 31-том материаллари билан таипшдим. Бунда: "Тингув учун рухсат бераман.

1986 йил, 22 август", деган ёзувга кўзим тушди.

А.Бутурлин. Урганч шаҳри.

"Тинтув ўтказиш ҳақида қарор.

... Жиноят кодексининг 152-моддаси иккинчи қисми бўйича айбланувчи М.Худойбергановнинг уйи тинтув қилинсин.

Т.Гдлян.

1986 йил, 22 август."

Тинтува Иброҳимов, Кравченко, Ивко, Коробов, Кимсанов, Старкова ва бошқа гдлянчи терговчилардан 10-12 киши қатнашганлар...

... Эътибор беряпсизми, мени 25 августа қамоққа олишди. Аммо уч кун олдин менга аллақачон 152-модданинг 2-қисми бўйича "жиноятчи", деб айб қўйиб ултургая эканлар. Тинтув қилишга ким бўйруқ берган, кимлар ва қандай ўтказгани менга йилдан кейин маълум бўлди).

Икки ойки, қўзимнинг нурини тўкиб, асабимни ўйнатиб, соглигимни емириб, "жиноий ишпим"нинг кўлдан-кўп томлари билан танишапман. Бир-икки варакқа ёзилган сўроқ протоколини кўпи билан ўн беш дақиқада ўқиб, танишиб чиқиши мумкин. Аммо ана шу сўроқ протоколи тўлғазилгунича олдинги йилларда неча кунлар, тунлар кетган, терговчиларнинг ёвуз, шафқатсиз нигоҳларига боқиб, жонингдан тўйиб, камситилиб, хўрланиб, ўлимнинг рози бўлган онлар эсингта тушиб, яна эски яраларинг қўзиёди, баъзида яшайданнингдан нафратланаб кетасан...

Мен "иш" билан танишаётган кезларимда КПСС МКнинг пленуми бўлиб ўтди. Унда "порахўрликда айбланган" МК котиби Е.Лигачёв масаласи кўрилди. Пленум ўз қарорида Лигачёвни айбсиз, деб топди ва Москва партия ташкилотига Гдлян ва Ивановнинг партиявийлик масаласини кўриб чиқишини топшириди.

"Правда"да бу ҳақда батафсил ҳисобот босилди. Мана, ундан айрим ўринлари:

Е.Лигачёв: "Бош прокурор Сухарев ўз сўзида текшириш шуни кўрсатдики, аниқладиди, "жиноят ҳодисаси" бўлмаган эмиш.

Бу ҳукуқий атама. Бу нимани билдиради? Менга қарши тұхмат ва ғарзли бузғунчиликни".

"Оддий фуқаро сифатида мен тұхматчи терговчиларни судга беришим ва ўз шаънимни ҳимоя қалишим мумкин эди, - дейди Лигачёв. - Аммо халқ депутатларидан иборат нуфузли комиссия тузилиб, уларнинг фаолиятини ўрганишга киришганини инобатга олиб, депутатларни ҳурмат қилган ҳолда бу фикримдан қайтаман".

А.Сухарев: "Лигачёвнинг бизга ёзган аризасини пухта ўрганиб чиқдик. Биринчидан, оммавий ахборот воситалари ва митингларда Гдлян ва Иванов сўз олиб, бир неча марта порахўрлик фактига Лигачёвнинг ҳам алоқаси борлагига шаъма қилганилар. Бу мутлақо ҳақиқатта тўғри келмайди". (Ҳа, фақат бизларники, ўзбекларники тўғри келади, "ҳақиқат"га). Иккинчидан, Гдлян ва Иванов тергов этикаси, айбсизлик дахлсизлигининг энг оддий меъёрларини қўпол равиша

бузаёттанилларини жуда яхши билишган ҳолда ўзлари яраттан ёлғонни шишириц, оммага тарқитиш билан мунтазам шугуллангандар. Терговда бир марта Усмонхўжаев томонидан Лигачёв фамилияси тилга олинади.

Усмонхўжаев 1988 йилнинг 19 октябрида ҳибсга олинган. Даастлабки терговда у пора олгани ва бергани борасидаги фактларини рад этган. Кейинроқ эса Каракозов. Гдлян, Иванов, Старкова, Титов, Рац каби терговчиларга пора олгани, бергани ҳақида маълумотлар берган. Бу ҳибсга олинганидан икки ой ўтгач - 23 октябрдаги терговда аниқланган. 23 октябр, якшанба - дам олиш куни бўлиб, тергов ҳаракати борасидаги қонунга кўра бу куни ҳар қандай тергов ҳаракатлари ўтказиш мумкин эмас.

Кўп ўтмай маҳбус мастьул ходимлардан ўн бир кишининг исми-шарифини тилга олишга мажбур бўлди. 25 октябряда эса Лигачёв номи тилга олинади. Тағин, қизиги, Усмонхўжаев ўша фурсатда менинг номимга ариза ёзиб, уният билан бевосита терговни Каракозов, Гдлян, Иванов ўтказишини илтимос қиласди, "гўёки улар республикадаги ҳақиқий аҳволни яхши биладилар, касбига садоқатли одамлар" ва ҳоказолар.

Усмонхўжаев Лигачёвга икки марта ўттиз минг сўмдан пора берганини айтади, аммо воқеа жойи, вақти, аниқ мақсад тилга олинмайди.

1 ноябр куни Усмонхўжаевни Гдлян, Московцева, Васильевсиз қайта тергов қилишганда у юқоридаги давъодан воз кечади ва ҳеч қачон Лигачёвга пора бермагашни айтади. Тахмин атиги беш кун яшади.

1989 йилнинг 8 апрелида Усмонхўжаевни ўринbosарим Васильев ва прокурор Титов иштирокида тергов қилишга тўгри келди. У Лигачёв, Капитонов, Соломенцевга тұзмат қилганини айтди.

17 май кунги терговда у шундай дейди: "Гдлян томонидан менга вазифа топширилганди, КПСС МК ходимларига, ҳуқуқ органи раҳбарларига пора берганини бўйнимта олнишим керак. Бунда ҳатто Гдлян Соломонцев, Капитонов, Могильниченко, Бессарабов, Смирнов, Ишков, Теребилевнинг фамилияларини ўзи айтди.

... Каракозов шундай шарт қўйди: у айтган бир неча мастьул раҳбарлар билан "олди-бердим"ни бўйнимга олсан, менга кўти билан саккиз йил бернишади ва уларнинг ҳаракати билан авф қилиниб, озодликка чиқишим ҳам мумкин. Акс ҳолда ҳукм оғир бўлиши мумкин. Қамоқдан болаларим ҳам қочиб қутулолмайдилар.

Мен довдираб қолдим, оила аъзоларимнинг тақдирни кўз ўнгимга келди. Ахир, мен отаман.

Хонамга эзилган кайфиятда қайтдим. Ҳамхонам бўлган йигит менга маслаҳат берди, яхшиси, уларнинг айтганига кўнинг, акс ҳолда жиноятчилар орасига ташлаб, ўлдириб юборишдан тойишмайди. У

Осетровни мисол қилиб күрсатди, терговчилар шартларига рози бўлмагани учун Осетров инсон боласи чидаб бўлмайдиган муҳитда яшайдиган, эндиликда ўз қайсарлигидан пушаймонда экан ...

Ўйлаб-ўйлаб, "айбимни бўйнимга олишга" рози бўлдим. Мени Гдлян қабул қилди. Икки соат давомида ўзи кўзлаган мақсадга эришиш учун руҳий ишлов берди. "Сизда икки йўл бор: жим туриш ёки тав олиш. "Жим туриш" билан эса терговчининг иши енгиллашади, чунки у истаган миқдорни бўйнимга қўйинши мумкин. "Мен хоҳласам, сенинг бўйнингда 7 миллионлик пора бўлади, хоҳласам 5 миллионлик", деди Гдлян. Мен уларнинг зуфуми, қўрқитиши натижасида Лигачёв фамилиясини тилга олдим. Кейинчалик Ивановга бу кўрсатмадан бош тортишими айтганимда у шундай деди: "Юқоридагиларни айблаш сенга жуда керак. Улар сен учун "соябон" вазифасини ўтайдилар, уларга маҳкам осилишинг керак бўлади".

Сухарев сўзида давом этиб, Гдлян, Иванов тергов гуруҳининг қонунсиз хатти-ҳаракатларини фош қилиб ташлади:

"... Одамларни қонунсиз ҳибсга олиш, таъқиб қилиш, мол-мулкларини ноқонуний тортиб олиш ва уларнинг ҳукуқларини топташ...

... Ҳибсдагиларнинг оила аъзолари, яқинлари, кекса кишилар, кўп бодали аёлларни қамоқда олиш усули кенг қўлланилган. Бунда улар орқали гумондорга таъсир қилиш, айбига иқрор қилиш кўзланган ...

... Қамалғанларни жисмоний қийноққа солиш, уларнинг гурурини топташ, яқинларини хўрлаш билан қўрқитиш усули одатга айлантирилган...

Булар ҳаммаси текширишда аниқланди ва аниқланмоқда.

Худди шундай муҳитга, шароитга тушган кишилар ҳар ҳандай мазмундаги кўрсатмани ёзишга мажбур бўлишган. Пора миқдорини эса терговчилар ўзлари тўқиб чиқаришган.

Прокуратура ўз фаолиятини яна шундай ҳолатлар тақрорланаслигининг олдини олиш, айбдорларни жазолашга йўналтирилди. Қамоқдаги беайб кишиларга ўз фуқаролик ҳукуқлари қайтарилади..."

... Ҳақ гаплар. Минг карра ҳақ гаплар!

Мен бу ерда хаста ҳолим билан Гдлян, Иванов "яратишган" "жиной ишим"ни титкилаб, "кимлигим"ни кашф этиб ўтирибману у ёқда партия раҳнамолари ўз сафдошига қўйилган айни инкор этиш учун бутун мамлакатдаги вакилларни тўплаб, пленум чақириб ўтиришибди. Гдляннинг энг катта "жабрдийдаси" - Лигачёв эмиш. У бирон соат камерада ётиб, гдлянчи терговчиларнинг итлик башараларини кўрсайди, шунда юзлаб, минглаб инсонлар икки-уч, тўрт ийлаб аяна шу азобларни тортишаётганини яхшироқ билишарди.

Ниҳоят, тепадагилар қимирлаб қолиши. Гдлян ва Ивановнинг

ҳақиқий башараси оммага эълон қилинди. Бу ҳақда ҳали 1985, 1986, 1987 йилларда кўплаб маҳбуслар ёзишмаганмиди? Шахсан Горбачев номига жўнатган хатим тақдиди нима бўлганини ҳамон билмайман.

Ўшанда аризаларга эътибор беришмади - чунки улар назарида қамоқда ётган ўзбекларнинг ҳаммаси ўғрилар эди. "Барча миллат, элатлар тенглиги" Шўролар Конституциясига киритилган, бу ҳақда дунёга жар солиш русумга айланган давлатда сўз ва иш бирлиги бошқа бошқа нарсалар эканлигига шундан сўнг ишонмай иложинг қанча?

Ниҳоят, Гдляннинг ёвуз панжаси КПСС МК ходимларининг ёқасига ҳам ёпишиши, керак бўлса, бутун совет ҳалқига ўғри тамғаси ёпиштириши мумкинлигини сезиб қолишгач, айюҳаниос солиши, комиссия тузилди, пленум чақириши.

Ҳаммаси ҳозирча бир кипини - партия йўлбошчиларидан Лигачёвни ҳимоя қилиш, унинг инсоний шаънини тиклашга қаратилди. Бизларнинг шаънимизни ким тиклайди, бизни ким ҳимоя қиласди?

## ІВ Б О Б. ТАРКИБИДА ЖИНОЙ ҲАРАКАТ БҮЛМАГАНИ УЧУН...

... Бир саволга әч қачон тұлық жавоб ололмадим. "Гдлян бир ўзи бутун бир республикани таҳликтегі солиб, минглаб раҳбарларни қамаб, исталған қонусизликни қилиши мүмкінми? У кимга ишонди, кимлар уни құллашды?"

Иванов бир гашни тақрорлашып яхши күрарди: "Бизлар юқорининг топшириғи бүйічіча ишләпмиз!"

Берія давридан бүён на Иттифоқда, на республикаларда йирик давлат раҳбарлари отувга ҳукм қылғынмаганды, Энди эса ...

Мана, савол сизге: уларға ким топшириқ берганды?!

Инсонни мұкаммал тушуниш қыйин. Ҳатто Сталин, Хрущёв, Брежневнинг теварагида ёпишқоқ канадек юрганлар ҳам уларнинг феъл-авторини аңглаб етмаганларларини кейинчалик хотираларнда тан олишади!

Қундаликда шундай ёзғанман: Бугун умримдаги энг оғир күнлардан бири. Нафасим қисади, бошым ғувиллайды, күз олдымда қандайдыр айланалар югуриб ўтиб қолишади - мени нима күтмөқда, әртага нима бўлади?

Сўнгти вақтда тақдирга мукка тушиб тан бериш, атрофдаги ҳамма нарсаларга эътиборсизлик кайфияти кайдан пайдо бўлди? Ҳатто ўлим ҳам табиий воқеага ўхшаб қолди. Чарчадим, қаттиқ чарчадим. Юрак безовта қиласи, сёғимда мадор қолмаган, хасталик тобора эзиб ташлаёттир. Судни кутяпман, менга ўқиладиган ҳукм қандай бўлади? Бошқа умид берадиган нарса қолмаган. Қушуйку бўлиб қолдим...

Йил муқаддам ўзимни анча тетик ҳис қилаётгандим. Ўтган йили октябр ойида уч йил айрилиқдан сўнг түгилган тупроққа - Тошховузга олиб боришганида, юртдошлиар билан иокулай ҳолатда юзлаштирган дақиқаларда ҳам кайфиятим сал тузукроқ эди.

Ёлизиллик - қўрқинчни тұғдирали, гумон - эркингни жиловладайды, яқинлар билан озодликда қучоқ очиб кўришиш умиди борган сари саробга айланаверади.

Энг ёмони - инсоннинг эртадан умиди узила бориши, келажакка бўлган ишончининг йўқолиши ...

Хайронман, одамларга яхшилик эмас, меҳр-шафқат эмас, меҳрибонлик эмас, шафқатсизлик, ёвузликни раво кўрадиган ва бундан баҳра топадиган одамлар қаердан ва қандай пайдо бўлишаркан? Бу не

ҳол? Ким тушунтиради? Инсоннинг идроки илмга хизмат қилиш учун Оллоҳ унга инъом этталган. Тушунолмай қолдим... Бу ерда - қафас ортида ноинсоний муносабатлар амалда эканлиги, одамларни тобе ҳайвонларга айлантириб улгурнагани, шафқатсизлик кундалик иш усулига айланиб қолганини биладиганлар камми? Кўп, аммо улар жим туришини маъқул кўрадилар. Газеталарда эса бемаъни инкорлар, раддияномалар, олди-қочдилар тўлиб-тошган. Буларни ким халққа айтади, тарих учун хужжат ҳолида қолдиради? Ахир бу ерга маҳбуслар ва уларнинг ёвуз қўриқчиларидан бошқалариниң кириши таъқиқланган-ку!

Бугун қўл-оёқларим менинг ихтиёrimda эмас, ҳушим бошимдан учган. Лекин сўнгти дамгача чидаш кераклигини ҳис қилмоқдаман. У ёғига кейин - Худо қози! Чидам, чидам ва яна чидам! Ишондимки, меҳроқибат ва ёвузлик, инсонийлик ва шафқатсизлик, яхшилик ва ёмонлик ҳар доим ёнма-ён, ҳар доим бирга.

Кутиш ... Кутиш!

Ўша кун - ҳақиқат, адолат ҳарор топадиган, бу дардларининг тўкиб соладиган, юрагингни бўштадиган кунлар келармикан? Қачон?!

... "Иш" билан танишиш керак. Бу ерда ҳар қандай орзу-ўй тарнинг якуни шунга келиб тақалади.

8 октябр.

40-45- томлар. С.Собиров ва Ш.Қуббиев билан боғлиқ ишлар.

1989 йил, 14 январ. "Иш тўхтатилсни. В.Воронин".

1989 йил, 12 август. "Жиноий иш тўхтатилсни. Галкин".

Сал енгил торгатман. Гдлян ва Иванов тўқиган жиноий фактларнинг таркибида жиноий ҳаракат бўлмагани учун, деб ҳаракатдан тўхтатилаётганилари кўпая бошлади.

26-том. ЎЗКП МК ишлар бошқармаси бошлиғи Т.Умаров билан боғлиқ. У 1985 йилнинг 25 октябрида ҳибсга олингган. Кекса кишининг "Кўнгилли тавба-тазарруси" анча ишонарли чиқкан.

Ҳали у Тошкентда ҳибсада ётган пайтида "ўз ихтиёри билан" СССР Бош прокурори Рекунков номига ариза ёзиб, республикада содир бўлган салбий ҳолатлар ҳақида маълумот берган. Рашидов даврида ва сўнгра Усмонхўжаев даврида республикада қўшиб ёзишлар, порахўрликлар чидаб бўлмас даражага етгани, қонун топталганини "ижеччи мисоллар" билан кўрсатади. "Порахўрлар" орасида менинг исм-шарифим ҳам келтирилган.

1985 йилнинг ноябр ойида уни Гдлян, Каракозов, Иванов, Власов, Московцева, Михалский ва бошқа "меҳрибон" терговчилар сўроқ қилишган. У гўё "1978-1984 йилларда Тошкентдан Хоразмга олти марта, ҳар бирининг қиймати 120 сўм бўлган (жами 720 сўмлик) совгалар жўнаттган эмиш. Тағин аэропортда кутиб олиш вақтида мен учун икки юз сўм сарфлаган экан. Энг даҳшатлиси, Ш.Рашидов вафот этгандан

сўнг гўё мен унга Рашидовнинг дағи маросимида фойдаланасизлар, деб 100 минг сўм пулни Усмонхўжаевга топшириш учун берган эмишман". Бунга ким ишонади? Рашидов йирик давлат арбоби сифатида давлат ҳисобидан дағи қилинган, қолаверса, ўлган одамга пул иега зарур бўлиб қолди? Уятсизлик қам шунчалар бўладими? Бу не ҳол? Кулайми ёки йиглайми? Қандай даҳшат ва разиллик бу. Худди шу "иқор"дан сўнг ҳаммаси чалкашиб кетган. Гдлян, Иванов, Каракозовнинг тазиёки остида у уч йилгача "эски қўшиқ"нинг бир жумласини ҳам янтиламай куйлайверди ...

10 октябр.

42-том. Республика ҳукуматининг ўринбосари, Навоий вилоят обкўманинг собиқ биринчи котиби В.Есин билан боғлиқ.

1987 йилнинг 16 февраляда ҳибсга олинган.

1987 йил 12 марта СССР Бош прокурорига ариза ёзади.

Шу куни Иванов сўроқ қилганда ҳаммасини "бўйнига олади".

1989 йилнинг 6 майида Лефортовода Духанин, Титов, Деревягин сўроқ қилганида олдинги барча кўрсатмаларидан воз кечиб, буларни Гдлян ва Ивановнинг тазиёки билан ёзганини айтади.

1989 йил 12 август. "Таркибида жиной ҳаракатлар йўқлиги учун иш ҳаракатдан ётқизилсин. В.Галкин".

Республика ҳукуматининг собиқ раҳбари Н.Худойбердиев масаласи.

1987 йил 16 февраляда ҳибсга олинган, Иванов сўроқ қилган, у мен ва бошқалар ҳакида кўрсатмалар берган.

1989 йил 17 март. "Жиноят иши тўхтатилсин. А.Патан".

11 октябр.

Марказкўмнинг собиқ котиби Р.Абдуллаева билан боғлиқ "иш". У 1987 йил 29 октябрда ҳибсга олинган.

1987 йил 29 октябр. Катусов, Гдлян, Пантелеева сўроқ қилишган. Барча айбномаларни рад қилган.

29-31 октябр. Гдлян ва Пантелеева сўроқ қилишади. Яна инкор.

1987 йил 25 ноябр. СССР Бош прокурори номига ариза ёзиб, барча айбларини бўйнига олади.

Шу куни Иванов қайта тергов қилганида мендан уч минг сўм пул ва қимматбаҳо заргарлик буюмлари олганини айтади.

1989 йилнинг 6-12 майларида Лефортовода Духанин, Титов тергов қилганида олдинги аризаларни Гдлян ва Иванов зўрлаб ёздиришганини айтиб, барча кўрсатмалари ёлғонлигини айтади.

1989 йил 11 июлда шахсан Бош прокурор Сухаревнинг ўзи тергов қилганида ўзининг айбдор эмаслигини, олдинги кўрсатмалар Гдлян, Ивановнинг сценарийси эканлигини баён қиласди.

Лекин уни айбдор деб гумон қилиб, ишини судга оширадилар. СССР Олий суди "иш"ни кўриб чиқиб, уни айбсиз деб топади ва суд залиининг ўзидан озод этади.

Унинг менга, менинг унга қарши берган кўрсатмаларимиз ҳам шу таҳлилт барҳам топади.

12 октябр. Бугун эргалаб дўхтири кўрди, қон босимим баланд.

38-том. Райқўмнинг биринчи котиби М.Маткаримов билан боғлиқ.

1975 йил, 1 июлда обқўум бюроси "Хива пахта тозалаш заводида нормадан зиёд чиқинди ишлаб чиқарилгани масаласи"ни кўриб чиқди. Биринчи котиб М.Маткаримов, иккинчи котиб А.Саъдулаев, ижроқўм раиси А.Мадримов қаттиқ партияйий чора олдилар. Завод директори вазифасидан бўшатилди. Ана шу фактни терговчилар менга қарши "М.Маткаримовнинг норозилиги" сифатида фойдаланиб, қарши қўймоқчи бўлдилар. Ваҳоланки, 1976 йил январдаги бюорода М.Маткаримовнинг партияйий чораси олиб ташланган, айнан ўргадаги "норозилик" барҳам топганди. М.Маткаримов 1986 йилнинг марта мартида вафот этди. Энди ва муқаддам уни сўроқ қилиш учун терговчиларда имкон йўқ эди. Мақсад, ишда қоғоз ва факт кўп бўлиши керак. Ўшанда семиз томлар кўп бўлади. Жиноят иш фалон томдан иборат дейилади-да. М.Маткаримов рапайқўмнинг (учта районда) биринчи котиби бўлиб ўттиз йилга яқин ишлади, қаҳрамон бўлди, унинг фақат район ва областда эмас, республикада ҳам обрўси катта эди.

Ўликларни суд қилиши у ёқда турсин, улар ҳақда ёмон гап зйтиш - мусулмончиликда оғир гуноҳ саналади. 1989 йил 2 сентябрда у билан боғлиқ бу "иш" ҳам таркибида жиноят йўқлиги учун тўхтатилди.

Савдо базаси директори Эркин Матсафоев билан боғлиқ "иш".

1987 йил, 6 июл. Кун бўйи уни Московцева ва Абдураҳимов сўроқ қилиб, менга қарши кўрсатма беришга ундашади.

1987 йил, 7 июл. Энди терговга Карташьян (одам эмас - жаллод) аралашади. Турли тазийқ усуллари қўлланилди. (Ҳали мен озодликда пайтимда - 1986 йилнинг 19 июлида Гдляннинг топшириги билан терговчи Ивко уни сўроқ қилиб, "мен ҳақда ақалли бир факт келтиришини" сўрайди).

1989 йилнинг 5 апрелида унинг хотинини терговга чақиришиб, яна эски "қўшиқлари"ни бошлишади. Бечораларни мен учун уч йил давомида кўп марта сўроққа чақириб, оиласига тинчлик бермайдилар.

"Жиноят иши"ни кўриб чиқиб:

#### ҚАРОР ҚИЛДИМ:

... таркибида жиноят ҳаракатлар йўқлиги учун тўхтатилсин.

В.Галкин.

1989 йил, 28 август.

13 октябр.

13-том. Райқўмнинг собиқ котиби М.Ваисов билан боғлиқ. У 1986 йилнинг 11 сентябрда қамоққа олинган. Қамалишидан олдин - 28-29 август кунлари Иброҳимов уни сўроқ қилиб, менга қарши кўрсатма беришга ундаиди. Рад жавоби олгач, уни қамашга қарор қиласидилар. 12

сентябрда уни Москвада Гдлян ва Кравченко сўроқ қилиб, СССР Бош прокурори номига ариза ёздиришга муваффақ бўлишади. Бу аризада Ваисов мени ва республика раҳбарларини айблайди. Қолганлари Гдляннинг ҳамтогони Каракозовнинг сценарийси остида силлиқ кетади.

Икки йилдан сўнг бизни Москвадаги тергов изоляторида юзлаштиришди. Ваисов уларга нимага керак бўлиб қолди? Агарда эски хужжатларни ковлаштирса, унинг "аламзадалиги" маълум бўлади. Чунки ... 1972 йилнинг сентябридаги обқўм бюросида пахта ҳосилини етиштириш, теримга тайёргарликнинг сустлиги учун Богот райони раҳбарлари (Ваисов, Худойберганов), Кўшкўпир (Матёқубов, Фаффоров) ва Шовот (Бобоҷонов, Ҳўжаев)лар партияий чора олгандилар.

1984 йил, 27 июн. Обқўм бюроси пахта масаласида Кўшкўпир район партия комитетининг биринчи котиби М.Ваисовга ҳисоб варақасига ёзиш шарти билан қаттиқ хайфсан берди.

1985 йил, 11 декабр. Обқўм бюроси раҳбарликни эплай олмаганилиги учун М.Ваисовни вазифасидан озод қилди.

Мана, "аламзадалик"нинг манбаи. Унинг вазифасидан озод қилинишида менинг гаразгўйлик мақсадим йўқ. Ваисов Богот ва Кўшкўпир районларида ўн беш йилга яқин раҳбар бўлди. Бу узоқ муддат. Ҳаммаси менинг раҳбарлигим даврида. Агарда уни "бегона кадр" қаторига қўштанимда у бир муддат - уч йил ҳам биринчи котиб бўлиб ишлай олмаган бўларди ... (Менинг мақсадим кадрларга хатосини кўрсатиб, уларни сақлаш ва тарбиялаш эди, холос).

14 октябр.

36-том. Пахта трести собиқ бошлиғи Тоҳир Жуманиёзов ҳақида.

1984 йилнинг июлида қамоққа олиниб, 1987 йилнинг 26 марта Москва област суди қарори билан ўн беш йилга озодликдан маҳрум қилинган.

1986 йил, 11 декабр. Бугирка. Шундин тергов қилган. Ҳеч нимани тан олмаган, ўзини ва бошқаларни айбдор деб билмаган. Сўроқ протоколларини имзолашдан бош тортган.

1987 йил, 17 марта. Уни Гдлян ва Абдураҳимов тергов қиласидилар. Рад жавоби берган ва протоколларни имзоламаган. Кейинги бир ҳафта давомида ҳар куни Абдураҳимов эрталабдан кечтacha тинкасини куритиб, сўроқни давом эттирган.

1987 йил 27 марта. (Суд ўн беш йил қамоқ жазоси белгилаганининг эртасига!) Карташтьян ва Абдураҳимов сўроқ қилганилар. Ҳеч нимага эриша олмаганилар. 30 ва 31 март кунлари Гдлян ва Абдураҳимов бор санъатини ишга солишган - Жуманиёзов таслим бўлмаган.

1987 йилнинг 8 апрелида Бош прокурор ўринбосари Сорока Жуманиёзовни Тошкентга жўнатиш ҳақида қарор берган.

Тошкентдаги қамоқхонада 14 апрелдан 27 майгача бўлган муддатда

Карташъян ва учта терговчи уни ҳар куни сўроқ қилишади, вилоят раҳбарлариға қарши кўрсатма беришга ундашади. Кигчина жуссали бу йигитни синдириш мумкин бўлмайди.

Қизиқ факт, қишлоқ боласи, олийгоҳни сиртдан ўқиб тугатган мутахассис суд мажлисида қораловчининг саволлари мазмунига яхши тушуна олмаётганини, рус тилини чала билишини айтиб, таржимон чақиришларини сўраган (Бу қонунда кўрсатилган). Шунда судья унга: "Сиз олий маълумотли совет мутахассисиниз, рус тилини билмаслигингиз мумкин эмас!", деб жавоб берган ... (Суд уни қонуний ҳуқуқидан фойдаланишга йўл бермаган). Уни синдириш учун синглиси, хотини, ўғли ва бошқа қариндошларини ҳам қамоққа олиб, маънан ва жисмонан майиб қилишини ўлашади.

Умуман, Тоҳир Жуманиёзов қандай ишлаганди? 1981-84 йилларда (у вилоят пахта трести бошқарувчиси бўлиб ишлаган даврда) ишлаб чиқариш чиқинидилари камайиши, тола сифатининг яхшиланиши туфайли режада кўзланган 26 миллион 71 минг сўм ўрнига 26 миллион 89 минг сўм соф фойда олинди. Бу муддатда режадан ортиқча 12.679 тона пахта толаси ишлаб чиқарилди ва маҳсулот ишлаб чиқариш ўн миллион сўмга ўсди. Тармоқ учун бир қатор қурилишлар бошланди ва улар ишга туширилди.

Агарда адолатли тузум бўлганда бу ишлари учун Жуманиёзовни давлат мукофотларига тақдим қилиш керак эди. Уни эса қамашди ...

1984 йилнинг 27 июнида "тепанинг топширтиги" билан ана шундай моҳир ташкилотчини "хатолари учун" вазифасидан бўшатишга мажбур бўлдик.

К.Куриёзов - молшунос. 1986 йил 4 декабрда Тошкентда қамоққа олишган. Уни юқорида кўп бора номлари эслатилган "машҳур жаллодлар" тергов қилишган. Менга қарши кўрсатма беришга мажбурашган ...

"...Т.Жуманиёзов, К.Куриёзовнинг М.Худойбергановга таалуқли жиноий иши таркибида жиноий хатти-ҳаракатлари йўқлиги сабабли ҳаракатдан ётказилисин.

В.Галкин.

1989 йил, 5 сентябр".

37-том.

Искандар Дўсов-машҳур колхоз раиси, 1976 йилда вафот этган. Искандаров Абдулла - колхоз раиси, Дўсовнинг ўғли. М.Жуманиёзов -райкўм котиби.

А.Искандаров - колхоз раиси, райкўм котиби, оближкўм раиси.

1988 йил 20 сентябр. Михалский ва Осипов сўроқ қилишади. У ҳамма сўзларни рад этиб, уларнинг тузогига тушмайди.

1988 йил, 29 сентябр. Михалский кун давомида ути икки марта қаттиқ тергайди. У М.Худойбергановга ҳеч нима бермаганини айтади.

1989 йил, 4 апрел. Старкова сўроқ қиласди. У "Мен М.Худойбергановга ҳеч қандай магнитофон берган эмасман", дейди.

1989 йил, 24 апрел. Михалский авраб кўради. У "қандайдир музхона совфа қилгани" фактини ҳам инкор этади.

"...Дўсов, Искандаров ва Худойбергановларга таалуқли жиноий иш тўхтатилсин.

В.Галкин.

1989 йил, 30 август.

15 октябр.

33-том. Ўғлим Қадамбой билан боғлиқ.

1989 йил, 15 октябрда ҳибсга олинган. Протоколни Иванов тўлгазган.

18 октябр. Уни қамоққа олиш ҳақида қарор чиқаришган. (Ваҳоланки, уни уч кун сабабсиз изоляторда сақлашган, бирорта асоссиз сўроқ қилишган).

1986 йил, 21 октябр. Тошкентта олиб кетишади. Каракозов, Гдлян ва бошқа жаллодлар гурӯҳи уни қийнаб, куч ишлатиб, гўёки "үйда кўрган қандайдир менга боғлиқ кишилар" ҳақида кўрсатма беришга мажбур қилишади. Ёш, соғлом йигитни қисқа фурсатда погирон ҳолатта олиб келишади.

1987 йил, 5 июн. "Ўта муҳим топшириқ"ни бажаргани учун Урганчдаги тергов изоляторига қайтарадилар.

16 июн куни эса қамоқдан озод қилиб, ҳеч қаерга кетмаслик ҳақида тилҳат олиб, доимий назорат остида сақлайдилар.

"...Жиноий ишни кўриб чиқиб,

#### ҚАРОР ҚИЛДИМ:

Қадамбой Худойберганов билан боғлиқ жиноий иш тўхтатилсин.

В.Кравченко.

1989 йил, 5 сентябр".

Бундан бир ҳафта олдин эса қудаларим - Ш.Ортиқов, Ш.Зарипов ва Р.Шарипов устларидан очилган ишлар ҳам ҳаракатдан ётқизилганди...

39-том.

Бу томда колхоз раиси Сотим Қаландаровни терговчилар сўроқ қилгани ҳақидаги протоколлар ва бошқа кўп қоғозлар тўпланиб, роса шиширилган.

1987 йил, 23 март. Кравчук ва Ивко уни тергов қилиб, менга ҳарши кўрсатма беришга мажбур қилишади ва шу куни протоколни имзолатишади. Хаста кишининг бўйхонга юраги дош беролмайди ва у тўрт ойдан сўнг вафот этади.

Икки йилдан сўнг Галкин шу "иш"ни ҳаракатдан ётқизади. Шунингдек, ижроқўм раиси Ш.Матниёзов, савдо базаси директори Н.Яхшимуротов ва умумий оақатланиш корхонаси бошлиги Р.Қаландаров (С.Қаландаровнинг укаси) билан боғлиқ "иш"лар ҳам ҳаракатдан ётқизилган. (Р.Қаландаров 1983 йилда вафот этган, бу

талотумларни күрмай кетган эди.) Бу ишларда ҳам гдлянчилар менга қарши күрсатмалар олишга эришишган, тазийә остида бечоралар қайлардадир, қандайдир мақсадларга (барчаси сирли ва мантиқсиз) менга совға, пул берганини "чин күнгилдан айтиб беришган".

16 октябр. ЎзКП МК котиби Айтмуротов Е. ҳақидаги маълумотлар. У 1986 йилнинг 20 августида ҳибсга олинган. Узоқ чўзилган терговда мендан магнитафон олганини ёзишга мажбур бўлган.

В.Галкин бу фактнинг сохталигини аниқлаб, ишни тўхтатган ... Худди шундай ҳолат мавжуд бўлган О.Салимов билан боғлиқ иш ҳам ҳаракатдан ётқизилган.

Мана, сизга "чин күнгилдан тан олиш" фактлари. Улар кейинчалик қордек эриб битдилар, бўқтонлиги, туҳматлиги, гдлянчиларнинг зуғуми билан зўрлаб ёздирилгани маълум бўлиб қолди. Аммо юракда қолган жароҳатлар-чи?

Ахир "ана шу изҳор" туфайли бизларни юзлаштирганларида ер ёрилиб, ерга кириб кетмаганимидик!

17-18 октябр кунлари.

Терговчи Осипов ҳамда телсоператор Едигин тошкентлик адвокат З.Анорбоева иштирокида муқаддам ёзиб олинган гувоҳларнинг видеөёзувлари билан таништирилдилар, Тошҳовузда юзлаштирилганда тасвирга туширилган кадрлар қўйиб берилди. Қизиги шундаки, улар билан боғлиқ ҳолатлар аллақачон "ишим"дан олиб ташланган бўлишига қарамасдан, барча ёзувларни кўришга, тасдиқлашга мажбур эдим.

Бу нимага зарур бўлиб қолди? "Бизлар - совет ҳуқуқшунослари ҳам замонавий технологиялар билан ишлайпмиз", деб айтишганми? Видеотасвир жиноятни исботлашда ашёвий далил эмас. Унга айбордёр ёки гувоҳнинг кўнглидагини ёзиб бўлмайди. У ҳам қофоз каби иложсиз. Терговчи айтган, мажбур қилган сўзлар тушади унга. Қофоздан фарқи - унда гувоҳнинг қиёфасини кўриб турасан, пинак бузмасдан ёлғон гапираётганига гижинасан, лекин танантда синаган кунлар ёдга тушиб, унга раҳминг келади. Кадрда бечора гувоҳ "чин күнгилдан ҳақиқатни айтаяпти", уништ ёшида, ортида, қайсиadir бурчакда юзларидан заҳар чаккиллаётган, муштлари тутилган терговчилар турибдилар. Бир оғиз четта чиқса, сценарийни бузса тамом - тўғри карцерга тушади, яна ашаддий жиноятчиларга ҳамхона бўлади ...

Икки кун ўнлаб гувоҳларнинг ёлғонларини кўришга, эшитишга ва барча ўтган кунларни, оғир босқичларни қайта яшашга маҳкум бўлдим ... Бу "учар ёлғонлар"ни эшитмаслик, сафдошларимнинг афтода қиёфаларини кўриб эзилмаслик учун ҳам барча тасмаларни кўрмасдан, эзитмасдан тасдиқлашга рози эдим. Мени тинч қўйишиша бўлгани.

19 октябр. Бугун аввалги танишиб чиққан 1,9,10,26,28-томларни қайта кўздан кечириб, айрим ҳолатларни аниқлаштириб олдим.

**20 октябр.**

**46-том.**

**Бу томда М.Жабборов ва Н.Ражабов, Г.Орлов ҳақидаги материаллар түшләнгән. Г.Орлов 27 октябр, 1987 йилда қамоққа олинган. 1987 йил, 5 октябр (бир йилдан сүнг) мендан пул олгани ҳақида терговчи Музалскийга сўроқ беради (аслида бўлмаган факт).**

**26 октябр 1987 йилда Старкова сўроқ қилганида бу сўзларидан воз кечади.**

**27 октября (атиги бир кундан сүнг) барча айбни менга тўнкайди: "Мазкур шикоят аризасини текшириш учун шахсан топшириқ бўлмаганди". (Менинг устимдан Москвага ёзилган шикоят хат 4-томда келтирилади.) Гўё ўша шикоятни "текширгани учун яна совға-салом берганимешман ..." Ваҳоланки, шундай хатлар ёзилганки, текширилгани ва юқорига маълумот берилганидан энди, келиб-келиб қамоқда хабар топиб ўтирибман.**

**1989 йил, 13 июл. Орлов билан боғлиқ "иш" тўхтатилди.**

**1989 йил, 15 август. "Орлов билан олди-бердимиз" ҳақидаги "иш" таркибида жиноий ҳаракатлар йўқлиги учун ҳаракатдан ётқизилди.**

**И.Жабборов - Бухоро обқўмининг собиқ биринчи котиби. 1988 йил, 22 октября ҳибсга олинган. Бир йил давомида ўтказилган сўроқларда бир неча марта мен билан "ўртада олди-берди" бўлганини "тан олади" ва ҳар гал турли рақамларни кўрсатади. Кейинчалик барча кўрсатмаларидан тонади, уларни терговчиларнинг зуғуми остида ёзганини айтади.**

**1989 йил, 12 августа ана шу иплар бўйича очилган "жиноий иш" ҳаракатдан ётқизилди ...**

**Н.Ражабов - Самарқанд обқўмининг собиқ биринчи котиби. 1988 йил 22 октября (Жабборов билан бир кунда) ҳибсга олинган. Уни беш ой давомида Ревеко, Лашхия, Панфилов ва Лазо каби терговчилар сўроқ қилиб, турли мазмундаги кўрсатмалар олишга эришишган. У ҳеч бир муносабатимиз, мансаб жиҳатдан боғлиқлик, тобелик бўлмаса-да, "олди-бердимиз" бўлгани ҳақда ёзган. Аниқроғи, ҳамхонаси (камерадаги ўргатиб ёздиран. Тушунарли бўлса керак уларнинг бу усули.**

**1989 йилнинг 25 майида СССР Бош прокурори ўринбосари Васильев тергов қилганида олдинги барча кўрсатмаларни Гдляннинг зуғуми остида ёзгани, бунда камерадоши Нуҳман деган жиноятчи бош бўлганини айтади. (Уни кейин менинг ёнимга қўйишган.)**

**1989 йил, 10 июл. Галкин сўроқ қиласи. Яна Гдлян ва Нуҳман ҳақидаги сўзларни айтади.**

**1989 йил, 13 июл. Ўзаро юзлаштиришди. У ҳамма кўрсатмаларидан воз кечди.**

**1989 йил, 15 август. "Н.Ражабов билан боғлиқ М.Худойбергановга**

нисбатан очилган "жиноий иш" таркибида жиноий хатти-ҳаракатлар йўқлиги учун ҳаракатдан ётқизилсинг. В.Галкин".

21 октябр. Бугун аввал кўрилган 6, 8, 31, 32, 35-томларни яна қайта кўздан кечирдим.

22 октябр. Якшанба. Бугун терговчи келмади. Камерадаман. Кун бўйи ўйлаб ўйимга етолмайман. Тўғри, ийл қўйилган камчаликлар, нуқсон ва хатолар бўлган, балки уларнинг кўпчилиги ёки айримлари учун айбордирман, аммо мен жиноятчи эмасман-ку?

Менинг хатоларим учун нега ўтлимни, саводсиз, сиёсатдан йироқ, кекса, касал, беш болани тарбиялаб вояга етказган хотинимни бир йилча қамоқда сақлашди.

Бунинг учун Гдлян, Иванов, Карташъян, Московцева, Старкова, Кравченко, Абдураҳимов, Дадажонов, Ҳусаинов ва бошқалар жавоб беришлари шарт-ку! Ахир, улар бир йил давомида менга не азобларни бермадилар, турии усулларни ишга солмадилар. Оила аъзоларимни ҳам қамоққа мубтало этмадиларми?..

Ўзим ҳақимдаги том-том "иш"ларни ўқирканман, гдлянчиларнинг куч, зуғум, қўрқитиш, алдов, шантаж орқали имзолатган ўнлаб, юзлаб сўроқ протоколларини қайта кўздан кечирар эканман юрагим тўхтаб қолай деди, неча ёшта қарибдим ...

Бу тузумда қонун йўқ, бу тузумда мен ишонган адолат эмас, зўравонлик бор экан, холос. Агар совет ҳукумати мени "жиноятчи" деб топган бўлса, демак, барчамиз, ҳатто марҳумлар ҳам, кимки беш-үн йил раҳбарлик курсисида ўтиришга ултурган экан - ҳаммамиз жиноятчилар ҳисобланарканмиз-да. Нега саксонинчи йил бошида вафот этган машҳур колхоз раиси номига колхоз, мактаб, кўча қўйилади тўқсонинчи йилгача яшаш тақдирига ёзилган бошқа бир машҳур колхоз раиси умрининг сўнгти куяларини қамоқда ўтказади?

... Жаҳонгир Наполеон қайсики шаҳарни забт этса, ўша шаҳар аҳлига, ўзини музaffer қаҳрамон сифатида тўплардан ўқ отиб, тантанали кутиб олишини буюар экан. Италиядаги шаҳарлардан бири босиб олингандан, унга кириб келаётган император шарафиға тўплардан ўқ узиб, ҳурмати жойига қўйилмабди. Наполеон шаҳар бошлигини чақиртирибди ва нимага шундай аҳмоқчиликка йўл қўйилди, деб сўрабди. Шаҳар бошлиги бунинг ўн учта сабаби бор, дебди. Жаҳонгир айтишини буюрибди. "Биринчидан, - дебди шаҳар ҳокими, - бизнинг шаҳарда тўп йўқ ..." Наполеон уни сўздан тўхтатиб, бошқа сабабларини айтгаб ўтирма, дебди...

Шўро тузумининг бизларга кўрсаттан каромати - ўндири, юздир, балки кўпроқ. Лекин энг биринчиси - АДОЛАТ ЙЎҚ эди! Бошқасини айтиб ўтиришга ҳожат йўқ.

Хозир ўша йилларни "турғунлик даври" деб аташ русм бўлди.

Йўқ, оддий колхозчи, ишчи, қурувчи учун турғунылик бўлмади. Улар эртакеч ўз иш жойларида меҳнат қиласверди, бир бурда нонини ҳалол топиб ейишди. Лекин бошқа жабҳада турғунылик бор эди. Яъни тепадаги, Москвадаги айрим юқори лавозимли кимсалар учун ҳар томонлама фаровонлик, тўкинлик, чинакам турғунылик йиллари бўлди. Гарчи, областда биринчи раҳбар, катта одам бўлсак-да, ана шу "юксаклар" қаршисида бизлар жуда майда кишилар, уларнинг оддий хизматкорлари эдик, холос. Мамлакат уларнинг ҳоҳиш-истаги билан бошқариларди.

23 октябр. Бугун ҳам қайтадан яна 7,24,33,34-томларни кўздан кечириб чиқдим.

24 октябр. Бугун терговчилардан Михалский ва Осипов келишди. 1989 йил, 23 октябрдаги сўроқ протоколини келтиришди. Бу сўроқда мен Ш.Муротов, А.Қарриев, С.Нуриддинов, Ш.Қуббиев, С.Собиров, С.Нурматов, Т.Мусаев, Ж.Солаев, У.Сафоев, А.Ким, Э.Йўлдошев, Х.Сафарниёзов, И.Жабборов, Б.Абдуллаев, Т.Искандаров, А.Юсупов, М.Нуниёзов, И.Юсупов, З.Раматов, Х.Давлатов, С.Сафоев, А.Олимов, К.Эркаев, А.Ўрозов, Э.Раҳмонов, Ф. Машарипов ва З.Ботировдан ҳеч қачон пул ёки бошқа буюм совға олмаганим, улар билан ўргамизда жиноий ҳамкорлик муносабати бўлмаганлигини таъкидлагандим.

Бугун "жиноий ишим" билан танишишни тугатдим. Пешин маҳали Осипов келди ва 34-томдан қандайдир ҳужжатларни олиб кетди. Истаган қоғозни йўқотиши, янтисини қўйиш терговчиларнинг одати эди.

25 октябр.

Бугун куни билан нарада - жойимда ётдим. Бошим тинмай айланади, оғрийди. Ниҳоят, дўхтир келиб, қон босимимни ўлчади- 90/60 экан. Уч кун олдин ўлчаганда 190/110 эди ...

30 октябр.

Бугун номозшомда ҳовлиқиб Галкин, Кравченко, Осипов ва адвокат Анорбоева келишди. Улар "иш"ни ёпиш бўйича қистоғли протокол тузишди. Мен шу ерда кўрсатилган 14 кишидан ҳеч нима олмаганимни айтдим. Булар К.Саъдуллаев, Ю.Эгамберганов, Р.Қуриёзов, С.Мадаминов, Р.Жуманиёзов, И.Бекжонов, С.Ким, М.Рўзматов, З.Тожимов, С.Дўстматов, А.Сафаров, Н.Матёқубов, М.Тожиев ва И.Сорокин кабилар эди. Тинтувда олинган буюмларни қайтариб беришсин, деб талаённома ёздим. Шу билан бирга ўғлим Қадамбойдан олинган 31 минг сўмлик заёмларни, машинани, телевизор ва гиламларни, унинг хотинига тегишли, уйдан тинтув пайти олинган 5278 сўм пулни, омонат дафтарчани ҳамда телевизор, видеомагнитофонни (касеталари билан) қайтаришини сўрадим. Ўзимни эса судгача тилхат билан очиқда чиқаришларини талаб қилдим.

31 октябр. Жума.

Оғир кун. Гарчи, ҳаммомга тушиб озроқ енгил тортган, кирчирларимни ювган бўлсан-да, таъбим хира.

**Кечга яқин Кравченко, Осипов ва Анорбоева келишди. Адвокаттинг эътироzlари билан танишдим.**

43 томдан иборат "иш" билан танишиб чиқдим. Энди судни кутиш керак. Ҳозир менда на қўрқинч, на умид қолди. Ҳамма нарсага лоқайдман. Бу ерда сенинг хизматларинг бир пул, сендан жиноят излашади, арзимаган хато учун жазолашади. Фалаба ва фожеа ораси бир қадам!

Мен жиноят қилмадим, ҳалқимиз ҳаёти яхшиланиши учун елиб-югурдим, оғир ҳолатларда ҳам ўз бошлини асрар ташвишида бўлмадим, шахсий манфаатимни ўйламадим, қўша-қўша иморатлар тикламадим, машиналар олмадим. Фарзандларим бирордан ортиқ яшамади, яшашмаяпти, шахсий уйлари йўқ.

... Аввал бошда адвокаттинг хизматидан воз кечдим, чунки унга тўлайдиган пулим йўқ эди. Галкин келиб, "Адвокатсиз суд "иш"-ни кўриб чиқмайди", деб вақтинча давлат ҳисобидан адвокат топишиди. Адвокат Н.Бенедиктов - кекса, анча тажрибали киши экан. У билан икки кун ўтириб роса суҳбатлашдик. Суҳбат ўзаро ишонч ва ҳурмат асосида бўлди. У кўнглидагини яшириб ўтирмади: "Мен сенинг "иш"-инг билан тезкор танишиб чиқдим, бу рости жиноят иши эмас, бир жойга тўпланган ахлат уюмига ўхшайди. Мен кекса одамман, куни билан суд мажлисида ўтиришга ҳолим йўқ. Аммо соғлигим тўғри келганда эди, сени оқлаб, сени шу куйга солган терговчиларни жавобгарликка торттиришга ақлим, билимим етарди". У Ниуренберг процессида қатнашган экан.

... Икки ойки, касал ҳолимда ўзимнинг "иш"имни варақлашга мажбурман. Умуман, бу сонсиз "кўрсатма", "ариза", "юзлаштириш протоколлари", турли "маълумотномалар"ни кўярарга кўзим йўқ. Салкам ўн беиц минг варақ. Уч ярим йилда гдлянчиларнинг биргина менга қарши тўплаган "иш"лари ҳажми шу. Бунинг учув кетган вақтга, қоғозга, ҳаражатга ичинг ачийди. Нега бунча сарф-ҳаражат? Кимнинг ҳисобидан? Яна юзлаб терговчилар учун тўланётган маош, устами ҳақ, сарф ҳаржлари ... Бундай талон-тарожлардан ушбу тузум аллақачон барбод бўлиб кетмагани ...

Ўтгизинчи йилларда "халқ душманлари"ни фош қилиш учун давлат газнасидан қангича маблағ ҳавога учди экан? Бу миқдорни энди ҳеч ким билмайди, аниқлаш имкони йўқ. Қамалган, отилган, сургун қилинганиларнинг аниқ сони ҳамон аниқланмади. Неча йилки, уларни оқлаш учун давлат комиссияси ишлаб ётибди. Демак, яна юзлаб малакали мутахассислар, ҳуқуқшунослар давлат газнасидан ойликни куртдек санаб олиб ётишибди.

"Кўрсатма" ва "ариза"ларни ўқирканман - ўзимнинг ҳибсдаги кувларим кўз ўнгимдан ўтиб турибди. Қийноқлар, эзилишлар, қўрқув, фарзандлар учун қайфуриш... Ахир мен ҳам тирик жонман, ўзимни

ўйламаслигим мумкин, келажагимга тупуришим мумкин, менингдек умрини яшаб бўлган одамга бошқа нарсанинг қизиги қолмаслиги мумкин. Аммо фарзандлар-чи? Улар яшашилари керак, эл орасида юзлари ёргу бўлиши, вижданлари тоза сақланиши лозим. Ҳатто қурт-қумурсқа ҳам ўз боласи деб елиб-югуради, уни асрайди, шу йўлда қурбон бўлади. Мен эса одамман, тирик жонман, онгли мавжудотман! Мен бошқача йўл тутишим мумкини? Менга қарши кўрсатма берганларнинг ҳам фарзандлари бор, улар ҳам одам. Балки ўзларини ўйлашмаган, болалари учун қайгуришганлар? Буни инк қилишим, бунга бефарқ қарашиб, улардан норизо бўлишим, уларга თавқи лаънат ўқишим тўғри бўладими?

Йўқ! Асло! Бу мусулмончиликка тўғри келмайди. Ўрмоңга ўт кетса, ҳўл ҳам ёнади, қуруқ ҳам! Буни ким тушумайди. Эрта-индин суд бошланади. Суд залидан осовликча чиқариб юборишларига, елкамга қоқиб, "Омон бўл!", деб айтишларига ишонаманими? Йўғ-э? Ахир, уч ярим йилки, мени қонунсиз қафас ортида сақлаб келганилар, шунинг учун давлатнинг минглаб, юз минглаб маблағини еб битирганилар бунга йўл қўйиншаслиги аниқ. Бунга ҳеч қачон имкон беришмайди. Ҳеч бўлмаганда қонунсиз ётган йилларимни елкамга юклашади ...

Шундай экан, ўзимни ўзим оқлашиб нега керак? Ўлик деворларга маъруза ўқиши зарурми?

Керак! Ҳеч бўлмаганда судда қатнашадиган фарзандларим, яқинларим, гувоҳлик берадиган кишилар - сафдошларим олдида юзим ёргу бўлади-ку! Вижданим олдида ўзимни енгил сезаман-ку!

Шўро тузумининг қабиҳ сиёсатини дунёга фош қилган Солженицин "ГУЛАГ ороллари" китобини ўн йилда ёзган. У уч минг варақдан иборат. Адид бу хизматлари учун халқаро Нобел мукофотини олди, номи жаҳон адабиёти тарихига кирди. Агарда Гдлянда адабий укув бўлганида шу уч йилда бутун бошли эпопея ёса бўларди! Ахир, у ўн минглаб варақларни қоралади! Эсиз кетган вақт, эсиз ҳаёт. Унга маълум маънода ачинамас ҳам. Чиркин тузумда ўзича "адолат" изламоқчи, кимларидир оқлаб, кимларидир "халқ душмани" қилишга уриниб ётибди. Тарих такрорланишини - ҳеч бўлмаса ўзининг салафлари, Ежов, Улрих, Берия, Вишинскийнинг тақдирини ўйлаб кўрса бўлмасмиди? Улар қайси халқдан раҳмат эшилди, тарихга қайси "адолати" билан кирди? Аксинча, ҳаммаси ўзлари хизмат қилган сиёсатнинг қурбонлари бўлишибди. Бир-бирларини бўридек ғажишди, бир-бираига гўр қазишди...

...Эсимда, етмишингчи йиллар охирида бир деҳқон - кекса одам қабулимга кирган, ўғлининг ички ишлар томонидан ноҳақ қамалгани, унга тухмат қилишганини йиглаб-сиқтаб айтиб берганди. Унинг ўғлига қўйилган айб бош-оёқ бўйтон эмиш. Мен чолга бир қадар ишондим, унинг меҳнатда қотган қўллари, мулоийм кўзлари алдамаётганди. Бу масалани ойдинлаштириш, унга ёрдам беришга вайда қилдим. Шу

юзадан ҳуқуқ органларидан изоҳ талаб қилдим. Икки кундан сўнг столимга чолнинг ўғли жиноятлари хусусидаги "айблов"ни қўйниди. Қунт билан ўқиб чиқдим, гарчи ҳуқуқий соҳада унчалик етук бўлмасамда, "айблов"да келтирилган факт-рақамлар, кўрсатмалар, аризалар ўта ишончли эди. Уларнинг бир жумласини ҳам ўрнидан қўзғаб бўлмасди ... кейинроқ ҳузуримга тагин кирган чолга "айблов" хусусида бор гапни айтдим, кўнгил бердим. Ўшанда мен адолатсизлик қилдимми? Балки! Негаки, менда совет қонунчилигига ҳурмат бекиёс эди, ёшлиқдан шу ружда ўғсанман. Тартиб пособияни бирор жиноятчини ушлаб, айни аниқлашибдими, улар кўрсатаётган фактлар ишончлими, демак, эътиrozларга ўрин ийўқ. Шундай ўйлаганман. Балки ... ўшанда чолнинг ўғли айбсиз бўлгандир? У ҳам менга ва бизга ўхшаган адолатсиз, инсонийлик қиёфасини ийӯқотган, ёвуз терговчининг чангалига тушгандир. Қийноқлар остида "айбига иқрор" бўлгандир? Ким билади? Ёвузиликнинг миллати ийўқ. Биз Гдлянни армани бўлгани учун ўзбекларга ёмон кўз билан қаради, деб айта олмаймиз. (Унинг сўзларида, хатти-ҳаракатларида бу ҳолат сезилса-да) Ахир, унинг гуруҳида барча миллат вакиллари бор эди. Айни пайтда, сенинг сўзингга ишонадиган, ёлғон кўрсатма олаётганидан вижданни қийналадиган терговчинлар да бор эдилар. Улар юмшоқ қўнтил бўлгани учун ҳам гуруҳда узоқ қоломадилар, бир куни ариза ёзиб (ёки ёдиришган) ўзларининг тинч ишларига қайтиб кетишган ...

Ўша чолнинг ўғли ашаддий терговчиларнинг қўлига тушиб қолмаганига ким кафолат беради? Эди бошимга ушбу балолар тушгач, иш фаолиятимда ийўл қўйган баъзи шундай воқсаларга афсус сезмоқдаман. Аммо уларни ўз вақтида адолатли ҳал қилиш, ҳақиқатни аниқлаш имкони ийўқ эди. Бизлар ҳуқуқ органларига партиявий нуқтани назаридан қарадик, холос. Қонун бўйича - судгача тергов жараёнига аралашниш ҳуқуқи ҳеч кимга, ҳеч бир органга берилмаганди! Ўша пайтда гдлянчилар бундан усталик билан фойдаландилар. Москвада суд, прокуратура, ИИВ, ДХК ва айниқса, москвалик терговчиларнинг ишига аралашмаслик буюрилганди.

Биз бутун умримиз ёмонлаб келган капитал таъваттларда эса қонун устиворлиги - ҳар икки томоннинг тенг ҳудуди кессинга қурилади. Биринчидан, бирор жиноят содир бўлгани, кимдир қамоқча олингани ҳақда омма шу кун, шу соатдаёқ оммавий ахборот воситалари ёрдамида хабар топади ва бу жараёни бевосита кузатиб боради. Иккинчидан, гумондор, деб ҳибсга олингани одам, энг ашаддий ўтри, террорчи ҳам ўз адвокати иштирокисиз терговчига сўроқ бермайди. Уни фақат адвокат иштирокида тергов қилиш мумкин. Адвокат қатнашса, терговчи айбловни ўз иктиёри билан қўя олмайди. Гумондорни қийнаш, азоблаш, қўрқитиши ҳақда гап бўлиши мумкин эмас. Бу, бизлар "одам одамга бўри!", деб билган жамиятдаги иш. Гдлян ҳибсга олган одамларнинг

қариндош-уруглари эса уларнинг қаерда эканлигини билолмай, неча кунлаб тополмай овора бўлиб юардилар.

Уч ярим йил мени истаганча хўрлашди, қийнашди, устимдан кулишди. Адвокатни фақат суд арафасида - терговчилар пиширган "иш" билан танишиш пайтида кўрдим. У ҳам менинг эмас, терговчиларнинг адвокати эди. Терговчи ва адвокат, судья ва адвокат ҳамкорлиги, бирлиги - бу жамиятда энг одил дейилган суднинг бош адолатсизлиги. Ҳатто бизда оммавий тарзда қамашлар бошланган кезларда ҳам омма орасида фақат миш-мишлар оралаб юрди. Партия қўлида қурол бўлган матбуот эса бу пайтда энг оддий терговчидан ҳам ожиз бир нарса эди. Кейинчалик, расмий тарзда, ҳукумат маддоҳи бўлмиш "ТАСС" имзоси билан қисқа, шаблон тарзида ахборотлар кўплаб тарқатилди, уларда эса: "Фалончиев давлат мулкини ўзлаштирган, пора олгани учун қамоқца олинди", қабилидаги сўзлар бор эди, холос. Афсус билан қайд қилиш керак, матбуот бошда ва иш авжига чиққан кезда амалда Гдляннинг гумаштаси, қуроли бўлиб хизмат қилди. Ҳатто бу "фош қилиш" жараёнига таникли ёзувчи, журналистлар ҳам билиб-бilmай аралашдилар ва ўз халқига хиёнат қилдилар. Ошкоралик даврининг кўп минг нусхали кундалик нашрларидан Гдлян ўз ёвуз режасида "байроқ" сифатида фойдаланди. Матбуот Гдлян ва гдлянчиларни салкам қаҳрамонларга айлантириди, тинимсиз мадҳ этиб турди. Амалда эса ана шу ахборотлар ва эътиқодсиз журналистлар чиқишлари билан совет ҳукуқшуносиги, адлияси ўзининг қонуни менисимаслиги, юқорининг топширигини бажарувчи маддоҳ эканини дунёга яна бир карра кўрсатиб қўйди. Чунки бизда "Суддан бошқа ҳеч ким фуқарои жиноятчи аташи мумкин эмас", деган қонун амалда эди. "Амалда эди", деган гап унчалик тўғри келмас, аслида, қоғозда эди. Гдлян эса ҳар қандай қонундан тепада вазифасини бажараётганди...

Матбуот кўп муддат Гдлянга холис хизмат қилди, жабрдийдалардан "жиноятчи", зўравонлардан эса "адолатпарвар ҳуқуқчилар" ясади. Озни шиширди, йўқни пиширди.

Энди - айбисиз айбдор бўлиб, ўзимнинг узоқ йиллик фаолиятимда қилмаган қилмишларимни ўқиб, сафдошларимнинг "қиёфалари"ни қайта кашф этиб ўтиарканман, ўша тузум хизматида ўтган умримга ачиндим. Мен кимлар учун, қайси давлат, қайси сиёсат учун хизмат қилдим, қон тўқдим, соғлигимдан ажрадим?

Ҳозирча озроқ таскин бор. Гдлянчиларнинг сценарийси остида пайдо бўлган ва кейинчалик ҳаракатдан ётқизилган бир қатор "иш"ларни кўриб, ёлғоннинг умри узун бўлмаслигини фаҳмлаб - эртадан, суддан бир баҳа бўлса-да, адолат истадим, изладим ...

Бу қамоқ қийнаган, қафас ортида кекса, касал ҳолида умри ўтаяётган банданинг ожизлигидир балки? Яна ким билади? Тақдиримга нималар битилган?

## V.Б О Б. ОТ АЙБДОРМИ, ЙҮЛМИ?

... Терговчидан қутулдим, томларни ўқишидан чарчадим, ёлғон ва ростнинг чегарасини аниқладим. Судгача эса қанча кутаман-Худо билади? Ахир, булар фуқарони айбдорликда гумон қилиб ушлаб, уни жиноятчиға айлантириш учун қонусиз равишда уч ярим йыш тутиб туришди-ку. Қачон суд қилиш эса уларнинг ўз хоҳиши билан бўладиган иш эди.

Судгача ўйлаш, фикр юритиш, ўқиш ва кўнгилдагиларни ёзиш имкони бор. Бу, балки сўнгти имкондир? Ким билади, Оллоҳ омонатини эртагача қўядими, йўқми?! Билмадим. Лекин нима бўлмасин, судда кўнглимдагиларни айтишим шарт эди. Энди шу ҳақда ўйлой бўзиладим. Ўзим ҳақимда қисқа гапиришим мумкин, узоқ сўзлашним ҳам мумкин. Қандай ўқиганим, ўсганим, тарбия кўрганим, ишлаганим, жантларда қатнашганим ва бошқалар. Бу ҳақда судда айтишим ва тушунтиришим осон кечмайди. Фақат ҳақиқатни сўзлаш керак, бу ерда чиройли сўзларга ҳожат йўқ. Ёлғиз мен айбдор эмасман, вақт айбдор, тузум айблор, раҳбарият айбдор, буни қандай тушунтираман? Буни ким эшитади?

Қонунда чекинишлар, уни четлашлар бўлған, буни энди ким тан олади. Аммо кимдир тан олиш керакми ёки шундай қолаверадими? Тўғри, ҳар ким ўз иши, ўз фаолияти учун ёлғиз жавоб беришини биламан. Лекин бу салбий ҳолатларнинг илдизи қаерда эди, у қасрдан озуқа олгани ҳақида, улар менга, сизга ҳаммамизга қай даражада таъсирини ўтказди - бу ҳақда очиқ айтиш вақти етди, деган фикр мени ўртарди.

Қани, айтинг-чи, ўша вақтда ким Сиёсий бюро, республика Марказқўми қарор ва кўрсатмаларини баъжармаслиги, унга эътиroz билдириши мумкин эди? Ҳеч ким! Давр шундай эми. Бу бир шахснинг айби эмас. Ҳаммаси тузумнинг яроқсизлигидан эди. Бу ҳақда нима учун гапираётиман, ўзимни оқлаш учунми. Йўқ, бу гаплар ҳақиқатни бир қадар ойдинлаштириш учун зарур.

Мен Сталин, Хрущёв, Брежнев, Андропов, Черненко, Горбачёв даврида, республикада эса У.Юсупов, А.Ниёзов, Н.Муҳиддинов, С.Камолов, Ш.Рашидов ва И.Усмонхўжаев раҳбарлиги остида ишладим. Бу йилларда пастки бўгини раҳбарлар учун ишлаш оғир, яшаш ундан ҳам қийин даврлар эди. Мамлакат қонуучилити Ежов, Берия, Абакумов,

Вишинский, Шелеков, Руденко, Рекунков, Сухарев, Смирнов, Теребилов, Смоленцев ва бошқалар қўлида пайтларида қонун устиворлиги қандай амалда бўлганини энди теран англайпман. 30-40-йилларда рўй берган қатагон кўламини махсус комиссия эндигина ошкор қиласапти. СССР ҳалқ депутатлари сўзларидан билдимки, бу қонунсизлик ҳолатларига ҳар доим Москвада ўтирган шўро "доҳий"лари бош айбдор бўлишган. Ана шундай қонунсизлик шароитида ҳам мен чин кўнгилдан, ҳалол ишлашга уриндим.

Бу тартиб-интизомлилик, ишонч ва иймон нималардан иборат эди? Мен қонун бўйича эмас, топшириқ бўйича ишлаганимни яхши биламан. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Ҳар доим эслатиб туришарди: "Сени бу вазифага ҳалқ эмас, МК тавсия қилган ва тайинлаган!"

Кремлнинг энг маҳобатли кабинетларини эгаллаган "давр доҳийлари" ўз теваратига итоаткор гумашталарини тўплаб олишарди. У даврда мен катта мансабда ишлаётib ҳам ҳеч қачон ўзимни мустақил иш юритаётган, эркин раҳбар сифатида ҳис қилмаганиман. Мен оддий ижрочи эдим, холос.

Топшириқларни бажардим, интизомга риоя қилдим. Лекин ҳеч кимга ёмонлик қилмадим, давлатга зиён келтирмадим, вилоят иқтисодини кўтириш, одамлар рўзгорини бутлаш мақсадим бўлди. Оддий деҳқоннинг фарзандиман, тишм қора меҳнатда чиққан. Оғир ишдан қочиш, масъулиятни бироловларга юклаш, жавобгарликдан бош тортиш - табиатимда бўлмаган. У пайтларда нима мумкин ва нима мумкин бўлмаган ҳолатларни аниқлаш, риоя қилиш ҳуқуқи бизга берилмаганди. Буларнинг ҳаммаси юқоридан айтилар эди. Лекин мен бир нарсанни яхши биламан, жиноятчи эмасман, ҳалқ душмани бўлмаганиман.

Гдлян, Иванов, Карташьян, Московцева ва бошқа терговчилар мени "ҳалқ душмани" деб хўрлашди, отиш, оила аъзоларимни Сибирга сургун қилиш билан кўрқитишди. Шунда мен хизмат қилган системанинг ёвуз башарасини илк марта ўз кўзим билан кўрдим, унинг даҳшатли азобларини бошимдан ўтказдим.

...Вақтлар кечди, доҳийлар алмашди, совет қонунчилигига вазият, муҳит, тергов усуслари ўтизинчи йиллар доирасида қолаверди. Феодализмга хос қамоқ, суд, тергов усусларининг сақланиб қолгани ва муомалада бўлгани - бизнинг фожиамиз эди. Таникли файласуф Лев Гумилев гуманитар фанларнинг келиб чиққипи ҳақида бундай деб ёзади: "Аввало, гуманитар фан тушунчасига аниқлик киритайлик. Ўрта асрларда насронийлар оламида илмий ахборотнинг манбалай иккита эди: Инжил ва Аристотел. Фан ана шу манбалардан мисоллар келтиришга асосланганди ... Ҳозирги манбаларга мурожаат усули ҳам шу замонлардан қолган. Фанинг бу поғонаси сколастика (қотиб қолган) деб аталди ва

XV асрғача барчани қониқтириб келди. Кейин бошқа манбаларга мурожаат қилиш, уларни танқидий ўрганиш бошланди. Шундай қилиб, гуманитар (яъни, инсоний, илоҳий эмас) фан- филология пайдо бўлди. Аммо бу ерда ҳам манба бир эди - ўзгаларнинг фикрлари. Ўйгониш даври мутафаккирлари бошқа йўлдан бордилар, улар ўқигани, эшиттанини кўра-кўёна тақрорламадилар, ўз кузатуви ва тажрибасини майдонга олиб чиқиб, ўртоқлаша бошладилар. Саволни қўйиш усули ўзгарди, яъни "Қадимги муаллифлар нима дейишиган?" саволи ўрнига "Амалда қағдай?", деган савол кўйилди. Кўрипб турибдики, шу таҳлит ўрганиш усули эмас, унга ёндэшиш ўзгарди..."

Гумилов айтмоқчи, бизнинг узоқ йиллик тарихдаги фожиамиз - ўзгаларнинг сўзларини тақрорлаш, унга сифишишдир. Марксизм - левинизм ҳам амалда доҳийларни тақрорлашга асосланганди. Эндиликда биз Инжил ва Аристотель ўрнига "Канитал" ва Ленинни қўйдик. Доҳийлардан бошлангай хасталик издошларга ҳам юқди. Етмиш йил давомида биз ана шу касалдан қутила олмадик. Ўттизинчи йилларда суд ва тергов тажрибасида бўлган усул ва қўлланмалар оралан эллик йил ўтса-да, шу ҳолича қолди. Вишинский яратган "иқрер қисиши" усули Гдлян ва гдлянчилар учун ўзгармас қўлланма бўлди.

Бизлар - ижрочилар амалиётчи доҳийларнинг ҳар бир сўзи, жумласини фаолиятимизга дастур қилиб олдик. Бу сўзларни инкор қилиш у ёқда турсин, уни муҳокама қилиш мумкин эмасди. Ўрганишинг ва бажаришинг шарт!

Табиатан бўш-баёв, итоаткор Усмонхўжасен бунига қатъий амал қилди ва Москвадан кадрлар юборишни сўради. Гдлян эса ана шу десантлар учун иш ўринлари очиш мақсадида мілтлий эски кадрларни Московга - ҳибсхоналарга галма-гал жўнатиб турди.

Халқимизни сабр-бардошли деб мақтамиз. Бу яхіпими? Ортиқча сабр-бардошлилик халқнинг фазилати эмас, балки цуқсонидир. Гдлян ва унинг ҳамтовоқлари устидан адолат шамшири ўйнаб қолган кезларда зеленогралистик ва москвалик сайдогчилар митинги чиқиб, уларни ҳимоя қилишибди, Олий Советнинг улар ҳақи. Ҳарс тиқарининг таъсир ўтказишибди. Бизда эса минглаб кишилар қатагок ташкиданини кўрабила туриб ҳалқ жим турди. Бир гуруҳ журналистларимиз Гдляндан сал бўлмаса пайғамбар, адолатпарвар қози ясаашгача бориб етишибди ...

...Ҳибсдаги одамнинг у жиноятчими, жиноятчи эмасми, барибир ҳеч қандай ҳақ-хуқуқи йўқ. Унга нисбатан зугум, ҳақорат, азоб бор. Сени ҳеч ким эшитмайди, сенга ҳеч ким ишонмайди. Гдлян ва Ивановни ҳеч кимни алдамаганим, таламаганимга, ҳеч кимдан таъмагирлик қилмаганимга, 45 йиллик иш фаолиятимда барча бойликларимни ўзим топганимга, яқинларим ёрдам бергани, ёрдамчи хўжалигим бўлганига ишонтириш учун бсҳуда уринидим. Гдлян ва Ивановнинг "тажрибаси"

соғлигимга путур етказди. Улар ўзларини Бош котиб, Бош прокурор, Олий суд деб ўйлашарди ва бир хилдаги қўшиқни куйлашарди. Ана шундай чидаб бўлмас мұхитда мендек кекса ва касал кишининг аҳволини ўйлаб кўринг. Шундан бир куни ҳаммасига қўл силтаб, барчасидан безиб, улар айтган таклифларга рози бўлдим, протоколларга имзо чекиши, ўзимга ва ўзгаларга туҳмат қила бошладим. Билдимки уларга ҳақиқат керак эмас, уларга имзоланган қофозлар зарур. Адолатли судда ҳақиқат қарор топар деб умид қилдим. Улар нима деб ёзишса, имзо қўйдим, нима айтишса ёздим, ҳатто эски протоколларни ҳам қайта-қайта имзолаб беравердим. Кейинча бу кўринишлар тақрорланаверди. Терговчилар Гдлян ва Ивановни кўкларга кўтаришарди. (Бизлар ўз вақтида Брежневни улуғлаганимиздек).

Каракозовнинг кабинетида 1986 йилчининг 26 сентябридаги сұхбат ёдимда. Улар учови мақтанишар, ўзларининг ҳеч кимга бўйсунмасликларини, исталган одамни қамоққа олишлари мумкинлигини, кимларни отишга ҳукм қилишганини, кимларнинг болаларини турмага тиқиб кўйишганини айтиси, кулишарди ...

Қилмиш учун жазолайдилар, қаҳрамонлик учун мукофотлашади. Гдлян ва Ивановнинг бу "қаҳрамонликлари" учун тақдирлашди, улар бир кунда ҳалқ депутатлари бўлишди, аммо Олтин юлдуз тақишига улгурда олишмади.

Беш йил давомида Гдлян ва унинг уч юзга яқин терговчиси республикада эркин юришди, қўлидан келган хунарни кўрсатишиди, амалда улар тупрогимизни, номусимизни, гуруримизни топташди. Ёшликда одам кам ўйлайди, кўп ҳаракат қиласди, кексайганда эса қўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолади. Ҳибсхонада пайтимда СССР ҳалқ депутатлари съездидаги бўлаётган чиқишилар, баҳсларни кузатиб бордим. Уларда қўйидаги фактлар тилга олинди: четдан картошкани апелсиян баҳосида ҳарид қиласпмиз; ўн миллион киши ўта гариб аҳволда кун кечирмоқда; ҳар йили Россияда минг қишлоқ йўқ бўлиб кетмоқда. Пахта ҳақида ҳам сўз борди. Пахта айборд эмас. Пахта- бу бойлик! Республика 1,7 миллион (Хоразм эса 117 минг) тонна тола ишлаб чиқармоқда. Жаҳон бозорида бир килограмм тола 18 килограмм бүгдойга тенг. Пахтадан олиниадиган бошқа маҳсулотларни айтманг. Бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларимиз, чорва, ишак-чи?

Нега пахта учун Ўзбекистонга лаънат тошлари ёғилмоқда. Қани адолат?! Нега ҳамма бойликлар Москвага тўпланганди? Нима, бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳалол эмишми? Бошқа республикаларда ўғрилик йўқ эмишми? Бутун шўролар давлатида авж олган талон-тарож, қўшиб ёзиш, алдовлар учун фақат Ўзбекистон айборд эдими? Йўқ, аслида уларнинг мақсадлари бўлак - "тартиб ўрнатиш" пайтида юртимизни талаш эди. Съездда депутат Друце айтди: "Тургунликнинг бошланнишини

**Молдовадан излаш керак, қачонки Москва тавсияси билан у ерга Брежнев боргач ..."**

Сталин шахсинни ўттиз йилки гўрдан олиб гўрга тиқиб ётибмиз. Мансабга сигиниш эса барҳаёт. Лигачёв шахсига тұхмат - партияға тұхмат эмиш? Қизиқ, Лигачев партия эмас, унинг миллиондан бир аъзоси эди-ку. Олдинлар Сталин ёки Брежнев қиёфасида партияни күрганмиз. Уларнинг сўзи - партияниң сўзи бўлган. Бу эски касаллик эмасми? Тузум касали. Депутат Емельянов бундай деди: "Барча салбий ҳолатлар учун партия жавоб бериши керак, чунки у ҳокимиятни ўз монополиясига айлантириди". Бу ҳақсизликка томошабин бўлиб қараб турган Ўзбекистоннинг ўша даврдаги раҳбарларини тарих ва ҳалқ кечириармикан? Улар бир овоздан Москванинг ҳар бир қарорини "маъқуллаймиз!", деб жўр бўлиб туришди.

Режалар асоссиз ва ҳавоий эди. Нега шундай? Аслида у режа эмас, Москванинг буйруғи эди. Сўзга ўрин йўқ. Бажар! Оқибатда, бели бақувват бўлган колхозлар ҳам иочор аҳволга тушиб қолди, гариб хўжаликлар синди. Пахта етиштириш йил сайин ордага кетди.

Олдин жиноят кодекси деган тушунча менга ёт эди. Суд нима, суд жарёни, тергов жараёни - уларни ўрганишга вакт, имкон, зарурат йўқ эди. Буни касб эгалари - ҳукуқшунослар билса бўлди, дердик. Энди, уч ярим йиллик саргардонликдан сўнг, панжара ортининг барча уқубатларини тортишдан кейин ҳаммасини тушундим. Мен малакали ҳукуқшуносга айландим. Ганжара орти ҳаёти менинг оғир "загата дучор қилди, икки марта юрак ҳуружидан сал бўлмаса ҳаёт билан видолашай дедим.

"Дастурхончилик" удумини бизлар Москвадан ўрганганимиз. Брежневнинг совға-саломларга ўчлигини билардик.

1982 йилда Брежнев охирги марта Бокуга борганида ўзига бериладиган совғаларга оч назар билан қараб, кулиб турганига бутун жамият гувоҳ бўлди. Ёқутларнинг ўта қимматбаҳо "Чарон" деб аталган зумрад кўзли санъат асарини туттилган кунида унга берганлари факт. Ёки ўлимидан сўнг аёли унга совға қилинган қимматбаҳо хорижий машиналарни ихтиёрӣ топширганичи?

Ўн уч йил Брежневнинг котиби бўлган Бровин билан бир хонада ёттанимизда у Бош котиб, оиласи ҳақида матбуотда ёзилмаган гапларни сўзлаб бергацди ...

Нима учун улар юзага келтирган юлиғларни азобини биз тортишимиз керак? Сталин шахсига сигиниш, Хрушчёвча валюнтаризм, Брежневча тургунлик, Горбачёвча "пререстройка". Расул Ҳамзатов беҳуда ёзмаган: "Отни айблама - йўлни айблаб". Ҳар бирининг ўз ҳунари бор эди. "Эгри калтакнинг сояси тўғри бўлмайди".

Масалани сал илгаридан бошласак. Конунсизликнинг

бошланишини нега Вишинский номи билан боғлашади? У ким? Бу саволга кўп манбалардан узоқ ваqt жавоб ахтардим. Мана, билганларим: дастлаб, Вишинский меньшевик бўлган. 1917 йилги феврал инқилобидан сўнг Петрограднинг Якиман район маҳкамаси бошлиғи. Ўша лавозимда ишлаган пайтида Вақтли ҳукуматнинг Ленинни қамоқца олиш ҳақидаги топширигини бажариш учун кўп елиб-юргурган. 1920 йилда РКП (б) сафига киради. 1925-28 йилларда МГУ ректори. 1928-31 йилларда эса РСФСР Маориф министрлиги ҳайъати аъзоси. 1931 йилдан бошлаб прокуратура органларида. 1935-39-йилларда СССР прокурори.

1937 йилда Ф.Хўжаев ва А.Икромовни ҳибсга олишганини эслайман. "Қизил Ўзбекистон" газетасида уларни қандай сўроқ қўлгани ҳисоботи босилган эди. Хоразм округ комитети котиби А.Иброҳимов, Шовот раийхуми котиби С.Ботиров ҳам шу жараёнда қамалишган. (1956 ва 1966 йилларда бу икки қатағон қурбони билан учрашиб, сұхбатлашганман. Ёзса бир китоб бўлади).

Энди англадимки, Вишинский мамлакатдаги қонунсизликнинг отаси, қатағоннинг муаллифларидан бири. Айнан у тергов жарёнида куч ишлатишни қонуний тусга киритган, назарий асарларида "айбдорнинг иқрори исботнинг гултоғи", деган назарияни илгари сурган. 1937-38-йиллардаги оммавий қатағонда бош режиссёр вазифасини ўтаган. Ана шу хизматлари учун 1939 йилда академик этиб сайланади, ВКП (б) МК аъзоси, Xалқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари, Ташқи ишлар вазири бўлади. (Бу кимса ҳақида батағсил тўхталаётганим боиси бор, сабр қилинг.)

1937 йилда НКВД бошлиғи Ежов томонидан оммавий қамаш ҳақида кўрсатма қабул қилинади. Шу сабабли Вишинский барча республика, ўлка, вилоят прокурорларига маҳфий хат жўнатади: "Ежовнинг 1937 йил 30 июнданги буйруғи билан НКВДда тапишишинг ва қамаш учун санкция бераверинг! Операцияларнинг муваффақиятли амалга ошишига фаол қатнашинг... Ҳали суд кўрмаган ишларни "учлик" ихтиёрига ўтказинг!"

В.Улриҳ бош бўлган СССР Олий суди ҳарбий коллегияси Стalin, Вишинский, Ежов топшириқларини қойилмақом қилиб ижро этади. Улрихнинг 1938 йил, 15 октябрдаги "чақуви":

Биринчи ранг давлат хавфсизлиги комиссари Л.П.Берияяга.

1936 йил 1 октябрдан 1938 йил 30 сентябргача СССР Олий суди ҳарбий коллегияси ҳамда олтмиш шаҳарда ўтказилган коллегиянинг кўчма сессияларида ҳукм қилиндилар:

отишга - 30.514 киши;

қамоқца - 5.643 киши;

жами - 36.157 киши;

Мана, сизга Вишинскийнинг "хизмати". 1941 йилда

Вишинскийнинг "Совет ҳуқуқшунослигига судда иқрорлик назарияси" китоби чоп этилган. Кейинчалик яна икки марта қайта нашр қилинган. Бу асар давлат мукофотларига сазовор бўлган. Айнан шу китобда жиноят ва жипоят процессал кодекслари атайин бузилган ва кимларнингдир мақсадларига йўналтирилгаши. Тарихга "Višinskij konsepciyasi" номи билан кирган ҳуқуқ назарияси шўролар давлатидан кейин ҳам рад қилинмади, ҳуқуқшунослик даргоҳларида бу назариянинг айrim бўлаклари ўқитилиб, ўргатилди. Ана шу назариядан сабоқ олган, тузумнинг фарзанди бўлган Гдляндан ишма кутиш мумкин?

Шундан фойдаланиб ва унга амал қилиб Гдлян ва Иванов қисقا фурсатда Ўзбекистонда 25 минг кишини қамоқча ташлади. Улардан Вишинский усули бўйича "кўрсатмалар" ундирилди, аризалар ёздирилди ... Жабрланғанларнинг фарёдини эшишувчи ташкилот ва раҳбар топилмади ... Чунки бошда ўзлари шундай буйруқ бергандилар. Сталин давридагидек. Хуллас, Гдлян - бу кечаги Вишинский. Вишинский - бугунги Гдлян эди!

...М.Горбачёвнинг улкан минбарларда айтган сўзларига қулоқ тутинг: "Бизнинг фожиамиз шунда эдики, узоқ йиллар на жамиятда, на партияда, на Марказқўмда, на Сиёсий бююрова, на ҳукуматда ҳурфикрлилик бўлмади. Оқибатда, бу бизни йўқотишларга, хатолар, ноқонуний ҳолатларга олиб келди". Бу инкор қилиш қийин бўлган факт. Буларни тан оларкан, у ҳақ эди, аммо масаланинг болса тоғонни ҳам бор. Бу ўринда у ҳурфикрлилик ҳақида гапирипти, ишлаб чиқариш, одамлар, режалар ҳақида индамаяпти. Чунки у айтиётган ҳурфикрлилик, баҳс - шунчаки сафсата эди, холос. Горбачёв бу ҳақда сўз айтаркан, у ҳақиқатни гасираётгандай кўринади. Масалан: "Сиёсий система ўнла бўйиллар давомида жамият ҳаётини қонувлар доирасида ташкил қилишга хизмат қилинмади, аксинча, бош масала - режаларни ижро қилиш, топшириқларни бажариш биринчи ўринда турди".

Мана, гап қаерда! Бизнинг ҳаётимиз, иш фаолиятимиз қонунга эмас, режага бевосита ва билvosита боғлиқ бўлиб қолди. Улуғ адаб Лев Толстойнинг сўзлари менинг хаёлимни ўзига тортади: "Қамоқда - фикрла, озодликда - ишла!" (Горбачёв эса фақат ўйлади, ҳеч ишламади.)

Шўролар давлатини ҳақ сўз қизиқтирилди. Ахир, ёлғон ва соҳтагарчилар учун одамлар тақдирланган замонлар бўлгандир. Куни кеча шундай эди. Ҳамма нарса Москвадан - партия Марказқўмидан тақсимланарди: "Тақдирлашга тавсия қилинсин - 1000 киши, фалон фоизи партия аъзоси, фалон фоизи комсомол, фалончаси ишчи, фалончаси колхозчи, фалон қисми хотин - қизлар" ва ҳоказо. Ҳатто ҳалқ депутати бўлиб сайланиш ҳам пастдан юқоригача ана шу тақсимлашга асосланарди. Демократик сайлов системаси аслида бир неча кишининг ихтиёри ва иродаси билан бўлиб ўтарди. Бизлар кейин

99,99 фоиз яқдиллик билан овоз берилгани ҳақида юқорига рапорт йүллардик. Аксар ҳолларда сайлов қутылари ёнiga сайловчиларнинг ярми ҳам келмаган вактлар бўларди. Партияни котиби сайлов комиссияси билан бирга ўтириб, рўйхат бўйича варақаларни қутига ўзлари ташлаш билан овора бўларди ... Жойларда ўтказилаётган ҳар хил сиёсий компаниялар, тадбирлар ва хўжалик ишларини кўриш, назорат қалишга Марказқўм жўнатган турли комиссиялар, межмонлар, вакиллар областта тинимсиз ташриф буюришар, кўп вақтимиз уларни кутиб олиш, зиёфатлар уюштириш, совға - салом тайёрлашга кетарди. Межмондорчилик юксак даражада ўгар, юқоридан келган межмонларни эса на иқтисод, на амалий иш, на одамлар турмуши қизиқтира, улар кўпинча режа ва фоизларга, сайд қилиш ва совға-саломларга кўпроқ зътибор беришарди. Ўша пайтда ҳамма билиб, кўриб турарди, ишчидан министртагача, ўқувчидан академикка қадар, аскардан генералтагача, партияни котибидан Баш котибгача совға-салом олган ва олмоқда эдилар. Бу одат тусинга кирган ҳол эди. Сўнгти вақтдагина бу ҳақда матбуот очик ёза бошлади. Гўёки ўз вақтида буни ҳеч ким билмаган, кўрмаган, хукуқ органлари бўлса жим бўлиб юраверган, чунки бунда уларнинг ўзлари олдинга сафда эди. Биз эски кадрлар бугун нима учун азоб чекмоқдамиз. Ахир, мен чет элда ўқимадим, тажриба ўрганимадим, мен ўз раҳбарларимиз, доҳийларимиздан ўргандим, ибрат олдим, ўзимга эмас, уларга кўпроқ ишондим. Нега бугун уларнинг хатоси учун мен жавоб бераяпман, улар эса юксак минбарларда чиройли сўзлар билан ўзларини оқламоқда. Мен эса қамоқда азобдаман.

Раҳбарлик фаолиятимда на ўзимга тинчлик бердим, на ўзгаларга. Иш - бизнинг бош мақсадимиз, ҳаётимиз мазмунига айланди. Бу жараёнда, албатта, хатолар, камчиликлар, ноўрин хатти-ҳаракатлар бўлган. "Беайб Парвардигор!", деганлар. Алам қиласиди, менинг ўйорзуларим сароб бўлиб чиқди, мен алдандим.

"Айблов" варақаларида тўплантган барча далил, кўрсатмалар билан ёлғиз менгина эмас, балки хоҳлаган одамни айбдор сифатида қамаш мумкин эди. Бу кўрсатмалар ҳар қандай айбсизни айбдор қила оларди. Шу ўринда мажбурий қўшиб ёзишлар қаердан, қачон бошлангани, унга кимлар раҳнамолик қилгани ҳақда қисқача тўхталиб ўтишин истардим. Мен ёш, тажрибасиз йигит эмасман, республикада энг кекса, кўпиги кўрган раҳбар ходимлардан эдим. Узоқ йиллик иш фаолиятимда кўп нарсаларни кўрдим, бошмидан кечирдим. Бу нуқсон тарихи узоқ. Бу иллат учун ҳамиша қўрқув сездим, қилмасликка уриндим, лекин ҳеч нарсага муваффақ бўлолмадим. Бу қўшиб ёзиш иллати сурункали тарзда бўлиб, бутун мамлакатга тарқалган, ишлаб чиқариш тармоқларини ўргимчак тўридек ўраб олганди. Мана, ўша тарихнинг айрим саҳифалари:

1945 йил. Баҳорги экиш мавсумида Хоразмда барча экинлар экилиб

бўлғанлиги ҳақида рапорт беришади. Лекин ҳали экинш яқуналланмаганди, шу боисдан обқўм котиби Ёқубжонов ва оближроқўм раиси Ўрозов вазифаларидан олинади.

Изоҳ: Сталин давридаги воқеа. Эсимда, урушдан кейин илк мавсум. Мамлакатга озинқ-овқат, пахта керак. Тепанинг топшириги биринчи майгача экишни тугаллаш! Баҳор серёгин келадими, техника етарлими - ҳеч кимнинг иши йўқ. Айтилдими - бажар! Сталин даврида тепанинг буйругини бажармаслик - муқаррар қамоқ дегани. Ўша даврдаги раҳбарлар ўз тақдирларидан кўрқиб, бир ҳафта оддин "экилди" деб рапорт беришади, аммо чақимчилар туфайли фош бўладилар. Барибир курсиларидан учиб кетишди. Энди тасаввур қилинг, агар тепадан буйруқ берилмаганда ёлғон рапорт бўлармиди?..

1961 йил. Тожикистон партия Марказқўми биринчи котиби Ўлжабоев ва республика ҳукумати бошлиги Додхудоев пахта қўшиб ёзганлари учун вазифаларидан озод қилиниб, партиядан ўтирилдилар.

Изоҳ: Хрущев давридаги гап. Етти йиллик план деб ҳамманинг тинчи йўқолган замон. Юқорининг талаби: пахта борми-йўқми план бажарилсин! Айборд эса буйруқ берувчи эмас. Ижрочи!

1975 йил. Республика Марказқўми бюросида ҳисоб беришимизга тўғри келди. Хива пахта тозалаш заводида пахта етишмаслиги масаласида.

Изоҳ: худди шу йили биз область учун белгиланган пахта режаси реал эмаслиги, уни камайтириш ҳақида Марказқўм, Министрлар Совети ва Давлат план қўмиталарига мурожаат қилганмиз. Бу план кўпчилик кадрларимизни майиб қилипши аниқ эди.

Лекин Л.Бржневнинг Тошкентга навбатдаги сафари бизнинг илтимосимизга "муносиб жавоб" бўлди - оддин беш, сал кейин олти миллионлик нореал режалар кун тартибига қўйилди. Уни эса биз "бажаришга" мажбур эди.

1980 йил . Давлатга олти миллион тонналик пахта сотилгани ҳақдаги илк ғалаба рапорти Москвага жўнатилди. Бу рапорт бизга эмас, марказга керак эди. Рапорт топшириш биз учун буйруқ эди.

1981 йил. Пахта терими мавсумида республика партия Марказқўми бўлим бошлиги Зинин ва қишлоқ хўжалик вазири Урқинбоев вакил бўлиб келишиди. Кундалик пахта сотини ҳақидаги маълумотномадаги сохта рақамлар - Марказқўмнинг топшириги эди. Кундалик пахта маълумоти юқорига уларнинг топшириги билан берилиб турди. Чунки энди олти миллиондан бир қадам ҳам орқага чекиниш мумкин эмасди.

Изоҳ: уларга Ўзбекистон, ўзбек халқи эмас, олти миллионлик пахта керак эди.

1983 йил Шароф Рашидов вафотидан сўнг олти миллионлик марра учун кураш - ҳаёт-мамот курашига айланди. Талабалар янги йил

байрамигача тап-тақыр далаларда тунадилар. Шароф ака вафотидан бир ой ўтгач, 1983 йил 1 декабрда фәқат бюро аъзолари ва обкўм биринчи котиблари иштирокида Марказқўм бюросининг ёпиқ мажлиси бўлди. Буни шу даврда ишлаганлар яхши билади.

КПСС Марказқўми қишлоқ хўжалиги котиби М.Горбачёв Тошкентга қўнгироқ қилиб, республикада тирик жон борки, далага ҳайдалсин, олти миллионлик ҳосил йигилсин, деб топшириқ берди.

1984-85 йиллар ҳам шундай кечди. Бу қўшиб ёзишлар бизнинг ихтиёrimiz билан эмас, тепанинг буйргути билан бўларди.

Лекин шунга қарамай Обкўм бюроси ҳар йили терим мавсуми тугаши билан ўтказилган текширишлар якунинг кўра маълумотларда сохталик борлиги учун завод директорлари ёки раийкўм котибларидан бирортасига жазо берарди. Ҳатто жиноий жавобгарликка тортилган раҳбарлар бўларди. Елкасига жазо тушган раҳбарлар бюroda сўз олиб, ўзларнига берилган режа нореаллигидан нолишарди. Аммо ҳеч ким бу балога - партия топширигига қарши боролмасди. Бу алдов, сохталик бутун бир тузумнинг, давлатнинг ишига айланаб қолганди. Биз шу давлатнинг ишининг оддий қижроҷилари эдик. Ижрочи эдигу лекин кўнглимиизда ҳеч кимга айти олмайдиган юрт, ҳалқ ҳақида қайғуриш туйгулари ҳам бўларди. Мен ўша йиллари иштларимни амалга ошириш учун кўпроқ хўжалик ишлари билан машгул бўлганиман. Янгидан-янги иш ўринлари очиш, саноат корхоналари ташкил қилиш, аҳолини газ, қувурли сув билан таъминлаш ...буларнинг ўзи бўлмаган. Ҳатто энг кичик кўринишдаги иншоотларни қуриш, режага киритиши - айтишга осон эди. Уларни амалга ошириш учун тайёр лойиҳаларни қўлтиқлаб ойлаб турли маҳкамалар эшитига бўзчининг мокисидек қатнашимизга тўғри келарди. Бошқасини айтишга не ҳожат, қабулхонадаги котибга бир даста гул ёки бир қути шоколад бермасанг - зарур хўжайини олдига киришнинг ўзи бўлмасди ...

Хоразмда Мингазпром бошлиги Кортунов, Орудиев, Сув хўжалиги вазири Алексевский, Васильев, Енгил саноат министри Тараков, "Минстрой" бошлиги Караваев, "Птицапромсоюз" бошлиги Баҳтин, Косигиннинг ўринбосарлари Ефремов, Новиков, Димшиц, Смирнов бўлишган. Улар билан бир қатор йирик саноат корхоналари ва бошқа иншоотлар - Туямўйин сув омбори, ёғ заводи, ипак фабрикаси, гилам комбинати ва бошқа қурилишларни ҳал қилганимиз. Ана шу раҳбарлар шарафига зиёфатлар уюштирилган, катта-кичик ҳар хил совға-саломлар берилган.

Бу гапларни айтишдан муддаом, бутун тузум, бутун бошқарув, ҳал қилув тизими ана шу усулга қурилганини яна бир карра эслатмоқчиман. Бошқа республикаларда ва Россиянинг областларида ҳам аҳвол шу эди. Ҳамкасларимиз қонунни бузишга мажбур бўлишганинни кўп айтишар эдилар.

Биздан Марказ фақат пахта талаб қылышига қарамай, у бизнинг ягона дардимиз эмасди. Одамларни, вилоят тақдирини ўйлашга тўғри келарди. Негаки, аввало, ўша вақтда саксон уч минг нафар ишга яроқли аҳоли муҳим иш билан банд эмасди, ҳар йили ўрта мактабларни тугатаетган ёшлар бу сафларни тўлдириб боришарди. Ишсизлик - иккимой масалага айланади. Қолаверса, вилоят аҳолиси бир миллион нафардан ошиб кетган бир пайтда узарни зарур озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи ўргага чиққанди. Биргина пахта эса бу масалани тўла ҳал қилолмасди. Шу билан бирга эди одамлар одамга ўхшаб яшашлари учун маданий-маиший иншоотлар қуриш, уларга хизмат кўрсатишни яхшилаш масаласини ҳам майдонга чиқарганди.

Бу муаммолар вилоят учун кадрлар тайёрлаш масаласини ўргага кўндаланг қилиб қўйди. Ўшанда олий маълумотли кишилар сони ўттиз минг нафарга етиб қолганди. Бу катта куч эди. Эндиғи вазифа уларни жой-жойига қўйиб, улардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш эди.

Янгидан ташкил қилинган шолицилик совхозларида (ерларни қисқартирмасдан, янги ердар очиш эвазига) йилига юз минг тоинадан зиёд шоли етиштирила бошланганди. Чорвачилик, мевачилик, сабзавотчилик, асалари, картошкачиллик, балиқ комбинати, бройлер фабрикаси, иссиқхона хўжаликлари ҳам ана шу йўлдаги саъй-ҳаракатлар натижаси эди. Бугунги кунда ҳам улар вилоятни зарур истеъмол моллари билан таъминлашга хизмат қилаётганини инкор қилиб бўлмайди.

Йирик саноат иншоотлари ҳақида гапириб ўтирамайман. Улар ҳозир ҳам вилоят иқтисодини кўтаришга хизмат қилмоқда. Бу иншоотларни кўчириб олиб кетиб бўлмайди.

Улар вилоятнинг бойлигидир.

Эътироз биўлдиришлари мумкин, ахир булар сизнинг бевосита хизмат вазифангиз эди деб. Тўғри, аммо узоқ йиллар шундай ўринда ишлаб ақалли бир иншоот қурмаган, янги совхоз очмаган раҳбарлар ҳам бор эди! Мен эса таваккал қилдим, гарчи қонунни бузиш эвазига бўлсада ана шу муҳим иншоотларни майдонга келтиришада бош-қош бўлдим. Булар менинг хатоми, айни пайтда ҳалқа хизматим. Бу менинг эмас, ҳалқнинг меҳнати, мен эса ҳалқ билан бирга уларнинг бошида турдим, холос.

У пайтда тартиб шундай эди. Марказ буйруғисиз бирор мустақил қадам қўйилмайди. Буйруқни кут ва бажар! Тамом! Тепадагилар фақат буйруқ беришини ва таъқиқлашни билишарди. Аммо ҳеч нима учун жавоб бермасди. Ижрочи эса - мен жавоб берардим.

Энди англадим, ақл билан иш юритиш, ҳар доим таваккалга интилмаслик керак экан. Агар ҳалқ учун савоб деб қилган ишларим гуноҳ бўлса, Оллоҳ мени кечиргай, Иншоллоҳ. У даврлар нафақат бошингни, ҳатто қўйинигни кўтариш мумкин бўлмаган замонлар эди.

**Эсніда, Марказқұм пленумында Қалыңғы обқұми биринчи котиби Б.Городовиков құл күтариб, сүз сұрады, мажлис рәиси М.Суслов, сизнинг илтимоснингизни кейинги пленумда ҳисобға оламиз, деди. Кейинги пленумгача эса Городовиков ишдан кетиб, унға сүзлаш насиб этмади. Краснодар обқұмининг биринчи котиби Золотухинни ўша пленумдаги танқидий фикрлари учун сал ўтмай бошқа ишга ўтказиши. Айни шу пайтда унға құшни Ставрополда М.Горбачёв ишләёттанды, у ўзини тинч, итоаткор тутишга одатланған, "тартибли раҳбарлар" дан бири эди... Шу сабабли у тез орада МКнинг қишлоқ хұжалик бүйича котиби бўлди.**

Биз ана шундай оғир шароитларда ишладик, ҳар доим, ҳар куни ҳәётимизни гаровга қўйдик. Алам қыладигани, бу ишлар халқ учун, унинг фаровонлиги учун қилинарди. Аммо шунинг учун сени ишдан олишса, бу ҳақда ҳеч ким билмасди. Меҳнатинг учун миннатдорчилик эмас, мәлumat эшитардинг, турли бўхтонларга дучор бўлардинг. Шу ҳолатда тавакқал қилмасаң иш битириб бўлмас эди.

...Бугун "жиной ишим"ни варақлаб, ўтган умримга, меҳнат фаолиятимга танқидий қараш билан машғулман. "Қўлга тушган ўғри" деган гап бор. Уни "қуръасига тушган ўғри" леб ўзгартирасак, тузум учун хос ва мос бўлади. Ахир айнан топшириқларни бажарганим учун мен қамоқда ўтирам-у бу соҳада мендан кўпроқ ва қонусис ҳаракатлар қуялган яна бир обқұм котиби М.Горбачёв партия раҳбари бўлса, адолат ҳақида лофт урса! Қани ўша адолат?!

Авар шоири "Отии эмас, йўлни айбланг" деганида минг карра ҳақ эмасми!

## VI Б О Б. СУД АРАФАСИДА: КУНИМ КИМЛАРГА ҚОЛГАН?

1 ноябр. Москвада қаҳратон қиши. Унинг заҳрини танамда синаб кўраяпман. Уруш даврида тиззадан қор пайтида чала очик дала палаткаларида, сртўла ва окопларда тунағалиман. У пайтда ҳеч нимадан қўрқмасдим, ортимда қоладиган бола-чақам йўқ эди. Фалабага умид ҳамма вақт бизни яшашга ундарди.

Қайси ғалабага? Наҳотки, вақт келиб, бизлар тўккан қонлар эвазига дунёга келган болалар бизни суд қилишлари, устимиздан кулишлари, хўрлашлари учун уришганимидик? Алам қиласди, алам!

Тушдан кейин танишиш учун хат келтиришди:

"СССР Прокуратураси. 1989 йил, 27 октябр.

СССР Олий суд раиси ўртоқ Е.А.Смоленцевга" нусхаси: № 48/2 изолятори бошлиги ўртоқ Семеновга

... РСФСР ЖКЦнинг 217-моддасига биноан хабар қиласман ...

... бугундан эътиборан М.Худойберганов СССР Олий суди ихтиёрида бўлади. "Иш" бўйича давлат қораловчиси СССР Прокуратураси томонидан таъмин қилинади.

Қўшимча: 44-томдан иборат "жиноят иши" ва икки нусхада айблов хуносаси илова қилинади.

М.Худойбергановнинг ҳужжатлари:

Паспорт - серия I-ТЖ № 512319; Ҳарбий билет - ГН № 242080; уруш қатнашчиси гувоҳномаси - ГУ № 012598; меҳнат дафтарчаси; нафақа гувоҳномаси - № 1100277; жамгарма дафтарлари - № 28318 - 8.675 сўмлик, № 4193570 - 43.281 сўмлик; техника паспорти - ГАЗ-24 машинасинаники.

В.И.КРАВЦЕВ.

СССР Бош прокурори ўринбосари, биринчи даражали давлат адлия маслаҳатчиси."

"СССР Прокуратураси, 1989 йил, 27 октябр.

1989 йил 27 октябрдаги тақдимноманинг қўйидаги пунктлари: айрим эпизодларни рад қилини фикри, ўғлининг заёмлари, иккита жамгарма дафтарчаси ва қарнидошларининг буюмларини қайтариб, қамоқда ушлаб туришни судгача ўзгартириш ҳолати, жиноят ишини терговга қайтариш ҳолати рад қилисин.

М.Худойбергановнинг ўз кўрсатмаларини ўзгартиришини айбини

**енгиллаштириш йўлидаги ҳаракат, деб баҳолаш керак.**

**Қарор қиласман:**

1. М.Худойберганов ва адвокатининг тақдимомаси рад қилинсин.
  2. М.Худойберганов ва адвокати бу ҳақда хабардор қилинсин.
- СССР Бош прокурори ёрдамчиси,  
аддия катта маслаҳатчиси

**В.ГАЛКИН**

Қўшимча: қолган ўттиз кишига нисбатан жиноий иш тўхтатилсин.

Н.Михальский.

1989 йил, 27 октябр".

**Нима ҳам дейиш мумкин? Даъвогаринг хон бўлса, арзингни кимга айтасан??.**

Ҳибсга олингач, менга нисбатан муомала тамоман ўзгарди, мени одам ўрнида кўрмай қўйдилар. Ўз фарзандаларимдан бошқа барча учун ашаддий жиноятчига айландим. Мен бутун умрим бўйи ўзимни мардона тутдим, ҳар қандай ҳолатларда ҳам инсоний фазилатларимдан айри тушмадим. Ҳеч ким олдида садақаҳўрлик қилмадим, бирорлардан мурувват кутмадим.

Маълум бўлдики, бу тузумда одамни айблаш осон, уни тушуниш, эштиш, оқлаш эса... Бу ерда тарози йўқ, одил ҳакам йўқ.

Бу жамиятда кўзга ташланмайдиган, жуда майдада одам - кооператорларга маза экан. Ҳеч нима учун масъуллик йўқ, ўзи, оиласи учун қайгуради, соғлигини асрайди. Тингчина яшайди. Мен эса ўзим учун яшамадим, ўзгалар учун яшадим, ўзгалар учун елиб-югурдим, нималардир ундиридим, қурилишлар бошлидим, топшириқларни бажардим. Соғлигим кетди, вақтли қарибдим, энди эса ...

1989 йил 25 февралда Гдлян ўз ўз сайловчилари билан учрашувда бундай деганди: "Ташкилий хўжалик соҳасида жиноят қотилликдан баттар. Мисол учун - Ўзбекистон". Эҳтимол, у айтган гафу жон бордир. Лекин бошқа бир ҳақиқат ҳам бор. Ташкилий ҳукуқий жиноятни текширувчи ҳукуқшуноснинг бутун бир халқни ноқонуний йўл билан айблаши-чи? Бу жаллодликдан ҳам баттар эмасми?!

Мен бойлик тўплашга интилмаганиман, мансаб эса келиб-кетадиган нарса. Инсон буласиз яшави мумкин. Аммо менинг доҳийларча тузумга, қонуншуносларга ишончим йўқолди, бу эса энг даҳшатли ҳолатdir.

Икки ҳақиқат бўлиши мумкинми? Шўролар давлатида ҳамма нарса мумкин, бир ҳақиқат катталар учун, иккигич ҳақиқат - оддий халқ учун, қурбоилар учун. Озодликда бир ҳақиқат бўлса, қафас ортида иккичи ҳақиқат ...

Ҳеч қачон миямга давлатни, оддий халқни алдаш фикри келмаган. Ишимиизда эса энг фожиали ролни - бажариш мумкин бўлмаган пахта режаси учун кураш ва рапортга имзо чекиш ўйнади. Бу, назаримда, республика шарафи учун эмас, бутун мамлакат шарафи учун зарур эди. Эсимда, СССРда қурғоқчилик, табиии оғатлар рўй бериб, ҳосил пасайиб,

дон кам бўлган йиллари Рашидов билан Брежнев ўртасида пахта масаласида қандай сұхбатлар бўлганини эшитганман. Брежнев Рашидовга "пахта ҳисобига давлатнинг бюджетини қўллаш керак, акс ҳолда Америка ССРнинг буғдойи кам, халқи оч қолади, деб бонг уради. Пахта сиёсатимизни ҳимоя қиласидиган хомашё", деб айтар экан. Бу ҳам юқорининг буйрганинг бир кўриши эди.

Баъзан Колумбииңг бир васияти ёдга тушади. "Бизнинг ҳаётимиз сариқ чақача ҳам турмайди. Бопқалар ҳаёти учун бағишланган ишимиз ҳаммасидан юксак туради ..."

Бутун умрим шундай кечди ва шунга амал қилдим.

Агарда эгаллаган лавозимимда мени одамлар қўллаб-кувватламасалар ва ҳурмат қиласалар, шу ондаёқ мансабдан кетишм мумкин эди. Ўн саккиз йил давомида бу ҳолатни сезмадим. Энди бу ҳақда айтиш, исботлаш қийин. Негаки, гдлягчиларининг ифлос тарғиботи қўймижоз оммани ром қиласан, бола отадан, эр хотиндан юз ўтиришгача бориб етганди.

... 1166 кун қамоқда ўтирибман. Кимман ўзи? Кимлар учун ҳавфлимаи, кимга ёмонлик қилишим мумкин, қаерга ҳам қочишшим мумкин? Эҳтимол, инсон қамоқдан қочиши мумкин, лекин ўзингдан қочиб ҳеч қаерга боролмайсан-ку!

Кекса, касал одамман, уруш ногирониман ...

Камерада ёлғиз қолдим, ҳамхонам Викторни суд 8 йилга ҳукм қилди ва бошқа хонага ўтқазишди. Бу қамоқнинг қонуни экан ...

Бизни қамоққа олиб, дунёдаги бор жиноятларни бўйнишимга илишгач, давлатда тартиб ўрнатилдими, ҳаёт ўз измига тушиб кетдими? Қайда? Жиноятчилик уялаб кетди, режалар барбод бўлди, ҳамма ёқни сафсата, чиройли сўзлар, алдовлар босди.

7 ноябр.

Тўртингчи гал байрамни камерада "нишонламоқдаман". Кўнгилга юпанч бўладиган нарса йўқ. Ётиб, ўқиши билан овораман.

Саккиз йилга ҳукм қилинган Виктор кетгач, ўрнига бутун Володя исмли ўшгина йигитни келтиришди. Унинг кайфияти менинидан баттар.

8 ноябр.

Қўлимга Рибаковнинг "Арбат болалари" китоби тушди. Системанинг башарасини очиб берган китоб. Шахса сининиш давридаги авлоднинг бошидан кечиргандари ёзилган...

15 ноябр.

Врач қабулида бўлдим. Кон босимим - 180/110.

Уйдан майдада-чўйда қабул қилдим.

12 ноябрда "Правда"да ўзбекистонлик бар гуруҳ Москвада қамоқда ётган собиқ раҳбарларнинг ишлари судга ўтказилгани расмий тарзда эълон қилинди. Улар орасида менинг номим ҳам бор ...

Бутун қўлимга "Собеседник" ҳафтномасининг сентябрдаги сони тушиб қолди. Унда Гдлян иши бўйича комиссия раиси, депутат Рой

Медведевнинг "Унита" (Италия) газетаси мухбири Жулетто Киеzага берган "... Ўнга ҳам радикаллар бўлиши мумкин" сарлавҳали сұхбати таржима қилиб босилган. Бу сұхбат бизнинг бошимиизда қилич ўйнатган ва шу куйга соглан Гдляннинг кимлиги ҳақида ўқувчида маълум тасаввур түгдидари:

"Ж.Киеzа: - Собиқ диссидентта саволим. Ҳали 1984 йилда сизнинг уйингиз олдида ДХК айғоқчилари қўриқчилик қилишарди, бутун сиз ҳалқ депутатисиз, СССР Олий Совети аъзосисиз.

Р.Медведев: - Тўғри, мен Горбачевни қўллайман, лекин ҳамма масалаларда ҳам эмас. Ҳатто диссидент вақтимда ҳам мен "сўл радикал" бўлмаганиман. Мен фикримни ўзгартирганим йўқ, давлат сиёсати ўзгарди.

Ж.Киеzа: - Сизнинг позициянгиз, албатта, Горбачев ва Лукъяновга маъқул тушади.

Р.Медведев: - Лукъянов менга, собиқ диссидентта барча ҳаракатларимга ишонишини айтди. Улар, албатта, бу нозик комиссия ишини партия функционерларига ишонмасдилар. Негаки, "ўзбеклар мафияси" комиссияси бошламадаёқ ўзини фош қилиб қўярди.

Ж.Киеzа: - Умуман, у сиз билан Л.Абалкиндек муносабатда бўлди. XIX партия конференциясида Абалкинни кўппартиявийликка ён босганинда танқид қилганди, бир йил ўтмасдан Министрлар Совети раёси мувонини қилди.

Р.Медведев: - У феълинни ўзгартириши мумкин. У билан келишмаслик мумкин, айни пайтда душманга айлантирмаслик ҳам.

Ж.Киеzа: - Ниҳоят, "Гдлян иши бўйича комиссия" раисига савол.

Р.Медведев: - Кўп вақт зарур бўлди - камида икки йил. Бизлар "ўзбек мафия"сининг Москва билан боғлиқлигини ўрганганимиз йўқ, гарчи Гдлян шунга ургу берсада. Бизнинг мақсадимиз СССР тергов ва суд практикаси тизимини комплекс текширишдан иборат. СССР Прокуратураси бизга барча маҳфий ҳужжатларни кўрсатишга изи берди. (Партия назорати комитети эса аллақачон ҳужжатлари билан таништириди).

Горбачев съездда Марказқўм 90 га яқин ҳужжатларни тайёрлаганини ва тақдим этишини эълон қилди. Биз эса Сиёсий бюро протоколларини сўрадик, чунки яхши биламизки, республика раҳбарлари, масалан, Усмонхўжаевни алмаштириш худди шу поғонада муҳокама қилинган. "Гдлян иши" бўйича ҳибсга олишган республика раҳбарлари, обқўмлар котиблари масаласи ҳам айнан шу даражада ҳал қилинган. Горбачев худди шу ҳужжатлар бизга етказилишига паъда берди.

Ж.Киеzа: - Демак, ҳалиям бу ҳужжатларни сизларга беришмадимн?

Р.Медведев: - Ҳали йўқ, ДХК ҳам бир қатор зарур ҳужжатларни кўрсатишга ваъда берган.

**Ж.Киеза:** - Комиссия, ҳақиқатан ҳам, даҳлсиз шахслардан ташкил топғанми?

**Р.Медведев:** - Амалда фақат иккى аъзоси мустақил: мен ва ёзувчи йүлжас Сулаймонов. Қолган барча аъзолар у ёки бу маънода таъсирга маҳкумлар ...

...Улар айтишади: "Агарда айбдорлигини аниқласак, тезкорлик билан жиноий иш қўзғатиш керак". Мен эса, сиёсий асоратини ўйлаб кўриш тарафдориман. Бизга ҳар томондан таъсир ўтказишмоқда: Гдлянга тарафдор депутатлар ишни тезроқ якунлашга ундаласалар, ўзбек депутатлари Гдлянга ён босишида айблашацияти.

**Ж.Киеза:** - Сўнгти сўзларингиз ҳақлигинга шубҳаланишга рухсат қилинг. Агарда нимадир бўлса ...Депутатлар сезмасликлари мумкин эмас.

**Р.Медведев:** - Тўгри, аммо гап Осиё республикаси ҳақида кетяпти. Биз жиноят атаётган ҳолатлар уларда оддий анъана, бунинг ҳеч шармандачилик жойи йўқ. Яна бунга халқнинг қулилк руҳияти ва исталган қарорни кўллаб-кувватлашини айтинг.

Қийин, аммо буни тушуниш керак ...

**Ж.Киеза:** - Тўгри, аммо Гдлян айтмоқдаки, унинг ҳаракатига қаршилик қачонки у Тошкент билан Москва ўртасидаги боғлиқликни фош этишга киришгач бошланганмиш.

**Р.Медведев:** - Бу ҳам ҳақ гап. СССР Прокуратураси ҳамма вақт партия органлари таъсирида иш кўрган. Гдлян бу қоидани бузишни истади ва оқибатда мағлубиятга учради.

Лекин Гдлян фариштга эмас. У ҳамма вақт қонунларни бузган, ҳибсдагиларни қийноққа солган, ноқонуний ҳаракатлар орқали иккор қилдирипга уринган, процессуал қоидаларни менсимаган.

Прокуратура органлари бу ҳақда хабардор бўлишган, аммо сукут сақлаб келишган, маълум вақтгача."

Бу яна бир карра ҳуқуқ-тартибот органларида зўравонлик ҳукмронлигини, у ҳамон Сталин давридаги ҳолатида қолиб келаётганини исботлайди. Айнан партия ўз фикрини ҳуқуқ орғанларига ҳам ўтказиб келмоқда ... Судбатдан кўринниб турибдики, ҳар қалай совет тузумида адолатли суд, қонунчилик эллик йил олдинги даражасида қолган, гдлянчилар бу усуллардан фойдаланган ва бунга тепада имкон яратиб беришган.

Бошқа изоҳ ортиқча.

16 ноябр.

Кечқурун хат келтиришди.

"СССР Олий суди. 1989 йил, 4 ноябр.

РСФСР Олий суди раиси В.М.Лебедевга.

СССР Олий суди тўғрисидаги қонуннинг 37-моддасига асосланиб М.Худойбергановнинг 18/67871-89-рақамли жинонӣ иши сизларга юборилмоқда.

Ушбу кундан бошлаб М.Худойберганов РСФСР Олий суди ҳисобида бўлади.

Жиноий ишлар бўйича суд коллегияси раиси С.Рамазин.

1989 йил, 15 ноябр"

17 ноябр.

Бугун ҳаммомга бордик.

Ҳамма ишда ва ҳаётда совуққонлик зарур. Кунлар жуда секин ва оғир ўтмоқда. Кўп вақт ўқиш, ёзишга кўзим имкон бермайди, кўриш қобилиятим пасаймоқда. Қамоқнинг овқати нима, лекин шу ҳам ҳазм бўлиши қийин ...

18-19 ноябр. Ётиб қолдим.

20 ноябр.

Туни билан кўзим илингмади, нимадир бўлди. Кечаси ўрнимдан турдим, хонада чарчаганча юрдим, лекин ётсан уйқу йўқ. Яна туриб камерани қадамба-қадам ўлчашга тушдим... соат тонгти олти. Радио тилга кирди, ювиниб-артиндим, кечқурундан қолган бир бурда қора нонни кавшадим.

Бугун мени нима кутмоқда? Билмайман.

Умуман, ҳаммаси нима билан тугайди. Ёзугим не?

Тонгдан радио мамлакатдаги жинояччиликнинг аҳволи ҳақда ташвишли хабарлар бера бошлади. Нимадир бўлмоқда, кимлар айбор, қайга боряпмиз?

Ахир яхши бўлиб кетиши керак-ку? Лекин, қачон!

Соат 6.20. Чекяпман, ҳали ионуштагача қирқ минут бор. Тошкентда, Урганчда кимлардир ўрнидан турган, чойини ичган, ишга, ўқишига отлангандир, албатта. Рафиқам билан фарзандларимнинг аҳволи...

21-22-23 ноябр. Яна ётиб қолдим ... Хастаман. Врачга бордим, бошим тимай оғрийди. Қон босимим - 180/95. Оёғимдан мадор кетяпти, ўнг қўлим менга бўйсунмай қўйган...

Тушлиқдан сўнг тиши дўхтирга бордим, у протезни олиб, ўнг жагимдаги сўнгти озука тишни ҳам олиб ташлади.

24-25 ноябр кунлари ўзимни қўйишга жой тополмадим.

Ҳаво босими оғир, рутубатли кун. Ўрнимда тура олмадим.

26 ноябр. Якшанба.

Радио ишламай қолди. (Агарда мамлакатда ёки биз ётган СИЗОда қандайлир ҳодиса содир бўлса, дарҳол радиони ўчиришади, газета бермай қўйишади.)

Жуда зерикарли кунлар. Олти кунки тобим йўқ. Тағин шамоллагашман, камерадаги ёлғиз дераза қанотлари ёпилемайди, кечакундуз шамол уриб туради.

27 ноябрь.

Туни билан ухламай чиқдим, бош оғриғига хапдорилар ҳам ёрдам бермай қўйди.

**Менга ҳеч нарсанинг қизиги қолмагандай... Ёлғиз умидим фақат фарзандларимни кўриш, улар билан дийдорлашиб, хайрлашишга улгuriш. Ишқилиб улар судда менинг сўнити сўзимни эшитишин.**

**35 ноябр.**

**Радиодан хабар қилишди: Ўзбекистонда пахта йигтим-терим мавсуми якунланибди, давлат омборларига 5.260.000 тонна пахта соталиб, план бажарилибди.**

**36 ноябр.**

**Хозир матбуот фақат бир нарсага эътиборни қаратган - қайта кўриш, ислоҳот, ошкоралик...**

**Турли узундан-узоқ йигинлар, мажлислар, бемаъни ва охир ийӯқ тортишулар билан ўтәётган съездлар ҳисоботи одамларнинг асабига тега бошлаган. Одамлар, айниқса, раҳбарлар ва ишлаб чиқаришга алоқаси ийӯқлар чиройли сўз билан машҳур бўлишмоқда, иш одамлари эса эсдан чиқарилган.**

**Умуман, одамлар нега сўнгти вақтларда ишёқмас бўлиб кетишиди? Нега ишлашни хоҳлашмаялти? Ҳосилни парваришлаш, етиштириш, вагондаги юкни тушириш муаммога айланди...**

**Сабаби нимада? Биланадим.**

**Аммо турли маросим, тадбирлар, дабдабали анжуманлар кўпайиб кетди. Оддий халқнинг меҳнати - давлатнинг бюджети ҳисобидан ўтказилайтган бу машваратлардан исе наф? Оддий меҳнат кишиси ҳақда, унинг фидоий меҳнати тўғрисида ким ўйлади, ким рағбатлантиради? Москва-марказдаги сўнгти ийӯқ баҳс-тортишувларнинг охир борми? Ахир сўзни еб бўлмайди-ку!**

**1 декабр,**

**Врач кўргигда бўлдим, қон босимим тушмаган. Бугун ҳаммомга олиб боришди, совуқ сувда ювипишта тўғри келди.**

**5 декабр.**

**"Правда" қизиқ ахборот чоп қилган: "СЕНГ МКдаги вазият".**

**"З декабря бўлиб ўтган Германия социал ягона партиясининг 12-plenumiда бутун Марказқўм бир овоздан истеъфога чиқишини эълон қилди. Партиянинг фавқулодда съездини ўтказиш учун ташкилий комиссия тузилди. Олдинги раҳбарларда зийумлари, жумладан, Э.Хонеккер, В.Штоф ва Х.Зиндерман партия сафидан ўчирилдилар..."**

**Мана, "дунё бўйлаб дадил одамлаётган" социализмнинг аҳволи!**

**7 декабр.**

**"Правда" расмий хабар берган: "Жараён бопланади".**

**"5 декабр куни СССР Олий судида Қорақалпогистон обқўмининг собиқ биринчи котиби устидан очиқ суд мажлиси ўз ишини айблов хуносасини ўқиб эшиттириш билан боплада..."**

**8 декабр.**

**Тагин "Правда" хабари- "Суд жараёни давом қилмоқда". "СССР Олий судида очиқ суд мажлиси давом қилмоқда..."**

Бугун суд Қ.Камоловни сўроқ қилди... Камолов ҳеч қандай жиноят содир қилмаганини айтди. Тергов жараёнида берган кўрсатмаларини эса терговчиларнинг тазиёти, зуғуми остида бўлганини айтди..."

11 декабр.

Мен ҳам бугун РСФСР Олий судига бориб келдим. Ишни кўриб чиқиши кечиктирилибди. Сабаби, иш билан адвокат танишиб чиқиши керак экан.

12 декабр.

Бугун Усмонхўжаев, Камолов, Айтмуродов, Примов ва мен бир машинада, ҳар ким алоҳида боксда Т.Умаровнинг судига бордик. Гарчи бир-бirimizni кўрмай ўтирасакда, йўл-йўлакай гаплашиб кетдик. Конвой бир неча марта сўзлашишни тақиқлади.

Эрталабдан кечгача судда, ҳар ким алоҳида боксда бўлдик.

14 декабр.

Бугун "Правда"да ўқидим. "БКП МК Пленуми" Болгария КП МК Пленумида Тодор Живков партияидан ўчирилган. Сабаб: "Мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришда йўл қўйган жиддий хатолари учун. Бу ҳол мамлакатни оғир иқтисодий инқизозга олиб келган..."

Мана, яна бир социалистик давлат "ғалабаси".

...Тушдан сўнг тиш дўхтирига бораётгиб, қамоқхона даҳлизида тўсатдан Камоловни учратиб қолдим. У суддан қайтиб келаёттан экан. Саломлашдик. Конвой гапиришга рухсат бермади.

15 декабр.

Яна "Правда"дан: "Суд жараёни бошланди".

"14 декабр куни СССР Олий судида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг собиқ биринчи котиби И.Б.Усмонхўжаев устидан очиқ суд мажлиси бошланди..."

"Советская Россия" бошқачароқ ёзди: "Шов-шув парчалари".

"Кеча ...суд курсисига юқори мансабни эгаллаган кипти ўтириди. И.Усмонхўжаев 1930 йилда Фарғона обlastининг Боғод туманида туғилган..."

16 декабр.

Тагин "Правда"дан: "Қиёфа ва ниқоб" ёки сиёсий шантаж қироли қандай фоп қалингани ҳақида".

Шелековнинг номи ҳаммага таниш. У порахўрлик, маънавий тубанлапувнинг синонимига айланган. Турғунлик синоними..

Генералнинг махсус чеклари..

Партия назорати комитетига шикоятлар кўпдан келаётганди. Асосан, Молдавиядан келаётган аноним тарздаги хатлар кўп эди. Мансаб сунистеъмоллиги Москвада чўққисига чиқди... Одамлар нега жим эдилар? Қўрқишаради.

И.Густов: "А.Пельше мени ҳузурига чақирдя. Мен бу топшириқни ўз навбатида Севостяновга етказдим".

В.Севостянов: "Тезда англаб етдимки, маҳсус талонлар - ўйлаб чиқарилган гаплар эмас".

И.Густов: "Бир неча кундан сўнг Севостянов Марказқўм аъзоси Ноздряковнинг сунистемоллари ҳақидаги маълумотни илова қилди".

В.Севостянов: "1978 йил 30 март куни соат 11.25 да Л.Брежнев менга қўнғироқ қилди..."

И.Густов: "Бу масалада Черненко билан боғландим, у одатда кўп нарсалардан хабардор киши эди..."

Лекин...

И.Густов: "КПСС МКга Ю.Андропов келгач, бизлар бу масалаларга қатъий баҳо беришта тайёр эдик. У ҳам бу ҳақда биларди. Андропов Пельше билан яхши муносабатда эди, уни ҳурмат қиласарди. ДХК раиси пайтида Андропов унинг ҳузурига одатда шаеба кунлар кўп борарди. Улар соатлаб яккама-якка суҳбатлашардилар. Янги раҳбариятнинг биринчи иши Шелековни мансабдан четлаштиришдан бошлангани бежиз эмас".

Бу 1982 йилнинг 6 декабридаги воқеа. Тезда Ички ишлар вазирлигида тезкор тафтиш қилиш бошланади. Илк куни ёқ министрликнинг хўжалик бўлими бошлиги Калининнинг беҳисоб сунистемолчиликлари аён бўлиб қолади.

В.Миртов: "СССР Прокуратурасининг Бош ҳарбий терговчиси сифатида 1983 йил 19 декабря Шелековнинг хотини ўз жонига қасд қилгач суриштириш жараёнига мен ҳам қўшилдим".

И.Густов: "Шелеков ҳамон партия сафида қолганди. Шу ҳолат унга таскин берардя. Негадир бизлар унинг устидан жиной иш очитмагани, аксинча министрлик хўжалик бўлимидағи ишлар бўйича оддий гувоҳ сифатида қатнашганини тушунолмадик. Бунинг устига унинг ўринбосари генерал Потопин ҳамда ИИВ академияси ректори генерал Криловнинг ўз жонларига қасд қилишгани фактига ҳам унчалик эътибор берилмади..."

Мана, сизга московлик раҳбарларининг ўз инларидаги фаолиятлари. Улар навбат ўзларига келгани ёки сунистемолчилик ўзларидан бошланганини фош қилиб, айбларини тўкишни истамаганлар. Ишни узоқдан, нисбатан тобефеъл ўзбеклардан бошлашғояси туғилган.

1984 йил декабрда Шелековни партиядан ўчиришади. Имижимида. Олти кундан сўнг у, 74 яшар генерал ов мильтиги билан ўз жонига қасд қиласади...

Энди бунга ҳам ишониш қийин. Аслида айбни очмаслик учун уни ўзлари тигчилишмаганмикан? Хавфсизлик идоралари ходимлари бунга жуда уста эдилар...

**Москвадаги ов мильтифидан отилган ўқ-гдлянчиларининг Ўзбекистондаги олиб бораётган босқинчиллик ва зўравонликларини кучайтириш учун сигнал вазифасини ўтади.**

(Ўзбек генераллари билан Ю.М.Чурбановнинг қамалиши ва судланишпини бир эслаб кўринг).

**18-19 декабр кунлари.**

Икки кунки Усмонхужаевнинг судига олиб боришяпти. Икки кунки Москванинг совуқ, кимсасиз кўчалари кўнгилни хира қилади. На тушлик, на кечки овқат беришади...

**20 декабр.**

Бугун "Правда" хабар қилибди: "Гувоҳларни сўроқ қилиш бошланди".

"Усмонхўжаевнинг иши бўйигча 18 декабрда гувоҳларни сўроқ қилиш бошланди... Судда Худойберганов олдинги кўрсатмаларидан воз кечди. Муқаддам ёлғон кўрсатма бергани учун икки сабабни кўрсатдя.

Биринчидан: у Усмонхўжаевдан шунинг учун хафа эдики, "Рашидовдан сўнг республикадаги аҳволни ўнглай олмади ва бунга ҳаракат ҳам қилмади".

Иккинчи: тергов органларининг сўроқ пайтида унга иисбатан турли қийноқ, қўрқитиши, зуғум усусларини қўллагани боисдан Худойберганов Усмонхўжаевга қарши кўрсатма беришга мажбур бўлган..."

**24 декабр.** Бугун кундузи ухладим, тун бўйи қўзим илинмаганди.

Радио Бухарестдан олинган ташвишли хабарларни бермоқда. Руминияда Чаушеску қамоққа олинган, кўчаларда жанглар кетмоқда, курбонлар бор эмиш.

**Ана, холос!** Социализмнинг куни битди, шекишли. Адолатсизликка курилган ҳар қандай жамият охири-оқибат ҳалокатга маҳкум!

**25 декабр.**

Бугун бир соат сайдрга чиқаришди. Шундаям юрак санчиб азоб бермоқда, уч марта тилим остига валидол қўйдим. Эрта билан бир қатор хапдорилар ичгандим. Кундан-кунга ўқишим ва ёзишим оғир, кўз олдим қоронғилашиб, бошим айлағади, нафас олишга ҳаво етишмайди ...

**28 декабр.** Уч кунки СССР халқ депутатлари съезди ҳужжатлари билан газета орқали танишайман. "Правда"нинг 26 декабр сонида Қ.Камоловга ўн беш йил беришганини ёзишибди. Узоқ муддат. Тұхмат ва бўхтонлар учун шунча. ...

**Қани ҳақиқат, қани адолат?** У умрини давлат ва халқ ишига бағишлади-ку.

**37 декабр. Якшанба.**

Мана, тўртингчи марта Москва қамоқхоналарида янги йилни кутмоқдаман. Биз яшаган ва хизмат қилган тузумнинг тарихидан: ... Нижегород губкоми раиси Федоровга Лениннинг буйруғи; "ҳамма кучларни сафарбар қилиш...оммавий қирғин ўтказиш, юзлаб

фоҳишаларни отиш керак. Улар қаторида ичувчи солдат ва офицерларни ҳам!" (Ленин, Таңлаган асарлар, 50-том, 142-бет.)

Кувғин қилиш мумкин, аммо аёлларни отиб ўлдириш Ленинга нега керак бўлиб қолган экан?

Ленин ишининг давомчилари Сталин, Хрущев, Брежнев, Лидропов ва Горбачевнинг қўлида ҳам устозидан мерос, жуда кучли ҳокимият бор эди. Улар бу ҳокимиятдан халқнинг азобланишлари, жафо чекишлари учун ҳам фойдаландилар.

1990 йил, 1 январ.

Бугун қамоқдаги ҳаётимнинг 1125-куни. Шу даврда янги йилни қўйидагича кутуб олдим:

1987 йилни - Амелкин билан дунёга машқур "Матросская тишина" қамоқхона касалхонасида.

1988 йилни - Бровин билан 48/4 изоляторида.

1989 йилни - шу ерда Олимбай ва Нурали билан.

1990 йилни - 48/2 изоляторида Бутирская қамоқхонасида ёш йигит Володя Ухов билан.

Володя вақтли ётди. У 29 ёшда, қувноқ йигит, сиқилмайди. Олмадан шарбат тайёрладим ва янги йил киришининг Тошкент, Урганч вақтларини эсладим, сўнгра... Устимга чопонимни ёпиб, эрталабгача кўзимни юммасдан ётдим ...

2 январ. Нимагадир кўнглим нотинч ва безовта.

Юрагим қаттиқ оғриялти. Тушгача ўтгиз минут сайдрга чиқдим. Майда қор ёғялти. Тушлик пайти юрак ҳуружи бошланди. Қўрқиб кетдим... Наҳотки, ҳаммаси шу ерда, бир дақиқада поёнига етса ...

Шомгача сал босилгандай бўлди, ҳар хил хандориларни ичдим. Икки кунки чекмаяпман. Ташлаш керак, гарчи бу шароитда жуда қийин бўлсада.

4 январ.

Сайдрга чиқмадим. Чиқолмадим. Аҳволим яхши эмас. Тушдан сўнг иш им билан боғлиқ эски ёзувларни варақладим. Радио жим, газета кам келтиришяпти.

Кунлар оғир кечмоқда, суд қачон бўлади, билмадим. Соғлигим эса кун-куидан ёмонлашяпти. Бугун уч йил давомида биринчи бор дераза дарчаси тешигидан тўлин ойни кўрдим...

5 январ.

Эрталаб ҳаммомга боришимизни айтишди. Кейин эса судга тайёргарлик кўришимни эълон қилишди. Эрталабки саккиз яримларда Олий судга жўнадик ва тезда қайтариб келтирилди. Тушунмадим, нима бўлди?

6 январ.

Бугун сайдрга чиқмадим. Кечаги ҳаммом ва судга бориб келиш анча чарчатди.

Ётибман, ахволим яхши эмас. Сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Кунига икки марта алмашиниш вақтида қоровуллар камерага бир назар ташлашади, сенинг ўлиқ ёки тириклигингни билиш учун. Кейин эшик эрталабгача қаттиқ бекитилади. Кундузи ҳам шундай, эшик очилмайди.

7 январ.

Кечаси тун бўйи чала ухладим, кўзим юмилган заҳоти қўрқинчли тушлар кўрдим.

Қўшни камерадаги қорақалпогистонлик биродарим Олимбой Ражабовни кечаси зонага жўнатиши чоги, девор орқали сигналга жавоб бўлмади.

8 январ.

Яна ўйқусизлик. Бу ёғига юрак чидам берармикан? Кечқурунги овқатдан сўнг айблов хulosасини келтиришди.

РСФСР Олий судининг жиноий ишлар бўйича судлов коллегияси қўйидаги таркибда: раислик қилувчи - Ю.Говоров, ҳалқ маслаҳатчилари - П.Артёмов, В.Акифеев, котиба - Т.Матвеева ҳамда прокурор А.Галдшинд иштирокида Москва шаҳрида 1989 йилнинг 25 декабр куни айбланувчи М.Худойбергановнинг жиноий ишини кўриб чиқиб

Белгилади:

Эҳтиёт чораси ҳибса сақлаш ҳолида қолдирилсин. Ишни кўриб чиқиши - судда эшлиши 1990 йил 23 январда, Первомайск район суди биносида эрталаб соат ўнда бошлансанн.

Иш бўйича раис: РСФСР Олий суди бош судьяси Ю.Говоров".

9 январ.

Эрталаб СССР Олий судида Р.Абдуллаева ишида қатнашдим. Куни билан судда бўлдим, машинада, бўлак боксларда бирга қайтдик, бъязида бир-икки оғиз сўзлашиш имкони бўлди.

Кечқурун В.Ухов ҳам суддан қайтди, унга бир йил беринибди. Бутиркага қайтиб келдик. Уни олиб кетишиди. Мен камерада ёлғиз ўзим қолдим.

10 январ.

Эрталаб судга - Айтмуротов иши бўйича олиб боришиди, аммо суд қолдирилиб, қайтиб келдик. Бир машинада бориб келсакда, соқчилар сўзлашишга қўймадилар. Ҳар қайсимиш алоҳида боксадамиз. Бир-бировни кўрмаймиз.

"Правда"да бундай деб ёзиши: "Ўзбекистон Марказқўми собиқ котиби Е.Айтмуротов устидан суд жараёни бошланди. Судда Айтмуротов терговда берган барча кўрсатмаларини рад этди".

11-17 январ. Беш кун давомида менга тегишли айблов хulosасини ўқиши, танишиш билан банд бўлдим.

16 январда "Правда"да бундай ахборот бериниши: "Оқлов ҳукми". "Ўзбекистон МК котиби Р.Абдуллаева иши бўйича суд мажлиси ниҳоясига етди. СССР Олий суди 15 январда уни оқлаш тўғрисида ҳукм чиқарди. У суд залидан озод этилди".

**18 январ.**

Бугун янги адвокат (Н.Бенедиктов) келди. Уни суд тавсия қилғанми ёки прокуратурами, билмадим. Москва адвокатлар коллегияси аъзоси бўлмиш бу ҳуқуқшунос менда яхши таассурот қолдирди. Самимий суҳбатлашдик. Кексалиги ва касаллиги сабабли судда қатнаша олмаслигини айтди.

**20 январ.**

Хонада ёлғизман. Радиода Бокуда содир бўлган даҳшатли воқеалар ҳақида ташвишли хабарлар берилмоқда. Ҳарбий ҳолат эълон қилингандан... Чамамда, СССРнинг умри тугаб қолганга ўхшайди. Чунки гдляигчиларнинг ҳаракати ва сўзлари шу мақсадга қаратилгани кўриниб турибди.

Бугун судга бордим. Айтмуротовнинг суд жараёни давом этмоқда. Бир машинада О.Примов билан бирга бордик. Икковимиз ҳам гувоҳлик кўрсатмаси берар эканмиз.

**23 январ.**

Бугун ўзимнинг ишим бўйича судга бордим. Суд раиси Говоров 7 Февралгача танафус эълон қилди. Энди янги адвокат В.Соколов ҳам иш билан муфассал танишиб чиқиши керак экан.

**24 январ.**

Бугун мен янги адвокат В.Соколов билан учрашдим. Энди суд давомида мен билан бирга бўлади. Менинг янги адвокатга саволларим: 1. Ҳамдам ва Мурод қаерда? 2. Салимовга салом айтинг... 3. Ўзингиз ҳақингизда сўзлаб беринг. Суднинг адолатли бўлишига ишонасизми? (Бўлади-ку, баъзида қонун бўйича. Баъзида инсоф билан, вижданан, баъзида топшириққа биноан ...) Мисол учун, Чурбанов ҳамда ўн нафар ўзбек генераллари, Худойбердиев, Усмонхўжаев, Умаров, Камолов, Айтмуротов, Мусахонов ва бошқалар устидан ўтказилган суд жараёнлари ... Айтинг-чи, сизга аён бўлиши керак, суд топшириқни бажардими ёки қонунга амал қилдими? 4. Прокуратура ва суд муносабатлари:

Рекунков - Теребилов?

Сухарев - Смоленцев?

5. Гдлян ва Иванов ҳақида нима гаплар? Суддан сўиг қаерга мурожаат қилиш имумкин?

Саволларимга аниқ жавоб бўлмади. Адвокат билан хайрлашдим.

... Бугун қўшни камерадаги Камолов ва Примовдан хат олдим. Усмонхўжаев ўзи келиб, суҳбатлашиб кетди. Бу қоровул йигитнинг ташаббуси, Султонбойнинг ҳаракати билан амалга ошиди.

Радиода Болгарияда Тодор Живков қамоққа олинганини хабар қилишди. Яна бир социалистик давлат, Мўгулистаннинг раҳбари, коммунист Цеденбал эса Москвада яшаётган экан.

Ўн кунки радио Боку, умуман, Кавказдаги нохуш вазият ҳақида бир-биридан ташвишли хабарлар бермоқда.

· 26-31 январ.

Иш материалларини ўрганяпман. Камерада мендан бошқа одам йўқ. Ёлғиз ўзим, ёлғизлиқ эзаб ташлаяпти ...

Бир куни Олимбай Примов, яна бир куни Султонбой Канёзов келиб кетишиди. Навбатчи художўй яхши йигит экан.

1 феврал.

Врач Светлана Иванова келиб кўрди. У кўзимта тик қараб кўнглида борини айтди-қўйди: "Ҳайронман, сиз ҳалиям тирикмисиз..." Аввалроқ Олимбай Ражабов, Қосим Нуримбетов, энди Камолов, Примов, Канёзовлар ҳам этап бўлиб зонага кетишиди.

3 феврал.

Куни билан ётдим. Юрак ҳуружи ҳолдан тойдирган.

Қамоқхона ҳовлисида кечаси билан ит йиглагандай бўлиб ҳурди. Ит бундай қилиб ҳурдими... демак, бирор банда омонатини Оллоҳга топширган... Бу жуда даҳшат, бу аҳволда якка-ёлғизлик ...

5 феврал.

Эрталаб соат 6.15 да навбатчи эшикни очиб, кечаси қандай ухлаганим билан қизиқди. "Яхши", дедим. Аслида, бир дақиқа ҳам кўзим жилинмаганди. Туни билан камерада юриб чиққандим. Навбатчи буни эшик тириқишидан кўрган ва нимадандир шубҳаланиб, сўрагани кирган ... Адвокат келди, Ҳамдам юборган озиқ-овқатларни олдим.

6 феврал.

Кечқурун ҳуфтон маҳали хонамга янги маҳбус - Борисни келтиришиди. Ҳар қандай ҳолда ҳам сўзлашпиш учун тирик жон (у айгоқчи бўлсин, ашаддий қотил бўлсин) борлиги дуруст. Ахир, тўрт девор одамни еб юборади ...

...Эртага суд. Мен бу суддан нима кутяпман? Амалда ҳеч нима, куним кимларга қолганини биламан. Гдлян дедик, гдлянчилар дедик, уларнинг айблари фош қилинди, энг нуфузли комиссия уларнинг ноқонуний фаолиятини қоралади. Улар ишдан четлатилдилар, аммо ана шу ноқонуний тергов усуслари билан айб қўйилган, ҳибсга олинган кишилар ҳамон адолат кутиб ётишибди. Демак, уларни фош қилиш кимга, нимага керак! Яна "совет қонунчилиги тантанаси" ҳақида дунёга жар солишим?! Бу билан амалдорлар кимни алдашмоқда? Ахир, гдлянчилар қатагонининг барча уқубатларини ўз танасида, ўз оиласи мисолида синаб кўрган бир банда - мен, мана, тўрт йилки, қафасдаман. Қўймаган "ишим"ни ўрганишга ва ўзимни-ўзим оқлашга маҳкумман. Нега надомат? Ахир, оқ ит, қора ит - бари бир ит эмасми?!

Шўролар ўзларини кўрсатиш учун ҳақиқатни ёлғонга, ёлғонни ҳақиқатга айлантиришга жуда уста эдилар ...

## VII Б О Б. БОЛТАДАН ҚАЛАМ КУЧЛИ ЧИҚДИ

Мана, ниҳоят янги босқич: суд жараёни. Тараққий этган мамлакатларда қонун ҳимоячиси - суд инстанцияси умид бағишлайдиган тадбир. Ҳар қандай жиноят содир этган, ҳатто эртага оғир жинояти учун энг олий жазога ҳукм қилинишини билиб, сезиб турган маҳбус ҳам умидини йўқотмайди. Балки суд уни оқлар. Айбдор деганда ҳам ҳеч бўлмаганда жони омон қолар... Бутун ҳуқуқ тизими зўравонлик асосига курилган совет тузумининг "қонун ҳимоячилари"га ишониш мумкишими?

Мумкиндири! Ахир ҳозир ўтгизинчи йиллардаги учлик" ҳар қалай йўқ. Ўзингни судда ҳимоя қилишинг, сўнгти сўзни айтишинг (ҳеч бўлмаса виждонинг тозалигини билдиришинг, кўнглингдагиларни айтишинг мумкин!), нимадандир умид қилса бўлади.

Аммо... суд ҳам адолат меъзони эмас. Айниқса, партия топшириғи ҳар қандай қонундан устивор бўлган жамиятда. Мен нимага ишондим? Биринчидан, СССР халқ депутатлари томонидан тузилган комиссия Гдляннинг башпарамини очиб ташлади. Тергов жараёнида қонун Гдлян чанталига тушган юзлаб, минглаб жабрдийдаларнинг бири сифатида, унинг ноқонуний ҳатти-ҳаракатларидан озор чеккан, ўз вақтида бу ҳақда энг юкори раҳбарларга ариза ёзган инсон сифатида суд мени тинглашига, менга ишонишига умид боғлардим. Ҳеч бўлмаганда қайта куриш деган сиёсат куруқ сўздан амалий ишга ўтар, ахир, деб умид қиласдим.

Иккинчидан, муқаддам бўлиб ўтган бир неча суд жараёнларида ноҳақ кишилардан айримлари (Қаҳрамонов, Абдуллаева) суд залидан оқландилар, Осетров, Орлов ва бошқаларнинг иши ҳаракатдан тўхтатилиди, баъзилари терговга қайtdи. Уларга ҳам айнан менини каби айблар қўйилган, бизлар ҳаммамиз бир кемада сузган кишилар эдик. Ҳаммамиз "Ўзбеклар иши"нинг қаҳрамонларимиз. Учинчидан, судда, албатта, иштирок этадиган фарзаандларим олдида ўзимни оқлаб олмоғим имкони туғилганди. Бу сўнгти илинж, охирги имкон эди. Қолганига Оллоҳ қози!

7 феврал.

Эрталабдан судга олиб борнишди. Суд раиси Говоров суд таркиби билан таништирди. Тинглаш менинг шахсим борасидаги маълумотларни эшигнишдан бошланди. Кейин адвокат сўз олди ва ўз тақдимномасини тақдим этди. (У билан кейин батафсил танишарсизлар). Суд тақдимномани ўрганиб кўриш учун 9 феврал, соат ўнгача танаффус эълон қилди.

**Яна орқага - ҳибсхонага қайтдим.** Шалоги чиққан машинада бориб-келиш учун бир-бир ярим соат вақт кетади. Бунинг устига, Москва йўллари қордан сўнг сирпанчиқ бўлиб, юришга хавфли бўлиб қолган. Суд залида Ҳамдам, Мурод, Рустам, нотаниши бир тошкентлик. Бошқа одам йўқ.

### **8 феврал.**

Адвокат келди. Мени ва яқинларимни ҳибсга олиш, тергов қилиш жараёнида терговчилар томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилингани бўйича узоқ сұхбатлашдик.

### **9 феврал.**

**Яна** эргалабдан судга олиб боришиди. Жараён бошланди.

Суд адвокатнинг тақдимномасини рад этди. Судья айловни ўқиб эшиттириди. Ўтган куни рад қилса ҳам бўларди. Лекин суд қаердадир, ким биландир маслаҳатлашиб олиши керак эди-да.

Мен кўрсатма беришга киришдим. Суд залида хотиним, Қадам, Ҳамдам, Замира, Гулнора, Мурод, Рустам ва яна ўша кунги нотаниши одамга кўзим тушди ... Кейин 12 феврал, соат 10 гача тагин танаффус зълон қилишди. Қайтдим. Менинг соқчиларим - бир прапорщик ва уч солдат. Ҳаммаси ички кўшиналардан.

### **10 феврал.**

Тушлиқдан сўнг ўрнимдан туриб газета ўқидим, ўз ишини тугатган КПСС МК пленуми ҳужжатлари ва ундаги Горбачёвнинг якунловчи нутқини ўқиб чиқдим. Таскин берадиган ҳеч вақо йўқ: тагин чиройли сўзлар. Имкон қадар суд ҳақида ўйламасликка ҳаракат қилдим. Яна бир газета мақоласига кўзим тушди:

"СССР Прокуратурасида:

**8 феврал** куни бўлиб ўтган коллегия йигилишида Гдлян ва Иванов томонидан қонуннинг қўйпол равишда бузилганилиги масаласи муҳокама қилинди ...

**В.Илюхиннинг ахборотида...** Гдлян, Иванов ва бошқа терговчилар томонидан кўплаб қонун бузилиши, инсон ҳуқуқларини топташ, маҳбусларни хўрлаш фактлари очиб ташланди ... Коллегия қарор қилди...

...Гдлян ва Ивановни эгаллаб турган лавозимларидан озод қилиш ва қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ..."

### **11 феврал.**

Эртага судга боришим ва кўрсатма беришим керак. Куни билан 1986-87-88-89 йилларда кимлар ва қандай сўроқ қилишгани ҳақидаги ёзувларимни кўриб чиқдим. Кўпчилиги эртага керак бўлар. Гарчи, суд бу сўзларимга эътибор бермаса ҳам.

### **12 феврал.**

**Яна** суд. Бугун куни билан асосан мен сўзладим ва тергов жараёни қандай усулда ўтказилгани, олиб борилгани ҳақида бир қадар маълумот

беришга ҳаракат қилдим. Суд раиси ва аъзоларининг бу сўзларимга эътибор билан қулоқ тутмайтганликларини сезиб турдим. Кечқурун яна камерагача "кузатиб қўйишиди".

13 феврал.

Радиодан жойлардаги турли ваҳимали гаплар ҳақида хабар берилди.

Мана, бирин-кетин республикаларда горбачёвча қайта қуриш сиёсати ўз "мевалари"ни бера бошлади.

14 феврал.

Бугун СССР ҳалқ депутатларининг учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Судда эса қўйидагилар гувоҳлар сифатида кўрсатма берилди. Элнури Собирова - Усмонхўжаевнинг турмуш ўртоғи. У терговчиларнинг ионисоний хатти-ҳаракатлари ҳақида кўйигиб гапирди. Судья эса унинг гапини бир неча марта бўлиб, гувоҳлик бериш масаласига қайтишга чақирди. И.Усмонхўжаев ҳам хотинининг сўзларини тасдиқлаб, терговчилар қўлмаган жигоятларини бўйнита олдирганиларни, бунинг учун оила аъзоларини ҳам ёппасига ҳар хил жазога тортганликларини айтди.

15 феврал.

Суд гувоҳ сифатида Е.Айтмуротовни сўроқ қилди.

Бугун "Правда" ихчам хабар берди.: "Суд ҳукм чақирди". Ўн йил озодликдан маҳрум қилиш-кеча Москвада бўлаётган суд жараёни якунланиб, айбдор Е.Айтмуротов шу жазога лойиқ деб топилди".

16 феврал.

Бугун судда гувоҳ сифатида Р.Абдуллаева кўрсатма берди. У яқинда суд залидан оқланганди. Энди у яна бир карра мутлақо бўлмаган ишларни айтишга мажбур. Не иложимиз бор-бизни бир-биримизга бўридек гажитган гдлянчилар ҳозирча шод.

Суд ўз ишини тушгача якунлади ва 19 февралгача танаффус эълон қилди. Бошим оғриб, асабларим роса толиққан экап, келгач ҳаммом куни эканини айтишди ва кечқурун юванинб келгач, анча енгил тортдим... Сув - бу ҳаёт дегани шу бўлса керак.

17-18 феврал.

"Дам олиш кунларим". Қамоқда ҳам дам олиш мумкин. Ҳеч бўлмаганда сўроқдан, шубҳадан, бировларнинг ёвуз нигоҳидан озодсан. Хонада ёлғиз қолиб хаёл сурин, ҳалим тириклигинги ҳис қилиш - бу ҳам дам олиш. Менни бир нарса қаттиқ ўйлантиради, бугун ўзбекистонлик собиқ партия ходимларининг аччиқ қисмати нега ҳеч кимни қизиқтирамайди, юртимизда ҳам, Москвада ҳам. Нега? Тушунмайман, ишмани кутаётганиларини...

Гдлян-Иванов тажрибаси туфайли шу йилларда ўз бўйнимизга не гуноҳларни олмадик, бир-биримизга не тошларни отмадик. Терговчига

йўқ нарсани бор деб айтиш бошқаю юзлаштирганда биродаринг, кечаги сафдошинг кўзига қараб ёлғонни сўзлаш бошқа нарса... Одам уяласан, уятдан ер ёрилсаю ерга кириб кетсан дейсан...

Судда кўрсатма берарканман, сўзларимга ҳеч ким ишонмаёттанини сезиб турдим. Улар кўпроқ қўлидаги қоғозларга, ёлғонларга ишонишади. Прокуратура ва суд - гдлянчилар яратган ва хизмат қилган қонунсизлик партиясининг манқурт ижрочилари эди. "Ўзбеклар иши" бугун Иттифоқнинг барча бурчакларида дўмбира қилинаётганди. Кўча намойишларида, депутатлар йигинларида бу ибора бот-бот тилга олинарди. У биз бечораларнинг "иш"ларимиз кўрилаётган суд залларида такрорланарди. Фалати ҳолат: Гдлян ва Ивановнинг, уларнинг ҳамговоқларининг барча қилимишлари фош бўлди. Улар терговни, ишни нотўғри олиб борганилари учун фош қилиндила, ўз ишларидан четлаштирилдилар. Демак, уларнинг қилган ишлари, қамоққа олишлари ҳам нотўғри деган фикр келиб чиқади. Ноҳақ қамалганларни озод қилиш керак бўлади. Афуски, бундай бўлмади. Қамалганлар бошқа терговчилар қўлида азоб чекишида давом этаверди. Бундан "Ўзбеклар иши" Кремлининг мақсади эканлитикинг англаш, бу уларнинг қўрқувда, искаижада тутиб туриси нияти бўлганлигини билиш қийин эмасди. Нима учун ҳаммамизни шу ерда - Москвада ёки Тошкентда суд қилишмасдан, бошқа республикалар Олий судларига тарқатиши. Бу билан улар "үғри ўзбеклар" ҳақида бутун омма кўпроқ билсин, уларга нисбатан ҳурмат барҳам топсин, деб умид қилишибди. Бу не ситам? Етмишга яқинлашиб қолган, хасталик танасини емирган киши учун эрталаб бепцда туриш, ювиниб, боксда ётиб, машина кутиш, кун бўйи ёлғонлардан роса тўйиб, оч-ночор, ийқилар ҳолда ярим кечада камерага қайтиш осонми?!

19 феврал - 19 ахрел.

Мен ана шундай ҳолда, эзилган, руҳан мағлуб бўлган, эргадан умидини йўқотган одам судга бориб келишни мутассил давом эттирадим. Икки ой. Бу кунлар ҳақида, гувоҳларнинг кўрсатмалари тўгрисида, ҳақиқатга айланадиган ёлғонлар ҳақида ёзмоқчи эмасман. Етар, ҳаммаси жонимга тегди. Бундан кўра менинг тезроқ бўхтонлар билан қамалиб, тўхматчилиримнинг кўнгиллари жойига тушгани яхши эди...

Суд танаффус эълон қилган кунларда камерада ўзимга кўнгил бериб ётдим. Ҳамхонам Борис Сучилин 1927 йилда тугилган, деярли барча умри қамоқда ўтган, мамлакатнинг ҳамма зоналарида бўлган одам эди. 1941 йилда илк бор қамалган. Иккинчи марта 1945 йили... Кейин яна, яна, яна... Унинг оиласи йўқ, ўқимаган, ишламаган.

Унинг ҳаёт йўли шундай. Ҳалқ ва жамият учун эмас, ўзи учун ҳам бир кун меҳнат қилмаган. Бу жамият деб қон тўкиб, умримизни багишилаб, тер тўкиб ишлаб, соғлиқни йўқотиб, биз нима топдик? Мана, энди у билан бир қамоқдамиз. Иккаламиз ҳам тенгмиз. Буни "советча тенглик" дейди.

Суд жараёнида Говоровга бир савол бердим:

- Сиз қоғозга ишонасизми ёки тирик одамгами?
  - Қалам билан ёзгани болта билан учирив бўлмайди.  
(Терговчининг пероси суднинг болгасидан кучли чиқди.)
- 16 апрел.

Судда музокара бошланди. Прокурор сўз олиб, тўққиз йил беришларини

сўради. Ундан кейин адвокат эса ишни қайта терговга юборишларини сўради. Мен "сўнгти сўзим"ни ўқиб бердим...

Суд раиси ҳукм 19 апрелда ўқилишини айтди.

17-18 апрел. Ҳеч нима билан шугуулланмадим. Борис бўлса бутувлай бекорчи одам. У мен нима билан машгууллигим ҳақида юқорини хабардор қилиб туради, холос. Гап орасида бу хонада мен учун вақтингча ўтиргани, кейин зонага кетишими айтиб қолди. Раҳмат! Менга эмас, киссанурга кўпроқ ишонадиган давлатга! Мана, ҳуқук ҳодимларининг асл башараси - бир киссанурни ўз одамлари қилиб олишиб, унинг сўзларидан ҳақиқат ясашмоқда.

Лекин терговчилар ва судьялардан кўра минг марта шу ўгри-киссанур самимий одам экан. Ҳеч нимани яширмасдан, ҳақ гапни айтди.

19 апрел.

Радиода айтишди, иккى кунки СССР Олий Совети Гдлян, Иванов гурӯҳи фаолияти ҳақидаги масалани муҳокама қилмоқда... Тузилган комиссия шу ҳақда ахборот бериш билан ўз миссиясини якунлади. Тамом!

Мен эса - Гдлян, Иванов қурбони - ҳукмни кутяшман.

Бугун суд ҳукмни эълон қилди - олти йил озодликдан марҳум қилиш. Залда мухбирлар ҳам бор эди ... (Ҳеч қайсиси ҳақ гапни ёэмадилар.) аёлим ва болаларим қатнашишди ...

Адолатли Ануширвон даврида бир шаҳар қозиси қаршисида мўлтираб тургац, ҳақлигини исбот қилолмаган кишига қирқ дарра урушни ҳукм этибди. "Мен ҳақман! Нега адолатсизлик қилдингиз?", дебди жабрдийда.

"Мен сизга ишондим, аммо гувоҳлик берган уч кишига ҳам ишондим. Ҳаммангиз Худони ўртага қўйиб онт ичдингизлар ..."

"Сизни охиратда бу ишақ жазо учун жазолагайлар ...", дебди айбдор. Қози ҳам ўзига қирқ дарра уришларини буюрибди. "Нега?" Ҳайрон бўлибди ҳакамлар. "Охиратда жазо олгандан кўра шу муқаррар жазони ҳозир тотиб кўрганим афзалроқ...", дебди қози... Бизда эса адолатли қозиларни топмоқ мушкул эди.

## VIII Б О Б. ХИМОЯЧИ СҮЗ СҮРАЙДИ...

Айбислизгим ҳақида кўп айтдим. Буни ўз-ўзини оқлаш маъносида айтди, дейишингиз табиний. Ким ўзини ёмонлайди? Ким қотилман, дейди?..

Шу ўринда мен жим туриб, сўз навбатини ҳимоячига беришни маъкул тоғдим. Ҳарқалай, у бегона одам. Қолаверса, хуқуқшунос. Ўзга миллат вакили. Менга тобелиги йўқ. Мендан манфаатдор ҳам эмас.

Мана, унинг судга ТАҚДИМНОМАСИ!

"Мұхтарам судьялар!

Ниҳоят, уч ярим йил давом этган суд-тергов марафони (уни Ленинград телевидениеси орқали сўзлаган "оташин нутқи"да терговчи Иванов "Ўзбек-Москва-Кремль иши" деб атади) ниҳоясига етмоқда. Илк ҳимоя сўзимда мен ноаниқликка йўл қўйибман: яъни, бу ишни Худойбергановга иисбатан "қўзғалган жиноят иши" деб атабман, аслида, уни шунчаки материал деса тўғри бўлади. Негаки, жиноят иши 1989 йилнинг августига қадар қўзғатилмаганди.

Мен кириш сўзимни қисқароқ қиласман.

Суд-тергов жараёни олиб боришишга эътиrozим йўқ.

Вақтида шошилиш бўлмади, барчага ўз кўрсатмасини аниқ айтиш имкони яратилди., қоралашга интилиш сезилмади.

Аммо айтишим керак, суд тергови суд жараёнининг бир бўлаги, холос. Судлов учун, айниқса, айбланувчи учун ҳукм чиқариш энг асосийсидир. Судланувчи тергов жараёнида ўзига қўйилган барча айбларниң суд терговида қайта тақрорланishiдан хафа бўлмайди, қачонки одилона ҳукм чиқарилса. Демак, суд учун холисликнинг энг асосий негизи -ҳукмдир.

Судлов тажрибасида қонун устиворлигидан мантиқизликтининг устун келиши воқеаси кўп бора тақрорланарди. Худди ана шу ҳолат - қонуний давлат қуришнинг бирламчи ва асосий душманидир. Шу ҳолатлар тургунлик йилларида ҳукм сурди ва тагин биз бошлаган жиноятчиликка қарши навбатдаги кураш компанияси даврида кучга кирди.

Ўртоқ прокурор ўзининг айблов сўзида менинг вазифамни бирмунча енгиллаштириди, демак, мен ҳимоя сўзимнинг биринчи қисмида прокурор айтганидек, уч эпизод (Ким, Сафаров, Аvezov) қайта терговга қайтарилишини сўраб (чунки на Худойберганов, на гувоҳлар айбларини тан олмадилар), айрим эпизодларга тўхталишни маъкул кўрдим.

## К.Ниёзматов.

Худойберганов бу шахсдан 1968-73 йилларда йирик миқдорда пора олганликда айланади. Гүёки, бу ҳақда Худойберганов 1987 йил, 2 апрелда кўрсатма берган эмиш. Бу ҳақда у судда қуидагиларни айтди: "1987 йил, 6 апрелда Карташъян келди. У мени ўтириб-туришга мажбур қилди. Бу қийноқ йиқилиб қолгунимча давом этди. Шу усул билан Карташъян Ниёзматов масаласида протокол тузди".

Мазкур протоколнинг 2 апрелда тузилганига шабҳам йўқ. Аммо Худойберганов протоколларни тузилган пайтдан кўп кейин имзолаган фактларига дуч келдик. Ниёзматов эса 1987 йил 4 апрелда ариза ёзганини айтади. Ниёзматов тушунтирдики, ўз иши бўйича терговда ҳам, кейинчалик суд терговида ҳам Худойбергановга пора бергани ҳақида кўрсатма бермаганини айтгапти. Бу ҳолат умуман бўлган эмас. 1987 йил 4 апрелда (бу пайтда у қамоқда ўн йил ётиб, 1985 йил 14 январда озодликка чиққанди) Ниёзматовни уч кун қамоқда сақлаб, қўрқув ва зугум билан кўрсатма беришга мажбур қиласалар. У айтмоқдаки, 1975 йилги тергов жараёнида уни ҳақоратлашган, қаттиқ уришган, буларни бошдан кечирган одам иккинчи марта шу ҳолатга тушмаслик учун ҳам Худойбергановга туҳмат қилишга мажбур бўлган. Бунга ишониш мумкинми? Мумкин. Чунки Ниёзматов 1987 йил апрелдаги тергов жараёнида ўзини уриб қийнашганини айтмаяпти (шундай қилганида ишончлироқ бўларди) ва бу билан муқаддам бошига тушган савдолар қайтармаслигини истаяпти, холос.

Қизиги шундаки, терговчилар ҳисбда ётган Худойбергановдан 15-20 йил олдин содир бўлган пора олиш воқеаси ҳақида кўрсатма олганларидан сўнгтина озодликда юрган Ниёзматовдан ҳам шундай мазмунда кўрсатма беришини талаб қилишган. Аммо ҳар ики кўрсатмада пора миқдори бир-бирига мутлақо тўғри келмайди. Ҳаммаси осмондан олиб ёзилган.

Энди бошқа масалага қайтамиз. Ниёзматов Худойбергановга пора бериши мумкинмиди? Маълум бўлишича, вилоятдаги ўнта заводда юздан ортиқ классификатор ишлаган. Олдин Худойберганов Ниёзматовни танимаган, ҳатто кўрсатма берган вақтда ҳам унинг фамилиясини айти олмаган (беш йил давомида йирик миқдорда пора берган кипининг исм-шарифини унтиш мумкинми?!). Тасаввур қилинг, обқўмнинг биринчи котиби Худойберганов Хивага келганида, атрофдаги кўпдан-кўп ҳамроҳлари ёнида қандайдир классификатордан беш минг сўм ва тишига қўйдириш учун олтин танга сўраш ... Қайси маътиқقا сигади? Ниёзматовнинг сўроқ протоколида эса шундай деб ёзилган.

Бу ўта кулгили ҳол!

Гүёки Ниёзматов 1968-73 йилларда сентябр, октябр ойларида Худойбергановнинг уйига келиб пора берганмиш? Агарда Ниёзматов бу пулларни пахта кўшиб ёзишга олган, деб фараз қилганимизда ҳам

хеч бир мантиққа түгри келмайди. Чунки пахтани топшириш-хисоблаш мавсуми фақат декабрдагина бошланади.

Яна бир томони, обқұмнинг бириңчи котиби сифатида Худойбергановнинг уйида мунгазам милиция пости бўлган. Улар, албатта, кўп бора келган бу кишини танишлари керак бўлади. Аммо тергов қилинган милиция ходимларидан бироргаси ҳам Ниёзматовни обқўмнинг уйи олдида кўрмаганини айтишган.

Тўғри, бу факт содир қилинди, деганимизда ҳам Ниёзматов нега 1975 йилда бу ҳақда терговда оғиз очмади? Сабаби? Сабабини терговчилар янада қизиқ афсоналарида ҳақиқатга айлантиришга уринишади.

"Ниёзматовнинг 1987 йил 4 апрелдаги кўрсатмаси: қамоқдан озод қилинганимдан сўнг ишга жойлаштиришларини сўраб Худойбергановнинг ўғли Қадамга учрашдим. У бу масалада илтимосимни рад этди. Шунинг учун унга нисбатан эски айбни айтишга мажбур бўлдим. Мантиқсизлик. Агарда беш йил давомида Ниёзматов Худойбергановга йирик миқдорда пора берган ва бу порани ҳар доим уйига келтириб юрган бўлсаю энди илтимосни унинг ўзига айтмасдан ўғлига мурожаат қиласа! Агарда шунча пул берган бўлганида у Худойбергановнинг эшигини оёғи билан тепиб кирган бўларди. Ундан кўрқиб ўтирасди. Кўрқишнинг вақти ҳам ўтганди. Чунки бу пайтда Худойберганов аллақачон пенсияга чиққанди. (Худойбергановнинг ўғли Қадамни бу ишга кўшишдан мақсад, уни ҳам айбдор қилиб, судлаш - жазо берип.)

Демак, Худойберганов кўрсатмаси - ўз-ўзига туҳмат бўлса, Ниёзматовники - мажбурий туҳмат.

Юзта классификатордан фақат Ниёзматовнинг чекига нега "пора бериш" тушди, деган савол туғилиши мумкин? Сабаби, классификаторлар орасида ёлғиз у қамалган, қамоқ азобини тортган одам. Уни истаган қолилга солиш мумкин. Терговчилар худди шундай гувоҳни - эзилган кишини топишган.

"Иш"да Ниёзматов "кўнгилли бўлиб кўрсатма бергани" ҳамда жиноий ҳаракат вақти ўтгани учун унга нисбатан жиноий ишни ҳаракатдан тўхтатиш ҳақида қарор бор. Негаки, воқеа содир бўлган пайтдан буён ўн беш йил ўтган. Шундай экан, мантиқдан келиб чиқсан, нега бу модда Худойбергановга нисбатан ҳам қўлланимайди. Ахир, у кўрсатма берган 1989 йилда Ниёзматов билан боғлиқ ҳаракатга (1973 йилда) роса ўн олти йил бўлган-ку!

Йўқ, мен бу ишни вақт ўтганлиги учун судда кўриб чиқишини тўхтатишни сўрамайман. Балки, бу туҳмат бўлгани учун ишдан олиб ташланишини истайман.

Қ.Раҳмонов.

Бир қараашда бу эпизод ҳимоя учун нокулайдек туюлади. Бир қараашдагина шундай. Аслида қунт билан ўрганилса, Худойбергановга қўйилган айблар халқаси ичида энг ожизидир.

Шундай қилиб, 1986 йиљнинг 2 июл куни маҳбус Раҳмонов қамоқ муддатини ўтаётган жойидан навбатдаги аризани ёзиб, унда 1969-72 йилларда гўёки Худойбергановга 12 минг сўм пул, иккита қовун, қоракўл тери ва битта костюм берганини "тан олади". Аввало, Раҳмоновнинг бу аризасини "кўнгилли" ёзганини аниқламоқ керак. Судда ишонтириш учун Раҳмонов худди шундай мазмундаги аризани 1975 йилда ёзгани, лекин унга эътибор беришмагани ва орадан ўн бир йил ўтгач, аризани ҳаракатга келтиришганини айтади.

Менинг Раҳмоновнинг 1975 йилдаги аризасини топиш ҳақидаги сўровимни суд рад этди. Амалда эса ҳеч қандай аризанинг ўзи бўлмаган. Бўлганида терговчилар жон деб бу аризани "иш"га тикишган бўлардилар.

Ўша ариза йўқ экан, унда қаидай қилиб 1986 йиљнинг 2 июлида Раҳмоновнинг аризаси пайдо бўлди? Ахир бу вақтда Худойберганов очиқда эди.

Судда Худойберганов тушунтирдикни, қамоққа олингач терговчилар унинг изидан икки йил "кузатишгани"ни айтишган. Бу аниқ гап. Бу муддатда терговчилар фақат Азезовдан ариза олишга муваффақ бўлишганди. Чунки у қамоқ муддатини ўтаётганди. Бундай кишидан ариза олиш жуда осон. Лекин бир ариза билан Худойбергановни қамоққа олиб бўлмасди. Демак, яна бир ариза топмоқ керак бўларди. Шунда улар қамоқ муддатини ўтаётган Раҳмоновни топишади. У орқали ташланган фишта уруғи мевасини беради.

Эсингиздами, судда Раҳмонов ўзини Худойбергановга иисбатан газабнок тутди. Лекин "марҳамат" кўрсатиб, пулни "чин дўстлик нуқтани пазаридан" берганини айтди. Улар орасидаги муносабатни сўраганимизда Раҳмонов ўзини қўярга жой тополмади ва у ишдан олингач, Худойберганов унинг оиласини квартирасидан ҳайдаб чиқарганини билдириди. (Айтиши керак, квартира шаҳар ихтиёрида бўлиб, бу ерда Худойбергановнинг айби йўқ). Ана шу фактнинг ўзиёқ унинг Худойбергановга тухмат қилиш мақсадида кўрсатма берганини исботлайди.

Бир эпизодда у пулни август ойида таътилга чиқиш учун бергаюмиш ... Яна бир эпизодда у Худойбергановга минг сўм пул, иккита қовун ва икки дона қоракўл терини "Баравиха" оромгоҳида 1971 йиљнинг январ ойида бердим, деб кўрсатади. Ваҳоланини, Раҳмоновнинг дам олини 1971 йиљнинг 15 январида тугаган. Худойберганов эса оромгоҳга 2 февралда келган. Ўша давр қосидасига кўрарайкўм ва обкўм котиблари таътилда бир кун ҳам узоқ қололмас эдилар.

"Пора бериш" вақтида Раҳмоновнинг ёнида Жуманиёз Юсупов бўлганиниш. Ж.Юсупов 1986 йилнинг 30 майида вафот этган бўлиб, Раҳмонов ариза ёзган пайти унинг ўлганини билган ва атайлаб, ўлик гувоҳни рӯпара қилиган.

Раҳмонов яна кўрсатмаларида Худойбергановнинг Маткаримов, Матчонов, Нурматов, Ҳакимовдан пора олгани ва облискроқўмнинг раиси ва обқўм котиби бўлиш учун Рашидовга пора берганини ҳам кўрсатган. Бу бечораларнинг айримлари кўрсатма берилган вақтда вафот этиб кетишганди.

"Кўнгилли ариза ёзгани" учун Раҳмонов жавобгарликдан озод қилинади. Худойберганов эса икки йилча ҳеч бир сўроқ қилинмаган ва улар юзлаштирилмаган. Бу нима? Аслида терговчилар ҳам Раҳмоновнинг кўрсатмасига ишончсизлик билан қарашган, уни дарҳол "иш"га киритишга шошилишмаган.

Мен мазкур кўрсатма бўйича Худойбергановни оқлашни, Раҳмоновга нисбатан эса жиноий иш қўзғашни сўрайман. РСФСР ҳамда ЎзССР Жиноят кодексларида кўрсатилганидек, Раҳмонов бу кўрсатмани қамок муддатини ўтгайтан жойда ёзгани бунга асос бўла олади.

К Саъдуллаев (марҳум).

Бу сохта айбни бир факт билан рад қиласман. Сабаби: "Худойберганов Саъдуллаевдан 1973 йилнинг бошида унга орден берилниши учун пора ололмасди. Айблов холосасининг 18-варагида кўрсатилган: "К.Саъдуллаев СССР Олий Совети Президиумининг 1973 йил 10 февралдаги фармони билан "Хурмат белгиси" ордени билан тақдирланган". Аслида эса мазкур Фармон 1973 йилнинг 10 декабрида чиққани ҳақида ҳужжат нускаси қўнимизда турибди. Одатда йил охирида тақдирлашлар бўларди.

Терговчилар шошилинчда ҳатто фармон қачон чиққани билан қизиқишишмаган ва гувоҳнинг кўрсатма берган даврига мослаб қўяқолишган"

Саъдуллаев ўз кўрсатмасида пора беришга уни Маткаримов даъват қилганини ёзди. Кўрсатма берилган пайтда Маткаримов аллақачон оламдан ўтганди.

Хозирги пайтда ҳар иккви ҳам вафот этгани учун бу эпизод бўйича тұхматта қолган Худойбергановни оқлашни сўрайман.

Ю.Эгамберганов.

Худойберганов 1976 йил ёзида Эгамбергановдан беш минг сўм пора олганликда айланади. "Иш"нинг II-томида шу ҳақда Эгамбергановнинг "кўнгилли" бўлиб берган кўрсатмаси бор. Судда бу ҳолатни Эгамберганов шундай изоҳлади: "1987 йилнинг 19 февралядан 5 марта гача терговчилар Кравченко ва Никитин ёлғон кўрсатма беришга зўрлашди. Мен рад қилдим. 4 марта улар мени ҳибсга олишлари, қизимни Бухоро цемент

заводига сургунга юбориш билан қўрқитиб, ёлгон гувоҳликка кўндиришди ва мен ариза ёзил, уни 19 феврал санаси билан имзоладим".

Кўрсатманинг ёзилиш усули, сўзларниң келтирилиши ва орфографияси ҳам гувоҳнинг аризасини ўзи ёзмаганини, уни айтиб туриб ёздиришганини кўрсатиб турибди. У рус тилида ёзиш у ёқда турсин, зўрга гапиради.

Яна бир ҳолатга эътибор бериш керак. Эгамберганов ёзган аризалирида "пора бериш" жойи сифатида турли манзиларни кўрсатган. Бир аризада далада деса, яна бирда колхоз идораси ёнида, учинчисида эса машина ичида бердим, лейди. Яна қизиги, у бу пулни отасидан олганмиш. Отаси эса, вафот этган, демак, бу пул ўртада бўлган-бўлмаганини биладиган гувоҳнинг ўзи йўқ.

Тошҳовузда гувоҳ ва айборни юзлаштирганларида терговчиларнинг зуғуми остида Эгамберганов пул берганини айтади. Худойберганов эса "Агарда у шундай деяётган бўлса, демак, тўғри!" дейди...

Худойберганов судда бу "тан олиш" нинг сабабини қўйидагича кўрсатади: "Терговда менга нисбатан Берия усуслари кўлланилди ..."

Хулоса шу, бу ўринда ҳеч бир жиноий хатти-ҳаракат содир бўлмаган.

Р.Бекимбетов.

Худойбергановга нисбатан мазкур шахсдан 1977-80 йилларда уч марта пора олганлик факти ўйлаб топилган. Бекимбетов 1988 йил 18 апрелда ариза "ёзган".

Суд жараёнида Бекимбетов ариза тарихини ойдинлаштирди: "1987 йилнинг 5 майида мени ҳибсга олиб, бир ярим ой давомида ёлгон кўрсатма беришга ундашди. Мен рад қилдим. (Бу сўроқ протоколлари ҳеч бир "иш"да йўқ!) Кейин мени ҳибсдан бўшатишиди. Бир йилдан сўнг тагин ҳибсга олиб, тагин қийнашди. Бу гал гўёки Примовнинг афсонавий миллионларини яширган, деб айб қўйишди ... "

Лекин терговчилар тагин ҳеч нимага эришолмадилар. Афсона тарқаб кетди. Айтилган миллионлар ўрнига Бекимбетов қариндош-уругларидан зўрга 50 минг сўм ийғиб бера олди, холос.

Афсона пучта чиқиши, Гдлян ва Иванов учун кўнгилсиз тугаши мумкин эди. Бу уларнинг шуҳрати кўкка ўрлаган пайтда яхши воқеа эмасди. Демак, бир фуқарони беҳуда қамоққа олиш воқеасидан энди бошқа бир жиноятни излаб топиш керак бўларди. Бекимбетовни шунчаки озодликка чиқариб юбориш мумкин эмасди.

Шу сабабдан Бекимбетов тўққиз кун чидаб бўлмас қийноқларга рўпара қилинади - хотини ва қизини қамоқдан чиқариш эвазига Худойбергановга пора бергани ҳақда ариза ёзиш таклиф этилади. Маънан ва жисмонан эзилган Бекимбетов Кравчукнинг зуғуми остида 1988 йил 18 апрелда улар истаган аризани ёzáди.

Энди бир неча шунчаки фикрлаш учун гап:

1. Бекимбетов ЎзССР Компартияси Марказий Комитети ва министрлик номенклатурасидаги кадр.

2. 1980 йилда Бекимбетовни министрликка ишга оладилар, лекин у шуни била турраб тағин Худойбергановга "пора беради". (Нима мақсадда?)

3. Яна одатдагидек, у пулни вафот этган шахсдан олган бўлади.

Бу ҳолатларда ҳеч бир содир қилинган жиноят изи йўқ. Ҳаммаси ўзига ва бошқаларга мажбуран тұхмат қилиш асосига қурилган.

К. Авезов.

Мазкур суд жараёнида бу ишни қўриб чиқишида ҳис-ҳаяжонга берилди.

Худойбергановга қўйиляётган айблар ичида мазкур ҳаракат алоҳида ўрин тутади.

Гарчи, Авезов Худойберганов "иши"да пора берувчилар рўйхатида

"б"тартиб рақамини эгалласада, у тергов жараёнида айнаи ўзининг аризаси Худойбергановни қамоққа олишга асос бўлганилигини айтди. Тўғри, Худойбергановни ҳибсга олган пайтда тергов иктиёрида Авезов ва Раҳмоновнинг аризаларидан бошқа ҳеч вақо йўқ эди.

Авезов 1985 йилнинг 12 февраляда бошқа масалада қамоққа олинган. Лекин тергов жараёнида ундан Худойбергановга қарши тұхмат руҳидаги ариза олишга кўп интилишади. У рад қиласди. Шунда терговчи Канаволов: "Қамоқда чирийсан, сенга ўш беш йил камми?" дейди. Авезовнинг суддаги бу кўрсатмасига ишониш мумкини? Мумкин. Тўғри, Авезов ариза ёздириш учун пешонамга тўтпонча тираб туриди, деса яна ваҳимали ва ишончли чиқарди. Давлат қораловчисининг шу ҳақдаги саволига Авезов: "Менин тергов даврида ҳеч ким сўқмади, ҳатто бармоғини ҳам текизмадилар", деб жавоб қиласди. Авезов судни потўғри йўлга солишга интилмаяпти, ўзини тергов қилган кишиларни қораламоқчи эмас, гарчи, қамоқ мактабини ўтаган ва қонун кишиларига нисбатан унда нафрат кучли бўлсада.

Умуман, Худойбергановга нисбатан тұхмат қилиши учун Авезовга жисмоний куч ишлатиш зарурмиди? Зиёли, ижодкор кишинин банди қилишди, қотиллар ётган хонага тиқишиди. У бетон полда ётишга ва ҳар кун эрталаб: "Бугун кимнидир бўғизлаймиз" қабилицадаги таҳдидларни эшитишга маҳкум эди. Уни ҳибсга олгандан бўён атиги 20 кун ўтганди. Маълумки, айнан ана шу дастлабки босқичда кипшини синдириши осон. Шундай ҳолатта илк бора тушган зиёли одам дарров синади ва ундан исталған кўрсатмани олиш мумкин бўлади. Авезов шу боисдан ўзига ва ўзгаларга нисбатан бешта фактни ўйлаб топади.

Худойберганов бўйича Авезовга "уй топшириғи" берадилар - ариза ёзиш ва уни қизиқарли, бадний усулда ишлаш. Авезов эгаллаган лавозимига кўра обқўмнинг қабулига кирадиган раҳбарлар тоифасидан

эмаслиги учун унинг "пора берадиган" манзилини газета хабаридан топишади. Вилоят газетаси таҳламида 1977 йил баҳорида пахтакорларнинг маслаҳат йиғилиши ўтгани ҳақида хабар бор. Ашаддий каллакесарлар билан бир хонада ётган Авезов мажбуран ариза ёзди. Аммо ана шу аризанинг асли ҳеч қаерда йўқ, унинг кўчирмаси бор, холос. Асли қани? Балки унда бошқа қимматбаҳо маълумотлар бордир? Суддан иега яширишади? Балки ҳаракатга келтирмаслик учун ташлаб юборилгандир. Билмадик, билолмадик.

Асли йўқ, аммо бу ариза нусхаси ҳамон кучда.

"Ушбу аризани мутлақо шахсий ташаббусим билан, тергов органларининг ҳеч бир аралашувисиз, кўнгилли бўлиб ёзаяпман..." ва ҳоказо. Авезов бу аризани "мутлақо кўнгилли" ёзганига кимларни ишонтироқчи? Аризани топширгач, орадан вақт ўтгач, апрел ойида Авезов қамоқхонанинг тиббий қисмига касал бўлиб тушади ва шу ерда СССР Бош прокурори номига ариза ёзиб, олдинги барча кўрсатмаларидан воз кечинини билдирган.

Натижка нима бўлади? Муқаддам тўққиз марта қотилликда иштирок этган ҳамхонаси Авезовни ўлдириш билан қўрқитади ва 1985 йилнинг 5 сентябрида терговчи Науменкога Худойбергановга пора бергани ҳақида кўрсатма беринига рози бўлади.

Авезов айтдикни, прокуратурага ариза ёзиб, олдинги кўрсатмаларини инкор қиласи, тагин зутум остида ариза ёзганида Худойбергановга тужмат қиласди. Терговчи Коволев айнан шу эпизод "иш"дан олиб ташланинин эълон қиласди. Ҳақиқатан, орадан уч йил ўтсада бу факт бўйича уни ҳеч ким ортиқ безовта қиласмайди. 1987 йил марта у озодликдан маҳрум қилиниади, аммо мазкур суд жараёнида унинг Худойберганов билан боғлиқ кўрсатмаси эслатилмайди. Ваҳолалики, Худойберганов бу пайтда бир йилки айнан ўша факт бўйича асосий айбор бўлиб қамоқда ётганди.

Бу орада Авезов қамалиб муддатини ўтаб, озодликка чиқади. Худди ўша пайтда, яни 1988 йилнинг 14 октябринда терговчи Осипов уни "эски кўреатма" бўйича сўроққа чақиради. Топилган вақтни қаранг. Эндигина озодликка чиққан Авезов у ерга қайтиб тушмаслик учун терговчилар фитнасига ҳеч сўзсиз иқрор бўлиши аниқ эди.

Қизиқ, терговчилар нимага шунчалик ишондиларки, Авезовни уч йилгача мазкур воқеа бўйича сўроқ қиласмадилар? У исталган пайтда кўрсатмасини тасдиқлади, деб ўйлашдими? Албатта. Лекин у қамоқда пайтида терговчиларнинг фитнасига осонигина рози бўлмасди, озодликда юрган пайтида эса бу жуда "осон емиш" эди...

С.Мадаминов.

Худойберганов 1979 йилнинг ёзида Мадаминовдан пора олганликда айбланади. Бу "жиной иш" ҳам бошқа "жиной ишлар"га бир томчи сувлек ўхшаш. Ҳақиқатан ҳам, терговчилар бизни ранг-баранглик билан сийлашмайди.

**Ўзингиз ҳукм қўлиниг:**

1. Мадаминовнинг аризаси шаблон усулда бошланади:

"Мен, ҳалол коммунист сифатида..."

Қарангки, Худойбеганов ўзининг собиқ бўлум бошлиғидан пул олган эмиш? Буни Мадаминов бундай изоҳлайди: "У пул жуда зарур бўлиб қолганини менга айтди..."

2. Ана шу пулни, албатта, Мадаминов ўз отасидан (тергов вақтидан анча олдин ўлиб кетган) олган бўлиб чиқади.

3. Мадаминов воқеадан тўққиз, Худойберганив қамалганидан бир ярим йил кейин терговга "кўнгилли ёрдам" бергиси келиб қолибди.

4. Бу "кўнгиллилик" унга осон бўлмаган, терговчилар ҳар доим таҳдид қилиб туришган: "Ариза ёзмасанг, ўзингни, хотинингни, фарзандларингни қамоқда тиқамиз!"

5. Мадаминов терговда бир ярим йил қаршилик қилгани, аммо илк сўроқ протоколларининг барчаси йўқ қилиб ташланганини айтди.

6. Пулни бериш манзили сифатида "Хорезмская правда" газетасида эълон қилинган хабар, Урганч шаҳрида янги универмаг очилиши тантанаси ташланади. (Бошқа варианtlари ҳам борку: семинар, йигилиш, партактив ва ҳоказолар...)

7. Мадаминовнинг суддаги кўрсатмасига қараганда, у нафақат руҳий, балки жисмоний зўравонликка ҳам учраган: "Кравченко мушти билан чаккамга қаттиқ урди, ҳушимдан кетдим. Мушт заҳрини хотинимга кўрсатдим, шикоят қилишга эса Гдляндан қўрқдим..."

8. Мадаминов 1989 йилнинг майида СССР Бош прокурорига шикоят ёзиб, Худойбергановга пул бермаганини айтишга журъат қилган гувоҳлардан бири.

**Б.Бободдинов (марҳум).**

Бу жуда осон эпизод, кўп вақтингизни олиб ўтирумайман. Негаки, гувоҳ орамизда йўқ.

Унда ҳам бир-бирига пора олиш ва бериш кўрсатмасида унинг на миқдори, на вақти, на мантиқи бир-бирига тўғри келади. Уларни юзлаштириш, аниқлаш имкони йўқ. Бободдинов 1989 йил бошида оғир касалликдан вафот этган.

Бу "иш"даги марҳумлар билан боелиқ ягона факт эмас.

**Н.Ким.**

Янада қисқароқ қиласман, 15-томда фақат иккита ҳужжат мавжуд: гувоҳ Н.Кимнинг 1987 йил 23 ноябрдаги кўрсатмаси ва сўроқ протоколи ҳамда унинг 1988 йил 20 августда вафот этгани тўғрисида маълумотнома.

**Т.Жуманиёзов.**

Жуманиёзов (яна Қуриёзов) агарда Умаровни соқит қилсан, судда бизлар сўроқ қилолмаган гувоҳдир.

Бу эпизодга кўп эътибор қаратилган, ҳужжатлар ўрганилган. Ўзаро

юзлаштириш видеоёзувини күрдик. Биз бир нарсаны билмаймизки, агарда гувоҳ суд залида бўлса, ўз кўрсатмаларига қандай баҳо берарди?

Майли, қўлимиздаги ҳужжатларга суняна қолайлик:

1. а) 1986 йил 28 сентябрда Худойберганов кўрсатмасида

Жуманиёзовдан беш минг сўм олганини айтган. (На вақти, на сабаби, на ҳолати, на олиш манзили кўрсатилмаган).

б) Жуманиёзов эса олти кундан сўнг (тезкорликни қаранг!) ариза ёзиб, беш йил олдин Худойбергановга колхоз идорасида пул берганини баён қиласди.

2. а) Поранинг берилиш вақти: Жуманиёзов - 1981 йилнинг қиши, деб ёзади, Худойберганов - 1982 йилнинг кузи, деб айтади. Айблов хуносасида эса 1981 йилнинг кузи белгиланган.

б) Пулни қаерга қўйғанлиги:

Жуманиёзов (илк кўрсатмада) - пальто чўнтағига солган (чунки - қиши).

Жуманиёзов (иккинчи кўрсатмада) - макентош чўнтағига (негаки - куз).

в) Сабаби: "Худойберганов кўпчилик орасида мени қаттиқ сўқди".

Бу воқеани кўрган, эшитган бирор гувоҳ йўқ, қизиги, бу бирорта ўхшаши йўқ сабаб. Ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди, обқўмнинг биринчи котиби, яна ким - Худойберганов, кўпчилик орасида уят сўзлар билан сўксса!

3. Жуманиёзов айтадики, пул беришга Ваисов унданмиш.

4. Жуманиёзов айтишича, пора бериш учун пулни хотинидан олган. Демак, у гувоҳ бўлиши керак. Тергов жараёнида, гарчи бу воқеа билан боғлиқ кўпшаб кишилар сўроқ қилинган бўлсаларда, Жуманиёзовнинг хотини сўроқ қилинмаган.

5. Жуманиёзов рус тилини билмайди, барча тергов жараёни у билан ўзбек тилида олиб борилган. Лекин биринчи сўроқ негадир рус тилида ўтказилган. Бунга олдин ҳам эътиroz билдиранман, бу ерда РСФСР Жиноят процессуал кодексининг 17-моддаси қўпол равишда бузилган.

Хулоса: ҳеч қандай жиноят аломати йўқ.

И.Бекчонов.

Бу гирт латифонома эпизод. Айнан шу эпизод тергов гуруҳининг ўзлари олиб бораётган ишга бефарқлигини, ишшинг эса сохталигини исботлайди.

Агар очиқ айтадиган бўлсак, Бекчонов ўз ихтисоси бўйича оддий деҳқон одам. Аммо ўз кўрсатмаси билан у иттифоқ номидан иш кўрган, тажрибали ҳуқуқшунос терговчиларни айёрлик тўрига туширган. Иш ҳужжатларида Бекчонов бир имзоси билан мазкур эпизоднинг тўқима эканлигини қойил қилиб исботлаган. Бу эса Худойбергановга қўйилган бошқа эпизодларнинг ҳам туҳматлигини кўрсатади.

Маълумки, ҳар бир эпизод бўйича гувоҳлар икки-уч марта сўроқ

қилиниб, протоколлар тузилган. Одатда бу сўроқлар орасидаги муддат ўртача 6-8 ойни ташкил қиласди. Бекчонов билан боғлиқ эпизода эса сўроқ муддати роппа-роса бир йилу саккиз ойни ташкил қилган. Тергов гуруҳи таркиби одатда 150-160 кишини, айрим ҳолатларда иккى юз кишидан ортиқни ташкил қилгани ҳолда сўроқлар орасидаги муддатнинг чўзилиши ажабланарли.

Бир нарсани ўйлайман, агарда гуруҳдаги беш-олти терговчи тузилган ҳужжатларни қайта кўздан кечиришга қўйилганида бу қадар шармандали ҳолат рўй бермас, терговчиларнинг башаралари очилиб қолмасди. Бекчонов бу ёлғон кўрсатмалари судда, албатта, фош бўлиб қолиши ҳақида терговчиларни огоҳлантирган. Чунки у ўзининг аризасига имзо ўрнига "Бермадим" деб жуда аниқ қилиб ёзган. Тергов гуруҳи ўз ишидан шу қадар қаноат ҳосил қилган, ишончи кучли бўлганки, Бекчонов имзо ўрнига нима деб ёзганини текшириб ҳам ўтиргмаган. Ҳурматли судъяларга барча ҳужжатларни ўрганиш учун 3-4 ҳафта кифоя қилди, терговчилар эса уч ярим йиллик "иш"ни судга ўтказишдан олдин уни қайта ўрганиб, текшириб кўриш учун бирор ой вақт топишмаган.

Соф ўзбек тилида Бекчонов деган имзо ўрнига "Бермадим" деб ёзиб қўйиш билан Бекчонов бу сўроқ жараёнининг маёниавозликдан иборат эканлигини кўрсатиб берган.

Иш фаолиятимда бу қадар латифанома ҳолатни учратмадим.

С.Ким.

1986 йил 28 сентябрдаги аризасида Худойберганов вилоятдаги Ким фамилияли шахсадан пора олгани ҳақида ёзган. Терговчилар айнан шу фамилияли раҳбар кишиларнинг барчасини сўроқ қилиб, қўрқитиб, ўзларининг турли усууларини ишга солиб, Худойбергановга қарши кўрсатма олишга эришганлар. С.Ким ҳам шулар қаторида. 1986 йилдаги дастлабки тўрт сўроқда у бу фактларни тан олмаган. Шунда колхоз раиси бўлган Кимга унинг колхозида тафтиш ўтказиш ва талон-тарож топиб, қамаш билан қўрқитганлар. Исталган бир колхозда агарда гаразли мақсадда тафтиш ўтказилса бирор айб топиш, шу баҳонада раҳбарининг обрўсини тўкиш, ишдан олиш, партиядан ўчириш, қамаш Гдлян гуруҳи қўлидан келарди. Буни англаган Ким терговчиларнинг шартларига кўнган.

Яна қизиги, илк сўроқда Ким пулни колхоз идорасидаги берганини, иккинчи сўроқда эса дала шийлонида берганини ёзган. Гўёки боғ ўртасидаги дала шийлонида бу воқеа содир бўлгап. Судда маълум бўлишича, 1982 йилда колхозда бундай боғ ва дала шийлонининг ўзи бўлмаган. Виждони қийналмаган Ким воқеа жойини тўқиб чиқариш билан, амалда фактни фош қилган. Терговчилар эса бу дала шийлонни бор-йўқлиги билан ҳатто қизиқиб ҳам кўрмаганлар.

1989 йил 28 августдаги терговда Худойберганов бу фактни инкор қылди. Ким эса буни судда инкор қылди.

Хулоса - ҳеч қандай жиной ҳатти-ҳаракат йўқ.

М. Жуманазаров.

Бу эпизодда Худойберганов Урганч район партия комитети биринчи котиби Жуманазаровдан 1982 йилнинг кузидаги беш минг сўм олишда айбланади.

Жуманазаровни 1987 йил 24 ноябрда терговчилар қаттиқ қистоқда олганлар, унинг хотини, ўғлини қамаш ва ашаддий жиноятчилар билан бир хонада сақлаш билан қўрқитишган. Жуманазаров бу пайтда кўп раҳбарларнинг оила аъзолари ҳам қамоқда олинниб, қийноққа солинаётганини яхши биларди. Унинг иродаси бир кунда тамомила синган, бу ҳақда у шундай дейди: "Терговчи Кравчук осонликча сўзига кирмаганимдан сўнг қўлидаги оғир паҳка билан уч марта бошимга қаттиқ урди, ҳушим бошимдан учди. Кейин у айтган сўзларни ёзиша киришдим..."

Кравчук айтиб туриб ёздирган аризага ишонсак, гўёки Худойберганов Жуманазаровга: "Менга беш-олти минг сўм жуда керак бўлиб қолди", - деган ва у беш минг сўм берганмиш. Бу обқўмнинг биринчи котиби, КПСС МК яъзоси, СССР Олий Совети депутати устидан кулишдан бошқа нарса эмас. Терговчи назарида, ана шундай шахс-раҳбар гўё тиланчига айланниб қолган.

Агарда аризада ёзилган сўзларга ишонсак, Худойбергановга нисбатан пораҳўрлик учун эмас, тиланчилик деб бошқа модда бўйича айб қўйиш керак бўларди. Терговчилар ҳам буни билишади. Бу ўринда воқеанинг ўта бемаънилигини айтиш билан кифояланаман.

Ш.Жабборов.

1987 йилнинг ноябр ойи бошларида Жабборовни иш жойидан кишан билан олиб кетишади. Бундай ҳолатнинг тез мева беришини терговчилар кўп марта си nab кўришганди. Уч ҳафта давомида Жабборовни сўроқ қилишади, хонасицаги айгоқчи-ёрдамчилар ҳам турли руҳий таъсир ўтказадилар, ҳар томонлама усуllар ҳўлланилади, аммо Жабборов ҳеч қандай қўрсатма бермайди.

Кравчук ва Кравченко уч ҳафта бир фуқорони тергов қилиб, бирор марта ҳам сўроқ протоколи юритмаганларида қайси совет қонунига асосланишиди? Ҳеч қандай! Улар Гдиян ва Иванов қўрсатмаси, холос.

Унутмаслик керак, Жабборовнинг тўққизта фарзанди бор. Унинг "фарзандлари ҳаёти ўртага қўйилгач", ниҳоят, у синади, 17 ноябряда ёлғон қўрсатма беришга мажбур бўлади. Айнан шу аризани ёзгач, у асаби толиқиб, касалхонага тушади ва шу ердан СССР Бош прокурори номига шикоят ёзib, терговнинг ноқонуний усуllарини баён қилади. Касал ётган одам ҳузурига эса Рекунков эмас, терговчи Кравчук "шикоят"ни кўтариб киради...

Энг қизиги, Жабборовнинг уч варақлиқ аризаси.

Кравченко, Кравчук, Ивко ўзларининг ноқонуний хатти-ҳаракатларининг жазоланмаслигига шу қадар ишонгандарки, ўз жиной ҳаракатларини яширишга ҳам уринмаганлар. Улар олдиндан ўзлари ёзган ариза нусхасининг Жабборов қўлида қолгани билан қизиқмаганлар. Буни Бекчонов билан боғлиқ латифанома воқеа билан тенглаштириш мумкин.

С. Дўстматов.

Бу эпизодга қизиқиш катта.

Биринчидан, Дўстматов вилоятдаги ҳуқуқ органларининг тўрт раҳбаридан бириси - вилоят суд раиси. Айнан шу факт судгача етиб келди. Қолган ҳуқуқ раҳбарлари билан боғлиқ фактлар судгача етиб келмади.

Иккимчидан, Дўстматов судда пора берганлигини тан олган икки гувоҳдан бириси. Поранинг берилиши эмас, унинг қандай формада берилгани қизиқиш уйготади.

1986 йил 28 сентябрдаги сўроқда терговчилар Худойбергановдан вилоятдаги ҳуқуқ органлари - прокурор, ички ишлар бошқармаси бошлиги, давлат ҳавфсизлик қўмитаси раиси ва вилоят суди раисидан пора олганлиги ҳақида кўрсатма "олишга" муваффақ бўладилар.

Дўстматов судда 1988 йилнинг 22 февралигача тергов гуруҳи айнан шу ариза бўйича уни безовта қалишмага чини айтди. Галати ҳол, юз минг киши яшайдиган шаҳарда бошқа ҳуқуқ органлари бошлиқларининг терговга чақирилаётганидан у бехабар бўлганимиш. Вилоят суди раисия?

Савол туғилади? Агар Дўстматовнинг Худойбергановга пора бергани рост бўлса, у нега бир ярим йил кутди ва касалхонадан чиққач, 22 феврал куни ҳеч нарсадан бехабар прокуратурага келиб, кўнгилли бўлиб ариза ёзди?

Ишончим комилки, Дўстматовни 22 февралгача ҳам бир неча марта сўроқда чақиришган, зугум ўтказишган. Унинг касалхонага тушгани сабаби ҳам шу. Ҳуқуқ кишиси бўлгани учун у ҳамкасбларининг илтифотига эришган, пора миқдорини камайтиришга уринган.

Бу ўзаро юзлаштириш вақтида ҳам кўринади. Пора миқдори камлигидан Дўстматов Худойбергановга суд ишларига аралашмагани учун миннатдорлик ҳам билдирид... .

Пора бериш сабаби, 1980 йилда бўлиб ўтган обқўум бюросида Худойберганов Дўстматовни ҳимоя қилган эмиш. Дўстматов эса "миннатдорлик маъносида" роса икки йилдан сўнг унга "пора беради". Мантиқ қани? Бу бюро ҳатто Худойбергановнинг ёдидан кўтарилиб кетган бўлса. Жавобни шилдан излайвериш керак.

Дўстматов вилоят суди раиси бўла туриб, пора учун пулни ўлиб кетган кишидан олгани ҳақида кўрсатма беришдан қайтмайди. Бунинг устига

унга нисбатан Худойберганов томонидан тұхмат қылпингани фактнини суддаға билмеганини ҳам айтади. Қызық!

Айнан шу ерда Дұстматовнинг олий маълумотли юрист эканлиги намоён бұлади. Чунки худди шундай қылганида, үзі тавба қылганидагина унга нисбатан ҳеч қандай жиной иш құзғалмаслыгини қонунчи сифатида билади.

Мен Дұстматовнинг бу ҳаракатини қораламайман, аммо терговда Худойберганов ҳақида ёлғон күрсатма беришдан бошқа иложи қолмаганини яна бир қайта тақрорламақчиман.

А.Сафаров.

Бу эпизод ҳам олдингилардек афсоналарга бой. Биргина фактнинг ўзинең бу эпизодни "иши"дан олиб ташлашға етарлы - айблов холосасида поранинг берилиш фурсати, вақты күрсатилмаса, у ҳаққоний ҳисобланмайды. Сафаровнинг күрсатмаси худди шундай.

Лекин, қызиги шундаки Сафаровни уйидан қамоққа олишмаган, у сүроққа чақирилған пайтда судланған, Зарафшонда қамоқ муддатини ўтаётганди. Уннинг ёнінде терговчилар келиб, Худойбергановға қарши күрсатма беришгә ундайдилар. Сафаровдек қамоқ азобини тортган одамни тезроқ синдириш жуда осон иши.

Қызиги, Сафаров берган порани ўзимнинг шахсий жамғармам эди, деб күрсатади. Унга отаси вафот эттегіннің айтгандардан сүнг, бу пулни отамдан олғандым, деб күрсатма бера бошлайды. Ҳангома бундан ортиқ бўлмас.

Сафаров күрсатма беришіча, пулни беришгә Ваисов ундаған. Лекин негадир бу масала бўйича Ваисов сўроқ қылннмаган, жавобгарликка тортилмаган. Қызық, ҳар бир фуқаро учун алоҳида қонун борми?!?

И.Сорокин.

Бу алоҳида эпизод. Чунки пора берувчи сифатида бу гал обқўмнинг иккинчи котиби айбланмоқда. Дарҳол савол туғилади, обқўмнинг иккипчи котиби биринчи котибга пора бериши мумкинми? Ахир Сорокин Марказқўм номенклатурасидаги кадр. У ҳам биринчи котибдек МКга тўғридан-тўғри чиқиш ҳуқуқига эга. Қолаверса, кўпгина ҳолларда марказнинг одами сифатида иккинчи котиб ёзилмаган қонулларга кўра биринчи котибдан ҳам кўра бир неча масалаларда устунроқ туради.

Қарангки, бб яшар Сорокинни обқўмнинг иккинчи котиби вазифасида қолдириш учун Худойберганов ундан пул олганмиш. Ахир бу масалани обқўм биринчи котиби, бюроси у ёқда турсин, айнан МК, шунда ҳам Москванинг розилиги билан ҳал қиласы.

Аслида Худойберганов ўз вазифасида қолиши ёки бошқа бирор қулай ишга ўтказишда ёрдам сўраб Сорокинга пора бериши керак эди!

Мен етмисш яшар қария Сорокинни уйидан уч забардаст терговчи қамоққа олиб, прокуратурага келтиришгани ҳамда унга Худойбергановга қарши күрсатма беришгә мажбур қылышгани, охир-оқибат у синиб, ариза

ёзишга мажбур бўлганини тушунаман. У қарияни кечирса бўлади. Аммо Сорокин вижданига қарши боргани учун ўзини кечира олмайди...

### 3.Тожимов.

Бу энг қизиқ эпизодлардан бири. Иш билан танишиш пайтида мазкур эпизод бўйича "пора берувчи" судда ўз кўрсатмасидан тоғаслигини билсамда, айтишим керак, бу Худойберганов "иши"даги энг ишончсиз, ожиз кўрсатма, айловлардан бири.

Тожимов бошқа жиноятлари учун Худойбергановдан олдин қамалган ва суд қилинган шахс. Худойберганов қамалгач, маълумки, терговчилар берган рўйҳат бўйича бир қатор раҳбарлар у ҳақда сохта кўрсатмалар беришга мажбур бўлади, аниги, мажбур қилинади. Улар орасида колхоз раиси бўлган Тожимовнинг ҳам исми шарифи бор.

Тожимов 1987 йил суд қилингунча ҳам Худойберганов томонидан кўрсатилган 10 минг сўмни пора сифатида берганини тан олиб келади. Тошқовуздаги юзлаштириш арафасида Тожимовнинг хаёлига ажаб фикр келади: агарда Худойберганов ундан ўн минг сўм олганини бўйнига олган экан, хўш, бу миқдорни бир неча марта оширса нима бўлади? У, барибир, бўйнига олса керак. Чунки Тожимов колхознинг 53800 сўм пулини талонтарож қилиб кесилганди. Ана шу миқдорни кимнингдир бўйнига ташласа жавобгарликдан қутиласди, балки озодликка чиқар.

Юзлаштириш пайтидаги бу ноинсофлик шу кунгача чидаб келган Худойбергановнинг ҳам сабр косасини тўлдириб юборади ва у дастлабки кўрсатмасидан ҳам воз кечади.

Гдлян Тожимовга ширин ваъда берган: агарда Худойбергановни қулатища кўмаклашса, муддатидан олдин қамоқдан озод қилиши ҳеч гапмас. У кейин ваъдасида турди ва Тожимовни муддатидан олдин озод қилдирди ҳам.

#### Фикримизни якунлаймиз:

1. 1986 йил 9 сентябрда Тожимов Худойбергановга 10 минг сўм бергани ҳақида ариза ёзди.

2. Шу аризасида Матниёзовни воситачилик қилганликда айблайди.

3. Тожимов Бозорбоевни ундан 7500 эмас, 61300 сўм олганиликда айблашга уринади.

4. Бу ҳам иш бермагач, Матниёзовни ундан 53800 сўм олганиликда айблайди.

5. Бу ҳунари ҳам ўтмагач, еб йўқ қилган пулни эндиликда Худойберганов бўйнига ағдариб, жавобгарликдан қутилиб кетиши орзусида.

Шундай қилиб, Тожимов беш марта туҳмат қиласди ва суд терговида буни тан ҳам олди. Шундай экан, Тожимовнинг кўрсатмаларига ишониш учун бизда асос йўқ. У исталган одамга туҳмат қилиши мумкин. Шу сабабдан айлов хуљасасидан мазкур эпизодни туҳматлиги учун чиқариб ташлаш керак.

**Н.Матёқубов.**

Шундай қилиб Худойбергановга нисбатан тўқиб чиқарилган сўнгти эпизодга етиб келдик. Дарров бу поранинг берилши вақти кўз олдингизга келади. 1985 йилининг кузи. Айнан шу пайтда республикада раҳбар кадрларни қамаш мавсуми бошланиб кетганди. Бу пайтда пора олиш у ёқда турсин, бир-бировнинг уйига бориш, совға олишдан ҳам қўрқиб қолишганди.

1987 йил 3 феврал куни Зарафшондаги зонага Кравчук ва Кравченко боришади. Бу ерда колхоз мулкини кўп миқдорда талон-тарож қилгаилари учун адолатли суд қилинган Матёқубов ва Сафаров жазо муддатини ўташаётганди. Дастлаб улар маҳбусдан вилоят ИИБ бошлиги Собиров, кейин эса Осетровга қарши кўрсатма беришни талаб қилинади. Кейин эса Худойбергановга қарши кўрсатма бериш талаб қилинади. У рад қиласди.

Уни зонадан олиб, Москвага жўнатишади. Бугиркада терговчилар уни яхшилаб "қайта ишлашгач" Матёқубов Худойбергановга 8 минг, Ваисовга эса 20 минг сўм берганини айтади. (Шу билан ўзи ўзлаштириб, судлангани 27 минг сўмни бирорларга тўнкаб қамоқдан чиқишини ўйлади). Лекин Кравчук бу "тақсимлашини" маъқулламайди ва Ваисовга 10, Худойбергановга 15 минг деб ёзишини буоради.

Матёқубов судда гувоҳлик бериб айтди: Кравчук унинг қўлинни орқасига товлаб, чеккасига қаттиқ урган. У бу ҳақда 20 марта шикоят аризаси ёзган бўлсада бирортаси ҳам манзилга етиб бормаган.

1986 йил 26 декабрда Матёқубов устидан бўлиб ўтган суд ҳукмидан маълумки, Худойберганов бўйнига ағдаришга уринган 15 минг сўмни аслида Матёқубов ўзи талон-тарож қилиб юборган.

Шунингдек, кўрсатма, аризаларда бир-бирига мутлақо қарама-қарши бўлган фактлар тўлиб ётибди.

Мазкур фактни ёлгон, туҳматлиги учун "иш"дан олиб ташлашингизни сўрайман".

Мана, ҳимоячиининг сўзлари.

Сизнинг азиз вақtingизни олиш, бошингизни қотиришни маъқул қўрмай, мен унинг бир қисмини келтиридим. Олий маълумотли ҳуқуқшунос, тажрибали адвокат ўз ҳимоя нутқини қуруқ сўзлар билан тўлдирмаган. Ундаги ҳар бир инкор қилинаётган факт, эпизод ўша пайтда кучда бўлган РСФСР ва ЎзССР Жиноят процессуал кодексининг моддалари билан ҳуқуқий асосланиб рад этилади.

Майда тафсилотларни олиб ташладим. Лекин шуларнинг ўзиёқ гдлянчилар менинг (ёлғиз менинг эмас) бошимга бу кулфатларни солиш учун қанчадан-қанча фуқароларнинг тинчини бузишгани, уларни ёлғон кўрсатма беришта мажбурлашгани англашилиб турибди.

Агарда қонун нуқтаи назари, қонун тили билан қарайдиган бўлсак, айблов холосасидаги эпизодларнинг бирортаси ҳам ҳуқуқий асосга эга эмас. Ислот қилинмаган, инкорни инкор қила олмайди.

Ҳаммаси сохта, бир қолипда, бир оҳангда, бир тарозида. Тўқиб чиқарилган, ўйлаб топилган. Ундаги рақамлар, манзиллар ва сабаблар ўзгаради, исм-шарифлар турланади, холос.

Ҳимоячи бу оқловни осмондан олиб ёзмаган. Гарчи гдлянчилар барча эпизодларни тўқиб чиқаришда ўз фантазияларига эрк беришган, осмоний воқеаларни тўқишига уста бўлишса ҳам.

Ҳимоячининг "ишим" устида узоқ ўтириб, барча ҳужжатларни синчилаб, сира эринмасдан кўздан кечиргани кўриниш турибди. Ҳатто Исмоил Бекчоновнинг имзо ўрнига "Бермадим" деб ёзганини ҳам ҳимоячи тошган, бу имзонинг ғалатилигидан шубҳаланиб, элчихонадан таржимон сўраб, сўзнинг асл моҳиятига етган.

Лекин ҳимоячининг сўзи ҳали бу ҳукм дегани эмас. Бу виждоний ҳукм, холос. Кипи ўзи ҳақда яратилган улкан "айблов ахлати"нинг устидан итқитиб ташланишини эшлишиши, ҳис қилиши қандай баҳт.

Аммо ҳали синовлар бор эди.

## ІХ Б О Б. СУД: СҮНГТИ СҮЗИМ

1990 йил, 16 апрел.

Мұхокамадан сүнг сүз олган давлат қораловчиси - прокурор менга 9 йил берилишини сүради. Адвокат эса "иш"ни қайта терговға юбориши кераклигини айтди.

Менга сүз берилди:

"... Хурматли судьялар!

Мен ўз аризамда уч шахсдан пора олғаним ҳақидаги фактларни бүйінимга оламан. (Судья билан прокурор адвокатта, "Худойберганов ҳеч бўлмаса уч одамдан пора олғаниман демаса, 15 йилга қамалади", деган. Уч одамдан "пора олғанимни тасдиқлашим" судья учун зарур эди. Чунки судьяга мени қандай бўлмасин қамаш, айбдор деб топиш вазифаси юклатилганди. Шунинг учун судья ҳукм чиқаришдан олдин 7-8 кун давомида юқорига, раҳнамолари олдига қатнашига тўғри келди. Адвокатнинг воситачилигига мен бу бўхтонни, туҳматомуз айбни бўйінимга олишга рози бўлдим. Уч одамдан пора олиш воқеаси шу тариҳа пайдо бўлган). Қолган менга қўйилган барча айбларни инкор қиласманки, улар ҳаммаси шахсан Гдляннинг ташаббуси билан сохталашибирлган, тўқиб чиқарилган фактлардир.

Қамоққа олингач, ҳимоясиз, ҳуқуқсиз банди сифатида оиласманни, болаларимни, вилоят фаолларини сақлаб қолиш учун Гдлян ва Ивановнинг барча шартларига рози бўлишдан бошқа илож тополмадим.

Уруш даври фронтда жанг олдидан ўлимга бораётгіб ҳам Каракозов, Гдлян, Иванов, Карташъян каби терговчилар олдидағидек қўрқувга тушмаганман. Чунки у пайтда ёлғиз ўзимни, жонимни ўйлаб, Яратганинг ҳукмига бўйин этганман. Бу ерда эса оила аъзоларим, яқинларим қамалиш ҳавфи остида турган пайтда одамни қаттиқ қийиноқ, қўрқув босаркан.

Хозир тургунилик деб аталаётган йилларда катта лавозимларда ишлаган пайтларимда вилоят ҳаёти, кишилар тақдирни, эл фарованиелиги учун қайғуриб, елиб-юргран, кўпчиликнинг ташвиши бошымда турган бўлса, бу ерда тергов жараённида на ўзимни, на воҳа ҳаётини, иқтисоду сиёсатни ўйладим. Мени фақат фарзандларим, оиласам тақдирни қайғуга солди. Яшашнинг мутлақо қизиги қолмади. Худди шу сабабдан Гдлян ва Ивановнинг бўхтонли шартларига рози бўлдим. Машъум 1937-1938 йиллардаги суд жараёнларини ўйлаб, улардаги инсон боласи кўрмаган

қийноқларни ёдга олиб, ўзимни ва қисматдошларимнинг кўнглини кўтаришга беҳуда уриндим. Менинг таскин сўзларим қамоқларнинг тор, ифлос хоналарида қолиб кетди.

1986 йилда кўрдимки, Ўзбекистонда қон ва кўз ёшлари кўплаб оқар, раҳбарларгина эмас, уларнинг яқинлари, оила аъзолари қамоққа олинаётганди.

Бу даҳшат эди. Ҳеч нарсани англаб, тушуниб етолмасдим. Гдлян ва Иванов эса зўр бериб "ўзбеклар иши" коррупция ва мафия билан боғлиқлиги, бу "иш"нинг асосий илдизлари Московда эканлигини айтишарди. Ана шундай мубҳам ва даҳшатли бир даврда Гдлян ва Ивановнинг диктовкаси остида юқорида эслатганим "тан олувчи аризам" пайдо бўлди. Мен уни ўйлаб ҳам кўрмасдан имзолаб юбордим...

Худди ана шу ариза кейинчалик "иш"дан "иш"га кўчиб, сўрок баённомаларида бир хилда пайдо бўлаверди.

Қамоққа олингач, билдимки, менинг тақдирим, оила аъзоларим қисмати, нафақат улар, балки бутун вилоят фаоллари тақдирни Гдлянга боғлиқ бўлиб қолди. Унинг бир оғиз сўзи, бир имоси билан эгаллаб турган вазифасидан қатъий назар исталган одам қамоққа олиниши, қийноқхоналарга ташланиши мумкин эди. Шахсий самолёт берилган, чекланмаган имтиёзлар эгаси бўлган Гдлян ва Иванов материаллари остида матбуот кенг халиқ оммаси орасида ажиг мухит, тушунчалар ҳосил қилиб ултургандилар.

Тергов жараёнида бу икки кимса ўзларини хондек тутишди. Улар менга "фақат чин кўнгилдан иқрор бўлсангина" ўлим жазосидан қутилиб қолишим мумкинлигини неча карра уқтиришди, қилмаган айбларимни бўйнимга олдиришди. "Хотининг ва болаларинг Сибирга сургун қалинади", дейишди.

Турли вазифаларда ишлаш жараёнида менда давр учун хос бўлган одат шаклланганди, яъни юқорининг топшириги муҳокама қилинмайди, фақат бажарилиши шарт! Буни М.Горбачев ҳам тан олиб айтди: "Сиёсий система ўйлаб йиллар давомида қонун доирасида жамият ҳаётини таркиб топтиришга эмас, балки юқорининг топширик, кўрсатмаларини сўзсиз бажаришга мослаштирилди".

Марказқўмнинг ана шундай кўрсатма-топшириқларини адо этишга ўрганган мендек оддий одам бу системада нима қилиши керак? Тергов давомида Гдлян ва Иванов ўзларини Марказқўмнинг ишончли кишилари, деб таништиришар, бу гўё прокуратура ходимлари учун ҳимоя воситаси эди. Улар одамларни шу тариқа алдардилар.

Менинг ҳаёт йўлimgа эътибор беришларингизни сўрадим. Оддий деҳқон оиласида ўсдим, ота-онамдан эрта етим қолдим, мени ёлғиз кўзи ожиз аёл боқиб вояга етказди. Ўсмирликдан деҳқончиликнинг машаққатли меҳнати билан танишман. Ўттизинчи йиллардаги

очарчилликни ўз бошимдан кечирдим, урушолди, уруш даври ва урушдан кейинги қийин даврларда жон күйдириб ишладим.

Ўз меҳнатим, елиб-югуришим оқибатида савод чиқардим, ўқидим, оила қурдим. Фарзандларим вояга етдилар. Уларни ҳам ҳалол меҳнат билан яшашга ўргатдим. Бугун улар ҳаётнинг мураккаблигини ўз кўзлари билан кўриб, таналарида синаб турибдилар.

Ўз фарзандларим камоли учун, вилоят равнақи йўлида нимаики қилган бўлсам, уларнинг бирортасида жиноий хатти-ҳаракатларни кўрмаяпман. Гдлян, Иванов ва "хуқуқ посбонлари" эса бошимга шу қадар кўп надомат, бўхтон ёғдириб, истаганича ҳақоратладилар, бундан кўзланган мақсад нима эди?

Тўғри, хом сут эмган банда, хато қилгандирман, адашгандирман. Қайсиdir ўринда қўл остимдагиларга қаттиққўллик қилганиман, кўяглига теккаимаш, тинимсиз, дам олишсиз ишлашга мажбур қилганиман. Аммо буларнинг ҳаммасини шу юрт равнақи, иқтисодий тараққиёти учун қилганиман! Шу сабабли биринчи котиб бўлиб ишлаган йилларимда вилоят ишлаб чиқаришда юқори кўрсаткичларга эришди.

50-йилларда Хоразмда автомобиль йўллари хароб эди. Электр энергияси эса 60-йиллардан бошлаб шаҳар ва қишлоқларга тортила бошланди. Ўзбекистоннинг чекка ҳудуди бўлгани сабабдан воҳада кўп томонлама қолоқлик мавжуд эдики, биз ўша давр раҳбарлари ана шу қолоқликдан чиқиб олиш, воҳапи ҳар томонлама тараққий қилдириш учун биргаликда ҳаракат қилиб ишладик. Воҳа йўллари замонавий изларга кўчди, ҳар бир қишлоққа электр энергияси, табиий газ тармоғи тортилди. Ўнлаб, юзлаб саноат корхоналари қад ростлади. Қишлоқ хўжалигида эса мисли кўрилмаган юксалишлар рўй берди, йирик майдонлар барпо бўлди, сув тармоғи созланди. Воҳа деҳқончиликнинг исталған тури учун қулай масканга айланди. Ҳосилдорлик йилдан-йилга ўса борди. Булар менинг, якка бир шахснинг хизматлари эмас. Бу воҳа меҳнаткашларининг тинимсиз меҳнатлари самараси. Ана шу беқиёс ўсишлар, ривожланишлар бағрида озми-кўпми хатолар, камчиликлар содир бўлгани, сир эмас. Қолаверса, бу даврининг, сиёсатнинг ҳам хатоси ва камчиликларидир.

Иш менинг бирдан-бир мақсадим ва овунчогим эди. Фақат севган ишлар билан банд бўлганда кўнглим таскин топди, одамларни ўйладим, уларнинг баҳтли келажаги учун меҳнат қилаётганимдан баҳтли эдим.

Ҳеч қачон енгил-елли ҳаёт кечиришга уринмаганиман. Бу мен учун, ҳаёт ва яшаш тарзим учун ёт нарса эди. Ана шунинг учун ҳам давлат олдида ҳар доим ўзимни ҳалол ва тозаман, деб ўйлайман.

"Йўл кўрсатганилар", юқоридан туриб иш буюрганлар, талаб қилганилар елкасида ҳеч бир масъулият бўлмаган, улар ҳеч нарса учун жавоб беришмайди. Ишининг енгили, яъни кўнгироқ қилиш, имзоланган қоғозларни жўнатиш уларнинг зиммасида эди. Қоғозда қарор қабул

қилиш, фармон чиқариш ва уни бажаришни талаб қилиш осон. Ижро мушкул. Бунинг учун ўлиб-тирилишинг, керак бўлса, айрим ҳолларда, қонунни четлаб ўшишга мажбур бўлишинг керак.

Мен ҳеч қафон мустақил раҳбар бўлмаганман. Менинг зиммамга ҳамма вақт ижрочилик тушган. Экиш, парваришлаш, йигиб олиш. Йил ўн икки ой ана шу азобли жараён билан ўтарди. Бу айтишга осон.

Қурилишларни олиб кўрайлик. Кичик бир бино қуриш учун ҳам тепанинг рухсатномаси шарт эди. Бу рухсатнома осонликча олинмасди. Кимгадир бўйин эгишинг, таъзим қилишинг, кўнглини олишинг керак. Яъни, пастдаги раҳбарларга мутлақо эркинлик, ҳуқуқлар берилмагани уларни эндиликда қонунбузувчиларга чиқариб қўйди. Тузум шундай қурилган замонда бошқача бўлиши мумкин эмас. Иш битириш учун совға-салом кўтариб боришинг салкам анъанага айланаб қолгани бутув бизга қўйилаётган бош айблардан биридир.

Ҳозир 67 ёшга кирган, шунинг 46 йилини халқ учун, ватан учун баҳшида этган, соглигидан ажраган мендек одам жинонӣ мақсадларга йўналтирилган хатти-ҳаракатлар қилиши мумкиними?

Бугун тўрт йишлик қамоқ жазосидан сўнг ўзимни оқлаш, қарши фактлар келтириш, мисоллар рўйхатини тизаб ташлашга на куч, на ҳавасим қолган. Қамоқхона соглигимни тамомила издан чиқарган пайтда бу қонун посбонлари талабларига қаршилик кўрсатишга ҳам куч-кудратим қолмаган.

Маълум бўлиничча, инсонни оқлаш, ҳимоя қилишдан кўра унга айблар тақаш энг осон иш экан. Инсонни хўрлаш, оила аъзолари, яқинларини қамаш, ялти қатагонга дучор қилишдек машъум жараён совет давлати тарихида кўп бўлган. Эндиликда шундай жараён бутун бошли Ўзбекистон халқи бошига тушиб турибди. Неча йилларки, улкан бир мамлакатни кийинтириб келгани учун республика аҳолиси бошига шунчак уқубатлар тушмоқда. Бу бизларнинг шунчак меҳнатларимиз эвазига кўраётган оқибатимиз, эшигаётган "раҳмат" имиз...

Куни кечак "Шарқнинг машъали" деб кўкларга кўтарилиган жонажон республикамизни бугун "қаллоблар юрти", "жиноятчилар макони" деб айтиётган, ёзаётган эканлар, шу юртнинг фарзанди сифатида менинг кўнглим оғрийди, хўрлигим келади.

Ўзбекистонни "фош қилгани" учун Гдлян, Иванов ва бошқа терговчилар оламшумул шон-шуҳратга беланишиди, депутат бўлишиди, оммавий ахборот воситаларининг қаҳрамонларига айланishiди. Ҳайриятки, ҳукумат уларнинг кўкракларига қаҳрамонлик юлдузлари тақишига улгурмади. Вақтида ишнинг пачаваси чиқди, бадном бўлдилар. Аммо улар ҳамон ўзларининг ҳақлигини айтиб қичқирмоқдалар, адолатсизлик қурбони бўлганликларидан зорланишмоқда. Адолатсиз жамиятдан адолат сўраш кулгили эканини ҳатто улар ҳам тушуниб этишиди. Аммо жуда кеч бўлганди. Уларнинг кўпдан-кўп қурбонлари-

махбуслар ҳамон Москов қамоқхоналарида ўз тақдирларини кутиб, азоб-укубатларга мардларча дош бериб ётибдишлар.

Гдлян ва Иванов 1983-89 йилларда Ўзбекистоннинг кадрларини ёппасига қирғин қилишди. Маълум маънода ўз мақсадларига етишди.

Ҳаётимдаги энг машъум кунни 1986 йилининг 25 августини ҳеч қачон унуга олмайман. Ҳеч бир рухсатномасиз нафақадаги кишини алдов йўли билан қамоқда олиш қайси қонунда бор? Ким изн берган? Халқ депутатини ҳисбга олиш мумкиними?

Ҳеч кимга ёмонлик истамайман. Бу менинг яшаш принципимга зид. Аммо алам қиладигани, шунчак йил ишониб, умримни бағишилаган тузум мени бадном қилди, жиноятчига чиқарди. Бу даҳшат! Бу уят ва шармандаликтан бошқа нарса эмас.

Онгли ҳаётимда бирор марта бўлсин давлатни алдаш, жамиятта зиён етказиш фикри хаёлимга келмаган. Аксинча, вилоятда нитизомга қатъий эттаниман. Менига ёшлиқдан нима деб ўргатган бўлсалар, шунга қатъий ишондим. Фақат ўзимга топширилган участкадаги ишлар учун жавоб бердим ва юқорида нималар содир бўлмоқда, жамият қаёққа бормоқда, бу мен учун қоронғу ва мавҳум нарсалар эди. 1989 йил апрел пленумида Горбачёв тан олиб айтди: "...биз ўзимиз яшаб келган мамлакатни яхши билмасдик". Кеч бўлса-да, тан олингандан ҳақиқат!

...Тақдиримдан иолмаганман. Ҳаётда кўп қийинчлил, синовларни бошдан кечирдим. Сабр қилдим, чидадим. Шунга ўргандим. Бутун эса бошимга мана шу мусибат тушиб турибди. Тўрт йилки, турли қамоқхоналарда ётиб, бутун онгли ҳаётимни неча карра кўз ўнгимдан ўтказдим. Бир нарсага қатъий ишонаман, мен жиноятчи эмасман. Қўнглим тубидан чиққан қарор шу! Ишонаманки, адолатли инсонлар бор, вақти келиб улар ҳаммасини таҳлил қиладилар, ҳақиқатнинг тагига етадилар.

1989 йил март пленумида М.Горбачёв: "... қўпгина минтақаларда одамлар туғилган жойларини ташлаб кетмоқдалар, қишлоқлар бўшаб қолмоқда", деди. Худди шу йигинда Россия Министрлар Советининг раиси Власов аянчли рақамларни келтирди. Маълум бўлишича, сўнгти саккиз йилда РСФСР қишлоқларини тўрт миљион киши ташлаб кеттан, ҳар йили уч минг қишлоқ ва аҳоли пункти харитадан ўчиб бормоқда...

Бу нима? Инсонларга ғамхўрликми? Хоразмда эса сўнгти йилларда ўнлаб, юзлаб қишлоқлар пайдо бўлиб, обод қасабалар қурилди, сув ва табиий газ, равон йўллар тортилди. Бирорта ҳам зарар кўриб ишлаётган жамоа ҳўжалиги қолмади. Мана, менинг "жиноий хатти-ҳаракатларим".

Мен ёш бола эмасман. Узоқ йиллик умримда кўп воқеаларни бошдан кечирдим. Собиқ СССР ва Ўзбекистон раҳбарлари билан яшадим ва ишладим.

Хозирги ижтимоий аҳволимда бу сўзларимга ишонтириш қийин. Бу ерда чин сўзини, тавба-тазаррунгни эшитадиган одам йўқ. Энди

сенинг аянчли тақдиринг ҳақида фарзандларингдан бошқа бирор қайтurmайди. Мен бу холосага 1989 йил, 30 июнь куни бош прокурор Сухарев мен ва мендек жабрдийдаларни қамоқда ушлаб туриш муддатини Олий Совет сессиясида чўзиш ҳақида сўраганида келганман. Менинг, ҳозирча, аҳволимни тушунишларингни истардим. Чунки уч йилу саккиз ой, яъни 1335 кун ва тун қаттиқ режимдаги қамоқхонада ётибман.

Бир нарсани тушунмайман. Мен кимман?! Уруш ногирони, кекса, касал одам жамият ва одамлар учун шу қадар ҳавфлимани, мени қаттиқ режимда шунча муддат судсиз ётишга мажбур қиласалар. Қани, дунёга жар солиб айтилаётган адолатли қонуншуносларнинг ниқоби. Реал ҳаётда бунинг мутлақо аксини кўриб, сезиб турибман.

Тўғри, пахта ҳосилдорлигини йилдан-йилга мисли кўрилмаган тарзда ошириб борганимиз хатодир. Тепадагилар реал бўлмаган режаларни қўйиб, қандай қилиб бўлса-да, бажаришга мажбур қилишмаганими? Давлатимизда пахта мустақиллигини таъминлаймиз! Американи қувиб ўтамиз, деган чиройли шиорларни байроқ қилганлар, оддий дежқонлар ва қуйи раҳбарларни минг қўйинқ ва азобларга, ҳатто қонун бузилишларига мажбур қилганлар бор эдилар-ку?! Нимага улар учун бизлар, оддий ижрочилар жавоб беришимиш керак? Урушдаги мағлубият учун қон тўккан оддий аскар эмас, хато стратегияни қўйлаган қўмондонлар, генераллар жавоб беришмайдими, ахир?! Бугун республикада юзлаб, минглаб раҳбарлар бадном қилинди, ҳисбга олинди. Кўпчилиги ўз жонига қасд қилишгача бориб етишиди. Уларнинг ҳаммаси бир нарса-пахта учун курбон бўлишмоқда. Бу стратегик муҳим хом ашёнинг мамлакатта келтираётган фойдаси беҳисоб эди. Ҳамон шундай. Биргина Хоразм вилояти давлатта ҳар йили ўртacha 117 минг тонна пахта толаси етказиб беради. Бу эса жаҳон бозорида ғаллага айрибош қалинганди (бир кило толага ўн саккиз кило ғалла айрибошлиниади) икки миллион юз минг тоннадан зиёд буғдой демакдир. Аҳолиси бир миллион киши бўлган вилоятда бу жуда катта миқдор. Бундан ташқари, ҳар йили 32 минг тонна пахта ёғи етиштиридик. Вилоят эҳтиёжи эса атиги 6-7 минг тонна атрофида эди. Мен пахтадан олинадиган бошқа маҳсулотларни айтмаяпман. Мана, бизнинг давлатта ва ҳалққа "етказган зараримиз".

Олий Советнинг биринчи сессиясида ёзувчи Белов тармоқ раҳбарлари Мураковский ва Василевни миллиардлаб сўмларни беҳуда сарфлаганликда айبلاغанди. Буни Ўзбекистон билан солиштириб кўрингчи!

Тепада ҳамма уйқуда, қонунлар жим, уларнинг оромини бузипни ҳеч ким истамайди. Бу адолатданми?!

"Ўзбеклар иши" - бу драма, фожиа эди, эндиликда уни операга айлантириб, барча жўр бўлиб куйлашмоқда.

Московдаги қандаідир савдогар ҳар йили уч милион сүмдан атъолик бадали тұлагани ҳақыда әслата туриб, Горбачёв: "биз қонун етакчилигига Сухаревни тайинлаб хато құлмадик", деганди. Рости, мен ҳам ишонгандым. Қаттық хато қылған эканман. Буларнинг барчаси бир мусиқага үйнайдыган раққослар экан. Уларни инсон тақдиди қизиқтиримайды. Худойбердиев, Камолов, Айтмуротов, Мусахонов ва Умаровнинг суд жараёнлари билан танишгач шунга амин бўлдим. Ҳаммаси илгаригидагидек юқорининг топшириғи билан қилинмоқда. Қонун эмас, кимларнингдир манфаати асосий рол үйнамоқда. Бу ҳол менга машъум тарихни, 30-40 йиллардаги суд жараёнларини, Вишнинский ва Ежов даврини әслатмоқда. Ўшанда ёлғон эъзозда, ҳақиқат қувфина әди. Одамга эмас, қофозга қўпроқ ишонишарди.

Бу адолатсиз жараён айнан Ўзбекистондан бошланганининг сабабини ҳеч англаб етолмайман. Аслида тузум, қонунлар яроқсиз бўлса, ҳаёт талабига жавоб бермаса, ишни тепадан Кремлдан бошлаш керак бўлади-ку !

Бир нарсага ишонаман, вақти келади, асосий айборлар топилади. Тузумга, ҳар бир раҳбарга баҳо берилади. Бу ҳолатга олиб келган марказий аппарат ва унинг сонсиз ходимлари ҳам ўз улушларини оладилар.

Иванов "Биз топшириқларни бажаряпмиз", дейнишни яхши кўради. Эътибор беринг, буни қонун ҳимоячиси айтмоқда. У қонучни эмас, "топшириқ"ни биринчи ўринга қўймоқда. Кимнинг топшириғи? Бу кимларга керак? Ўз даврида бизлар ҳам "топшириқлар"ни бажарганимиз. Фарқимиз не? Бу қандай тузум ўзи?

...Қаттиқ чарчагашман, хастаман. Ҳатто ўлимга кўника бошладим. Ҳар бир нарсага, келажакка ишонч руҳи қолмаган.

Тунлари ухлай олмайман, юрак оғриғи хуруж қиласди. Менга 1987 йилги амнистия ҳам ёрдам бермади. Мен, уруш қатнашчиси, уруш погирони четда қолдим. Фалабанинг 45 йиллик байрамини қамоқхонада кутиб олдим. Агарда шу тузумда яшаб, ишлаган бўлсанм, демак, мендан олдин ишлаган барча тоифадаги раҳбарлар ҳам жиноятчи саналадилар. Табиний, бевақт ўлим уларни бу ҳукмдан халос қўлломайди. Аксинча, кечаги кунда бизга буйруқ бериб, қонунсиз ишларни бажаришта мажбур қўлганларнинг номларига бутунги кунда кўчалар, мактаблар, шаҳарлар қўйилмоқда. Хотиралари абадийлаштирилган. Агарда улар билан бир вақтда ҳаётдан бевақт кетсак, бизларни ҳам шундай хотирлаб, номларимизни абадийлаштирган бўлардилар. Қани, бунда адолат?!

...Менга ҳар доим уқтириб келишган: "Сени Марказқўм бу вазифага тайин этди, ҳалқ эмас", деб. Демак, мантиқдан келиб чиқсак, агарда бирор ўринда хато қылған бўлсанм, бу Марказқўмнинг ҳам хатосидир. Демак, мен ҳалққа хиёнат құлмадым, унинг ишончини поймол этмадим. Бюрократ кимсалар хатоларининг құрбони бўлганман. Ҳалқнинг олдида виждоним тоза, дилим пок.

Леонид Брежнев ва унинг атрофини ўраб олган кишилар буюрган ишларни қылмаслик, бўйин товлаш мумкинми? Ахир, ҳаммаси давлат номидан қилинарди. Давлатга эса қарши бориб бўлмасди. Билганинг иччингида қолиб кетарди. Ҳозир хатоларни айтишга имкон берилди. Агарда ўша даврларда ҳам худди шундай сиёсат юритилганда, бизларнинг авлод айтиши мумкин бўлган фикрлар, таклиф-истаклар қанчадан-қанча эди. Афсуски, ҳаммаси кўнгилларда қолиб кетди.

Агарда турғунлик даври бошқарув услубида маъмурий буйруқбозлик мавжуд бўлиб, бизларни эзган бўлса, ҳозирги тергов жараёнида айrim терговчиларнинг худди шундай ҳукмфармолиги мавжуд. Улар бу ерга келтирилган инсонни одам боласи ўринда кўрмайдилар, сўзлашга кўйишмайди. Ўзлари маъкул кўрган, ўзларини қизиқтирган саволларга зўрлик билан жавоб олиш ва шу орқали бошқа бегуноҳ кишиларни ҳам қийноқ домига тортишни ўйлашади. Гдлян, Иванов, Карташъян ва Московцеванинг иш услублари ана шундай. Улардан шафқат кутиб бўлмайди.

Маъмурий буйруқбозлик системасида биз, қуши раҳбарлар улкан механизмининг ҳуқуқсиз винтларига айланниб қолган бўлсак, бугун терговчилар қўлида ҳам шу вазифани бажаряпмиз. Шунга мажбурмиз, мажбур қилишди.

Тергов жараёни, иш билан танишув вақтида менга оқловчи ёллашга рухсат этишмади. Умуман, фуқаролик ҳуқуқларимни чеклаб қўйишиди, топташди. Ана шу азобларга дош беролмасдан тергов жараёнида икки марта юрак хуружи-инфаркт ва инсультга йўлиқдим. Хасталанган, ҳолсизланган, ҳушам ўзимда бўлмаган вақтларда ёлғон кўрсатмаларга имзо қўйишга мажбур қилишди.

Гдлян ва Иванов ҳамда унинг гуруҳига катта ҳуқуқлар берилганди. Улар судья, терговчи ва ижрочи. Ҳар кимга қамоқ муддатини ҳам ўзлари белгилайди. Бечора судьялар уларнинг кўрсатмаси билан иш юритиб, айтган ҳукмни тасдиқлашдан бошқасига ярамадилар. Тергов жараёнида бераҳм терговчиларнинг "Гдлян фалончини оттирди, фалончинини оиласини қаматтирди, фалончини фалон йилга кестириб, уйини куйдирди", деган гапларини кўп эшигтганман. Ахир, қонун бўйича терговчи эмас, сўнгти ҳукмни суд чиқариши керак эмасми?

Хурматли халқ судъялари! Сўнгти умидим сизлардан. Ўзимни жиноятчи деб ҳисобламайман, бунга виждоним йўл қўймайди. Бугун сизлар кимларнингдир кўрсатмаси билан навбатдаги қурбонни-мени ҳукм қиласизлар. Ҳаммаси сизларга боғлиқ бўлиб қолган. Айбим шуки, сўқирларча, ўйламасдан тепадан берилган барча топшириқларни муҳокамасиз бажардим. Бизни узоқ йиллар шунга ўргатишган. Бугун сизлар ҳам топшириқни бажарасизларми ёки адолатли ҳукм чиқарасизларми, уни билмайман.

Энди бир илтимосим-қолган умримни фарзандларим ёнида кечириш. Тақдир насиб қылса, ота-боболарим қўним топган тупроққа бош қўйиш. Қирқ беш йил бир ёстиққа бош қўйиб, турмушнинг ачинқ-чучукларини бирга кечирган турмуш ўртоғимни кўриш. Биргаликда фарзандларимизга насиҳат бериш. Яшашдан чарчадим, яшашнинг қизиги қолмади.

Бир нарса алам қиласди. Уруш даврида взвод командирлигига тайинланган офицерларнинг тўқсон фоизи уч ой ичида душман ўқидан ҳалок бўлишарди. Менинг эса баҳтим келган-фақат оғир ярадор, контузия бўлиб омон қолдим. Ўшанда Худо омон қолдирганига шукроналар айтганман. Энди билсам, аслида бу менинг баҳтсизлигим экан. Ўшанда душман ўқига учганимда, етим ўсган бир йигит учун ортидан қайғуриб, соч юлиб йиглайдиган одамнинг ўзи ийқ эди...

Энди эса ортимда юзлаб яқинларим, минглаб юртдошларим туришибди. Душман ўқидан эмас, бир умр бирга ишлаган, бир давлатда яшаб, бир қонун ва системага хизмат қилган сафдошлар томонидан маънан ва жисмонан маҳв қилинганиман. Бу жуда қаттиқ алам қиласди! Сўнгти сўзим шу!"

..."Сўнгти сўз"ни суд жараёнини кутиб, узоқ ёзганман. Уни икки қайта таҳрир қилдим ва ўтиз беш варақлик маъруза пайдо бўлди. Бу ўрияда сўзимнинг қисқа баёнини келтирдим, холос. Аслида сўз олиб, икки оғизгина: "Айбдор эмасман, қандай ҳукм чиқариш виждонларингизга ҳавола!", дейиш керакмиди? Балки. Худди шу фикрда барча ёзганларимни бир чеккага улоқтирган пайтларим ҳам бўлган. Мен суддан адолат кутмаганман. Адолатсиз тузумда адолат излаш-коронгу ўрмонда игна излашдек гап эди. У ҳолда бу маъруза нега керак бўлди, дерсиз. Биринчидан, ўтган тўрт йил ичида менинг кимлигим, ҳаёт йўлим, иш фаолиятим билан қизиқсан банда бўлмади. Гувоҳлар ва яқинларим билан бўладиган қисқа учрашувлар қаттиқ назорат остида эди. Демак, судда ўзим ҳақимда, ҳаётим ҳақида, қилингани-қилмаган ишларим тўгрисида сўз айтиш имкони берилганди. Иккинчидан, бизни ўлгунимизча ишлатиб, сўнгра кераксиз маҳбусга чиқарган, қофозларда қонуний, амалда жаҳолатдан иборат бўлган ифлос тузумнинг башарасини кўпчиликнинг олдида, муҳбирлар қаршисида кўрсатиб бермоқ фурсати етганди. Яна Москвада - шўроларнинг марказида туриб айтиладиган бу сўзлар тузумга ўқиладиган адолатли ҳукм ҳам бўларди. Учинчидан, мен фарзандларим олдида ўзимни оқлашими, ота сифатида ўз фарзимни бажармоғим керак эди.

Ҳолсизланган, касалликлар эзиб ташлаган, юрак ҳуружи ҳар сонияда машъум ўлимдан элчи бўлиб турган пайтда сўнгти сўзни айтмасдан Оллоҳ даргоҳига кетмоқ-тақдирни тан олмоқдан бошқа нарса змасди. Сенинг устингдан кулаётган, сени масҳаралаётган, истаган кўйига

солишига қодир бўлган адолатсиз тузум олдида сўнгти дақиқагача таслим бўлишни истамадим. Ана шулар бириниб, сўнгти сўз майдонга келди ва суд залида ўқилди. Шу ўринда яна бир гапни айтай, ўша даврда бўлиб ўтган юзлаб суд жараёнларида кечаги сафдошларим, ҳамкасларим сўнгти сўз оларканлар, асосан айбсизлигини исботлашга, терговчиларнинг ноқонуний тергов услугларини қоралашга қўпроқ эътиборни қаратишганди. Бирортаси аслида ҳамма айб тузумда эканлигини кўрсатиб беришга интилмаганди.

Ҳали Совет давлати яшаётган, коммунистлар ҳукумат тепасида ҳукмрон паллада улар садоқат билан хизмат қилаётган тузум ва давлатга қарши сўз айтиш кутилмаган ҳаракат эди. Ана шу сўзларимнинг ақалли бир неча жумласи ва бир неча иборамни дастак қилиб, мени "тузум ва ҳукуматни ҳақорат қилиш"да айблашлари ва ишларни қайта терговгв юборишлари ҳеч гап эмасди. Уларни сўнгги сўз ёки қаршиларидаги жабрдийданинг аҳволи эмас, мансабу унвонлари тақдирни қизиқтиради, холос.

## Х Б О Б. ҚОЗИ АДОЛАТСИЗ БҮЛСА...

Хукм ўқилиши керак эди. Аммо ҳукм ўқиб бўлинганди. Нега? 11 апрелда, ҳали суд жараёни кетаётган пайтда ўғлим Ҳамдамдан хат олдим. Унда шундай сўзлар бор эди: "Сизга куч-кувват, соғлиқ тилаб, саломлар йўллаймиз. Мен жуда кўп ўйладим, лекин аниқ бир нима дейиш мен учун оғир. Чунки хато қилишга ҳаққим йўқ. Сизнинг бир йиллик эмас, бир кунлик ҳаётингиз ҳам биз учун қадрли.

Энди бир таҳлил қилиб, ўйлаб кўрайликт. Аввалдан айтиб қўяй, оқловчига ишониш мумкин. Яхши инсон. Бизга бўлган ишончи ва муносабатини ҳам текшириб кўришимга тўғри келди. Сиз ҳақингизда кўп гапиради, жон куйдиради. Менга: "Сен билан мен отангнинг оёқ остига ҳам арзимаймиз", деди. Сизга ҳурмати катта.

Аслида, бу фикр б апрел куни қораловчидан чиққан. У ўша куни, биринчи ўн минутлик суд танаффусида "Агарда Мадиёр Худойборганов Учта эпизодни бўйнига олганда эди, ўшанда 43-моддани қўллаш мумкин бўларди. Бунда энг паст муддат берилади", деган. Яъни, "паст" дегани саккиз йил, "энг паст" дегани эса 7 ёки 6 йил.

Кейин суд даҳлизида оқловчиги ёпига чақириб, уч-тўрт минутча гапиришиди. Улар ўртасида, оқловчи айтишича, шундай сұхбат бўлиб ўтган: "Нима қиладиган бўлдиларинг?", "Ўйлаб кўряпмиз, жавобини айтамиш!".

Айнан шу гапни суд мажлиси тугаганидан сўнг судья ҳам айтган: "Қораловчи айтган гапни чуқурроқ ўйлаб кўринглар..."

Адвокат Соколовдан ўзингиз яхшилаб сўраб олинг, у майда деталлари билан тушунтириб беради. Шу ҳақда оқловчи билан ўн купки бош қотирамиз, қандай хуросага келганимизни ҳам ўзи айтиб берар.

Демак, бу бизнинг охирги имконимиз. Бу таклиф, аслида, судья, Қораловчи ёки оқловчидан эмас, тепада каттароқ раҳбарлардан чиққан бўлиши ҳам мумкин. Яна ким билади? Менинг судья ҳақида фикримни бўйлоқчи бўлсангиз. У жуда шум, ўз фикри йўқ одам. Соколов унга жуда яхши таъриф беради, сўраб кўринг.

Прокурор масаласи. Бизни алдашнинг унга зарур жойи йўқ. Тартибли одам кўринади, ишонса бўладиган. Агарда муттаҳамлик қилгиси келганда, буни олдинроқ қилган бўларди. Суд жараёнида у оқловчи ёнига икки-уч мартагина, унда ҳам сўнгти куни келди.

**Азиз отажон!** Албатта, мен "энг паст"ини хоҳлайман. Шунда келгусида яхши бўлади. Агарда олти ёки етти йил беришса, май ойнда бўладиган Фалаба куни шарафига амнистияда озодликка чиқишингизга умид бор. Лекин сўнгти қарорга келиш сизга боғлиқ. Агарда келишсак, 16 апрел куни адвокат суд мажлиси бошланиши арафасида прокурор олдига боради, шундай савол беради: "Ҳаммаси кучида қоладими ёки йўқми?" Фақат шундан кейин маълум фикрни айтиш мумкин. Сиз сўнгги сўзингизда жазони Ўрта Осиёда, Ўзбекистон ёки Қозогистонда ўташга рухсат беришларини сўранг. Шу ҳақда изолятор орқали Ички ишлар министрлигига ҳам хат ёзинг.

Камоловнинг ўғли Муродин кўргандим, айтишича, отасини жазони ўташ учун Қозогистонга жўнатишимоқчи экан. Ҳозир Андижонда бўлаётган кимнингдир судида иштирок қилаётган экан.

Нукус ва Элликкальъада Примов ва Канёзовнинг судлари бўлмоқда. Ражабовнинг суди тугабди, судгача ётган муддатини ҳисоблаб, озодликка чиқаришибди. Бечора Қосим ака Нурумбетов оламдан ўтибди. Оғир касаллити бор экан.

Яна бир масала: келажакда сизларни "тургушлиқ қурбонлари" деб сиёсий жиҳатдан оқлаш қачон бўлади? Албатта, бўлади, аммо қачонлиги номаълум..."

Ўғлим Ҳамдам узоқ йиллар давлат ишларида ишлаган, давлат, ҳуқуқ нималигини биладиган йигит. Синчков, мулоҳазакор. У менга мазкур вариантни фарзанд сифатидагина эмас, балки соҳанинг билимдони сифатида ҳам таклиф қилганди. Акс ҳолда, ишлар тагин мураккаблашиб, терговга қайтиш, яна Худо билади, неча йил қийноқда, азобда яшаши... Нега керак? Шундоқ ҳам соғлигимнинг мазаси йўқ, энди у ўтган азобларни қайта бошдан кечиришга менда на куч, на соғлиқ бор.

Шу боисдан ҳали оқловчи билан муфассал гаплашмасдан туриб, Ҳамдам берган хатни унга қайтариб юбордим. Охирида ушбуларни илова этдим: "Ҳамдам! Хатингни ўқидим. Тушундим. Менинг фикрим ҳам шундай. Ҳаммасини рад қилган Камолов, Усмошхўжаев, Айтмуротов нима бўлди? Энди тақдиримдагини кўраман. Менинг ишончим ҳам, таянчим ҳам сизлар.

Бугун "кундалик дафтар"имни, "иш"нинг ҳамма қоғозларини оқловчига бериб юбордим. Ҳаммасини ўзинг олиб сақла. Нима бўлса, пешонада ёзилгани бўлади. Сизларга соғлиқ тилайман.

**Отангиз. 1990 йил, 11 апрел".**

Оқловчи ҳам кўзимга тик қараб, бўладиган гапни айтди: "Уч эпизодни бўйинингизга олмасаңгиз, қийнашади. Чунки тергов гуруҳи сизнинг устингиздан эллик том "иш" яратган, уч ярим йил ҳисбда сақлаганлар. Улар буни осонликча қўлдан чиқармайдилар. Ҳаммасини қайтадан бошлашлари ҳеч гапмас. Бу эса қиёни жараён. Тағин гувоҳлар, тагин юзлаштиришлар, тагин асаб емириш... Ўйлаб кўрининг. Мен сизнинг

Жиноятчи эмаслигингизни яхши биламан. Аммо бу ерда ожизман. Бу ерда қандайдир фигтна бор. Тепадан кимдир бошқараётган кўриниади. Судья ҳам, прокурор ҳам фақат бир гапни такрорлаб ётибди..."

Мен уч эпизодни бўйнимга олишга розилик бердим. Сабаби мен тан олган эпизодлардаги "жабрдийдалар", яъни "пора берган бандалар"ният ҳаммаси қамалган, жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққан кишилар эди. Айнан ана шу "иқрорлари" учун ҳам Гдлян кўрсатмаси билан суд уларни муддатидан олдин озодликка чиқарганди. Агарда бу эпизодларни рад қиласам, иш терговга қайтса, улар тагини бошоғриққа дучор бўлишлари, иш ҳақиқатга томон юз бурса, ёғон кўрсатмалари учун тагини қамалишлари ҳеч гап эмасди.

Менинг эса ҳеч кимдан норози жойим йўқ, ҳатто душманимният ҳам бу ёвузлар қўлида, ажал камераларида бир сония ётишлариши истамайман. Шу боисдан уч эпизодни тан олиш бир томондан жаллодлар билан келишиш бўлса, яна бир томондан гувоҳларга иисбатан инсонийлик муносабатим эди. Учинчи йўл йўқ эди. Ниҳоят, суд ҳукмни ўқиди.

Ана сизга ҳукм. Ана сизга томоша! Қози адолатсиз бўлса, арзигитни кимга айтасан? Умуман, ҳукмда ҳеч қандай шикоятга ва ҳатто прокурор протестига ҳам ўрин қолдигирлами. Шундай қилиб, менинг энг сўнгти Конуний ҳуқуқим ҳам барбод қилинди.

Айттанимдек, ҳукм олдиндан ўқилган, биз жабрдийдалар ва гувоҳлар кўп овора бўлиб ўзимизни оқлаш ва ҳақиқат излаш билан банд эдик. Эссизгина кетган вақт!

Мен судгача уч ярим йил қамоқда ётдим. Буният учун кимдир жавоб бериши керак бўлармиди? Бўларди. Лекин, ким? Гдлянми, Ивановми ёки улардан сўнг "иш"ни ўрганиб, судга ўтказган "адолатли" терговчиларми?

Ҳеч ким! Бўри бўрини ёрмайди. Уларният тили, дили, мақсади бир эди. Нима қилиб бўлсада- ҳукм қилинсин! Жазонинг энг пастими, юқорисими берилсан, яъни Худойберганов айборд, деб топилсан. Шунда сих ҳам, кабоб ҳам куймайди, қонунсиз ўтирганим уч ярим йилни ҳам ана шу ҳукм ўз домига ютиб юборади.

Шу боисдан мен судъялардан ҳам норози бўлмадим. Уларният чекига тушган буйруқни сезиб туардим. Шу учун улар гоҳ қораловчини, гоҳ оқловчини ўргада воситачи қилиб, мени энг паст муддатли жазога рози бўлишга кўндиришга уриндилар. Савдо пинҳон эмас, очиқча олиб борилди.

Ана сизга одил Совет суди!

Савдогар ва фирибгар суд!

Хўш, мен барча эпизодлардан тонсам, гувоҳлар тонишса (Авезов тонди-ку!) суд нима қиласарди? Ишни қайта терговга жўнатарди.

Гдлянчиларнинг яна бир совун кўпигидек "иши" ёрилиб кетарди. Кейин бир-бирини қоропгида топган терговчилар (бутун ҳуқуқ тизими) менга навбатдаги неча эпизодни ёпиштириш учун жонини жабборга берар, тағин кўплаб кишиларнинг ороми бузиларди.

Агарда соғлигум йўқолмаганда, ҳозиргидан 10-15 йил олдинги куч-қувватим бўлганида мен ишни охиригача олиб бориш учун курашган бўлардим. Аслида бу бир тасалли эди. Бу ерда ноҳақдан қамоқда ётиб, бир нарсани аниқ билдим, агар минг йил ҳақиқат учун курашсанг ҳам, бу қозилар билан уни юзага чиқариб бўлмас экан.

Фарзандларим уч йил давомида Московга қатнашди, тирикчиликлари зўрга ўтиб турган, барча пул-буюмлари, мол-мулклари гдлянчилар томонидан тортиб олинган пайтда уларга ҳам сира осон эмас эди. Мен шуларни ҳам ўйлашим керак бўлди.

Москвада-империя пойтахтида ётган пайтимда сездимки, бу ердагиларнинг бизларга сира ҳушлари йўқ эди. Умуман, иш терговга қайтса, унинг натижасидан умид борми? Эндиликда кимлар, қандай кимсаларга ўлжа бўлиб тушаман? Худо билади? Беш-үн соатлаб терговчи қаршисида сўроқ беришга на тоб, на асаб бор!

Бу лаънати терговчиларнинг қошида бир соат сўроқ бериб тургандан кўра бир ой зонада қамоқда ётган минг карра афзал бўлса керак, деб ўйлайман.

**Мен тақдирга тан бердим.**

Суддан олдин ҳам "адолатпеша ҳуқуқшунослар"га ишончим йўқ эди. Адолатсиз қозилар буни яна бир карра исбот этдилар, холос. Бугун менга суд-Совет давлатининг ҳуқуқ тизимининг жирканч, аянчли бир бўлаги эканини яна бир бор кўрсатди.

## ХІ Б О Б. ОЗОДЛИК УЗОҚ ЭДИ...

Фалсафани четга қўйай, шундоқ ҳам бу лаънати баённомалар асабимга тегди. Уларни қайта эслашга мажолим йўқ.

Келинг, ҳаётта- "кундаликлар"га қайтайдик. Унинг эндиликда сарғайган сатрлари бағрида ҳақиқат қиёфаси "мана мен!" деб турарди.

20 апрел. Жума.

Бугун ўғлим Ҳамдам ва хотипим билан учрашишга рухсат тегди. Улар билан телефон орқали гаплашдим. Мен деразанинг бу томонида, улар у томонида.

21-22-23 апрел кунлари.

Ҳеч ишма қилимадим. Хастаман, иссигим баланд. Газеталар яна бир ёлғонни дўмбира қилишмоқда:

"Т.Гдлян раҳбар бўлган СССР прокуратураси тергов гуруҳи фаолиятини ўрганиш учун тузилган комиссия материалларини кўриб чиқиб..."

СССР Олий Совети қарор қиласди:

1. Комиссия ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Шу билан комиссия фаолияти тўхтатилган, деб ҳисоблансин.

2. СССР халқ депутатлари Т.Гдлян ва Н.Ивановнинг қонунсиз хатти-ҳаракатлари қоралансин.

3. СССР Бош прокурорининг халқ депутатлари Т.Гдлян ва Н.Ивановни жиноий жавобгарликка тортиш ҳақидаги сўрови рад қилинсин. Уларни эндиликда СССР прокуратурада ишлаши лойиқласлиги учун прокуратура органларидан бўшатишга рухсат қилинсин.

4. . .

5. . .

СССР Олий Совети раиси

А.Лукъянов

Москва, Кремль. 1990 йил 18 апрель".

"Правда" 20 апрел сонида менинг устимдан бўлиб ўтган суд жараёни якунлангани ва ҳукм эълон қилингани хусусида расмий хабар эълон қилди. Унинг суд ҳукмидан бир сатр ҳам фарқи йўқ.

24-25-26 апрел.

Камерада ётибман, касалман. Ювиниш учун ҳаммомга боришга ҳам мажолим йўқ. Сайрга ҳам чиқмаяпман. Совуқ сув билан артингандим,

**қаттиқ шамоллабман.** Туни билан иссигим баландлигидан ухлай олмадим. Бурун оқиб, роса безовта қилмоқда.

Куннинг иккинчи ярмида оқловчи билан күришишга рухсат беришди. Соколов билан энди нима қилишим мумкинлиги ҳақда маслаҳатлашдим. Қайтишда рухсатсиз йўл-йўлакай дўхтир ёнига кирдим. Дўхтир аёл кимлигим, нима безовта қилаёттани билан мутлақо қизиқмади ва шамоллашга қарши ҳапдори берди, холос.

**24 апрел.**

Хастаман, камерада ётибман. Сайрга ҳам чиқолмадим. Бурним оқиб, тўхтовсиз бош оғриғи азоб бермоқда, юрагим безовта урмоқда.

**25 апрел.**

Тушлан кейин янги терговчи келди. Илюхиннинг гуруҳидан. Можаев деган киши. Юсуфбойдан мусодара қилинган буюмлар тўғрисида сўради. Мен гдлянчиларнинг босқинчилик қилиб нималар олганини кўрмадим ва билмайман, дедим. Терговчи ҳузурига борганимда ҳам ҳароратим баланд эди.

**26 апрел.**

Туни билан йўтал азоб берди. Нафас олиш оғир. Лекин хонада димақиб кетганим боисдан бир илож қилиб, соат 11 дан 12 гача рухсат қилинган сайрга чиқдим.

Кеча хасталигимни айтиб, тиббиёт бўлимига ариза ёзганимга қарамасдан холимдан хабар оладиган бўлмади.

Кўтариб юриш мушкуллигидан шахсий буюмларимни омборга топширдим.

**27 апрел.**

Жуда вақтли турдим. Ювениб, соқолимни олдим. Икки ҳафтаки касаллигим боисдан бошимни ювмагандим. Бошимни ювдим. Бурнимдан сув оқиши тўхтаган, ҳароратим тушган бўлсада, қуруқ йўтал азоб бермоқда. Нафас олишим оғир, томогим қақраб, йўтал тутгандা лабларимда оғриқ пайдо бўлади.

Дўхтир эса келмади...

Эрталабки сайрга бордим. Қайтгач, аҳволим ёмоплашди. Касаллик қайталанди, шекилли.

Ёлғиз ўзинг қолсанг қийин. Сўзлашадиган, кўнглингни бўшатадиган бир тирик жон йўқ. Қўшни хонадагилар эшикни тепишади, қичқиришади, лекин бундан фойда йўқ. Бу шундай жойки, унга халқ назоратчилари, инспекторларига йўл йўқ. бошлиқлар инсонга ғамхўрлик деган тушунчани унтиб юборишган. (Умуман, бу тушунча уларнинг лугатида бўлмаган). Маҳбусларнинг аҳволи қаиҷалик ёмон бўлса, уларга шунча яхши.

Ҳаммасининг қўлида елим калтак. Ҳаммомга, сайрга, терговга, дўхтирга калтак остида олиб боришади. Улар шундай дейишади:

"Сизларни хўрлаш-бизнинг қундалик юмушимиз. Бирор буюмни яроқсизга чиқариш қийин, одамни йўқ қилиш эса ҳаммасидан осон". Бу уларниңг касби ва ҳунари. Азоб бериб майиб-мажруҳ қилган одамини қочмоқчи эди деса, ўлдирған одамини тўсатдан жон берди ёки ўз жонига қасд қилди, деб акт тузиб қўя қоладилар.

Шўро раҳбарлари эса оғизларини кўпиртириб қичқиришмоқда: "Хуқуқий давлат қурамиз! Энг демократик, инсонпарвар тузум яратамиз!" Булар ҳаммаси чўпчак. Бу мансабларини сақлаб туришининг йўли.

Қайта қуришининг ўтган беш йилида қуруқ гапдан бошқа нима иш қилинди? Бир йил муқаддам Горбачев: "Қайта қуриш Сахалингача етиб борди", деб маъруза ўқиди. Аслида қайта қуриш Московдаги бақироқлардан нарига ўтгани йўқ.

Қамоқхоналарда инсон боласи кўрмаган азоб, тасаввур қилиш қийин муҳит, шароит. Хоналар вайрон, чакка ўтиб ётибди. Зах, совуқ. Ҳатто энг афтода чўчқахона ҳам бундан яхшироқ бўлиши мумкин. Ҳайвонларга гамхўрлик бу ердагидан кўп карра афзалроқ...

Чорвачилик фермалари имкон қадар йилда бир марта таъмиранади. Ёзда шамоллатилади, қишида таги тозаланади. Ҳатто иситилади. Бу ерда, беш-олти минг маҳбус банди қилинган дўзахда Совет ҳукумати тузилгандан буён бирор марта таъмирлаш ўтказилмаган бўлса керак.

Бу муҳитда соглом одам касалга, ақули аҳмоққа, тартибли жиноятчига, байнамилалчи мислатчига, ватанипарвар юрг душманига айланиси ҳеч гапмас. Банди буни истамаган тақдирда ҳам яшаётган муҳити, унга бўлган муносабат, турманинг ифлос ҳаёти шунга ундайди.

Бу макон ҳамма вақт ошкораликдан четда қолиб келган. Ҳали бирор журналист қамоқхоналардаги ваҳшиёна муносабат, ит ётиш, мирза туриш ҳақида халиқа ҳақиқатни айтганича йўқ.

Фақат А.Солженицининг "ГУЛАГ ороллари" асари бор, холос. Аммо унинг ўзи ҳам асари каби қувғинда.

Дунё адабиётини, классикларни кўпроқ ўқиш керак экан. Айниқса, Достоевский ва Л.Толстойнинг асарларини мен севиб ўқидим.

Бизнинг бугунги сиёсий, тарихий ва адабий асарларимизда ёлғон гаплар, ширин ваъдалар кўп.

28 апрел.

Ҳаво рутубатли, тумән, ёмғир.

Бугун сайдига чиқолмадим, чунки кечаги сайдан сўнг мазам қочди. Ҳароратим пасаймаяпти, аъзои баданим қалтираб, қаттиқ йўтал азоб бериб, ярим ўлиқ ҳолда ётибман.

26, 27, 28 апрел кунлари Рамазон. Ҳайит кунлари. Бундай пайтда ким ўз тугилган тупроғи, эрка болалиги ўтган азиз гўшпани эсламайди

дайсиз? Буваси, момоси, ота-онасиңинг насиҳатомуз сўзларини ким хотирасидан чиқара олади? Тенгқурларинг билан турли ўйинлар. Бегалва, беташвиш айём... Жисмоний ва руҳий куч-куват эгаси бўлган пайтларинг. Тажрибасиз ёшлик. Ақлли кексалик. Ўй ва хаёлларга чўмганингда нималарни ўйламайсан, эсламайсан ва орзу қилмайсан киши...

Олтмиш еттига кирдим. Томирларимда энди қайноқ қон оқаётганий йўқ. Юрак оҳиста ва безовта урмоқда. Умримнинг кечи тушиб, туни бошланмоқда.

Инсон ҳаёти қизиқ, гарчи у ... Суқрот айтган: "Инсоннинг тана гўзаллиги унинг ички гўзаллигининг ташки ифодасидир". Суқрот донишманд.

Сўнгги йилларда Шўролар давлатида ғалати воқеалар, иш ташлашлар, норозилик намойишлари бўлиб турибди. Уларнинг илдизи қаерда?... Ҳали тўлиқ ўрганилганича йўқ. Ҳар бир инсон бу вазиятга ўзича баҳо бериши аниқ.

Гдлян ва Иванов гумашталари юртимизини хўрлаб, азоб ботқоғига ботиришди. Бизга, ота-боболаримизга туҳмат тошлари отишди. Покиза тупроғимизни тепкилади. Иймон-эътиқодимизни ерга урди, шон-шуҳратимизни оёқ ости қилди. Ҳали вақт ким ҳақ, ҳақиқат қайди, бўхтон қайдалигини кўрсатади. Бу аниқ. Лекин мени бугун заҳматкаш халқимизнинг ўз шаънини ҳимоя қила олмаётгани ташвишлантиради. Бу қачонгчача давом этади? Амир Темур ва Жалолиддинга ўхшаганлар қачон туғилади?

Бизларнинг бошимизга тушган "ўзбеклар иши" вақт келиб одамларнинг хотиридан кўтарилиши мумкин, аммо бу шармандали даврни тарих унутмайди!

29 апрел.

Эрталаб нонуштадан олдин ҳаммомга олиб боришиди. Эркинроқ юванишга имкон беришиди. Кирларимни ювдим.

Ҳаммомдан сўнг терлаб, сал ўзимга келгаңдай бўлдим, тушгача тинч ухладим.

Сайрга чиқмадим, олти кунки сигарет чекмаяпман.

Кечқурунга яқин яна мазам қочди. Дўхтиранд ҳамон дарак йўқ.

Тун бўйи тишим оғриб, юрак безовта қилди.

30 апрел.

Ҳаво очиқ. Эрталаб тоза ҳаводан нафас олиш учун сайрга чиқдим. Тишим қаттиқ оғрияпти, ион тишлашга қўйналяпман. Нонини сувга бўктириб, бир амаллаб ютган бўлдим. Май байрами арафаси. Шу ерда байрамни энди тўртингчи марта кутиб олишими.

1 май.

Эрталаб нонуштадан сўнг кичкина ҳовличага бир соатлик сайрги

олиб чиқишиди. Одатдаги кун. Сира байрамга ўхшамайди. Бизга бўлган муносабат ҳам одатий. Ҳали соғайиб кетмадим...

Кечқурун ёмғир ёға бошлади.

Радиода бериладиган эшиктиришлар эса зерикарли. Бир қолипда. Янгилик йўқ, мухбирлар бир хилдаги репортажларни беришяпти. Республикаларда нималар бўлиб ўтмоқда? Московда нима гап? Ноаник.

2 май.

Ҳамхонам фақат ётиб ухлайди. Сайдан сўнг тагин мазам қочди. Тиш оғриғи тинимсиз азоб бермоқда. Шамоллаш ўтмаган. Хона совуқ, ёқимсиз шамол уриб туради. Хонанинг панжарали дeraзасида ойна йўқ.

Турма назоратчилари бугун негадир қўпол муомалада бўлишиди... Байрамда ичишган, оиласарида бирор гап-сўз ўтган ёки ҳали бош оғриқлари тарқамаган бўлса, аламини биздан олишдими?..

3 май.

Эрталаб қўрқинчли бир ҳолда уйғондим. Юзим тиш оғриғидан шишиб кетган. Йўтал бетипим тутмоқда. Юрак безовта, ошқозон ҳам азоб бера бошлади.

Турдим, бир неча қадам юрмасдан бошим айланиб, суюниб қолдим. Қайта ўрнимга ётишга мажбур бўлдим.

Хаёлимда бир фикр айланарди: "Ўрнимдан тура оламанми, нонуштани қандай ейман, умуман, сайдага чиқа оламанми? /ху/ бу хона одамни ютиб юбораман дейди!".

Минг азоб билан сайдага чиқдим.

Байрам ва одатдаги кунлардан иборат азобларга тўла тўргт йиллик ҳаётим Москов ҳибсхоналарида ўтмоқда.

Эслаш оғир. Гдлян, Иванов каби малъунлар ўргатган ёлғон кўрсатмаларни бир-бирилизнинг юзимизга айтган онларни эслаш азоб. Вақт келиб бир-бирилизнинг кўзимизга қарашга қўрқиб қолдик. Чунки ҳаммамиз тўтиқушлардек ёлғонни тинмай сўзлашга ўргандик.

Хотиралар оғир. Унинг тарихи узун.

Яна бир азобли кун ўтди.

4 май.

Ҳаво сал исиди.

Турма фельдшери келиб, йўталга қарши дори берди. Шамоллашга қарши дориси йўқ экан.

Миямда турли бўлмагур фикрлар ўралашиб қолдик. Булар-умр, ҳаёт ва ўлим ҳақида. Кўпинча фронтда ҳалок бўлсан яхши эди, ортимда кўз ёш тўкиб қоладиган одам бўлмасди, деб ўйлайман. Ҳозир-чи, фарзандлар, неваралар, бу уларга маънан таъсир этса керак.

Бу аниқ.

Ўлим-ҳақ. Инсонни, у қаерда бўлишидан қатъий назар, топади. Бир бошда бир ўлим бор. Ундан қочиб қутилолмайсан. Аммо бу ерда,

яқинлардан йироқда якка-ёлғиз, ҳибсхонанинг тор ҳужрасида ўлим топиш. Бу даҳшатли.

Ҳар доим юрагимни шу каби ўйлар эзид, яшаш жонимга тегиб кетганида, шундай хаёлларга бораман. Хаёлимда бир савол чарх уради: "Қолган умрим мана шу түрт девор ортида ўтиб кетармикан?!"

Үзимни тинчлантираман. Йўқ, яшашим керак, фарзандларим бағрига қайтишим, энг асосийси, кўрган-кечиргандарим, мен яшаган ва ишлаган давр ҳақида ҳақиқатни айтишим керак. Керак эмас-шарт!

5 май.

Соғлигим сал тикланди, кайфиятим сал кўтарилиди. Кўпроқ ҳаракат қилишга уриняпман.

Ўтган йили худди шу куни Лефортоводаги терговхонага боргандим. Бир йил муқаддам "Правда"да Гдляни қораловчи илк мақола чиққан, шундан сўнг у ишдан четлатилиб, гуруҳ бошлиги қилиб Галкин тайинланганди. Олдинги терговчилар ўз иш ўринларида қолавердилар, иш услуби ўзгармади. Фақат бошлиқ янгиланди. Улар дағдага ва қўрқитиш билан Гдлян бошлаб кетган "ишлар"ни тезроқ ниҳоясига етказишга уриндилар.

6 май.

Мунгазам жисмоний тарбия билан шугулланишга, куч-қувватни тиклашга ҳали эрта. Йўтал тарк этмаган.

Эрталабки нонуштага арпа ёрмаси беришди. Тушликда макарон ва ловия. Кечқурунга балиқ шўрва. Фақат балиқнинг таъми келади.

Кун тинч ва осойишта ўтди. Ҳамхонам Борис ўринида ётибди, гоҳ нимадир ўқийди, гоҳида эшишиб ётади. Қўшни камераларда шовқин-сурон.

Кечқурун радиодан Гдлян ва Ивановнинг мамлакат Президенти Горбачевга туҳмат қилишгаётгани ҳақида хабар беришди. РСФСР халқ депутати Корягина шу ҳақда гапирди.

"Бирорвга чоҳ қазима, ўзинг йиқиласап", деб шуни айтсалар керак.  
7 май.

Бугун сайдр учун чиқарган ҳовли сал кенгроқ экан. Лекин ҳамма ёғи ифлос. Ўтиришга ўриндиқ йўқ. Фақат тик туриш ва юриш мумкин.

Биринчи майдан сўнг бирорта ҳам газета келтиришмади.

8 май.

Эрталабдан туман, ҳаво салқин.

Ҳаммомга олиб боришиди. Тушликдан олдин куттилмагандан ўслим Ҳамдам билан учрашувга чақиришиди. У хизмат юзасидан Московга келган экан. Телефон орқали гаплашдик. Бир-биримизни ойнадан кўрамиз, гапни телефондан эшигтамиз.

Кечқурун овқатланишдан олдин ўслим келтирган озиқ-овқатларни беришиди: 1700 грамм колбаса, бир килоча олма, 500 грамм сариёф, 800

грамм помидор ва бодринг, 200 грамм саримсоқ, 300 грамм конфет ва 500 грамм қотирилган нон, ҳаммаси белгиланган месъёрда - беш килограмм.

9 май.

Ғалаба куни. Одатий кунлардан, байрам эканини сезмадим. Ахир, бугун урушда қозонилған ғалабанинг 45 йиллігі! Мен уруш қатнашчысы, уруш ногирониман.

Президент қамоқхоналарда қийналаётган биздек уруш қатнашчыларини унүтиб іоборған. Ҳатто умумий авфда бу ҳақда бирор аниқ тап үйк.

45 йыл мұқаддам жантогохларда олған жароқатим бугун ўз асоратини күрсатмоқда Тұғри, вәқт жисмоний жароқатларни даволайды, аммо маңнавий жароқатларни-чи? Хүрләниш, ҳақоратланышдан ёмон жароқат үйк. У ҳар қандай ўқ ва осколкалардан ёмон.

Ғалабанинг 45 йиллігі кунида жамият, тузумнинг умумхатолари учун қамоқда үтириш алам қылади.

Ахир мен шу тузум учун қол түкдім, шу жамиятни асраб қолиши мақсадым бўлди. Бунинг учун соғелитимни үйқотдим. Келиб-келиб шу биз сақлаб қолған жамият, тузум бизни жиноятчига чиқарди.

Балки, ўша ғалаба бўлмагани яхшироқмиди?..

10 май.

Байрам муносабати билан бўлиб ўтган тантанали йиғилиш ҳисоботини газетада ўқидим. М.Горбаев маъруzasида шуңдаи сўзлар бор: "Бугун ватандошларимизнинг қалбидаги эҳтиром уруш иштирокчиларига қаратилған. Бизлар улар олдида ҳар доим қарздормиз... Фронг Боку ва Волга нефтисиз, ўзбек ва тожик пахтасисиз шима ҳам қила оларди?.. Уруш 27 миллион кипининг ёстиғини қуритди, миллионлаб кишилар ярадор, контузия бўлиб қолдилар..."

Қандай чиройли сўзлар! Фақат қоғозда. Ҳаётда эса ... Мен каби қамоқда ётган собиқ жангчилар қанча? Масалан, мен нимага қамоқдаман? Фронтни таъминлаган "ўзбек пахтаси" туфайли. Бугун орамизда олти миллион нафар уруш қатнашчиси бор экан. Уларнинг бир миллион нафари ярадор ва контузия бўлиб қолганлар. Уруш қаҳрамонлари шарафига минглаб ёдгорликлар ўрнатилди, аммо тирикларга бўлган муносабат...

Ҳамхонам, ашаддий жиноятчи Борис бундай деди: "Қамоқда ўтирган пайтда кўп қайғурмаслик керак, озодликка чиққанингда кўп ҳам қувонмаслик..."

Иккимизни сайрга чиқаришди. Кечқурун овқатдан олдин Ҳамдамдан яна озиқ-овқатлар олдим. Фарзанларининг отани байрамда унугмасликлари қандай яхши. Фақат шу ҳис яшашга ундейди.

...Кечқурун турма бошлиги Семенёв номига ариза ёзиб, қабул қилишини сўрадим.

**11 май.**

Мана, табиатда баҳор. Шоир "Сен баҳорни согинмадингми?" деган экан... бу кунлар мен учун зимистон. Озодлик мен учун баҳор бўлади.

Ҳаётимда ҳамма нарса бўлди: очликдан, ўлимдан қўрқиш, яқинларимнинг қамалишидан ҳадиксираш, барчасидан омон қолганим қувончлари. Тагин хизмат пиллапоялари, мукофотлар, имтиёзлар, хурмат-эҳтиром ва ... ҳибсга олиш, суд ва ҳукм...

Инсон ҳаёти шундай қарама-қаршиликлар қураши экан.

...Кун охирида адвокат келди, янги газеталарини берди. Ҳамдамнинг қайтиб кеттанини айтди...

**14 май.**

Тунлари совуқ, ҳатто йиртиқ одеял устидан чопонимни ташлаб ётсамда исинолмайман. Эргалаб ўрнимдан туришим азоб бўлди, чой ичдим. Арпа ёрмасидан нонушта экан, емадим...

**15 май.**

Эргалаб ҳаммомга олиб боришиди. Аҳволим дурустроқ. Бугун кўчма ларёк келтиришиди, бир бўлак оқ нон, қанд, печенье, конфет ва тамаки олдим. Лекин тамаки ўзимга эмас!..

Кечқурун соат олтиларда қўлимга ҳукм нусхасини беришиди.

**16 май.**

Эргалаб қамоқхона бошлиғи номига ариза ёзиб (иккинчи марта) қабул қилишини сўрадим. Тушдан сўнг бошлиқ эмас, ўринбосари қабул қилди. У билан бирор масалани ечолмадик, бирорта саволимга ҳам жавоб беролмади. Шундай экан қабул қилишдан мақсади не? Фақат аризани жавобсиз қолдирмаслик учун эканлиги кўриниб турибди.

Бугунги куннинг ташвишлари эргалабдан сезилиб турди.

Эргалаб ҳамроҳим Борис Сучилинни олиб кетишиди. Ёлгиз ўзим қолдим. Сайрга чиқишига рағбат сезмадим. Ниманидир кутиб ўтиридим. Соат ўнларда юкларим билан тайёр бўлишимни айтишиди. Юкларимни олиб боксда ўтиридим. Ниҳоят, кечқурун бошқа изоляторга (Красная Пресняга) кўчиришиди. Бу ерда шифокор кўрди ва укол қилди. Бошим айланаб, ҳушимни йўқота бошладим. Тунги бирларда тўрт киши ётган изоляторга келтиришиди. Бу турманинг санчасти (касалхонаси) эди.

**19 май.**

Кеча туни билан ўрнимдан туролмай ётдим. Кечқурун яна бир ёш маҳбусни келтиришиди. Унинг ҳарорати биланд эди, гавдасини тиклаб туролмасди, хонага киритишлари билан полга қулаб тушди, бошини темир кроватга қаттиқ уриб олди...

Энди олти киши бўлдик.

**20 май.**

Куни билан беҳол ётдим. Кечқурун турма бошлиғи номига яна ариза ёздим.

**21 май.**

**Радио йўқ.** Олам билан алоқа узилган. Шаронт ёмон. Тиззамда ўтириб ёзяпман. Сайрга чиқмаяпман. Идиш-товоқ етишмайди, ҳамма бир эски стакандан навбатига сув ва чой ичади.

**Ҳамхоналарим** рус йигитлари. Баъзида жўжахурозлардек муштлашиб кетишади. Ҳаммаси ёш болалар.

Бугун мени бошлиқ ўринбосари бўлмиш подполковник чақиртирди, лекин бирор саволимга ҳам жавоб беролмади ва фақат ҳал қиласман, деб ваъдалар берди.

**22 май.**

Кечада 37 яшар Алексей юклари билан зонага жўнаганди. 25 яшар жуда топқир Дмитрий, 22 яшар содда Константин, 26 яшар, кундузи ухлаб, туни билан ўтириб чиқадиган камган Владимир ҳамда 24 яшар, касалванд, олти йилга кесилган Михаил билан бир хонадамиз.

Кечаги подполковник чақириб, саволларимга жуда мулојимлик билан жавоб қайтарди: оқловчим билан учраштириш, юкларимни бирорвга бериш ёки жўнатиш имкони йўқ экан. Мени 27 май куни Тошкентдаги қамоқхонага жўнатишларини айтди. Кузатиш учун фельдшер ажратишмоқчи бўлибдишлар, аммо кўп маблаг талаб қилиши учун режадан воз кечипиди. Шу боисдан юртдошларимдан бирортаси билан мени жўнатишмоқчи экан. У юкларимни кўгаради ва узоқ йўлда касалимга қараб ҳам борармиш...

**23 май.**

Фельдшер хасталарга дори тарқатди. Ҳаммага бир хилдаги дори. Ҳатто касалинг нималигини сўрамайди.

Тушдан сўнг камерага яна уч маҳбусни келтиришди. 11 ўринли камерада энди саккиз маҳбус бўлдик.

Ҳаммалари касал, бирорининг ўпкаси шамоллаган, бирорининг жигари оғрийди. Шифокор йўқ. Фельдшер ҳар уч кунда бисотидаги бир хилдаги дориларни тарқатишни билади, холос.

**24 май.**

Радио йўқ, газета беришмайди. Кўшини хонадагилар билан девор уриб, рўпарадагилар билан эса имо-ишора билан гаплашадилар. Маҳбусларнинг аксари кундузи қўйт этмай ухлайди ва туни билан ўтириб, ухламасдан чиқадилар. Гап-сўз йўқ. Фақат хаёл суринш.

**25 май.**

Жуда вақтли турдим, лекин кун бўйи ётдим. Дима деган бола туни билан мижжа қоқмади. Володя нималарнидир чизиш билан машғул, қолгаюлари эса сўкишиб-сўкишиб карта ўйнашади.

**26 май.**

Қамоқхона тартибини бузгани учун ҳамхонамиз Константин Мачаловни карцерга жўнатишди. У деразадан қўшини камерадагиларга "мактуб" етказиша кўлга тушди.

**27 май.**

Тунги бирларда ўрнимдан тургазиши. Соат учларда Москванинг Қозон вокзалига олиб бориши. Ҳамхоналарим яхши хайрлашиши.

Қозон вокзалида поездга ўтириб, қайси томонгадир жўнадик. Манғитлак Ўринбой Шомуротов деган йигит менга ҳамроҳ ва кузатувчи, юкларимни кўтаришида ёрдам берди.

Вагонда беш маҳбусмиз: икки қозоқ, бир ўрис ва бизлар икковлон.

**28 май.**

"Столипин" деган маҳсус вагондамиз. Рязанда уч, Пензада тағин икки маҳбус бизларга қўшилди. Тушда Куйбишевга етиб келдик. Бизларни шу ердаги қамоқхонага олиб бориши. Туни билан бетон полда ўтириб чиқдик.

**29 май.**

Эрталаб ҳаммомга олиб бориши. 18 маҳбусга мўлжалланган камерада 38 маҳбусмиз. Бирор ухласа, бирор тик туришга мажбур. Мендан бошқа ҳаммаси ёшлиар. Шунинг учун менга тегишили жойга ҳеч бирининг даҳли бўлмади. Яна мен касал бўлганимдан қўзгололмай ётибман. Бугун, ниҳоят, кутилаётган поезд келди. Куннинг иккитчи ярмида Куйбишевдан чиқиб кетдик. Жами ўн беш маҳбусмиз, икки ўсмири ҳам бор.

**9 июн.**

Тунги иккиларда Тошкентта келдик. Бизни турмага келтириши. Тинтувдан сўнг бошлиқ қабул қилишини илтимос қилдим. Бошлиқ хонасигача бир аёл кузатиб борди.

Бошлиқ қабул қилди. Сўнг кечтагча боксда ўзим ёлғиз ўтирдим.

Ҳаммом, тиббиёт қисми, сўнг икки қишилик 2/3 - рақамли хонага жойлаштирилар. Мени Фиждувон район собиқ биринчи котиби Салим Раҳимов кутиб олди, чой таклиф этди. У аввал олий жазога ҳукм қилинган. Кейин авф қилиниб, 20 йиллик қамоқ жазосига ўзгартирилганлардан бири экан.

**10 июн.**

Она юрт тупроғи, ҳавоси, суви, мусиқа овози...

Кўнглимда ажаб туйғу - гўёки уйдаман. Аҳволим яхшиланмоқда. Салим икки кунки ҳолимдан хабар олиб, меҳрибончилик кўрсатмоқда.

**11 июн.**

Қувончим чексиз. Ниҳоят, она юртим - Ўзбекистондаман!

Қамоқда бўлсада юрт ҳавосидан нафас оладиган қунлар бор экан.

Кундаликларни энди она тилимда ёза бошладим.

Соғлигим ҳийла тузук, худога шукур! Тиббий қисм бошлиғи бўлган подполковник аёл келиб ҳол - аҳвол сўради, сўнг шифокор қабул қилди.

**12 июн.**

С.Раҳимов билан икковимиз бир камерадамиз.

Яхши ухлаб турдик. Укол қилиши. Дори бериши. Қаттиқ шамоллаганман, ҳалиям йўтал азоб бермоқда.

**13 июн.**

Эрталаб овқатланмадим, қанд миқдорини ўлчаш учун қон олишди. Камера иссиқ ва дим. Уколга бордим. Ҳали йўтал ўтмаган.

**16 июн.**

Ҳаво иссиқ, нафас олиш қийин. Уколга қатнааб юрибман.

**22 июн.**

Бугун уколга борганимда илтимос қилгандим, тиббий қисм бошлиғи Зинаида Алексеевна қабул қилди. Аҳволимни айтдим.

Уколга бордим, шифокор кўрди, юрагимнинг уриши мўътадил эмас экан.

**1 июл.**

Ҳар куни уколга қатнайман, сайдига чиқаман. Сайдига чиққанимда тасодифан Т.Умаров билан учрашиб қолдим. Суҳбатлашдик.

**5 июл.**

Эрталабки соат бешда турмадан вокзалга олиб бориб, этапга жўнатиши. Поезд ўн яримларда ўрнидан қўзғалди. Соғлигим яхши эмас. "Тошкент - Красноводск" поездига тиркалаган "Столипин" вагонининг бир купе-боксида менинг ёлғиз ўзимман, яна бир купе-боксда учта ёш бола бор. Бизни олиб бораётган конвой аскар болалар очиқ купеда. Вагонда бошقا ҳеч ким йўқ.

**6 июл.**

Тонги тўртлар атрофида этап қилингандан шаҳарга етиб келдик. Соат бешларда зонага олиб киришди. Аҳволим яхши эмаслиги учун врач кўриб, шу ердаги санчастга ётқизишди. Мен тушгача ухлабман. Танишлар келиб кетганини билмайман.

Кундузи В.Тен, А.Акбаров, К.Шодиев билан учрашдим. Кейин қамоқхона бошлиғи қабул қилди.

Кечкурун қамоқ муддатини ўтаётган хоразмлик бир гурӯҳ йигитлар хабар топиб, мени кўргани келишди. Ош қилишди.

**7 июл.**

Пашша ва чивини кўп. Тен ва Акбаров келишди. Яна ош қилиб едик.

**8 июл.**

Ҳамдам келди. Ҳар куни Тен ва Акбаров бирор вақт топиб, келиб кетишади. Хоразмлик йигитлар ҳам хабар олиб турибдилар. Зерикмаяпман, узоқ кутилган "тонг" яқинлигини сезиб турибман.

**9 август.**

Бугун хотиним, қизим Гулнора, куёвим Рустам ва неварам Алибек келишди. Йиқки соатча суҳбатлашишга рухсат беришди.

**24 август.**

Хоразмдан Йўлдош Юсупов деган йигит озод бўлиб, уйига кетди. Куни билан мазам қочиб ётдим. Хоразмлик йигитлар тарвуз келтиришибди.

**29 август.**

Кун тинч ўтди. Тен бобо касал бўлди. Қаюм бобо картошкага кетди. Отаси 105 ёшида бандаликни бажо келтирибди. Шу боис Жиззахга - уйига кириб келмоқчи.

**3 сентябр.**

Қаюм бобо отаси учун шу ерда зонадаги танишларни чақириб, Куръон ўқитди.

**4 сентябр.**

Кечқурун тиббий қисм бошлиғи чақириб, суднинг қозозини берди. Хотиним ва фарзандларим судга шикоят ариза ёзган экан. Зона маъмурини аризаларига жавоб ёзиб, Урганч шаҳар судига юборди.

**20 сентябр.**

Шермат ака, Раҳимбой Тоҳиров келишди.

**27 сентябр.**

Бугун менга Тошкентдаги ИИМга қарашли тиббий қисмга жўнатиш хақида хабар беришди.

**28 сентябр.**

Эрталаб тайёрландим. Соат ўн яримларда зонадан чиқиб кетдик. Тен, Акбаров, Шодиев, Умархон, Султон, Собир, Александр кузатиб қолишиди. "Красноводск - Тошкент" поездининг махсус "Столипин" вагонида жўнадик. Ёнимда хоразмлик ҳамроҳларим - Қурбонбой ва Даврон бор.

**29 сентябр.**

Эрталабки соат тўртда Тошкентта келдик. Икки соатча вагондан чиқмасдан, махсус машинани кутиб ўтиридик.

Кейин тиббий қисмга келтиришди. Даволаниш учун.

**3 октябр.**

Уч кун давомида шифокорлар обдон текширишди. Муассасанинг бошлиқ муовини чақириб, касаллигимдан огоҳ этди. Эҳтиёт бўлишимни тайинлади.

**8 октябр.**

Эрталаб бир қути "Памир" сигарети олдиридим. Ҳамдамга хат ёздим. Кун ўрталарида у мени кўриш учун келди. Кечқурун эса бир дона нон, тўрт дона олма келтириди. Совуқлиги учун устимга бушлат олдиридим.

**10 октябр.**

Эрталабдан кечгача комиссия келармиш, деб тайёрландик.

**13 октябр.**

Эрталабки сайдир вақтида Анвар Каримовни кўриб қолдим. У сўнгра бир дона нон юбортирибди. Тишим оғриб, кун бўйи тўшакдан бош кўтармадим.

**27 октябр.**

Хазорасплик Дурдибой бошқа зонага кетди. Унга Қаллибек Камоловга салом айт, деб тайинлаб қолдим. Яна бир ҳамхонам этап бўлиб кетди.

**30 октябр.**

Кечаси ва куни билан ёмғир тинмади. ВТЭКдан ўтказишиб, иккинчи гурӯҳ ногиронлигига чиқаришди.

**10 ноябр**

Йўқолган дорини айтганим учун умри қамоқда ўтган Яшканинг жаҳли чиқди. Зонадан Турсун Умаров бугун келди. Туни билан ухламасдан сұхбатлашдик.

**28 ноябр.**

Эрта билан чиқиб ҳовли айландим. Отряд бошлиги чақириб ҳукм нусхасини сўради ва РСФСР Олий суди коллегиясига ариза ёзишимни айтди.

**30 ноябр.**

Эрталаб отряд бошлиги штабга олиб борди. Аризани ёздим. Улар юбордими, йўқми, номаълум. Ички ишлар вазирлигининг бош мутахассиси касаллигимни аниқлаш учун келиб кўрди.

**8 декабр.**

Ёмғир ёғди. Бугун кечқурун палатамизга зонадан даволаниш учун Қалибек Камолов келди.

**31 декабр.**

Янги йилни палатада ош қилиб, Т.Умаров, Қ.Камолов, Тожибой (Бирганийдан) биргаликда кутдик.

**1991 йил, 11 январ.**

Чап қўлимни кўтара олмай қолганимга бир ойлар бўлди. Оёқ-қўлимда мадор йўқ, кўз олдим қоронгулашиб, бошим айланади. Овқат қийин ҳазм бўлади.

**15 январ.**

Туни билан ухламасдан кир-чирларимни ювиб тозаладим. Умаровнинг бели оғриб, юролмай қолди.

**17 январ.**

Қор ёғди. "Комсомольская правда"нинг кечага сонида иқтисодчи академик Шаталиннинг "Халқ олдида тавба қилишин истайман" сарлавҳали мақоласи босилибди, қониқиш билан ўқиб чиқдим. Олим партиянинг топшириқларини бажараман, деб қилган хатоларидан пушаймон...

**20 январ.**

Ҳаммомга туширишди. Бугун Иркутск шаҳридан Нормуҳаммад Худойбердиев ҳам бу ерга келтириди. Энди Умаров, Камолов, Худойбердиев ва мен - тўртвомиз бир палатадамиз. Дардлашадиган одамлар бор... Палатамизда яна 5 киши бор.

**16 феврал.**

Штабга чақиришди. Борсам адашибдилар, Худойбердиевни чақиришган экан. У эса негадир куни билан штабга бир неча марта бориб келди. Кайфияти яхши эмас.

**6 март**

Тошкентдан Урганчга эрталабки самолётда Ҳамдам, Санобар ва Абдусаттор бирга учеб кетдик. Самолётда бирга учган йўловчилар бирмабир келиб қўлимни олиб сўрашишди, озодликка чиққаним билан қутлашди. Бугун кун бўйи уйда ош тортилди. Тумонат одам келди. Шундай қилиб, Яратганга беадад шукурлар бўлсинким, тақдирда ёзилган экан, тўрт ярим йил - 1640 кун қамоқда ўтириб яна қадрдан оиласмага қайтдим.

Кўриш, ҳол-аҳвол сўраш учун келаётган одамларнинг изи узилмаслигидан жуда ҳаяжонланиб дилдаги хурсандлигимдан кўзимга ёп келди...

...Мана, менинг қамоқхона кундаликларим. Менинг ҳибсдаги ҳаётимнинг қофозга кўчган, қофозда хотира бўлиб қолган сатрлари. Ҳеч бир мусулмонга мен кўрган қора кунлар насиб қилмасин. Бу ёруг дунёда бандасини иймон - эътиқоддан бенасиб этмасин.

Доимо Яратганнинг ўзи паноҳида сақлагай, иншооллоҳ. Омин!

## ХП Б О Б. АЖДАҲО КОМИДА

Жаҳон тарихидаги олдин ўтган барча империялар каби шўролар империясининг ҳалокати ҳам давр тақозосидир. Балки ... Беш юз йил муқаддам башоратчи - файласуф Ностродамус қизиллар империясининг пайдо бўладиган ва инқизотга юз тутадиган вақтини аниқ кўрсатганида ҳайратланарли кашфиёт очганмиди? Ким билади? ..

Жаҳон тарихидаги энг қабоҳатли империянинг мутлақо қуттилмаганди, жаиг-жадалсиз, уруш-қиронсиз ер юзидан йўқ бўлиб кетишининг сабабларини бошқа нарсада, деб биламан. Бу менинг шахсий Қараашларим, албатта.

Маълумки, зўравонликка асосланган тузум, давлатнинг узоқ салтанат суриши даргумон. Қилич, қон, қўрқув, қамоқ, қатағон билан бир неча авлодни тутиб туриш мумкин. Қўрқув насл сурмайди. Боболарининг бошпидан кечирган даҳшатли овларини фарзандлар кулгу билан эслайдилар. Шунингдек, бизнинг уруш ўчоқларида кечирган овларимиз ҳозирги уруши кўрмаган авлодларга қизиқарли эртак, холос.

Шўролар империяси ибтидосидан кесилган бошлар, топталган тақдирлар устига қурилган ёвуз давлат эди. У бешитидаёқ қонга ботиб улгурганди.

Фуқаролар уруши давлатни мустаҳкамлашга эмас, аслида унинг бўштоб пойдеворини смиришга хизмат қилди. Ушбу давлатни ўша пайтларда қон кўрган, сиртмоқ қаршисида жони азиз кўринган қишиларининг юрагига синингдан даҳшатгина сақлаб қолди. Миллионлаб етимлар, ватанидан айри тушган тақдирлар, йўқ қилинган қадриятлар ... унинг ҳосиласи.

30 - йилларда қаддини қурол ва қўрқитиш билан сал ростлаган давлатда навбатдаги қирғин авжига минди. Энди галдаги авлоднинг юрагини ларзага солишиди. Кремлда ўтирган доҳийларнинг бир-бирларини қатлга юборишини кўриб турган оддий қишиларпинг "жонажон социалистик тузумни" алқапларидан бошқа нимаям иложи бор эди? Чамамда, агарда Иккинчи жаҳон уруши рўй бермаганида СССР қирқинчи йиллардаёқ парчаланиб кетиши ҳеч эҳтимолдан ҳоли эмасди. Ҷунки юртни аламзадалар, қатағон қурбоилари авлодлари босиб кетганди. Яра заҳа олиб улгурган, у бир куни ёрилиши - даҳшатли воқеа содир бўлиши ҳеч гап эмасди. Тарихда бунга мисоллар кўп.

Аммо Сталиннинг баҳтига уруш бўлди. Уруш одамларни ёвузликка қарши бирлаштиргди, меҳр - оқибатни майдонга чиқарди. Ташиқи душман капанитга ўт қўйман деб турган пайтда оиласдаги ҳар қандай низо, ҳатто хундорлик ҳисси ҳам иккингчидан даражали масала бўлиб қолади. Ватан остонасига ёғий босиб келганда низолар унуг бўлиб, душманлар ҳам яқдил бўладилар. Ҳисоб - китоб яхши кунларга - қиёматта қолдирилди.

Урушдан кейинги давр тикланиш яраларини малҳамлаш онлари эди. Одамлар энди кечаги кундаги даҳшатли қатағондан кўра уруш харобаларини тиклашни ўйлаб қолишганди. У ёғи бир гап бўлар. Ана шу озроқ нафас ростлаш - берилган имкон давлатнинг умрини тагин ўн йилларга чўзди. Бу орада қатағоннинг бош айбдори - Сталин вафот этди. Энди тагин умид пайдо бўлди, одамлар ўзларининг барча уқубатларининг сабабчиси дунёни тарк этиши билан аҳволлари ўнгланишига ишондилар. Навбатдаги йўлбошчиларга умид кўзи билан қарадилар...

Кейин тарих майдонига Горбачев чиқди. У ич-ичидан таназзулга юз тутаётган давлатни сақлаб қолишнинг ягона йўли сифатида қайта қуриш сиёсатини ўртага ташлади. Навбатдаги ёлғон, қармоқдаги лаҳм инъом қилинди. Фурсатдан ютиши мўлжалланди.

Горбачёв нимани кўзлаганди? Тўғри, давлат ичкарисида ишлар кўнгилдайдек эмас, алдовлар, ёлғонлар одатдаги ҳол бўлиб қолганди. Матъмурий буйруқбозлика асосланган бошқарув тизими нафақат оддий халқнинг, раҳбарларнинг ҳам жонига текканди.

Тепанинг топширигини бажаргани учун вақти келиб ўша тепанинг буйруги билан жиноятчига айланиш кимга ҳам ёқарди?

"Ўзбеклар иши" Шўролар давлати тарихидаги энг катта кўламли, шов-шувли даҳшатли компания бўлди.

Тузум табиий оқимни ўзгартиришга, вақтни жадаллаштиришга мослаштирилганди. Биргина ўзимиздан мисол: йил давомида бизлар қишики яхоб бериш, чорва қишлоғи, экиш, ягоналаш, ипак курти боқиши, парваришлар, ҳосил тўплаш, йиғим - терим каби компанияларни бошдан кечирардик. Ҳаммаси зуғум, зўравонлик билан амалга ошириладиган компаниялар. Минг йиллардан бўён одатдаги тирикчилигини қилиб, кунини ўтказиб келган деҳқонга ҳар куни буйруқ - топшириқ бериш иш услугига айланганди. Компаниябозлик амалда зўравонлик билан иш юритишининг қуролига айланиб қолганди. Бошқа давлатларда ҳам экин этиштирилади, ишлаб чиқилади, аммо ҳеч ким кўрсатма бермайди, буйруқ қилмайди, қандайдир компания, елиб-югурушлар, асабга тегишлар содир бўлмайди. Ривожланиш ўз оқимида кетаверади.

Булар ҳолва. Мамлакат миқёсида қандайдир улуғ мақсадларга йўналтирилган компаниялар кун тартибига кўйиларди. "Озиқ - овқат программаси", "Уй-жой дастури" ва ҳоказо. Ҳатто ичкиликка қарши

курашиш компанияси бошланиб, ҳар туманда "хүшёрлик жамиятлари" тузиғанига нима дейсиз...

"Жиноятчиликка қарши кураш компанияси" - гдлянчиларниңг юртимизга десант ташлаши навбатдаги, зўрлик билан тузум умрини узайтиришига қаратилган чора эди, холос.

Солженицин асарларидан биринча бундай деб ёзди:

"Сталин жалолодлари учун қарисида ўтирган банда кимлигининг (аслида имамлигининг деса тўғрироқ бўлади) мутлақо қизиги, аҳамияти йўқ эди. Улар бир нарсанни билишарди, одамларни қамаш, отиш, сургун қилиш бўйича тепадан берилган топшириқни вақтида, бекаму кўст бажаришса бўлди. НКВД ходими бу рўйхатни тўлғазиш учун ўз туқсан онасини ҳам ҳибсига олишдан қайтмасди ..."

Илюхин эса асарида шундай деб ёзди:

"... Иззатов иотўғри гапни ёзишдан ҳазар қилди, бу эса унинг жон - понини чиқарни юборди ва унга қараб бисотидаги бор ҳақоратларни ишлатиб сўкниди: "Қасам ичиб айтаманки, сени, албатта, қаматиб юбораман," деди. У яна кавказликларга хос энг кескин ибораларни топиб "Мен сендан қўлбола порахўр ясайман. Сен мен учун аҳлат сингари бир нарсасан, лекин билиб қўй, менинг қўлимдан осонликча чиқиб кета олмайсан", - дея дағдага қилди. Яна у: "сен тарихни биласанми?:" деб сўради: "1915 йилда турклар арманларни қилинганда ўтказгандар. Арман ҳалқи учун мен сендан қассос оламан, туркларни лагерларга, шимолий ўлкаларга бадарга қилиб, ўша томонларда чиритаман ..."

Солженицин асарида бошқа бир ҳолатни келтиради: "... у икки кундан бери ухламаган, чекмаганди. Бунинг устига ... рўпарасида боягина заҳил қиёфада ўтирган терговчи аёл кутилмагандага юбкасини сўди. Сўнгра унга ноз билан боқди-да, ички кийимларини ҳам тушира бошлади ... бир йилки, хотини у ёқда турсин, бирор аёл зотини кўрмаган маҳбус довдиради, у рўпарасидаги ҳилқатта қараб оғзи очилиб қолганди ..."

"Кундаликларим"да мен бундай деб ёзганиман: "1987 йил 14 октябр. Бободдинов борасидаги сохта сўроқ баённомасини имзолатиш учун терговчи Музалевский икки соатки уринмоқда. Ниҳоят, у қаъва ича бошлади, рўпарасидаги ёшгина терговчи йигит билан Тузли кўлига қандай боргани, ойимчалар билан маъннат қилгани, ичишгани ҳақида сўзлаша бошлади. Унинг қаршисида мен тўё йўқ эдим. Йигит Музалевскийдан терговчи Старкова қаёққа кетганини сўради. У: "Хоним чўмилиш ва офтобда қорайиш учун кетган" деди ва у ҳақда уятли гапни айтдию иккови кулишди..."

Мактаб дарсларидан Павлик Морозов деган пионер бола ҳақда ўқитишган. СССР тарихига кириб, номига кўчалар, мактаблар, саройлар Қўйилган бу болакайнинг "қаҳрамонлиги" оиласи тирикчилиги учун бугдой кўмиб қўйган отасини НКВДга сотишдан иборат. Бу "жинояти"

учун ота бечора ўққа учган, сотқин, айғоқчи фарзанд эса ҳақиқатнинг рамзига айланган.

Император Троян Рим таҳтига ўтиргач, мамлакатда ҳақиқий байрам бошланган. Ўзидан олдинги тиран, диктаторларнинг халққа қарши барча одатларини йўққа чиқариш, эркинлик, демократия бериш учун Троян биринчи нима қилган дерсиз? У мамлакатдаги барча айғоқчи, чақимчиларни тўплаб, бир кемага ўтқазган ва халқнинг тантанаси остида уларни денгизга қўйиб юборган. Римга қайтиб келмаслики буюрган.

Агар Совет Иттифоқи пайтида айғоқчи, чақимчиларни Трояндек бирор адолатли раҳбар кемага ўтқазиш ва юргдан бадарга қилишини ихтиёр этганида уларни сиғдириш учун давлатнинг наинки барча кемалари, ҳатто поездлари ҳам етмасди..

Чақимчилик касбга, маош олиб кун кўрадиган ҳунарга айлантирилган давлатдан адолат излаш ... инсоннинг фожиаси.

Мен ноҳақ қамалган, хўрланган, оиласи қатагон қилинган юзлаб, минглаб юртдошларим ҳақида айттиб ўтирумайман. Гдлян том маънода қўли қон жаллод эди. Унинг ёқасида минглаб кишиларнинг ноҳақ хуни бор. Улар терговнинг азблари, қийноқларига дош беролмай ўз жонларига қасд қилганлар. Улар орасида савдо ходими, партия раҳбари, ички ишлар бошқармаси бошлиқлари, деҳқонлар ҳам бор.

Тоҳир Жуманиёзовнинг ўғли Баҳодирни ҳам қамоққа оладилар. У пахта заводида оддий чилангар бўлиб ишлаганди. Баҳодирнинг хотиралари "адолатли" терговчиларнинг ҳақиқий қиёфасини намойиш этади: "Мени шахсан Гдлян сўроқ қилди. У отам яширган бойликларни топиб беришимни, акс ҳолда оттириб юборишини айтди. Гдлян рӯпарамдаги стулга оёғини чалиштириб ўтиради. Мен неча кунки бир хилда берилаётган саволлардан, уйқусизлик, қўрқувдан ҳушимдан айрилар ҳолга етгандим. "Тельман Хиренович ..." деб нимадир тушунтиromoқчи бўлиб гап бошлаганимни биламан, бошимга гурзидек мушт тушибди. Тергов вақтида маҳбуснинг орқа томонида нималардир қилаётгандек бўлиб турадиган Карташъян мушт туширганди... Мен русчадан саводсиз одам терговчининг исми-шарифини янглиш айтган эканман. Ана шунинг учун навбатдаги тергов мени ҳушдан кетгунча калтаклаш билан якунланди ..."

Баҳодир янглишмаганди. У дилидагини тилига чиқарган, бу ёвузнинг кимлигини айтишга журъат қилганди.

Гдлян буидан ҳам баттар разил, ифлос кимса эди.

...Чор Русиясининг қонхўр оқ пошшоси ўзининг тагига сув қўяётган инқилобчиларга одамга ўхшаб муомала қилди. Ҳужжаттоҳ ғаладонларида Николай II нинг Сибирга сургун қилинган (давлат тўнтириши қилишга урингани учун) Ленинни фин қоғози билан таъминлаш ҳақида жандармерияси билан ёзишмаси бор. Лениннинг жаҳон фалсафасидан

хабардорлигини билган оқ пошто унинг илм-фан учун нимадир қалишига ишонган.

Совет қонунчилити айборнинг айбини топишга эмас, балки унинг айбини бўйнига қўйишга асосланарди. Бунинг учун эса мушт, калтак, бошқа қўйноқ усувлари зўр бериб ишга солнинарди.

Айборни топиш, бирор жиноятни очиш кўп машақатли иш. Терговчилар бунинг учун ойлаб изланишлари, ашёвий далилларни топишлари, гувоҳларни аниқлашлари керак. Бу қийин, аммо адолатли жараён. Энг осони эса қандайдир жиноят содир бўлган пайтда кимларнидир гумондор сифатида қамоққа олиб, уларнинг бўйнига айбни қўйиш. Бунда хонадан чиқилмайди, изқуварлик талаб қилинмайди. Бечора гумондор қаршингда титираб турибди. Бир-икки кун ертўлада яхшилаб "ишланса" тамом - ҳаммасини бўйнига олади-қўяди.

Ўша даврдан қолган латифа бор.

Ўн беш йил бегуноҳ ётиб чиққан кишидан таниши сўрабди:

"Ахир ўша дўкон туналган куни сен қишлоқда йўқ эдинг, нега ҳаммасини бўйнингга олиб, қамалиб кетавердинг?"

"Эй оғайнни, худо мени бир асрари, энг енгил жиноятни бўйнимга олиб, осонликча қуттилдим. Сал бўлмаса Пушкин билан дузига чиқишига Дангесни гиж-гижлагансан, деб отувни нақ қилиб қўйишгацди..."

Инглиз адабиётида Шерлок Холмсдек топоғон изқувар образи бор. Фаранглар эса капитан Мегренинг ҳар қандай жиноятни очишдаги маҳоратига тан беришади. Неча авлод қонуншунослари ана шу қаҳрамонлардек ишлашга, улардан изқуварлик сир-асрорларини ўрганишга интиладилар.

Совет адабиётида эса чекистлардан бошқа қайси намунавий изқувар, терговчи образи яратилди? Саксонинчи йилларда "Утрашиш жойини ўзгартириш мумкин эмас" деган машхур сериал экранларга чиқарилди. Таникли артист Висотский мазкур фильмдаги капитан Жиглов ролини қойилмақом қилиб ўйнаган. Жиглов биринчи совет изқувари "қонун ҳимоячиси". Эсингиздами, фильмда бир лавҳа бор. Трамвайдаги киссавурлик қилиб юрган йигитни утилаш учун капитан Жиглов пайт пойлаб унинг чўнтағига ўзининг ҳамёнини солди ва кўпчилик олдида "фош қилиб" ҳибсга олади. "Ўгри қамоқда ўтириши керак!" деб ўзини оқладиди Жиглов. Мана, энг машхур, намунавий капитаннинг қилимиши. Бу сизга кечаги кунда содир бўлган аңа шундай кўлдан - кўп воқеаларни эсингизга солмайдими. Гумондор қилинган инсоннинг чўнтағига қорадори ташлаб ҳибсга олишлар...

Эсимда қолган: қишлоғимизда бир кекса киши бўларди. Мол-қўйи ва бир парча боғидан рўзгор тебратиб келарди. Уни колхозга чиқиб ишлашга ундаидилар, қаралғи, кексалигини айтиб, ўз тирикчилигини маъкул кўрган. Пахта терими мавсуми эди, бир куни шўро аъзоси ва

участка вакили келиб, унинг соғин сигири паҳта даласига тушгани, кўсак егани учун қамамоқчи бўладилар. Қария сигири кўсак емаганини айтиб онт ичади. Лекин уларни бу сўзлар қизиқтирамасди. Улар халқ душманини топиши керак эди. Куппа - кундузи қўшнилар гувоҳлигида соғин сигирини сўядилар, агарда қорнидан бир дона кўсак чиқса, турмада чиритишларини айтиб, дагдага қилишади. Ва ҳақиқатан ҳам, сигирнинг ошқозонидан икки дона ҳали ҳазм бўлмаган кўсак парчаси топилади. Қариянинг қўлини орқасига боғлаб, олиб кетишади ...

Кейинчалик унинг қўшниларидан бири бундай деганди. "Бечораниянг сигири умрида молхонасидан чиқмаган, дала нималигини билмаганди. Ўша куни эргалаб шўро аъзоси билан мелиса келиб, менга гувоҳ бўлишни кераклигини айтишди ва биргаликда бордик".

Чол боғда нимадир иш билан машғул экан. Мелиса менга уни чақириб чиқишимни айтиб, ўзлари молхонага киришди. Чолни топганим, келиб қолишини айтиш учун улар ёnlарига кирсан, шўро аъзоси билан мелиса ўртасида шундай шивир-шивир бўлаётган экан: "Ташладингми?" "Ташладим!" "Едими?" "Еди!" "Ана энди кўради бу сассиқ чол, ҳозир сигирининг қорнини ёрамиз..."

Агар бундай воқеаларни айтаверсак, Гдлян уларнинг энг "фариштаси" бўлиб чиқади...

"Мен учун шу туриш - турмушинг билан бир чақага қимматсан, - дерди Гдлян. - Истасам ҳозир Хоразмдаги ўттиз-қирқ дўкончини қамоқча олиб, уларга бир миллион сўм солиқ соламан. Умрлари турмада чиримаслиги учун дунёсини сотиб бўлсада, тошиб келишади. Кейин ана шу пулларни сеники деб, пешонангта ҳол қўйиб, мана бунақа қилиб оттираман!..."

"Сен оддий пиёдасав, менга каттароқ лақжалар керак. Сенинг хизматинг ана шундайлардан бирисини бу ерга келтириш учун шапалоқдек қофозга "фалончига фалон сўм берганман" деб иқрорнома ёзил бериш. У ёгини қўйиб беравер!" Бу ҳам Гдляннинг гапи.

"Мен билан ўйнапшма, - деб керилиб гап бошларди у. - Бу давлатингда ҳеч кимга бўйсунмайман, ҳеч кимнинг олдида ҳисоб бермайман. Ўзим прокурорман, ўзим оқловчиман, ўзим судьяман. Жазони белгилайман, йил кестираман. Судьялар менинг учун оддий ижрочилар, холос".

..."Одам одамга бўри" деб ўргатишган капитал давлатларида полициячи гумондорни ҳибсга оларкан, қонунда белгиланган сўзларини айтиди: "сиз гапиришингиз, сукут сақлашингиз мумкин, аммо ҳар бир сўзингиз судда сизга қарши ишлатилади!" Ана - адолат! Гумондор ўзини оқлаши ёки сукут сақлаши мумкин. Бу огоҳлантириш, полициячишинг хизмат вазифасини бажараётган пайтда иногоҳ бирорини айблаб, вижданни қийналмаслиги учун ўйлаб топилган ва маъбурий муомалага киритилган сўзлар. Албатта, гумондор сукут сақлайди ва полиция бўлимига келтирилиши биланоқ ўзининг адвокатини чақиришларини сўрайди.

Талаб қиласы. Қонун бүйінча фуқаро фақат адвокати хузурида күрсатма беради. Бұлмаса "чурқ" этмайди.

Мен қамоқда уч ярим йыл ёттағач, илк бора адвокат билан юзлашдым. Бу ҳам ўша терговчилар томонидан тавсия қылған адвокат эди.

Биз яшаган, ишлаган тузумда оқловчи билан қораловчининг фарқи бўлмаган. Иккови бир дастурхондан ион ковшаб, бир пиёлада ароқ ичиб юрган кимсалар. Оқловчи давлат қораловчиси ва судья қўлида курол - айборд билан тил топишишда, "келишишда" ундан жуда устамонлик билан фойдаланаардилар. Албатта, бу "савдо"да оқловчи ҳам қуруқ қолмайди...

...Урушдан олдинги йилларда Аҳмаджон Иброҳимов деган киши вилоятда раҳбарлик қилди. У инқиlob даврида садоқат билан хизмат қилған, элда обрўли, камтар ва деҳқондан чиққан раҳбар эди. Ўттизинчичи йиллар қатагони уни ҳам бир кечада "халқ душмани"га айлантиргди ва қамалиб кетди.

1956 йилда у киши билан тасодифан учрашиб қолдик. Бу пайтда оқланган, Мирзачўлдаги совхозлардан бирида директор бўлиб ишлаётган экан. Қамоқдан сўнг Хоразмга қайтиб бормаган, аниқроги юборишмаган.

Аҳмаджон ака билан анча суҳбатлашдик. Ёдимда, унинг кўзларида сўнник гам бор эди. Ҳар бир гап - сўзини эҳтиёт бўлиб гапирар, сиёсатдан сўз кетса, ҳукumatни алқар, доҳийлар ҳақида оғзидан "бол томарди". У аждаҳо комига тушган, омон қолгали учун ҳар қандай тубан кимсалар олдида таъзим қилишга мажбур қылған киши эди. Москвага ўқишига кетаётган, ҳали дунёнинг баланд-паст сиёсатидан бехабар, шўро тузумига шон-шараф айтишдан чарчамайдиган мендек ёшлиар ўшанда Аҳмаджон аканинг ҳорғин сиyrати, ғамгин кўзларини англаш, дардини тинглашдан узоқ эдик, ҳали кимлигимиз, қаерда яшаётганлигимизни тўла тушуниб етмаган гўдаклар эдик. Бутун умримиз, тақдиримиз шу ёвуз аждаҳо комида турганини, у истаса ямлаб ютиши, истаса бошимизни силапи мумкинлигини билмасдик.

Юртбошнимиз янги ўзбек давлатининг тамал тошини қўяркан, ўртага дунёвий тамойилларни олиб чиқди. Ана шу тамойиллардан бири "Қонун устуворлиги" деб аталиши бежиз эмас. Содда ва тушунарли устқурма. Дарвоҳе, қонун устувор бўлмаган давлатининг эртаси йўқ. Қонун - адолат демак. Жамият инсонпарварлик ғоялари устига тикланаркан, унда адолат ўқтомир ўрнини босмаса, ҳақиқат кундайлар якунига айланмаса - бундай жамиятдан не наф?

Соддалик - мураккабликниң боши. Мураккаблик - соддаликниң оддий кўриниши. Адлия қисқа тарихида Дзержинский, Ульрих, Вишинский, Ежов, Ягода, Берия каби "раҳнамо"ларни яратди. Бу адлия Гдлянни "кашф қилди". Ана шу адлиянинг сўнгти "эрка боласи" - Гдлян

шундоқ чок-чокидан сўкилаётган тузумнинг сабр косаси тўлиши ва "тўғонлар бузилиши" да ўзининг салбий ролини қойилмақом қилиб ўйнади.

Кимдир унинг башарасини қайта кўрмаслик учун пешонасига тўппонча тираб, ўз жонига қасд қилишгача бориб етди...

Кимдир олис Сибирда "авф қогози"ни оларкан, ҳаяжондан юраги ёрилиб ўлди...

Кимдир нисбатан осон йўлни - иқрорни маъқул кўрди. Негаки...

Гдлян гувоҳ З.Жуманиёзовага: "Агар Исмоиловга қарши гувоҳлик беришга рози бўлмасанг, қизларингни зўрлаймиз..." дейди.

Гдлян ҳомиладор аёл А.Нуримбетовага дўқ қилиб айтди: "... у ҳолда сени ҳозир турмага олиб кетадилар, сен болангни ўша ерда тугасан!"

Гдлян Тўра Ҳайитовни синдириш учун бор ҳунарини ишга солди. Ҳайитов хотирлайди: "... энг даҳшатли ишлар камера ичида содир бўларди. Бу ерга атайин қамаб қўйилган ашаддий жиноятчилар мени мунтазам уриб-сўкиб ҳақоратлашарди.

Улар бошимга телпак кийтизип, томоқларим остидан илени маҳкам бояглашар ва батамом кучдан қолиб йиқилиб тушгунимча ўтириб туришга мажбур қилишарди. Шундан кейин кўп миқдорда совуқ сув ичишга мажбур қиларди. Ўзлари тўшакда ётган ҳолда, мени изғирин шамол кучли эсадиган жойда пол устида ухлашга мажбур қилишарди. Ётган жойимдан туришга мутлақо рухсат беришмасди..."

Сўроқ пайтида гдлянчи терговчилар бундай дейишади: "... мамлакатда кераксиз одамлар кўпайиб кетди. Шу боисдан сиздек одамларнинг баҳридан ўтиш керак. Бу йўлда бир мунча одамларнинг баҳридан ўтиш талаб қилинади..."

Кўраяпсизми, "ортиқча одамлар" ҳақида гап кетар экан, адолат баҳона ва мезон қилиб кўрсатиляпти. Қувган ҳам, қочган ҳам адолатга ёшишиб олаяпти...

1939 йилда қамалган ва кейинчалик оқланган профессор Д.Плетнев хотираларида бундай деб ёзади: "Мени ёлгон гапиришга, қилмаган айбимни қилган деб тан олишга мажбур қилганди. Бутун айблов акти эса сохтагарчиликдан иборат эди. Менга нисбатан оғизга олиб бўлмайдиган сўкишлар, ўлим жазоси берамиз деб қўрқитиш, ёқадан бўғиб судраш, томоқдан ушлаб бўғиши, овқатни кам бериш каби қийнаш усууларини қўлладилар. Беш ҳафта мобайнида суткасига икки-уч соаттина ухлашга рухсат беришарди, менга тилга кирмасанг, тилингни сугуриб оламиз, деб дўқ қилишди, елим калтак билан савалаб, пўписалар қилишди... буларнинг натижасида гавдамнинг ярми ҳаракатсиз ҳолга келиб, фалаж бўлиб қолдим..."

Ўзбекистон Ички ишлар вазирининг шофёри Болтабой Жўраевни шофёрлиги учунгина ҳибса олишибди. Унинг хотирасидан: "Мени кабинетга олиб кирган вақтида Гдлян шу ерда экан. У мени бошқа бир

терговчига күрсатиб: "Уни бир-икки силтаб қўйчи", деб кўрсатма берди...

Хонага Иванов кириб келди ва менга бундай деди: "Сен хавфли одамсан, сен турмада чириб кетишинг керак". Соқчини чақириб мени ертўлага жўнатишга топшириқ берди...

Биринчи воқеа билан иккинчи воқеа ўртасида эллик йил ўтган, дунё миқёсида "социализм тўла ғалаба қозониб бўлган", "Сталин ўлиб кетган", "адолат қарор топган", "дунёдаги энг адолатли ва халқчил давлат қуриб бўлинган"...

Тўгри, буларнинг баъзилари амага ошгани рост эди. Халқнинг қўрқув ва доимий кузатув остидаги тинимсиз меҳнатлари ўлароқ қатор соҳаларда ўсишлар, иқтисодий силжипслар рўй берганди. Аммо тузум ўз қиёфасини ўзгартирганда, жамоат тартибини сақлаш, қонунчиликни мустаҳкамлаш учун давлат ҳисобидан ҳар йили миллионлаб маблағлар билан таъминланиб келинган адлия, қонун органлари ишларида тирноқча ҳам ўзгариш бўлмаганди.

Вақт ўтиши билан жаллодлар сал маданийлашган, қатл усуллари инсонийлаштирилганди, холос

Империя-ёвуз аждаҳо эди. Унинг ўлаксахўр, очафот иштаҳаси исталган кезда миллити, мансаби, эътиқодидан қатъий назар ҳар бир бандани сўрамай-суриштирмай ютишга ҳозир турарди.

"Совет иттифоқи нега тарқаб кетди?" Бу саволга айрим тадқиқотчи олимлар каби фалсафа сўқиб, мазмун-моҳият излаб ўтирмайман. Мен бир ҳақиқатни биламан - Шўролар давлати адолатсиз адлия - қонунчилик тизимишнинг қурбони бўлди.

Жамият куч-адолатда деб эмас, адолат - кучда, деб билди ва шунга риоя этди.

Етмиш йил ана шу ёвуз аждаҳо комида яшаган, ишлаган ва унинг "мурувату" "саховати", жафоси ва жазосини ўз танасида синаб кўрган одам - камина бунга тирик гувоҳман.

## ХІІІ Б О Б. ОЗОДЛИК НИМА ДЕГАНИ?

...Ёдимда: 1983 йилнинг 1 декабрида (Рашидов вафотидан бир ой кейин) бўлиб ўтган ЎзКП МКнинг бюроси йигилишида Н.Худойбердиев ва бошқалар: "Ўзбекистон суверен давлат, бизнинг ўз Конституциямиз бор, демак, қонун ва қоидаларимизга асосланниб, суюниб қарор қабул қилишга кучимиз етади..." деган маънода сўз айтишиди. Бу ўша пайтда Рашидов вафотидан кейин Москов томонидан олиб борилаётган сиёсатга қарши исён эди. Айни пайтда, "Иттилоғда тенг ҳуқуқли республика раҳбарларининг ўз ҳуқуқ ва эркларини талаб қилишлари эди. Аслида қоғозда бўлган "тенг ҳуқуқлик"ни амалда талаб қилиш оқибати - марказнинг аянчли қатағонига олиб келди - гдлянча мапъум компания бошланди".

Момоларимизнинг: "Алла, болам баҳти бор. Ҳар нарсаининг вақти бор" деганларидек, вақт келиб 1991 йилнинг 1 сентябрида Президентимиз Ислом Каримов эълон қилган мустақиллик айни муддао ва ҳақиқий эркинлик бўлди.

1992 йил декабр ойида бўлиб ўтган Республика Олий Кенгаши сессиясида И.Каримовнинг ташаббуси, бошчилиги ва бевосита иштироқида тайёрланган янги Конституция қабул қилинди ва 8 декабр байрам қилиб белгиланди.

Тақдирнинг ҳазилини қарангки, "перестройка" деган ниқоб остида злимизни тажриба майдонига айлантирган, "Ўзбеклар иши"ни дунёга дўмбира қилган, бағримизни қон қилиб кўз ёшларимизни оқизган "қудратли" шўро давлати кунпая-кун бўлди, "раҳнамо" партияси тарқаб кетди.

Ўзбекистон эса кундан-кун бутун дунёга танилди, жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни, сўзи, нуфузига эга бўлиб, эрк тугини баланд кўтарди. Давлатимиз Конституциясига, Байробига, Гербига, Мадҳиясига эга бўлди...

Тарих тажрибасидан маълум, кимки жасур ва мард бўлса, ёвга қарши курашса, элга ҳимоячилик қиласа, халқ унга "ботир" нисбасини бериб, обрў-эътиборини кўтарган. Мард ватанпарвар Жалолиддин Мангуберди бунга мозийдан бир мисол.

Атиги бир аср муқаддам қадим юртимизда донг чиқарган мардлардан бири Нуржон ботир эди. У Маноқда ҳокимлик қилган, хонликда тартибсизликлар содир бўлгайнида ҳатто Хивага бориб тартиб

сақлашга бош қүшгән эди. У барпо қылған иморатлар ўрнини халқимиз ҳалыя� тавоф қылышади, ўтқазған дараҳтлари ҳамон барқ уриб турибди. Үзөккә бориц ң җожат, сүнгти бир асрда Хоразм не-не раҳбарларни күрмади, улар орасыда Нуржон ботирнинг табаррук номи яшаб қолди.

Шүролар даврида илғорларға қаҳрамон унвонини бериш русм эди. Ботирлиги бўлмаган "қаҳрамонлар" кўп бўларди. Шўро давлати раҳбари Л.Брежнев ўзини беш марта қаҳрамон қылганини биламиз. У "қаҳрамон", аммо ботир эмасди. Зўрга юрадиган, ҳижжалаб гапирадиган кимсада ботирлик не қиласин? Унвонлар эса партия бўйруги билан кетма-кет берилаверган...

И.Каримовнинг тарихий буюк хизмати шундаки, "қудратли" шўро давлати ич-ичидан емирилиб, унинг пойтахтида турли найранглар, сиёсий ўйинлар қизиб кетган пайтда давлатимиз мустақилигигина эълон қилиб, халқимизни асрий зулмдан ҳалос этди. У киши яна шуниси билан Қадрлики, мустақилигимизни халқимиз тұхматта учраб, миллатимиз дунёга "үтри", "порахўр" тарзида кўрсатилаётган пайтда эълон қилди. Ана шундай оғир даврда халқни мустақилликка олиб чиқиши чинакамига ботирликдир. Халқнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарғанлар эса мангаликка даҳлдордир.

Унвонлар унитилади, аммо раҳбарларнинг қылған эзгу ишлари, бунёд этган иншоотлари, қаздирган каналлари билан бирга унинг номи қолади.

Шу ўринда Горбачёвча "қайта қуриш" давридаги бузғунчиликлар билан ҳозирги истиқтол замонидаги осойишталик, бунёдкорликни бир солишириб қўрингчи!

Империянинг парчаланиши айрим ҳудудларда талотумли кечди, ҳатто қон тўкишлари содир бўлди. Худога беадад шукурларким, Ўзбекистонни Яратганинг ўзи асрари - бизда бундай ёмон ҳолатлар бўлмади. Юргбошимиз ҳақ йўлни кўрсатди, ҳалқ билан жипслашди. Оқибатда нафақат қулилардан ҳалос бўлдик, балки ўтган олти-етти йилда мисли кўрилмаган қурилишлар олиб борилди, дон мустақилиги рўёбга чиқди, мулкчилик шаклланди, жаҳонда ўзлигимизни намоён этдик.

Ҳаёт тарозусининг ўз ўлчови мавжуд. Замон, тузум, шаронт ўзгарди. Турмушишимизда янгиланишлар рўй бермоқда. Қадриятлар қайтадан шаклланмоқда. Маънавиятимиз тикланмоқда. Лекин инсон онгининг ўзгариши, қалбининг покланиши қийин кечар экан. Эътиқодимизни ғингилаш мураккаб жараён экан.

"Қуёш оламга, билим одамга нур сочади", деган матал бор.

"Билим барча кулфатларнинг қалқонидир", дейди шоир Рудакий.

"Ҳарчанд ўқибсен, билимдонсан,

Агар амалиёти қымадинг - һодонсан", дейди Саъдий Шерозий. Нодонлар ўликдир, донолар тирик, дейди Жомий ҳазрат. Кайковус

"Мол билан бой бўлгандан, ақл билан бой бўлган яхшироқдир, модомики, ақл билан мол жам этса бўлур, аммо мол билан ақл ўрганиб бўлмас", дейди.

Донолар айтадилар: олти нарса инсонга роҳатда яшашга ёрдам беради - ишчанлик, ҳақиқий дўст, ақлли фарзанд, меҳрибон хотин, ширин сўз, ақлу фаросат.

Тўққиз нарса нафрат туғдиради: жоҳииллик, ялқовлик, ҳасад, тақаббурлик, хиёнат, таъмагирлик, газаб, иғвогарлик, мунофиқлик.

Донишмандлар маталлари, изланиплари асосида инсонни маънан гўзал қилишдек эзгулик ётади. Шу нуқтаи назардан инсонни маънаъвий камол топтиришда исломнинг ҳам ёзига хос ўрни бор. Зеро, бу динда инсонни ботиний, ҳам зоҳирий баркамолликка етказувчи ва уни турли гуноҳлардан асрорчи қонун-қоидалар мавжуд.

Қачонки, қариллик нафақасига чиққач, мўмин-мусулмонликнинг барча шартларини бекаму кўст адo этиш имкони яралди. Бунга беадад шукроналар бўлсин! Ҳаж сафари ана шулардан бири эди.

1993 йил, 21 май. Урганч тайёрагоҳидан Тошкентга "ТУ-154" самолётида 19 киши (17 киши ҳажга, икки киши кузатувчи) учуб кетдик. 22 май куни Тошкентдан Саудия Арабистонининг Жидда шаҳрига ИЛ-62 самолётида учдик. Ҳавода беш ярим соат бўлишимизга тўгри келди. Вақтнинг фарқи - биздан улар икки соат орқада экан. Кечаси автобусда 52 нафар киши йўлга чиқиб, тонгда Маккага етиб келдик.

23 май куни Маккадаги "Дорул Умаро" меҳмонхонасиага жойлашдик.

Меҳмонхонага ўриашиб олгач, эрта билан ҳамма Каъбатуллоҳга бориб, зиёрат қилдик. Сафо ва Марва тоғлари оралиғига сайр этдик. Обизамзамдан ичдик. Меҳмонхона билан орадаги масофа бир километрга яқин.

Шом ва хуфтон намозларини Каъбатуллоҳда ўқидим.

24 май куни меҳмонхонадан узоқроқ кетмасинлар деган хабар бўлди. Ҳеч қаерга чиқмадик.

25 май куни бомдод намозини Каъбатуллоҳда ўқидик. Каъбатуллоҳни тавоф қилиб, атрофини етти марта айландик. Сафо ва Марва тоғлари орасида сайр қилдик. Обизамзамдан тўйиб-тўйиб ичдик. Ювиндик, Сочларимизни олдиридик.

26 май куни бомдодни Каъбатуллоҳда ўқидик. Пешин намозидан сўнг Жанат ул - Маъво қабристонига бориб, Пайгамбаримизнинг жуфтис ҳалоллари Ҳадича онамизнинг қабрини зиёрат қилдик.

27 май куни ҳам бомдодни Каъбатуллоҳда ўқидик. Одам дарё бўлиб оқмоқда. Ҳар куни шундай: тонгми, тушми, тунми - фарқи йўқ.

Макка шаҳрининг аҳолиси уч юз минг нафар. Ҳар йили уч миллион мўмин ҳаж зиёратига келади. Дўконлари қулфланмайди. Ўғирлик қилиб фош бўлганлар кўчаларда ўтирадилар. Уларга садақа бериш гуноҳ саналади.

Шаҳарда ҳамма нарса муҳайё, йўқ деган сўз ишлатилмайди...

1 июн куни Минодан Маккага келдик. Каъбатуллоҳни тавофи ифода қилдик. Сафо ва Марва тоғлари орасида сайр этдик. Бу ердаги савоб ишларни қилиб бўлгач. 4 июн куни тонг саҳарда Мадинага етиб келдик.

Ҳужжатларни текшириб, меҳмонхоналарга жойлаштиргунларича кўп вақт кетди.

Соат 19 ларда аввалдан бирга юрган саккиз нафар ҳожи Ал-Мухтасар меҳмонхонасининг 5 - қават, 504 - хонасига бирга жойлашдик. Бу ердаги шароит ҳам Маккадагидай.

Шом намозини Мұхаммад пайғамбаримизнинг масжидида ўқиб, қабрларини зиёрат қилдик.

9 июн куни эрталаб уйимизда бўлдик...

Озодлик нима дегани?

Агарда истиқол бўлмаганида муқаддас Ҳаж зиёратига бормогим мумкин эдими? Йўқ, албатта! Бунга мустақиллик туфайли эришдим. Бунинг учун минг карра мустақилликдан, унинг бошида турган қишилардан миннатдорман.

"Мустақиллик" деймиз. Мустақиллик нима?

Мустақиллик - Озодлик, Эркинлик ва Ўзлик!

Мустақиллик - бу Оллоҳ берган улуғ неъмат! Бу неъматни бизга 130 йиллик азоблардан кейин Президентимиз Ислом Каримов қайтариб берди.

Мустақиллик - маънавиятни англаш. Мустақиллик - тарихни тўғри тушуниш.

Мустақиллик - йўқотганларимизни қайтариб бериш.

Мустақиллик - ривожланиш.

Истиқлодан сўнг нафақат Ҳаж зиёратига бориш, қадим тупроғимизда қўним топган улуғ авлиёлар қадамжолари, муқаддас зиёратгоҳларига бориш, тавоғ этиш имкони ҳам яралди. Қадамжолар ободонлаштирилди, таъмиранди.

1995 йил 21 август куни Фарғона водийсидаги Шоҳимардон Қадамжосига зиёратта бориб келдим. Давлат вазифаларида ишлаб юрган кезларимда ҳам бир неча марта бу масканга йўлим тушган, лекин зиёрат яширин тарзда, гўёки "табият манзараларини томоша қилиш" тарзида ўтганди. Ҳибсга олинганимдан сўнг ҳатто шу зиёратгоҳларга борганим учун ва набирам Темурни қамалишимдан бир ҳафта муқаддам суннат қилдирганим учун менга "диндор" деган тамға остида сиёсий айб қўйишга уринишган...

1995 йиљининг 3 ноябр куни Шовот туманидаги Юсуф Хамадоний зиёратгоҳида катта маросим бўлди. Ҳалқ ҳашар йўли билан бу машҳур Қадамжони ободонлаштирилди, қатор иншоотлар қурилди. Ўша куни зиёратгоҳда Жума масжиди ҳам очилди. Вилоят раҳбарлари кекса фаоллар, ҳожилардан бир гуруҳимизни тантаналарга таклиф қилди.

Шу куни машхур аллома аз-Замахшарий таваллудининг 920 йиллиги муносабати билан Қўшикўтирида ҳам янги масжид очилди. Хивадаги Саёт қишлоғида Нажмиддин Куброннинг онаси Биби Ҳожар она ётган қабристонда Нажмиддин Кубро бобомиз таваллудининг 850 йиллиги муносабати билан йигилиш бўлди.

Истиқлолдан олдин бундай савоб ишлар ҳақида ҳатто орзу қилиш ҳам маҳол эди. Шўро давлати бундай жойларни куриш у ёқда турсин, борларини йўқоттириди.

1995 йил 23 ноябр куни Шукурулло ҳожи, Ниёзмат ҳожи, Солий ҳожи тўртвомиз Амударёning ўнг қирғоғидаги Норимжон ота ва Султон Увайс бобо қабристонларини зиёрат қилдик. 1997 йил 14 ноябр куни ҳожилардан Шукурулло, Ниёзмат, Салой, Қодир, Эркин, Ҳалилло, Ҳайятбой, Йўлдошбой биргаликда Бухорон Шариғфа отландик.

Юқорида мен эслатган инсонлар эл-юрга ва халққа хизмат қилишни, Оллоҳ йўлида хайри-эҳсон, таот - ибодат қилишни, одамларнинг тўй-маросимларида бош-қош бўлиб, улуснинг оғирини енгиллатишни ўзларининг мақсади деб билган зотлардир. Уларнинг ҳақ йўлидаги ҳалол хизматлари қадрланиб, эл-юрга катта обрў - эътибор топди.

Истиқлол ана шундай баҳтиёр кунларга етказди.

Мол-дунё ясанган келинчакка ўхшайди, дейдилар. Ҳамма унга талшинади ва кўплар бу йўлда жабр-жафо тортадилар.

Дунё тушга ўхшайди, дунё ўтқинчидир.

Умр бор йўғи уч кун:

- кечаги кун: у қайтмайди, ўтди - кетди;
- бугунги кун: унга шукр қил, қадрига ет;
- эртанги кун: унга етасанми - йўқми, номаълум.

Жазони ҳам, мукофотни ҳам Оллоҳ беради.

Золим бўлма, бугунги кучингга ишонма. Эртанги кун - охиратни доимо ёдда тут, унга тайёргарлик кўр.

Дўстга зор, душманга хор, номардга муҳтож қўймасин.

Қочиб кетган билан чўчиб кетганинг фарқи катта.

Тарихни унугмаслик керак. Юртбошимиз 1997 йил 20 октябрда Хиванинг 2500 йиллик тантаналарида Ҳоразм давлатининг қадимийлиги ва Маъмун академиясининг тарихий вазифаси ҳақда сўзлади ва сал ўтмасдан Маъмун академиясини қайта тиклаш ҳақида фармон чиқарди.

Ўтмишини қоралаган, ўтганларни дўйпослаган шўролар не бўлди?

...Яқинда элдош ва тенгдош, ёшлиқдан дўстим, академик Матёқуб Қўшчоновнинг "Халқ сўзи" газетасида босилган (1998 йил 16 январ) "Ҳоразм мўъжизаси" деган мақолосини ўқиб чиқдим. Уни ўқиб қандайдир ҳаяжон чулғади мени. Ҳаёлларимга эрк берганимни сезмай қолдим...

Бу мақола яқин ўтмишни - қызил империя деймизми, шўро тузуми деймизми, тоталитар давлат деймизми, зўравонлик замони деймизми, сира фарқи йўқ - яққол акс эттирган. Ўша йилларда қобиққа ўралган Қадриятларимиз - дунёдаги иккинчи илмий даргоҳ саналмиши - Маъмун академияси ҳақида жуда қизиқарли жикоя қилинган. Айни пайтда, илм-фан, саркардалик, ватанпарварлик, раҳбарлик соҳасида ўз юртига, ўз тупроғига садоқат билан хизмат қилган буюк боболаримиз ҳақида, уларнинг юрт равнағи, мустақиллиги борасидаги фаолиятларига тўхталиганинг юрт равнағи, мустақиллиги борасидаги фаолиятларига тўхталиган. Шўро даврида биз эса ана шу зотлар ҳақида фақат салбий фикрда эди. Тўғриси, улар ҳақида айтилган бирорларнинг салбий фикрларини онгимизга сингдиришди. Сингдиришди.

Дўстимизнинг ушбу мақоласини ўқиб, ўликларга тош отган тузумнинг тирикларга муносабатларини босиб ўтган ҳаёт йўлни, тортган жабрларим мисолида кўрдим. Кўп воқеалар ёдимга келди. Ўша давр сиёсатдонларининг онгиди ва қонида яхшилик эмас, зулм ва шубҳа кўпроқ эканига авваллар бироз гумонсираб қараган бўлсан, энди қатъий ишондим.

Ҳар давр, замон, тузумнинг ўзига хос томонлари, имкониятлари, яхши ва ёмон қиёфалари бўлади. Ҳаммасини ўз даври тарозиси билан ўлчамоқ даркор. Ана шунда салбий ва ижобий томонлар ўртасидаги одил мувозанатни аниқлаш, ҳар кимнинг тарихдаги ўрни, ролини белгилаш мумкин бўлади.

Бизнинг авлод урушдан чиқиб, яратувчанлик ишига киришган пайтда ўлкамизда аҳвол оғир эди. Хоразмда нима бор эди? Урганч шаҳрида бир кўча, районларда у ҳам йўқ. Завод-фабрикалар ҳақида хаёл сурин мумкин эди, холос...

Бугун вилоят аҳволини кўриб кўз қувонади. Қиска фурсатда, кўп машиққат ва меҳнат билан ўлка обод бўлди. Бу тузумнинг эмас, халқнинг тарих олдидаги хизмати натижасидир.

Эндиликда ал-Хоразмий яралган заминда буюк математиклар, Ибн Сино таҳсил олган юртдан улуғ ҳакимлар етишиб чиқдилар, чиқмоқдалар. Улар ишлапши, ижод қилиши учун ҳамма шарт - шароитлар муҳайёс. Буни бизга улуғ мустақиллик берди!

...Дўстим мақоласида ўтмишдаги улуғ боболаримиз меросини қайд қилиб, И.Каримов томонидан Маъмун академияси қайта ташкил Қилиниши ҳақидаги фармонни айни вақтида, истиқлол туфайли юзага чиққанини айтар экан, мазкур фармон ижросида озроқ сусткашлик ва пайсалга солиш ҳам борлигини яшириб ўтирумайди...

Мақолани ўқиб тилак қилдимки, адабиётшунос дўстим бу соҳадаги кемтикни тўлғазишга шахсан ҳисса қўшиб, ўзи кўтарган мавзуни кенгайтириб, чуқурлаштириб, Хоразмнинг бой тарихи, қадимий меросини адабий - илмий асосда тасвирлайдиган йирик асарлар яратса!

Илгари биз қоронғуда нина излаб умримизни ўтказдик. Зулматдан

адолат излаб умрлар хазон бўлди. Бугунги ҳаётдан нолиш, ношкур бўлиш - куфидри!

"Халқ сўзи" газетасида босилган "Халоскор ниқобидаги қаллоб" сарлавҳали мақолада машъум жаллод Гдляннинг Собиқ Иттилоғини тиклаш ҳавасига тушгани, бу ҳақда сўровлар ўтказиб, оммавий ахборот воситаларини минбар қилиб юргани ҳақида ёзилган. Гдлянга СССР нимага керак бўлиб ҳолди? Тағин бошқа халқларни эзиш, бутун бир миллатдан ўғри ясаш учунми? Кўр ҳассасини бир марта йўқотади! Халқимиз тағин қуллик занжирини бўйнига солишга ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда ҳам рози бўлмайди. Озодлик шундай неъматки, уни мол-дунё билан сотиб олиб бўлмас.

Бизлар - эски давр кишилари, ўтган замон авлодлари кексайдик, сафимиз кундан - кунга камаймоқда. Бугунги ёшлиар келажакда ҳур диеरда яшпайди. Бизлар имконимиз қадар ўз эсадаликларимизни ёзib қолдирмасак, гуноҳкор бўламиз. Чунки озодлик нималитини бизнинг қулликдаги умримиз бор бўйни билан кўрсатади...

Бизлар ватанимиз деб келган СССР ноаниқ тушунча эди. Ҳақиқий ватанимиз Ўзбекистон эканини энди билдиқ, англадик. Буни мустақиллик англатди бизга.

Озодлик бизга ҳамма нарсани берди. Динимиз ривож топмоқда. Айни пайтда, давлатчилик шаклланиши билан боғлиқ ўтиш даврида муаммолар ҳам йўқ эмас.

Қадим тарихи, машхур алломалари, бой маданий мероси мавжуд Хоразмнинг тарихидан, бугунидан фақат ҳақ гапни айтмоқ шарт. Бу ҳаммамизнинг бурчимиз. Бу йўлда хато қилишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ. Совет давлатига садоқат билан хизмат қиласиз, деб қилган хатоларимиз ҳар биримиз учун етиб ортади.

Озодлик - раҳбарнинг чўнгтаги эмас, халқнинг хазинаси учун ишлаш, курашишдир.

Донишманлар: "Манманга завол, камтарга камол", дейишган.

Яхшиларга ёндоштага камол топади, ёмонларга ёндошган адашади. Буни ўз ҳаётимда кўп кўрдим ва синадим.

...Одам кексайган сайин хотираларга суюниб, хаёлингга эрк берадиган бўларкансан. Бошидан кечирган ҳар бир воқеани таҳлил қилиш, баҳолаш имкони пайдо бўларкан.

Хўш, Гдлян ва гдлянчиларнинг мақсади нима эди? Адолатни тиклашми? Бу чўпчак. Гдлянчиларнинг бош мақсади халқни эзиш ва талаш эди. Гдлян вилоят, шаҳар, туман, корхона, хўжалик ва савдо ташкилотлари раҳбарларини менга қарши қўйниш билан ўз олдига икки мақсадни қўйган.

Биринчиси, ҳар қандай йўл билан бўлсин ўзини кўрсатиш.

Иккинчиси, одамларни талаш ва бойлик орттириш.

Ҳаёт - бу кураш. Баҳт - бу меҳнат. Ноумид шайтон, деганлар. Мен шундай тушундим ва тушунаман. Олма пиш, оғзимга туш, деб ётиш

**фалсафаси менга тамомила ёт!**

Яна хотираларга бериламан. Озодлик туфайли ҳаётимда кечгап воқеалар кўз ўнгимдан ўтаверади.

Бугун озодлик туфайли мен етмиш беш йиллик умримнинг энг мазмундор ва синовли дамлари ҳақида, адолат ҳақида, иймон ва хиёнат ҳақида, вафо ва жафо тўғрисида сўз айтмоқда журъат қилдим. Бирорнинг қамоқдаги фаолияттинг бошқаларга қандай боғлиқ томони бор, деб савол бергувчилар ҳам топилар. Йўқ, мен ўз ҳаётим, ўз тақдиримдангина сўз айтгаётганим йўқ. Шўро империяси бошимга солган мусибатли кунлар ёлғиз менга даҳидор эмас, у халқ бошига ёғдирган маломат ва тұхмат эди. Ўзбек халқининг оддий бир вакили сифатида миллатта отилган бўхтонни ушбу ҳикояларим орқали бартараф этмоқлашни мақсад қилдим. Буларни, аввало, фарзандларим, ҳаётга қадам қўяётган ёш авлод мутолаа ҳилса, уларга бир мисқол нафи тегса хурсандман. Озодлик йўтидаги инитилишларимиз, мақсадларимиз, халқимиз бошига тушган - чиятим шу.

## СҮНГИ СҮЗ

Умрим синовлар майдонидан иборат бўлди. Шўролар тузумининг барча даврлари, талотумлари, адолатсиз сиёсати елкамизга тушди. Ва, алқисса, энди мулоҳаза қылсан, ҳақиқатни тан олсан, тузумга эмас, халқа, эл-юргта қилган хизматларимиз қолган, холос.

Камина салкам эллик йиллик иш фаолиятимда кундаликлар - қораламалар юритмаганман. Бунга вақт ҳам, имкон ҳам йўқ эди.

Бизлар учун Оллоҳ таоло ињъом этмиш йигирма тўрт соатлик муддат иш, ўйлаш учун зўрга етарди. Бир оила ташвиши кишини қаритади, елкантда бир миллион кишининг ташвиши, рўзгори қайғуси турган одам эса ҳаётда неча умр яшайди. Вақтли қарийди, соғлигини йўқотади...

1986 йилнинг ёзи охирларида ногоҳон қамоққа олингач ва менга умримда тушимга кирмаган айбларни тақаш бошлангач, оила аъзоларим бошига қатагон шарпаси соя ташлагач, қўлимга қалам олдим. Ҳибсхонанинг тор, зах ва қоронги ҳужраларида ўтириб, бошимдан ўтганларни, терговчиларнинг зулмлари, алдовлари, сиёсатнинг бекарорлиги, тузумнинг адолатсизлигини оқ қофозга рақам этишини ихтиёр этдим. Ростини айтиш керак, ҳибсхонада бу кундаликларни қоралар эканман, озодликдан умидим деярли йўқ эди. Аммо ҳеч бўлмаганда шу қофозлар - дардим, ҳақиқатим, фожиаларим ёруеликка чиқар, деб умид қилганиман. Ахир жимгина жон таслим қилиш, кўнглинигдагини айттолмай кетишдан оғири борми!

Гдлян ва унинг ёвуз жазо гуруҳи бизларни муқаррар ўлимга аллақаҷон ҳукм қилиб ултургандилар. Шу боисдан улар менинг мунтазам равишда кундаликлар юритишими, "иш"ларим ҳужжатларини кўчиришиб, гувоҳлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимга эътиборсизлик билан қарадилар.

Судгача ва суд жараёни даврида оқловчи орқали кундаликлар, ёзувларимнинг бир қисмини фарзандларимга етказишга муваффақ бўлдим. Буларни ўқиб болаларим ҳақиқатни билиб отарлар, оталари ҳақида тасаввурга эга бўларлар, деб ўйлаганман.

Вақти келиб, озодликка чиқдим, тақдирни қарангки, муқаддас Ҳаж зиёратига бормоқ, Пайғамбаримиз ҳоки ётмиш тупроқни тавоғ этмоқ насиб қилди. Оллоҳининг даргоҳида тавбалар қилдим, ўтган умримдаги янглишишлар учун узрлар айтдим. Шундай кунларга мушарраф қилган истиқболга шукроналар билдиридим.

Бу қоғозлар, кундаликлар, умр хотираларим ёлғыз фарзандларимнинг мулки бўймаслиги керак, деган ўйга келиб, "Синовларда кечган умр" хотиралар китобимни чоп қилидирдим. Китобни аҳли эл илик қабул қилиди. Юртдошларимдан миннатдорлик мактублари олдим.

Менинг унутмаганиклиари, халқнинг дилида, элдошларим хотирасида яшаётганим, юрга қилган хизматларим ўз ўрнига тушаётгани ва мустақиллик боис ўтган куплар сабоқлари ҳақида яна сўз айтмоқ нияти туғилди. Салкам эллик босма табоқ ҳажмидаги кундаликлар, қамоқхона ҳужжатларини яхлит бир китоб ҳолида ўқувчиларга тақдим қилиш орзусига тушдим. Хасталик, кексалик боис уни кўнгилдагидек сизга тухфа қилолмаётганимдан ҳижолатдаман.

Муқаллас ҳадисларда: "Энг буюк жиҳот - ёвуз подшоҳ қаршисида айтилган ҳақ сўздир!" дейдилар. Бу китобим кечаги кун ҳақидаги, чин маънода ёвуз тузум, унинг икки юзламачи доҳийлари хусусидаги сўзим.

Ўзимни оқлаш ниятидан узоқман. "Оллоҳ беайб", деган мутлақ ҳақиқат бор. Фариншталик яратган эгам назарига тушган ҳилқатларга насиб этган. Осий бандалар сифатида ҳар биримизнинг маълум маънода, билиб-бilmай қилган озми-кўпми хатоларимиз, гуноҳларимиз бор. Ана шуларни вақтида, Оллоҳ даргоҳига етишмасдан олдин тан олмоқ қатта савобдир.

Айтмоқчи бўлганим, менинг тўғри тушунганилар, оғир фурсатларда қўллаганилар, ҳамдардлик билдирган танишларим, ҳамкасларим, яқинларимга Оллоҳ марҳамати насиб бўлғай!

Айтмоқчи бўлганим, турмуш ўрготим Ниёзжон мен билан ҳаётнинг барча аччиқ-чучугини тортди, мен учун қамоққа ўтирди, ҳибсоналарда яшашга бўлган умидимни сўндирамади. Ундан умрбод миннатдорман.

Айтмоқчи бўлганим, фарзандларимдан мингдан-минг розиман. Улар менинг сүянчиқларим, садоқатли кишиларим бўлдилар. Ана шу садоқат уларга фарзандларидан қайтсан!

Айтмоқчи бўлганим, элимиз тинч, осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин бўлсан!

...Ушбу рисолани тайёрлашда маслаҳатлари билан ёрдамлашган дўстларимга, маслакдошларимга, ижодкорларга ҳам Оллоҳ марҳаматини тилайман.

Оллоҳ барчамизни қўллаб, яхши кунларини бекиёс савобларини, улуғ марҳаматларини дариг тутмаган бўлсин, инишооллоҳ!

Урганч шаҳри.  
1997-1998 йиллар.

## ГУВОҲЛАР АНГЛАТГАН ҲАҚИҚАТ

Оқ сариқдан келган, бўйчан, жиддий, вазмин, ҳар бир гапни ўйлаб, мулоҳаза қилиб, лекин қатъият билан гапирадиган, ниҳоятда зиёли инсон Мадиёр Худойбергановни эллик йилдан ошиқ вақтдан бери биламан. Одатда, ҳаёт, вақт, даврнинг инсон тақдирига, характеристига, ҳаракатига, қомат, кўриннишига таъсир кўрсатиши табий. Аммо Мадиёр Худойбергановдаги юқорида санаб ўтганим хусусиятлар эллик йил илгари шаклланиб улгирган эди, десам хато бўлмас. Орадан ўтган вақт эса уни, тишиб-тиничимас, ишчаян йигитни ҳаётнинг паст-баландини англаган, қувонч-ташвишларини тотиб кўрган, синовларини бошидан кечирган инсонга айлантируди. Кўпчилик орзу қиласидиган яхши кексалик ато қилди.

...Эллигинчи йиллар. Турмушнинг аччиқларини, ташвишларини эрта тотган - ота-онасидан ёшлигида ажраб, ногирон момоси қўлида тарбия топган Мадиёр Шовот туманида раҳбарлик ишининг қийинчилкларини ҳам кўрди. Бу қийинчилклар нималардан иборат эди? Келинг, бу ўринда Мадиёрнинг ўз сўзларини келтира қолай: "Урушдан кейинги йилларда раҳбарлик янада оғир бўлган. Урушдан сўнгти етар-етишмовчилик. Қишлоқларимиз танг аҳволда. Одамлар иморат қуриш, яхши яшашни эмас, ҳалиям қорин қайгуси, тирикчилик гамини биринчи ўрнига қўйишарди. Лаънати уруш одамларни ҳам маънан, ҳам жисмонан майиб қилиб қўйганди. Урушдан қайтмаган навқирон йигитларнииг ёшгина оналари сочига тушган оқни кўриш оғир эди, бева ва етимларга таскин берадиган сўз топилмасди. Фарзандларини кута-кута қанча оналар ҳазондек сўлди. Ёш, бева қолган аёллар болаларини боқиши учун оила бошлигига айланипди. Уларнинг аёллик латофати турмуш ташвишларига кўмилди, севги - муҳаббат кўз ёшлирига айланди. Оила аравасини тортиб қадди до: бўлган аёлларни биламан. Фарзанди догоғи бағри куйиб адо бўлган боболар, момоларнинг саноги йўқ эди". Ниҳоятда ҳақ гаплар, бу ўша даврга берилган ҳаққоний баҳолардан биридир. Ана шундай аҳволга тушган одамларга раҳбарлик қилиш, уларга буйруқ беришгина эмас, гамига, дардига шерик бўлиш билан

төңг эди. Бундай дейишишимнинг сабаби бор. Бизлар раҳбарлик ишида ўша изма-из фаолият кўрсата бошлаганмиз. Лекин ишонч билан айтишим керакки, Мадиёр Худойберганов ана ўша оғир йилларнинг раҳбарлик синовларидан яхши ўтди. Халқ унга ишонди, у халққа суюнчиқ бўлди.

Эллигичи йилларнипг ўрталарида у Москвада таълим олди. Дунё кўриб, дунё таниган одамга айланди. Халқнинг ҳётини теранроқ англади. Юртга қайтгач, Хоразм обқўумининг тарғибот ва ташвиқот бўлимининг мудири, сўнг Хонқа, Хива, Кўшкўтири районларида биринчи котиб бўлиб хизмат қилди. У вилоятта биринчни котиб сифатида ўн саккиз йил раҳбарлик қилди. Шу йиллар мобайнида Мадиёр Худойберганов билан гоҳ иш юзасидан, гоҳ дўстона алоқаларимиз туфайли кўп учрашдик.

Эсимда, 1968 йилнинг 21 марта Республика Марказқўмининг қишлоқ хўжалик котиби сифатида Хоразмда чорвачиликни ривожлантиришга бағишланган йигилиш ўтказдим. Бу йигилишда М.Худойберганов янги котиб сифатида чорвачиликни ривожлантириш борасида катта муаммоларни ўртага ташлади. Дон етиширишни кўпайтириш, шу асосда дон мустақиллигига эришиш масаласини қўйди. Булар ерининг аҳволини, халқимизнинг яшаш шароитини яхшилашга хизмат қилишини назарий жиҳатдан асослаб берди. Бу долзарб масалалар эди. Лекин ўша пайтда, Москвага қарам бўлган юртимизда, катта оғаларимиз биздан фақат пахта талаб қилиб турган вақтда бундай масалалар ҳақида ўйлаш марказга қарши туриш, деб баҳоланаради. У бу масалаларни ўша йили май ойида Жиззахда бўлиб ўтган анжумандга ҳам кўтарди. Афсуски, бу масалалар ўша пайтларда эътиборсиз қолиб кетди. Бу муаммолар 1991 йил мустақилликка эришганимиздан кейин ўзининг ҳақиқиӣ па тўғри ечимини топди.

Шу ўринда яна бир воқеани эслаб ўтишни истардим. 1969 йилнинг эрта баҳори Хоразм ва Қорақалпоғистон учун ташвишли келди. Март миг ўрталарида Амударёда сув кўпайди. Дарёдаги сув музлаб қолган, ҳали эриб улгурмаганди. Янги келган сув дарё ўзанига сиғмай Дарғонотадан то Нукусга қадар чўзилган теграда тошқин хавфини тутғирди. Амударё ўзанидан анча паст жойлашган Хоразм воҳаси учун бу даҳшатли оғат эди. Ўшанда айрим билимдонлар дарёга сиғмаётган сувни Хоразмдаги каналларга оқизишини таклиф қилдилар. Мадиёр Худойберганов бу таклифни рад қилди, чунки бу таклиф воҳанин сувга бостириши, сув балосига гирифтор қилиш билан төңг эди. У бунинг ўрнига бошқа таклифни ўртага ташлади, дарё ёқасидан дамбалар тиклашга халқни

сафарбар этди. Ўн кунлар давомида халқ билан кечаю кундуз тиним билмай ишлади. Воҳани сув тошқини оғатидан асраб қолди...

Одатда бундай воқеалар, оғатни даф қилиш ҳақида сўз борганда халқ кучи асос бўлганилиги хусусида айтилади. Бу тўғри гап. Лекин шу ўринда биз халқнинг кучини тўғри йўналтира олган, уни яхшилик йўлида ишлата олган етакчилар фаолиятидан ҳам кўз юммаслигимиз керак. Мадиёр Худойберганов раҳбарлик даврида Хоразмда пахтачилик, дехқончилик билан биргаликда шоличилик, балиқчилик каби тармоқлар ҳам ривожланди, воҳа саноати юксалди.

Мен Мадиёр Худойбергановнинг бадиий адабиётта, тарихга қизиқишини, кўп китоблар ўқишини билардим. Лекин кундаликлар ёзиб боришидан, изходга рағбати борлигидан бехабар эдим. Ўтган йили унинг "Синовларда кечган умр" деган китобини ўқиб чиқдим. Очигини айтиш керак, бизда ҳали биографик жанрда асарлар яратиш мукаммал даражада шаклланмаган. Шу сабабли бу китобни фақат "ўз таржимаи ҳоли"дан иборат асар бўлса керак, деган ҳадик билан қўлга олдим. Ҳадигим асоссиз экан. У китобида нафақат ўша давр тақдирини, халқ қисматини, замондошлари фаолиятини ҳам зукколик билан ёритган. Ўша даврга, тузумга, раҳбарлар фаолиятига, шўролар давлатининг тартибларига ҳақонийлик билан баҳо берган. Мен китобни курсандлик билан ўқиб чиқдим. Уни бир оғиз сўз билан Хоразмнинг яқин ўтмишда кечган қирқ-эллик йиллик тарихининг қайдномалари, халқимиз ҳаётининг йилномаси, деб атаган бўлардим. Асарда собиқ шўролар давлатининг халқимиз бошига соглан азоблари, истиқололга эришгунга қадар кўрган қийинчиликлари, адолатсизлик туфайли тортган машаққатлари ўз ифодасини топган.

Мен бу давлатда раҳбарлардан бири сифатида ишлаганим учун унинг ички, кўпчиликка маълум бўлмаган сирларидан ҳам, фожиаларидан ҳам хабардорман. Йигирма чи, ўттизинчи йилларда халқимизнинг бойлари, ишбайлармонлари, зиёлллари, йўлбошчилари йўқ қилинди. Қирқингчи йилларда юрт ўглонлари уруш майдонларида, ишчи батальонларида қирғинга учради. Эллигинчи йилларда урушдан омон чиққанларни Сталин шахсига сигиниш даври бағрига олди. Олтмиш-етмишинчи йилларда халқимиз қул сифатида ишлатилди, бойлигимиз Московга ташиб кетилди. Саксонингчи йилларда халқимиз "Пахта яши" дея яна қатагон қилинди. Ана шундай даврда раҳбарлик лавозимида ишлашнинг азобларини бир тасаввур қилинг. Тепада берилган буйруқни бажариш, тўғрини - ўғри, яхшини ёмон дейишинг шарт. Бу ишларни қиласай

десанг, виждонинг қийналади. құлмасанг, сени мииллатчиликда айблашади. Умуман, собиқ иттифоқдаги раҳбарлардан бироргаси фаолиятини ё тұхматта учраб номи бадном бўлмасдан, ё қамалиб жиноятчига айланмасдан якушлаганини топиш қийин. Мадиёр Худойберганов ҳам хизматлари учун салкам беш йил қамоқ жазоси билан "сийланган"лардан бири бўлди. Бу мустамлакачилик даври зўравонларининг қарам ҳалқларга нисбатан муносабатларидан бири эди ва бу хусусият ўша даврда тўла намоён бўлди.

Мен Мадиёр Худойбергановнинг "Синовларда кечган умр" китобидан кейин унинг давомини, ҳаётининг қамоқхонада кечган қисми ҳақида ёзилган асарини кутган эдим. Ҳалққа хизмат қўлган, лекин ноҳақ жиноятчига айлантирилган инсоннинг жим туриши мумкин эмас эди. Ҳудди мен кутгаңдай бўлди. Мана, қўлимда унинг қўлёзмаси: пахта етиштириш йўлида жонбозлик қўлган, бироқ ноҳақ жиноятчига айлантирилган минглаб бегуноҳ инсошлар қисмати, адолатсиз жамиятнинг баттол қозилари, ҳалқимизни талаш учун шўролар марказидан ташланган муттаҳамлар қўлмишлари, ҳақоратланган юрт ва миилат... Булар ҳақида битилган сўзларни бепарво ўқиши мумкин эмас. Қамоқхонада битилган бу кундаликлар бизни ўша ердаги ҳаёт билан, одамлар ўргасидаги ўзаро муносабатлар, ҳақиқат ва бўхтонлар билан, демократия, сўз эркинилги юксак деб жар солинган собиқ шўролар давлатидаги адолатсизликлар билан яқиндан таништиради. Китобни ўқиб, ҳар қандай одам шуидай хуносага келади: собиқ иттифоқ ўз-ўзини, ўзига хизмат қўлганларини маҳв этиш асосида барпо этилган давлат экан. Бундай давлатининг ўзиниш ҳам маҳв бўлиши табиий эди. Тарих бу ҳукмни тасдиқлади.

Қўлёзмани ўқиши жараёнида бир нарсадан ниҳоятда қувондим. Муаллиф унда фақат ўз шахсий ташвишлари, ғам-аламлари, панжаралар ортида тортган азоблари билан ўралашиб қолмайди. У тенгдошлари, қамоқ, ноҳақ бўхтон, азобларни бошидан кечирган бошқа инсонлар тақдиди, уларнинг ўй - ишлари, энг оғир дақиқаларда памоён бўладиган инсоний муносабатларни ёрқин очиб беради. Бутун бир мамлакатининг тургунилик ҳолатини, уни шундай кўйига солган раҳбарларининг фаолият тарзини яққол кўрсатади. Ушбу қўлёзма бизга яқин ўтмишимизниң даҳшатларини, умримиз кечган, хизматимиз синган давлатининг фожиаларини акс эттиради. Мустақиллик, озодликнинг қандай масрур сўз, улуғвор туйғулитини англашади. Истиқболга эришган ўз давлатимизга нисбатан қалбларда энг эзги муҳаббат уйғотади. Азоблар, фожиалар эвазига бўй кўрсатган ҳақиқатдан оғоҳ этади.

Мадиёр Худойберганов "Синовларда кечган умр" китобида "Тарих-

босиб ўтилган йўл. Бу йўл гоҳ тўгри, гоҳ эгри, гоҳ равон, гоҳ нотекис бўлиши мумкин. У қандай бўлмасин, ортга қайтмайди. Шундай экан, тарих яхшими, ёмонми, холис ўрганилмоғи, қандай мавжуд бўлса, шундай тадқиқ этилмоғи керак", дейди. Ҳақ гап! Унинг хотиралар, эсдаликлар, кундаликларидан иборат бу қўлёзмасининг - бўлгуси янги китобининг қадр - қиммати ҳам ана шунда, деб ўйлаиман. Ахир, кечаги куннинг ҳақиқатини, англаётганимиз азобларини шу воқеаларнинг, тарихнинг тирик гувоҳлари бўлган бизлар айтмасак, ким айтади?!

*Назар МАТЧОНОВ*

## М У Н Д А Р И Ж А

<b>МУҚАДДИМА .....</b>	<b>3</b>
I боб. Жаҳанипам азоблари .....	9
II боб. Ўзимни танимай қолдим .....	30
III боб. Менинг айбим нимада? .....	49
IV боб. Таркибида жинои ҳаракатлар бўлмагани учун .....	68
V боб. От айборми, йўлми? .....	83
VI боб. Суд арафасида: қуним кимларга қолган .....	95
VII боб. Болтадан қалам кучли чиқди .....	109
VIII боб. Ҳимоячи сўз сўрайди .....	114
IX боб. Суд: сўнгти сўзим .....	131
X боб. Қози адолатсиз бўлса .....	141
XI боб. Озодлик узоқ эди .....	145
XII боб. Аждаҳо комида .....	159
XIII боб. Озодлик нима дегани? .....	168
<b>СЎНГТИ СЎЗ .....</b>	<b>176</b>
<b>Назар Матчонов. Гувоҳлар англатган ҳақиқат .....</b>	<b>178</b>

**Мадиёр Ҳудойберганов**

**Әгилган ҳақиқат,  
сўнмаган умид**

**Муҳаррир: К.Муҳаммад Ёқуб**

**Рассом: Ҳ.Содиқов**

**Техник мұхаррир: Ҳ.Сайдалиев**

**Мусадиқ: Н.Умарова, Н.Сайдалиева**

**Дизайн ва макетлаштирувчи: Мясников А.Г. (088) 8079**

**ИБ № 3912**

Тершілдегі берилген: 01.08.2000 йыл. Босншы рухсат этилди 01.11.2000 йыл. Бағында  
60x90  $\frac{1}{16}$  "Таймс" гарнитуралада. Офсет босма усулида босылды. Шартлы босма тобоқ 19,7.  
Нацр тобоги 12,0. Адади 4000 нұсқа. Буюртма № 124-2000 рақамлы шартнома. Бағосы  
келишилгандарда.

Ўзбекистон Республикаси Ҷавлат матбуот құмитасының Рафур Ғулом номидагы  
Адабиёт ва салынат напрөти. 700129, Тошкент, Навоий күласи, 30.



